ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

“Самарқанд иқтисодиёт илмий мактаби”

«УЧИНЧИ РЕНЕССАНСНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ШАРОИТИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ВА ТАЪЛИМ ХИЗМАТЛАРИ СОҲАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИ»

Самарқанд иқтисодиёт илмий мактабининг асосчиси Исмат Тўхтаевич Абдукаримовнинг 90 йиллик юбилейига бағишланган халқаро илмий-амалий анжуман МАТЕРИАЛЛАРИ ТЎПЛАМИ

(I қисм)

(2022 йил 18-19 февраль кунлари)

САМАРҚАНД – 2022

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

ТАМБОВ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ,

ҚАРШИ МУХАНДИСЛИК ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ,

«ИПАК ЙЎЛИ» ТУРИЗМ ВА МАДАНИЙ МЕРОС ХАЛҚАРО УНИВЕРСИТЕТИ,

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ САМАРҚАНД ФИЛИАЛИ

Самарқанд иқтисодиёт илмий мактаби асосчиси Исмат Тўхтаевич Абдукаримовнинг 90 йиллик юбилейига бағишланган халқаро илмий-амалий анжуман

«УЧИНЧИ РЕНЕССАНСНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ШАРОИТИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ВА ТАЪЛИМ ХИЗМАТЛАРИ СОҲАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИ»

(I қисм)

2022 йил 18-19 февраль

САМАРҚАНД – 2022

МИНИСТЕРСТВО ВЫСШЕГО И СРЕДНЕГО СПЕЦИАЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

САМАРКАНДСКИЙ ИНСТИТУТ ЭКОНОМИКИ И СЕРВИСА

ТАМБОВСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ,

КАРШИНСКИЙ ИНЖЕНЕРНО-ЭКОНОМИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ,

МЕЖДУНАРОДНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ ТУРИЗМА И КУЛЬТУРНОГО НАСЛЕДИЯ «ШЕЛКОВЫЙ ПУТЬ»,

САМАРКАНДСКИЙ ФИЛИАЛ ТАШКЕНТСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО ЭКОНОМИЧЕСКОГО УНИВЕРСИТЕТА

“Самаркандская научная школа экономики”

“ПРОБЛЕМЫ РАЗВИТИЯ СФЕРЫ УСЛУГ И ОБРАЗОВАНИЯ В УСЛОВИЯХ СТАНОВЛЕНИЯ ТРЕТЬЕГО РЕНЕССАНСА”

СБОРНИК МАТЕРИАЛОВ
международной научно-практической конференции, посвященной 90-летию основателя Самаркандской научной школы экономики И.Т.Абдукаримова
(часть 1)

(18-19 февраля 2022 г.)

САМАРКАНД– 2022

Учинчи ренессансни шакллантириш шароитида хизмат кўрсатиш ва таълим хизматлари соҳаларини ривожлантириш муаммолари. / Халқаро илмий-амалий конференцияси материаллари (I қисм). 2022 йил 18-19 февраль кунлари. Самарқанд, СамИСИ, 2022. – 260 бет.

Нашр учун масъул:
М.Қ.Пардаев – иқтисод фанлари доктори, профессор

Таҳририят кенгаши раҳбари:
М.Э.Пўлатов – иқтисод фанлари доктори, профессор

Таҳририят кенгаши аъзолари:
М.М.Мухаммедов – иқтисод фанлари доктори, профессор,
Ж.Р.Зайналов – иқтисод фанлари доктори, профессор,
И.С.Тухлиев – иқтисод фанлари доктори, профессор,
О.Муртазаев – иқтисод фанлари доктори, профессор,
Р.Х.Эргашев – иқтисод фанлари доктори, профессор,
В.И.Абдукаримов – иқтисод фанлари доктори, профессор,
Н.А.Ибрагимов – иқтисод фанлари доктори, профессор,
К.Б.Уразов – иқтисод фанлари доктори, профессор,
Қ.Ж.Мирзаев – иқтисод фанлари доктори, профессор,
А.Эштаев – иқтисод фанлари доктори, профессор,
С.Н.Ташназаров – иқтисод фанлари доктори, профессор,
А.Н.Холиқулов – иқтисод фанлари номзоди, доцент,
Д.Ҳ.Холмаматов– иқтисод фанлари номзоди, доцент.

Саҳифаловчи: Ҳилола Очилова, Умида Равшанова

Анъанавий илмий-амалий конференция материалларида учинчи ренессансни шакллантириш шароитида хизмат кўрсатиш ва таълим хизматлари соҳаларини ривожлантириш муаммолари ва уларнинг ечимлари, соҳанинг алоҳида тармоқлари самарадорлигини ошириш истиқболларига оид масалалар ёритилган. Унда учинчи ренессансни шакллантириш шароитида иқтисодиётнинг назарий ва методологик муаммолари ва уларни ҳал қилишнинг стратегик йўналишлари, хизмат кўрсатиш соҳасида аҳоли бандлиги, фаровонлиги, яшаш сифати ва даражасини ошириш масалалари, туризм соҳаси самарадорлигини ошириш механизмлари, ривожлантириш тенденциялари ва истиқболлари, менежмент ва маркетингни, инвестицияларнинг ўрни ва молиявий муносабатларни, бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил, аудит ва статистика фанларини такомиллаштириш масалалари, рақобатбардош кадрларни тайёрлашни такомиллаштириш муаммоларини ҳал қилишга қаратилган илмий-назарий ва амалий тавсияларга бой мақола ва тезислар ўрин олган.

Олий ва ўрта махсус ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари, талабалари, магистрлар, таянч докторантлар, докторантурада таҳсил олувчилар, мустақил изланувчилар ва соҳа мутахассисларига мўлжалланган.

Мақолалар муаллифлар таҳририда босилмоқда. Уларда келтирилган рақамлар, фактлар, хулоса ва тавсияларга муаллифлар масъул. Уларнинг айрим фикрлари ташкилий гуруҳ қарашларига тўғри келмаслиги мумкин.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2022

ИНСОН, ОЛИМ, УСТОЗ, ДЎСТ...

Самарқанд иқтисодиёт илмий мактаби асосчиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Халқаро информатика фанлар академияси академиги, устоз Исмат Тўхтаевич Абдукаримов (1932-2019 й.й.) ҳақида сўз

Инсоний фазилати юқори бўлган одам ҳақиқий олим бўлар экан. Ҳақиқий олим беназир устоз. Бундай қалби пок инсонлар чинакам дўст бўлар экан. Бундай фазилат соҳиби устозим Исмат Тўхтаевич Абдукаримиовда мужассам эди. Мен бу устозим ҳақида жуда “кўп “ нарсалар ёздим. Аммо ҳали очилмаган қирралари жуда кўп. Мен мазкур мақолада устозимнинг Менга ибрат бўлган жиҳатларигагина қисқача тўхталмоқчиман, халос.

Биринчи ибрати, домла **ўта камтар** эди. Ўзига ўта талабчан, лекин бошқалардан бирорта ортиқча нарсани талаб қилиб, вақтини олмас эди. Бошқаларга малол келмасин, деган шиор билан ишлар эди. Лекин фанга қолганда вақтида бажармасангиз бошқа имкони йўқ эди. Ҳеч кимга қаттиқ гапирмасада, лекин айтганини нимагадир кечиктиришнинг имкони йўқдек ҳис қилар эдик.

Иккиинчи ибрати, **янги фикр юзага чиқсин, дунёни кўрсин**, дер эди. Бир кун илмий мавзу устида суҳбат қилиб ўтирган эдик. Менимча анча янги фикрлар айтилган бўлса керак. Менга айтиб қолди: қачон бир янги фикр пайдо бўлиб қолса, уни албатта ёзиш керак. Ёзиб ташлаб қўймасдан, бирор жойда чоп қилиш лозим. Акс ҳолда, бироз вақтдан кейин у Сиз учун эскириб қолади гуё. Кейин шу ҳолатда қолиб кетади. Бу ғоя асрлар давомида яшаши мумкиндир балки. Шу туфайли ғояга беписандлик қилманглар, уни дарҳол ёзиб нашр қилиб қўйинглар. Мухими одамлар фойдалансин, дер эдилар.

Учинчи ибрати, **илмий иш билан тизимли шуғулланиш керак**, деб уқтирган. Бирор кун вақтим бўлмади десангиз, бу уч марта такрорланса одатга айланиб қолади. Кейин кўп нарсани йўқотганингизни ҳис қилган пайтингизда кеч бўлади, деган эдилар. Домланинг бу ибратидан ўзимга олган нарсам 1974 йилдан буён ҳар куни камида 1 бет ёзишга одатланганман. Мана оқибати, барча нашр қилган ишларимнинг умумий сони 2300 тадан ошиб кетди. Бир суткадаги 24 соатнинг маълум қисмини ҳар куни илмий ишга, ёзишга бағишлайман.

Тўртинчи ибрати, **ёзма ва оғзаки нутқ бир-биридан кескин фарқ қилмасин**, дер эди. Нимани айтмоқчи бўлсангиз шундай ёзинг. Гапингиз тушунарли ва содда чиқади, дер эди. Шунга ўрганганман. Мураккаб мавзу бўлса ҳам бир кишига уни гапириб, тушунтиргандек ёзаман. Оқибатда содда ва тушунарли чиқади. Шу туфайли айрим ишларим гуё илмий эмасдек туюлади. Чунки илмни тушнарли қилсангиз одамларга у бор

нарсадек туюлади, мураккаблаштириб ёзсангиз, фандек туюлади. Аслида фан ва илм содда ва тушунарли тилда ёзилиши керак.

Бешинчи ибрати, фанда "**рост гап ҳам йўқ ва ёлғон ҳам эмас**", деб тушунтирган. Агар ғоянгизни назарий ва амалий жиҳатдан исботлай олсангиз у ҳақиқий илм, агар уни исботлай олмасангиз ҳеч кимни ишонтира олмайсиз. Бу гуё ёлғондек туюлади. Шу туфайли бирорта янгиликни ихтиро қилсангиз, унинг ҳақиқийлигини нафақат назарий, балки амалий жиҳатдан ҳам исботлай оладиган бўлинг. Агар шундай ҳолатга етмасангиз бошқалари ҳам сарсон қилманг, дер эдилар. Бу айниқса иқтисодий таҳлилга жуда мос эди. Бирорта формулани ихтиро қилсангиз, албатта унинг амалий натижасини кўрсатмагунча тан олмас эди. Бу ҳаётимда, шогирдларнинг илмий фаолиятида катта маёқ сифатида хизмат қилиб келмоқда.

Олтиинчи ибрати, **домлада ҳасад ва кибрдан йироқ одам** эди. Буни на гапида, на ҳаракатид сезмаганман. "Бу ким бўлибди, менга бундай гапиришга", "Сен кимсан ўзи бунақа қилишга" каби сўзларни 50 йилдан ортиқ бирга фаолият кўрсатиб, бирор марта эшитмаганман. Иқтисодий таҳлил фани бўйича у кишининг айтгани айтган, дегани деган эди. Аммо бирор марта шу ҳисни ўзида сезмаганмиз.

Мамаюнус Пардаев – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти профессори, иқтисодиёт фанлари доктори, "Турон" ФА Академиги, домланинг шогирди.

УСТОЗ ИСМАТ ТЎХТАЕВИЧ АБДУКАРИМОВНИ ХОТИРЛАБ

Иқтисод фанлари доктори, Самарқанд кооператив институти (ҳозирги Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти) ва Россия Федерацияси Тамбов давлат университети профессори, Халқаро Информатизация академиясининг ҳақиқий аъзоси Исмат Тўхтаевич Абдукаримовни ҳақли равишда иқтисодиёт илмининг мутафаккири сифатида эътироф этиш ўринлидир. Бу олимнинг чоп этган илмий ишлари, дарсликлари ўтган асрнинг 70-йилларидан бошлаб олдинги Иттифоқ матлубот кооперацияси барча олий ва ўрта-махсус таълим муассасалари илмий изланишларида ва ўқув жараёнида қўлланилиб келинди. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда, кейинчалик Россияда чоп этган илмий ишлари ва дарсликлари ҳозирги кунда иқтисодиёт йўналишидаги таълим муассасалари кутубхоналарида кенг фойдаланиб келинаятган адабиётлар қаторидан ўрин топди.

Устозни ҳамкасабалари, унинг сермазмун маърузаларини тинглаган талабалари ҳозиргача эслаб келишади, ҳар бир суҳбатда олимнинг билими, маҳорати, инсонийлик сифатлари ҳақида янги-янги мисолларни эшитамиз,

фахримиз янада кучаяди. Бугунги кунда ҳаётдан кўз юмган бўлсаларда, бу инсон ҳақидаги хотиралар ҳар биримиз учун сабоқ бўлиб келади.

Бу хотиралар асосида олий таълим муассасаси ёш ўқитувчилари учун қанақа сабоқлар бўлиши мумкин?

Биринчидан, ўзининг илмий изланиш соҳасини чуқур эгаллаш, унинг энг устаси, билимдони бўлиш. Исмат Тўхтаевич иқтисодий таҳлил, матлубот кооперацияси барча тармоқлари молиявий-хўжалик фаолияти таҳлилини такомил эгаллаган йирик олим, мутахассис эди. Унинг изланишлари, чоп этган илмий ишлари ҳамда дарсликлари иқтисодий таҳлилни чуқурлаштиришга, матлубот кооперацияси барча тармоқларини ҳамда хўжалик субъектлари фаолиятининг молиявий, меҳнат ва моддий ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини қамраб олишга қаратилган бўлиб, олим назаридан иқтисодий таҳлил босқичма-босқич такомиллаштириб борилган.

Иккинчидан, умр давомида ўз устида ишлаш, изланишда бўлиш, ўзгараятган иқтисодий муҳитга қараб иқтисодий таҳлилни қўллаш янги йўналишларини аниқлаш, уни хўжалик субъектлари тараққиётига қаратиш. И.Т.Абдукаримов ўтган асрнинг 60-70-йилларида иқтисодий таҳлил соҳасида дастлабки изланишлари административ тизимда тежамкорлик, харажатлар самарадорлигини оширишга қаратилган бўлса, 80-йилларда корхоналар фаолияти шаффофлигини таъминлашга, уларнинг иқтисодий салоҳиятига асосланган баҳо беришга қаратилган эди. Мустақиллик йилларида бозор иқтисоди таомиллари жорий этила борган сари, олимнинг изланишлари хўжалик субъектлари ишлаб чиқараятган маҳсулотлар таннархи таҳлили, маҳсулотнинг бозордаги рақобатбардошлигини ошириш тавсияларини ишлаб чиқишга қаратилган.

Шу билан бирга, улуғ ёшда ўз илмий-педагогик фаолиятини Россия Федерацияси Тамбов давлат университетида давом эттириш даврларида бу мамлакатнинг бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи ҳамда молиявий ҳисобот бўйича қонунчилигини чуқур ўрганиб, иқтисодий таҳлилни такомиллаштириш бўйича илмий изланишлари ва дарсликлари чоп этилди.

Салоҳиятли, ўз йўналиши мутахассиси ҳар қандай аудиторияда очиқ ва асосланган мулоқот, баҳс қила олар эди. Менинг кўз ўнгимда унинг АҚШ профессори Нилс Сков, Буюк Британия профессори Крис Найт билан иқтисодий таҳлил, бозор таомиллари бўйича муҳокамалари, натижа - у кишига нисбатан чексиз ҳурмат, эътироф.

Ихтисослашган кенгашларда олимнинг кўтарилган мавзуларга ўзининг мустақил, беғараз ва компромиссиз муносабати бўларди, ўз саволлари ва чиқишларида уларни асослаб берарди, барча аъзолар унинг саволларини қизиқиш билан, номзодлар ҳайиқиш билан кутишар эдилар. Бу ҳолатлар Тамбов давлат университети қошидаги ихтисослашган кенгашдаги номзодлик ва докторлик диссертациялари ҳимояларида яққол намоён бўларди.

Учинчидан, доимо назарияни амалиёт билан узвий боғлиқликда ўрганиш, изланишлар натижадорлигини таъминлаш. Олим дастлабки илмий ишлари ва услубий қўлланмаларидан бошлаб то охирги изланишларигача аниқ корхона, тармоқни ўрганган ҳолда, ўзининг назарий ёндашишларини иқтисодиётда қўллаган ҳолда асосланган хулосалар ва тавсиялар беришга қаратиб келган. И.Т.Абдукаримов корхоналар раҳбарлари, иқтисодчилари билан аниқ муаммолар бўйича мунозаралар қилишга, корхоналарга чиқиб, яқиндан танишишга интилиб келган.

Тўртинчидан, ўқитувчи, лектор сифатида ҳар бир дарсга чуқур тайёргарлик кўриш, уни юқори савияда ўтказиш. Олим ўзининг педагогик фаолиятида доимо аудиторига тайёр ҳолда кирар, ҳар бир драсда педагогиканинг барча принципларини қўллар эди. Унинг дарсларини кундузги курс талабалари ҳам, сиртқи бўлим талабалри ҳам, малака ошириш тингловчилари ҳам катта қизиқиш билан эшитишарди, унда давоматни текшириш ўринсиз эди – сўзсиз доимо тўла аудитория, катта қизиқиш билан ўтадиган дарслар. Олим дарсларни сифатли ўтказишга барча салоҳиятини қаратар эди.

Бешинчидан, шахсий интизом, вақтни қадрлаш ва режалаштириш. Олим ўзининг иш ва дам олиш вақтларини режалаштирар, унга қаттиқ риоя қилишга ҳаракат қилар эди. Дарсларга, учрашувларга ўз вақтида келадиганларни ҳурмат қилар, кечикканларга танбеҳ беришни ўринли деб ҳисоблар эди.

Юқорида келтирилган сабоқларни ҳамкасабаларимиз томонидан ўрганилиши, қабул қилиниши, қўлланилиши, бир томондан, олим, профессор-ўқитувчи салоҳиятини оширишга хизмат қилса, иккинчи томондан, оламдан ўтган устоз мисолида якка бир инсон жамият ривожига қанчалик буюк ҳисса қўша олишини кўрсатади.

Устознинг хотиралари қалбимизда мангу бўлади!

Н.А. Ибрагимов – Самарқанд вилоят ҳокимининг маҳаллий саноатни ривожлантириш масалалари бўйича ёрдамчиси, и.ф.д., Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти профессори в.б., Халқаро Информатизация ва Турон академиялари ҳақиқий аъзоси

О ОТЦЕ Д.Э.Н., ПРОФЕССОРЕ АБДУКАРИМОВЕ ИСМАТ ТУХТАЕВИЧЕ, ПОЛУЧЕННЫЕ ОТ НЕГО УРОКИ ЖИЗНИ.

Вот уже три года как нет с нами моего отца Абдукаримова Исмат Тухтевича. К сожалению, жизнь так устроена, что только когда уходят близкие люди, начинаешь понимать всю цену и значимость потери.

Для меня он был и остается примером как «человека с большой буквы».

Я всегда поражался его целеустремленности и желанию быть всегда впереди. Он рассказывал, как молодой парнишка из Узбекистана поехал после окончания техникума учиться в Ленинград в Финансово-экономический институт. Тогда было организовано учеба лучших выпускников финансовых техникумов со всех республик Советского Союза.

Кроме того, что Исмат Тухтаевич был одним из лучших студентов, он активно занимался боксом, занимал первые места в Первенстве в Ленинграде, стал чемпионом общества Наука СССР. Он многое рассказывал, как тренировался на сборах с известными боксерами мирового уровня: Шатковым, Попенченко, Щоцкасом и др. Кроме этого, мой отец за короткое время научился ходить на лыжах, получить удостоверение инструктора и водить группы зимой с ночевкой на 7-10 дней в составе россиян, которые с детства ходили на лыжах. Это характеризует Исмат Тухтаевича как целеустремленного человека, который не боялся трудностей и успешно их преодолевал. Его кредо было быть всегда лучшим.

Благодаря примеру отца я уже со школьных лет занимался тоже боксом, а затем продолжил выступать на ринге, когда поступил учиться во Львовский торгово-экономический институт, выполнив норматив кандидата в мастера спорта СССР. Занятие спортом мне значительно помогло в дальнейшей жизни.

Исмат Тахтаевич был и остается примером как хороший дедушка. Он всегда, очень много внимания уделял внукам. Благодаря его вниманию и влиянию мой сын и его внук Фарход активно занимался контактным карате кекусинкай, неоднократно становился чемпионом ЦФО, дважды чемпионом России, участвовал в составе сборной России на Первенстве мира, выполнил квалификацию кандидата в мастера спорта России. В настоящее время Фарход работает в центральном аппарате ЦБ России.

Исмат Тухтаевич обладал талантом хорошего ученого и преподавателя. Я еще в 6 лет видел как он учился с моей мамой, Ксенией Филиповной в аспирантуре в Плехановском институте в г.Москве и для меня уже с малого возраста был определена цель в жизни – стать ученым и преподавателем, достойным своих родителей. И я благодарен судьбе, что мы с отцом работали как коллеги, в начале, в Самаркандском кооперативном институте, а затем в Тамбовском государственном университете им. Г.Р.Державина, совместно участвовали в заседаниях регионального диссертационного совета, где я был зам председателя Совета.

Мой отец всегда ценил дружбу. У нас часто собирались его друзья, общались, обсуждали работу и жизненные планы, радовались успехам друг друга. Еще с детства я понял цену дружбы и мне это по жизни очень помогло – и в школе, в институте, в аспирантуре, докторантуре, там где я работал, как в Самарканде, во Львове, в Москве, и когда переехал в Тамбов.

Я благодарен отцу, что он нашел в себе силы и переехал жить и работать в Тамбов. Хотя я очень, понимаю, как для него было трудно принять данное решение. Выбор он сделал из-за желания быть рядом с семьей. Благодаря этому мне значительно легче было адаптироваться к новым условиям.

Я благодарен коллективу, руководству Самаркандского института экономики и сервиса за память о моем отце, Исмате Тухтаевиче, о функционировании экономической школы, проводимой его учениками. Для него это не сомневаюсь лучший подарок в честь его памяти….

В.И.Абдукаримов – д.э.н., профессор, помощник ректора по связям с СНГФГБОУ ВО «Тамбовский государственный университет имени Г.Р. Державина»

I ШЎЪБА. “УЧИНЧИ РЕНЕССАНСНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ШАРОИТИДА ИҚТИСОДИЁТНИНГ НАЗАРИЙ ВА МЕТОДОЛОГИК МУАММОЛАРИ ВА УЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШНИНГ СТРАТЕГИК ЙЎНАЛИШЛАРИ”

С.С. Гулямов – Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитаси тасарруфидаги Малака ошириш ва статистик тадқиқотлар институти «АКТ ва рақамли иқтисодиёт» кафедраси мудири, Академик, иқтисодиёт фанлар доктори, профессор,

М.Қ.Пардаев – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти профессори, иқтисодиёт фанлари доктори, “Турон” ФА Академиги

ЎЗБЕКИСТОНДА УЧИНЧИ РАҚАМЛИ РЕНЕССАНС СТРАТЕГИЯСИНИНГ АСОСИЙ МАҚСАДИ – АҚЛИЙ КАПИТАЛИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Аннотация: мақолада учинчи рақамли ренессанс учун янги атамаларни ишлаб чиқиш йўллари ёритилган. Бунда цивилизациянинг глобал муаммоларини ҳал қилиш учун жамоавий интеллектни ривожлантириш учун “ақлли рақамли таълим”нинг янги модели ишлаб чиқилган. “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегиясини амалга ошириш учун таълим ва ақлли тиббиётни такомиллаштириш бўйича тавсиялар берилди.

Калит сўзлар: учинчи рақамли ренессанс, рақамли технологиялар, коллектив рақамли ақл, цивилизациянинг фаровонлиги, цивилизациянинг хавфсизлиги.

Аннотация: В статье описаны пути разработки новых терминов третьего цифрового ренессанса. В то же время разработана новая модель «умного цифрового образования» для развития коллективного разума для решения глобальных проблем цивилизации. Даны рекомендации по совершенствованию образования и умной медицины для реализации стратегии «Цифровой Узбекистан 2030».

Ключевые слова: третий цифровой ренессанс, цифровые технологии, коллективный цифровой разум, процветание цивилизации, безопасность цивилизации.

Abstract: The article describes ways to develop new terms for the third digital renaissance. At the same time, a new model of "smart digital education" has been developed to develop collective intelligence to solve global problems of civilization. Recommendations were made to improve education and smart medicine to implement the Digital Uzbekistan 2030 strategy.

Keywords: third digital renaissance, digital technology, collective digital intelligence, prosperity of civilization, security of civilization.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев 2020-йил 24-январдаги Парламентга Мурожаатномасида бойликнинг асосий манбаи ақл ва билимда эканлигини алоҳида таъкидлади. Бунинг учун халқаро андозалар ва ўқитиш методларини ҳисобга олган ҳолда ҳар бир ўқувчининг индивидуал қобилиятини аниқлаш ва ривожлантириш, шунингдек, унинг ёш болалигидан оилада, мактабгача ва мактаб таълимида ўсиш омилларини таҳлил қилиш зарурлигини алоҳида таъкидлади. Янги Ўзбекистонда Буюк аждодларимиздек ёрқин иқтидорли ёшларни тайёрлаш учун “ақлли соғлом таълим”, “тиббиёт” ва “инновацион таълим”. “смарт” ёрдамида интеллектуал қобилиятларни ривожлантириш ва улардан самарали фойдаланиш бўйича узоқ муддатли комплекс дастур ва йўл харитасини ишлаб чиқиш зарур. Шу йўл билан камбағалликни камайтириш ва “Рақамли Ўзбекистон – 2030” ва “1 миллион дастурчини тайёрлаш” стратегик дастурларини амалга оширишнинг асосий омилидир.

Ишлаб чиқарувчига асосий талаблар қўйиладиган қишлоқ хўжалиги ва саноат иқтисодиётидан фарқли ўлароқ, рақамли иқтисодиётда асосан рақамли технологияларни билиш ва истеъмолчиларнинг рақамли саводхонлигидир. Чунки улар рақамли хизматлардан фойдаланиши, онлайн товар ва хизматлар сотиб олиши, ҳатто интернет орқали ишлаш ва ўқиш имкониятига эга бўлиши керак бўлади. Демак, рақамли технологияларни ишлаб чиқарувчи ҳам, сотувчи ҳам истеъмолчи ҳам билишлигини тақозо қилар экан.

Дунёнинг рақамли иқтисодиёти 2025 йилга бориб 23 триллион АҚШ долларига етади. Унинг жаҳон ялпи ички маҳсулотидаги улуши ҳозирги 17,1 фоиздан (Ўзбекистон – 2,1 фоиз) 24,3 фоизгача (2030 йилга келиб Ўзбекистон – 5,6 фоиз) ошади.

Дунёда рақамли трансформацияни рағбатлантириш учун уланишлар тахминан 1 триллионни ташкил этади. Булутли технологияларидан фойдаланадиган корхоналар сони 85%, сунъий интеллектдан- 86%, рақамли катта маълумотлардан фойдаланувчилар 80%ни ташкил қилади.

Apple, FaceЬook, Amazon, Google, Microsoft, Alibaba, Uber, Search, Marketplase, Ebay каби РАҚАМЛИ ГИГАНТЛАРнинг капиталлашувининг ўсиши 0,5 дан 1,5 триллион АҚШ долларигача етади. Бу тахминан 2 миллион янги юқори маошли онлайн иш ўринларини ташкил қилади. Уларда ўртача йиллик маош тахминан 50-150 минг долларни ташкил қилади. АҚШда кўплаб дастурчилар бир йилда 1 миллион доллардан кўпроқ маош олади.

Жаҳон Иқтисодий Форуми **(**https://www.weforum.org/**)** 2020 йил октябрь ойида “МУТАХАССИСЛИКЛАР КЕЛАЖАГИ” бўлиб ўтди, унда 2025-йилга келиб 97 миллион янги рақамли иш ўрни (масофадан туриб ишлаш мумкин) яратилиши таъкидланди ва 85 миллион эски иш ўрни қисқаришини ҳам айтиб ўтдилар.

Пандемия муносабати билан АҚШ, Европа Иттифоқи ва Россия Федерацияси иш ўринларининг 30 дан 50 фоизигача масофавий иш ўринларини эълон қилди. Яъни, Ўзбекистон фуқаролари ушбу рақамли иш ўринлари учун танловларда онлайн тарзда иштирок этишлари мумкин. Агар улар жуда юқори иш ҳақи талаб қилмаса. Ўзбекистонда аҳоли даромадларини ошириш йўлларидан бири чет элда онлайн ишлашдан иборат. Аммо биз мухожир ишчиларни қурилиш учун тайёрлашда давом этмоқдамиз. Бу иш кучининг самарасиз экспорти бўлиб ҳисобланади.

Юқоридагиларни умумлаштириб, хулоса қилишимиз мумкин: учинчи ренессанс – бу рақамли технологиялар, интернет ва сунъий интеллектдан фойдаланиш, келгуси минг йилликда цивилизациянинг глобал муаммоларини ҳал қилишда миллиардлаб одамларнинг жамоавий онгини бирлаштириш воситаси бўлади. Учинчи ренессанс энди аввалгидек, алоҳида шахсларнинг: Ал Хоразмий, Беруний ёки Мирзо Улуғбекларнинг ренессанси бўлиши мумкин эмас. Бу Ер юзида ўсиб бораётган аҳоли учун ҳаётнинг фаровонлигини таъминлаш учун уйғониш бўлади. Эндиги уйғониш озиқ-овқат, иқтисодий, ижтимоий, экологик, эпидемиологик ва космик хавфсизлигини таъминлаш ва асосий омил ақлий капиталининг ўсиши ва инсон фаолиятининг барча соҳаларини интеллектуаллаштириш бўлади. БМТ маълумотларига кўра, дунё аҳолисининг 33% дан ортиғи (2,5 миллиард) яширин очлик (етишмовчилик) туфайли етарлича интеллектуал ривожланишдан азият чекмоқда (улар орасида 160 миллионга яқин болалар борлиги ҳам ҳақиқат). Чунки - Ca, Mg, Fe,I каби микроэлементлар, аминокислоталар ва витаминлар, шунингдек, мия учун сув ва кислородларнинг етишмовчилиги бундай болаларни қийин аҳволда қолишига сабаб бўлмоқда. Бунинг натижасида ўқиш-ўрганишда, фанларни ўзлаштиришда ва рақамли бизнесни амалга оширишда болалар қобилиятининг пастлиги яққол сезилмоқда. Ушбу муаммодан Ўзбекистон ҳам бутунлай холи эмас. Одатда минимал истеъмол савати ҳар бир киши (айниқса, бола) учун индивидуал бўлиши ва унинг яширин очлигини камайтиришига хизмат қилиши керак.

Болаларнинг интеллектуал салоҳиятининг ошиши, бевосита “Ақлли соғлом таълим”га ҳам боғлиқ. Бу очиқ тизим бўлиб, унинг самарадорлиги 50 фоиздан кўпроқ “инновацион оила” (“талаба-мураббий” оилавий мактаб ривожланмоқда), “ақлли соғлиқни сақлаш” (нафақат саломатликни сақлаш, балки яхшилаш, ақл ва хотирани ривожлантириш усуллари ишлаб чиқиш), каби ташқи омилларга боғлиқ. Шунингдек, “ақлий жисмоний тарбия”, “ақлли таълим”, “ақлли маҳалла”, “ақлли тадбиркорлик” ва бошқалар ҳам айнан ушбу йўналишларга хизмат қилади. Бу ерда ўрганиш, инновацион ғояларни, инновацияларни ривожлантириш ва улардан самарали фойдаланиш қобилиятини тиклаш муҳим аҳамиятга эга. Бунда компитентлик, ижодкорлик, коммуникативлик, ҳамкорлик қилиш IQ ва EQ коэффициентлардан фойдаланиш ҳам объектив заруриятдир.

Бугунги кунда инновацион иқтисодиёт учун ақлли соғлом фикр даркор. Ушбу заруратдан келиб чиқиб, унинг таълим модели ишлаб чиқилди (1-расм).

Интеллектни ривожлантириш учун таълим (IQ) ва инновацион тренинг								
Мактаб-гача таълим муассаса-сида болалар қобилият и (IQ)		Умумий ўрта ва махсус таълим (11 йил), қобили-ятни аниқлаш ва унга таъсир қилувчи омиллар. ОТМ мутахассис-лигига тавсия		Ўрта касбий таълим. Иннова-цияларда н фойдала-нишни ўрганиш.		Олий таълим: Бакалавр: хорижий инновацияларн и ўрганиш ва жорий қилиш. Магистратура: хорижий инновацияларн и модернизация ва амалиётга жорий қилиш.		ОТдан кейинги таълим: Докторантура (PhD, DrS). Инновацион ғоялар ва технологияларн и ишлаб чиқиш ва экспорт қилиш

Таълим сифатига ташқи омилларнинг таъсири					
Инновацион оила. Мактаб “Талаба-Устоз”	Инновацион маҳалла. Экология.	Ақлли тиббиёт. Интеллект-нинг ўсиши.	Интеллек-туал жисмоний тарбия	Инновацион фан ва тадбиркор-лик	Инновацион тарбия ва маънавият

1-расм. Инновацион иқтисодиёт учун ақлли соғлом таълим модели

Ақлли таълим ишлаб чиқариш сифати ва миқдорини оширишда рақобат ўрнига билим, тажриба ва молиявий ресурсларни интеграциялашган ҳолда асосий эътиборни ғалаба қозонишга қаратиш лозимдир. Бунинг учун соғлом таълим моделидан фойдаланган ҳолда жамоавий таълимни ривожлантириши мақсадга мувофиқдир. Бу ўз навбатида инновацион иқтисодиётда “ақлли соғлом таълим”ни ривожлантиришни тақозо қилади. Унинг бир қанча омиллари мавжуд:

Биринчидан, дунёда аҳолиси ақлий қобилиятларнинг ўртача 10%дан кўпи самарали фойдаланилмайди. АҚШ, Европа Иттифоқи ва Японияда тахминан 50%, Африка қабилаларида эса 1% дан кам.

Иккинчидан, Ўзбекистонда ҳар йили неча фоиз мия қобилият-ларимиз ривожланади ва ундан қай даражада самарали фойдаланилади? Биз ҳали таҳлил қилмаяпмиз. Қобилиятлардан самарали фойдаланаётган кишилардан Марк Сукерберг (121,37 миллиард доллар), Билл Гейтс (138,8 миллиард доллар) кабилар жуда катта бойликка эга бўлганлар.

Учинчидан, Америкада ўнлаб марказлар фаолият кўрсатиб, интеллектуал қобилиятларни яхшилашга оид китоблар нашр этилмоқда. Масалан, Сйнтҳиа Греен китобида кенг қамровли дастурни беради:
- овқатланиш (Са, Mg, I учун яширин очликни камайтириш),
- акупрессура, ақлий фаоллашувининг акупунктур нуқталари;
- мия ривожланиши учун интеллектуал ва жисмоний машқлар (200),
- миянинг самарадорлигини оширадиган интеллектуал ўйинлар. Ўртача IQ 28% дан 78% гача кўтарилади.

Шу боис, шифокорлар йиллик чуқур таҳлиллар ёрдамида "ақлли ва иқтидорли болаларни дунёга келтириш ва тарбиялаш" моделидан фойдаланиб, болаларнинг туғилишидан бошлаб, уларни тарбиялаш орқали келгуси 7-10 авлодда жуда ақлли ва иқтидорли болаларни шакллантириш имконияти яратилади.

Интеллектуал ривожланган илмий авлодни тарбиялаш учун сифатли таълим ва тарбия етарли эмас. Уларни ақлли тиббиёт ва ақлли оила ёрдамида рақамли интеллектуал қобилиятларни ривожлантириш ва генетик ирсиятни яхшилаш билан тўлдирилиши керак бўлади. Демак, келажакда инсоният интелектининг ривожланиши, бевосита рақамли технологияларга, ақлли инновацион оилалардан тортиб, асбоб-ускуналаргача бўлган жараённи қамраб олади. Одамларнинг интеллектуал салоҳиятининг ортиши индивидуалликдан жамоавийлик сари ривожланиб боради. Бу ўз навбатида, барча иқтисодий-ижтимоий жараёнларда рақобатдан ҳамкорлик томон ўзгаришга олиб келади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. ЎзР Президентининг 2018 йил 03 июлда имзоланган «ЎзР рақамли иқтисодиётни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги № ПҚ-3832 – сонли Қарори.
2. ЎзР Президентининг 2020 йилнинг 28 апрелда имзолаган "Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПК-4699-сонли Қарори.
3. ЎзР Президентининг 2020 йил 5 октябрда имзолаган «Рақамли Ўзбекистон—2030» стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПК-6079 – сонли Фармони.
4. ЎзР Президентининг 2021 йилнинг 17 февралида имзолаган «Сунъий интеллект технологияларини жадал жорий этиш учун шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4996 - сонли Қарори.
5. ЎзР Президентининг 2021 йил 17 ноябрда имзолаган "Электрон тижорат маъмурчилигини такомиллаштириш ва уни янада ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш тўғрисида"ги ПҚ-14-сонли Қарори.
6. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. Т.: "Ўзбекистон" нашриёти, 2021. – 464 бет.

М.Э. Пўлатов – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ректори, и.ф.д., профессор
М.Қ.Пардаев – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти профессори, иқтисодиёт фанлари доктори, “Турон” ФА Академиги

МАРКЕТИНГ ТАДҚИҚОТИДА ТАНЛАШ ВА СТАТИСТИК КУЗАТИШ УСУЛЛАРИ, ТУРЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ҚИСҚАЧА МАЗМУНИ

Аннотация: мақолада маркетинг тадқиқотида танлаш ва статистик кузатиш усуллари, турлар ва уларнинг қисқача мазмуни ёритилган. Бунда бош ва танлама тўпламларнинг тавсифланиш кўрсаткичлари, уларни аниқлаш йўллари ҳам берилган. Маркетинг тадқиқотларида статистик кузатишнинг таснифи ва барча турларига қисқача изоҳ берилган.

Калит сўзлар: ялпи (тўлиқ) кузатиш, қисман кузатиш, жорий вақти-вақти билан кузатиш, бир марталик кузатиш, танлаб кузатиш, асосий қисмини кузатиш, монографик кузатиш, анекта ёрдамида кузатиш.

Аннотация. В статье описаны методы отбора и статистического наблюдения в маркетинговых исследованиях, виды и их обобщение. Приведены также описательные показатели основного и выборочного наборов и способы их идентификации. Кратко разъясняются классификация и все виды статистического наблюдения в маркетинговых исследованиях.

Ключевые слова: тотальное (полное) наблюдение, частичное наблюдение, текущее периодическое наблюдение, разовое наблюдение, выборочное наблюдение, наблюдение по основной части, монографическое наблюдение, наблюдение по анекдоту.

Abstract.The article describes the methods of selection and statistical observation in marketing research, types and their summary. There are also descriptive indicators of the main and sample sets, and ways to identify them. The classification and all types of statistical observation in marketing research are briefly explained.

Keywords: total (full) observation, partial observation, current periodic observation, one-time observation, selective observation, observation of the main part, monographic observation, observation using anecdote.

Ўзбекистон Республикасининг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясида иқтисодиётни инновацион омиллар эвазига ривожлантириш, унинг турли томонларини чуқур ўрганиш вазифаси қўйилган. Айнан ушбу талабга маркетинг тадқиқотларида статистик кузатиш усулларини амалга ошириш масаласи тўлиқ жавоб беради. Ушбу вазифаларни амалга ошириш учун олдин ахборотларни ўрганадиган объектни ва ундаги муаммоларни танлаш лозим бўлади. Шу туфайли ишни уларнинг моҳиятини назарий жиҳатдан очишдан бошлашни мақсадга мувофиқ, деб топдик.

Маркетинг тадқиқотида танлаш нима учун зарур? Ушбу саволнинг жавоби оддий, аммо амалга ошириш механизми бироз эътиборни талаб қиладиган жараёндир. Ҳар бир тадқиқотчи олдида, масалан, битта

масаланинг ечимини топиш лозим бўлади. Бунга маълум товардан қанча, қаерда ва қай вақтда сотиш кераклигини аниқлаши лозим бўлади. Бунда жуда кўп дўконлар, тадбиркорлар иштирок этиши мумкин. Агар тўғри ва аниқ хулоса чиқариш учун ушбу тўпламга кирадиган барча субъектлар ўрганилса яхши бўлган бўларди. Аммо уларнинг кўплиги учун буни амалга оширишнинг имкони бўлмаслиги мумкин. Бундай ҳолда умумий хулоса қилиш учун уларнинг бир қисмини танлаб олинади. Бу танланган тўпламни кузатиш танлаб кузатиш дейилади. Танлаб кузатиш натижасида умумий тўплам ҳақида умумий хулоса қилинади. Буларнинг кетма-кетлиги қуйидаги расмда келтирилган (1-расм).



1-расм. Танлаб кузатиш орқали умумий хулоса қилиш кетма-кетлиги

Танлаб кузатилган тўплам барча тўпламдаги моҳиятни ўз ичига олиши ва унга мос бўлиши лозим. Масалан, тўпламдаги истеъмолчиларнинг таркибини оладиган бўлсак, ярми аёллар ва ярми эркаклар бўлиши мумкин. Бундан келиб чиқиб, кузатишга танлаб олинганларнинг ҳам ярми эркаклар ва ярми аёллар бўлишлигини тақозо қилади. Фақат эркаклар истеъмолини танлаб кузатиш натижаси бутун тўплам бўйича аниқ қарор қабул қилиш имконини бермайди. Чунки аёлларнинг истеъмоли эркакларникига нисбатан фарқ қилиши табиий. Товар турлари бўйича ҳам худди шундай мисолларни келтириш мумкин. Тўпламда ўнта товар бўлса, фақат унинг биттасини танлаб олиб, ҳаммасига татбиқ қилиб бўлмайди, чунки ҳар бир гуруҳ товарнинг ўзига хос жиҳатлари мавжуд. Ушбу ҳолатлардан келиб чиққан ҳолда хўжалик юритувчи субъектлар ўзларининг аҳволидан ва аниқ вазиятдан келиб чиқиб ёндошмоқлари лозим. Бунда мутахассислар олдида қуйидаги саволлар бўлиши мумкин:

- маҳсулотни қанча ишлаб чиқариш лозим?
- қандай маҳсулот ишлаб чиқариш мумкин?
- ушбу маҳсулотлар қайси бозорда сотилади?
- буларнинг нархи қанчадан бўлади?
- бозоргача қандай етказилади?
- бозорда маҳсулотлар қанча ва қандай сақланади?
- сотиш шакли (улгуржи ёки чакана) қандай бўлади ва ҳ.к.

Мутахассис ушбу саволларга аниқ жавоб топгач бевосита жараённи амалга оширишга киришиши мумкин.

Танланган жараённи самарали бошқариш учун энди бевосита статистик кузатишга ўтиш мумкин. Туризм соҳасида ҳам статистик кузатиш бошқа соҳалар сингари бевосита оммавий тарзда фактларни (далилларни) йиғиш, шулар асосида маълумотлар базасини

шакллантиришга қаратилади. Ушбу маълумотлар статистик усуллар билан қайта ишланиб, ўрганилаётган жараённи такомиллаштириш, рақобатбардошлиги ва самарадорлигини ошириш бўйича тегишли тавсиялар ишлаб чиқиш имконини беради.

Статистик кузатиш деганда ижтимоий ҳодисалар ва жараёнлар ҳақидаги далилларни режали, илмий, уюштирилган ҳолда тўплаш асосида маълумотлар базасини шакллантириш жараёни тушунилади.

Туризм соҳасида ҳам статистик кузатиш бир қанча жараёнларни ўз ичига олади:

- статистик кузатиш орқали дастлабки маълумотларни тўплаш;
- маълумотларни тизимлаштириш ва гуруҳлаш;
- маълумотларни ҳар томонлама тавсифлаш;
- маълумотларни умумлаштириш, ҳисоблаш ва таҳлил қилиш.

Шуни инобатга олиш лозимки, иқтисодий таҳлилда маълумотлар асосан расмий ҳисоботлардан олинади ва ҳисоб ҳамда ҳисобот маълумотларига таянади. Статистик таҳлилда кўп ҳолларда маълумотлар ҳисобот маълумотлари билан бирга тайёр ҳолда учрамайдиган маълумотларни ҳам турли усуллар билан шакллантиради. Бундай усулларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- анкета сўрови (ёзма, оғзаки);
- далилларни (фактларни) ёзиб бориш;
- ҳисоб ва ҳисоботлар маълумотларидан бевосита фойдаланиш;
- оммавий тарзда рўйхатга олиш (аҳоли ва бошқа ашё ва бойликларнинг переписи);
- бевосита жараённи кузатиб, хронометраж қилиш;
- аҳоли бюджетини танлаб ўрганиш кабилар.

Маркетинг тадқиқотларида ҳам танлаб кузатишдан мақсад аниқ бўлиши керак. Буларга:

- ҳозирги тезкор замонда вақтни тежашда;
- моддий ва молиявий маблағлар сарфини тартибга солиш ва шу орқали уларни ҳам тежашда;
- муддати қисқа бўлган маҳсулотларни бузулмаслигини таъминлаш мақсадида тезкор тарзда сотишни ташкил қилишда;
- умумий тўплам жуда катта бўлганда, уларнинг ҳаммасини кузатиш имкони бўлмаганда;
- тўплам ҳақида чуқурроқ хулоса қилиш учун танлаб олинган қисмини батафсил ўрганиш лозим бўлганда ва ҳ.к.

Юқорида таъкидланганидек, танлаб кузатилган қисми, бутун тўплам ҳақида хулоса қилиш учун ваколатли бўлиши лозим. Бунинг учун улар бир қанча шартларга мос бўлишлигини тақозо қилади. Ушбу ҳолат қуйидаги жадвалда келтирилган (1-жадвал).

Мазкур жадвалдан кўриниб турибдики, тўпламда маълум хусусиятларга эга бўлган бирликлар сони ҳам қайси тур танлаб олинган

бўлса, ўшанга мос бўлиши керак ва мос равишда, уларнинг салмоғи ҳам тўғри келиши керак. Масалан, ўрганилаётган маҳсулот умумий маҳсулотлар ичида 9,5 %ни ташкил қилади, деб фараз қиладиган бўлсак, танлаб кузатилган миқдор ҳам айнан шу тур бўйича 9,5 %га тенг бўлиши керак. Шундагина танлаб кузатилган тўпламнинг ваколатлилиги таъминланади.

1-жадвал

Бош ва танлама тўпламларнинг тавсифланиш кўрсаткичлари[1]

Т/р	Кўрсаткичлар	Бош тўплам	Танлама тўплам
1.	Тўпламдаги бирликлар сони	N	n
2.	Тўпламда маълум хусусият-ларга эга бўлган бирликлар		
	а) сони	M	m
	б) салмоғи	P = M / N	p = m / n
3.	Ўртача даража	$X_{ўр} = \sum x / N$	$x_{ўр} = \sum x / n$
4.	Дисперсия	$\sigma^2 = \sum(x-x_{ўр})^2 / N$	$\sigma^2 = \sum(x-x_{ўр})^2 / n$

Хулоса қилиб айтганда, умумий тўплам ва танлаб олинган тўпламлар бир-бирига мос бўлишлигини таъминлашни тақозо қилар экан.

Маркетинг тадқиқотида статистик кузатишнинг жуда кўп турларидан фойдаланилади. Уларни тўғри ва тўлиқ англаш учун ҳар бир талаба ёки мутахассис уларнинг қисқача мазмуни билан таниш бўлиши лозим.

Статистик кузатишнинг таснифий белгилари иккига бўлинади:

- кузатиладиган бирликни қамраб олиш даражаси бўйича;
- далилларни вақти бўйича жамлаш нуқтаи назаридан.

Ушбу гуруҳлар ҳам ўз навбатида бир қанча гуруҳларга ва турларга бўлинади. Бунда маркетинг тадқиқотларининг қайси мақсадда ўтказилиши аҳамиятлидир. Буларнинг бир-бири билан боғлиқлигини қуйидаги жадвалда кўриш мумкин (1-жадвал).

1-жадвал

Маркетинг тадқиқотларида статистик кузатишнинг таснифи ва турлари

Тавсифий белгилар	Статистик кузатиш-нинг турлари	Турларининг алоҳида хиллари
Кузатиладиган бирликни қамраб олиш даражаси бўйича	Ялпи (тўлиқ) кузатиш	-
	Қисман кузатиш	Танлаб кузатиш
		Асосий қисмини кузатиш
		Анкета ёрдамида кузатиш
		Монографик кузатиш
Далилларни вақти бўйича жамлаш нуқтаи назаридан.	Жорий	-
	Вақти-вақти билан	-
	Бир марталик	-

[1] Абдуллаев Ё., Пардаев М., Худайбердиев У., Алиев Б. Статистика. Ўқув қўлланма. – Т.: 2011. – 256 б.

Ялпи (тўлиқ) кузатиш ўрганилаётган объектни батафсил ҳисобга олиш тушунилади. Бунга мисол тариқасида, макро даражада аҳолининг рўйхатга олинишини (переписини) келтиришимиз мумкин. Микро даражада эса, ҳар бир корхонанинг мол-мулки, ишлаб чиқарилган маҳсулоти (иш, хизмати) ҳажми кабиларни кўрсатиш лозим.

Тўлиқ бўлмаган кузатиш ҳам статистикада кенг қўлланилади. Мазкур кузатиш орқали ўрганилаётган ҳодиса ёки жараённинг бир қисми кузатилади, аммо мазкур ҳолат бўйича умумий хулоса чиқариш учун асос бўлади. Бунга мисол қилиб оила бюджетининг таркиби, бозорларда айрим маҳсулотларнинг ўртача баҳоси, ернинг категориялари бўйича ҳосилдорлиги, сигирларнинг маҳсулдорлиги кабиларни келтириш мумкин.

Тўлиқ бўлмаган кузатиш юқорида таъкидланганидек, бир қанча турларга бўлинади. Улар таркибида кенг қўлланиладиган танлаб кузатишдир. **Танлаб кузатиш** дейилганда, катта бирликдан тасоддифан танлаб олинган ва ушбу бирлик ҳақида тўлиқ хулоса чиқаришга асос бўладиган далиллар тушунилади. Албатта бунда айрим хатоликлар бўлиши мумкин. Бу хатоликлар даражасини аниқлаш усуллари статистикада ишлаб чиқилган ва кенг қўлланилиб келинмоқда.

Асосий қисмини кузатиш усули ҳам статистикада кенг қўлланилади. Аммо ушбу усулнинг танлаб кузатишга нисбатан ўзига хос хусусиятларга эга. Буларга:

- объект ўрганиш учун тасоддифан танлаб олинмайди, балки кўп жиҳатларни ўйлаб олинади;
- ўрганишга олинган объект тўлиқ ўрганилади;
- шу қисм объект бўйича умумий хулоса қилинади.

Масалан, шаҳар аҳолиси билан қишлоқ аҳолиси даромадлари таркибини олайлик. Бундай хулосани чиқариш учун Ўзбекистондаги барча шаҳар ёки қишлоқ аҳолисининг даромадлари таркиби ўрганилмайди. Балки юзта шаҳарда йирик ўнтаси ажратиб олинади ва шу ўнтасидаги аҳвол тўлиқ ўрганилиб, бутун шаҳарлардаги аҳвол хусусида хулоса қилинади. Мос равишда, қишлоқ аҳолисининг аҳволи тўғрисида ҳам худди шундай усулни қўллаш мумкинлигини айтиш мумкин.

Анкета ёрдамида кузатиш орқали ҳам кўп жараённи ўрганишда ҳам тадқиқ қилиш мумкин. Анкета ёрдамида кузатиш деганда маълум ахборотни олиш мақсадида анкетанинг тарқатилиши ва тегишли реквизитлари тўлғазилиб қайтариб олиниши тушунилади. Ушбу маълумотлар умумлаштирилиб, тегишли хулоса чиқарилади. Аммо анкетанинг тўғри тўлдирилганлигини назорат қилиш бироз мураккаблигини инобатга олиш лозим.

Монографик кузатиш деганда, бирорта объектни тўлиқ бутун деталлари билан ўрганиш тушунилади ва ушбу ҳолат бошқаларга ҳам жорий қилинади. Масалан, бирорта тармоққа мансуб корхона бўлса, у ҳам

бошқа корхоналар сингари фаолият кўрсатаётган бўлса, ўша корхонанинг фаолияти тўлиқ ўрганилади ва хулоса қилинади, ушбу корхона фаолияти натижасида ишлаб чиқилган тегишли тавсиялар қолганларига ҳам жорий қилинади. Шу тариқа алоҳида хўжалик юритувчи субъектлардаги камчиликлар, бошқаларда ҳам бўлиши мумкин ва улар бартараф қилинади. Ютуқлар бўлса, мос равишда, бошқалар фаолиятига ҳам жорий қилинади. Шу тариқа иқтисодиётнинг ривожланиши таъминланади.

Юқорида таъкидланганидек, далилларни вақти бўйича жамлаш нуқтаи назаридан статистик кузатишлар жорий статистик кузатиш, вақти-вақти билан статистик кузатиш ва бир марталик статистик кузатишга бўлинади.

Жорий статистик кузатиш деганда, тизимли равишда содир бўлган воқеликни кузатиб бориш тушунилади. Бунга мисол қилиб корхоналарда ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) жараёнларининг боришини кузатиш. Туристларнинг кундалик келиши ва кетиши билан боғлиқ жараёнларни тизимли равишда кузатиш кабиларни инобатга олиш мумкин. Қисқа қилиб айтганда, ҳисобот даврида олиб бориладиган кузатиш жорий кузатишга киради.

Вақти-вақти билан статистик кузатиш деганда, маълум бир вақтдан кейин, зарур бўлган ҳолларда кузатиб бориш тушунилади. Масалан, туристларнинг баҳор, ёз, куз ва қиш ойларида ташрифини ўрганиш. Ёки талабалар ўқишда пайтидаги сотиш ҳажми билан улар татилда пайтидаги сотиш ҳажмини ўрганиш мақсадида қилинган кузатиш кабиларни киритиш мумкин.

Бир марталик статистик кузатиш деганда, зарурат туғилганда маълум вақтдан кейин бир марта кузатиш тушунилади. Бунга мисол қилиб юқорида кўрганимиздек, аҳолини рўйхатга олиш (перепис), туристик ресурсларни рўйхатга олиш, барча меҳмонхоналардаги умумий жойларини аниқлаш кабиларни келтириш мумкин.

Шундай вазиятлар ҳам бўладики, шу пайтдаги ҳолатни ёзиб қолдиришга ёки оғзаки ахборот беришга тўғри келади. Бундай шароитда фавқулотда кузатиш амалга оширилади**. Фавқулотда кузатиш** деганда, кутулмаганда содир бўладиган ҳодисаларни маълум далиллар билан исботлашга қаратилган кузатишлар тушунилади. Бунга мисоли қилиб зилзила пайтидаги ҳолат, бирорта фавқулотда ҳодиса рўй бергандаги ҳолат кабиларни мисол келтириш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, бугунги кунда иқтисодий жараёнларга тўғри ташхис қўйиш ҳам тараққиёт стратегиясининг амалга оширилишида муҳим аҳамиятга эга. Бу турли механизмлар ёрдамида амалга оширилади. Булардан бири маркетинг тадқиқотларида статистик таҳлилнинг турли кузатиш ва танлаш усулларидир.

М.Қ.Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

МАМЛАКАТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ СТРАТЕГИК ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА УЛАРНИНГ МАЗМУНИ

Аннотация: мақолада мамлакат тараққиётининг стратегик йўналишлари ва уларнинг мазмуни ёритилган. Бунда 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясининг еттита йўналиши ва уларда қандай устувор вазифалар белгиланганлиги қайд этилган.

Калит сўзлар: стратегия, тараққиёт стратегияси, ривожланиш стратегияси, Янги Ўзбекистон Стратегияси, «Янги Ўзбекистон» массивлари, «Обод маҳалла», «Обод қишлоқ».

Аннотация: В статье описаны стратегические направления развития страны и их содержание. В нем обозначены семь направлений стратегии развития на 2022-2026 годы и какие приоритеты в них поставлены.

Ключевые слова:стратегия, стратегия развития, стратегия развития, Стратегия Нового Узбекистана, массивы «Новый Узбекистан», «Обод махалля», «Обод кишлок».

Abstract. The state describes the strategic directions of development of the country and its content. V nem oboznacheny sem napravleniy strategii razvitiya na 2022-2026 gody i kakie prioritety v nix postavleny.

Keywords: strategy, development strategy, development strategy, Strategy Novogo Uzbekistana, arrays «New Uzbekistan», «Obod mahalla», «Obod kishlok»

Тараққиёт стратегияси – Янги Ўзбекистонни шакллантириш стратегияси бўлиб ҳисобланади. Ҳаракатлар стратегиясида юриб борилган бўлса, тараққиёт стратегиясида чопиб боришга тўғри келмоқда. Қанчалик олдинга интилсак, қанчалик тез юрсак, шунчалик тез Янги Ўзбекистонни барпо қиламиз. Олдин пиёда юрган бўлсак, ҳаракатлар стратегиясида олға кетиш учун машинага ўтириб олишга тўғри келди. Тараққиёт стратегиясида шу машинанинг бошқачароқ, такомиллашган тезроқ юрадиган моделини танлаб олишимизга тўғри келмоқда.

Машинанинг тўртта ғилдираги бор. Бирортаси ишламаса, машина юрмайди. Тақаққиётимизни таъминловчи омиллар ҳам бир қанча уларнинг бирортаси ишламаса, белгиланган тараққиётга эришиб бўлмайди. Шу туфайли тараққиётнинг ҳам тўртта ғилдираги ҳаммаси соз ва тўлиқ ишлаши лозим. Фикримизча тараққиётимизнинг тўртта ғилдираклари: иқтисодиёт, маънавият, тинчлик ва ҳамкорлик ҳамда муаммолар ечимларини топишдан иборатдир.

Муҳтарам Президентимизнинг “Янги Ўзбекистон Стратегияси” номли асарида юқорида қайд этилган тўртта ғилдиракни айлантиришга мўлжалланган еттита йўналишни белгилаб берган. Булар қуйидаги расмда келтирилган (1-расм).

Расмдан кўриниб турибдики, тараққиёт стратегиясининг асосий йўналишлари 7 та бўлиб, улардан биринчиси, эркин фуқаролик жамиятини ривожлантириш орқали халқпарвар давлат барпо этиш, инсон қадр-



1-расм. Тараққиёт стратегиясининг асосий еттита йўналишлари

қиммати ва унинг қонуний манфаатларини таъминлашдан иборат. Бунда **«Янги Ўзбекистон – халқчил ва инсонпарвар давлат» ғоясини амалга ошириш** йўналишида маҳаллий бошқарув органларининг жойларда муаммоларни ҳал этишдаги роли ва масъулиятини янада кучайтириш, давлат функцияларининг катта қисмини марказдан ҳудудларга ўтказиш, маҳалла тизимини ҳокимликлар билан боғлаш, ҳокимликлар ва маҳаллаларнинг молиявий имкониятини кенгайтириш, марказий идораларни трансформация қилиш орқали фуқароларга хизмат қиладиган ихчам ва самарали бошқарув тизимини яратиш, қабул қилинган дастурлар ижроси юзасидан раҳбарларнинг ҳисобот бериш тизимини йўлга қўйиш, Халқ қабулхоналари учун қўшимча ҳуқуқий асослар яратиш кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш жараёнига янгича, замонавий ёндашувлар жорий этиш масалалари устувор вазифа сифатида белгиланган.

Шунингдек, ушбу бўлимда «Раҳбарлар фақат давлатга эмас, аввало, инсон ва оилага, уларнинг қонуний манфаатларини таъминлашга хизмат қилиши керак» тамойилини тадбиқ этиш масаласи илгари сурилган. Ушбу йўналишда Олий Мажлис фаолиятини янада такомиллаштириш, парламент томонидан мурожаатлар билан ишлаш ҳолатининг назоратга олиниши, Халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари ҳамда ҳокимларнинг

ваколатларини аниқ белгилашга оид қонуний асосларни яратиш, фуқаролик жамияти институтларининг эркин фаолият юритиши, давлат ва жамият бошқарувида фаол иштирок этиши учун зарур шароитлар яратиш, жамоатчилик назорати, давлат бошқаруви ва ижтимоий лойиҳаларни ҳаётга тадбиқ этишда фуқаролик жамияти институтларининг иштирокини кучайтириш, сўз ва матбуот эркинлиги, фуқароларнинг ахборот олиш ва уни тарқатиш, ўз фикр ва қарашларини эркин билдириш ҳуқуқини таъминлаш, мансабдор шахслар томонидан оммавий ахборот воситалари фаолиятига тўсқинлик қилиш ҳаракатлари содир этилгани учун жавобгарликни кучайтириш масалалари ҳам қамраб олинган.

Иккинчи йўналиш, адолат ва қонун устуворлигини мустаҳкамлаш, инсон қадр-қимматини таъминлашдан иборат бўлиб, бу ҳам ўз ичига учта йўналишни қамраб олади. Бунда одил судлов тизимининг чинакам мустақиллиги ва очиқлигини таъминлаш, ҳуқуқ-тартибот органлари фаолиятини такомиллаштириш, адвокатура институтини кучайтириш, ушбу соҳалар фаолиятини рақамлаштириш, коррупцияга қарши курашни давом эттириш, бу борада айбдорларни ҳуқуқий жавобгарликка тортиш билан чекланиб қолмасдан, тизимли превентив чораларни кўриш ва мамлакатда конституциявий ислоҳотларни амалга ошириш ййўналишлари кўзда тутилган. Ушбу бўлимда маъмурий судлар фаолиятини халқаро андозалар асосида такомиллаштириш, суд хусусий мулк ҳимоясида туриб, фуқаро ва тадбиркорларнинг ҳуқуқларини тиклаш орқали ижро идораларини қонун доирасида ишлашга мажбур қиладиган тизимни яратиш, тадбиркор ва мулкдорлар ҳуқуқларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш, хусусий мулк устуворлигини қонунларда асосий тамойил сифатида белгилаш масалалари ҳам амалга оширилиши кўзда тутилган. Барча масалалар енатор ва депутатлар, кенг жамоатчилик ва халқ вакилларининг фикрлари, жаҳон конституциявий тажрибасини ўрганиб, пухта ўйлаган ҳолда бугунги ва келгуси тараққиётни белгилаб берадиган Конституцияни такомиллаштириш масаласини кўриб чиқиш ҳам асосий йўналишларидан бири сифатида белгиланган.

Учинчи йўналиш, миллий иқтисодиётни ривожлантиришдан иборат. Ушбу йўналиш ўз навбатида бешта йўналишни қамраб олади. Буларга мамлакатдаги мавжуд ресурс ва имкониятларни сафарбар этган ҳолда, аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи ички маҳсулот ҳажмини янада ошириш учун хусусий секторни рағбатлантириш ва унинг улушини ошириш, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш, «хомашёдан – тайёр маҳсулотгача» тамойили асосида драйвер соҳаларда кластер тизимини ривожлантириш, макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш ва инфляция даражасини белгиланган 5 фоизгача пасайтириш, бюджет ва ташқи қарз барқарорлигини таъминлаш, маҳаллий бюджетларнинг имкониятларини кенгайтириш масалалари киритилган. Мазкур муаммони ҳал қилишда тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш, солиқ юкини камайтириш, бизнес муҳитини ва зарур

инфратузилма яратиш бўйича ислоҳотларни давом эттириш масаласини ҳам ҳал қилиш лозим бўлади. Аҳоли бандлигини таъминлаш, ёшлар ва ишсиз фуқароларни давлат ҳисобидан малакали касб-ҳунарга ўқитиш, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, эҳтиёжманд аҳолини манзилли қўллаб-қувватлаш орқали 2026 йилгача камбағалликни икки баробар қисқартириш масаласини ҳал қилишда ижтимоий ҳимоя соҳасида бошқарув тизимини ислоҳ қилиш, ижтимоий хизматларнинг сифатини яхшилаш ва кўламини кенгайтириш ҳам устувор вазифа сифатида белгиланган. Мамлакатимиз учун яна бир муаммолардан бири уй-жой масаласини ҳал этиш, аҳолига қулай яшаш шароитларини яратишдан иборат. Бунинг учун ҳудудларда 1 миллиондан ортиқ аҳоли учун барча қулайлик ва ижтимоий инфратузилмага эга бўлган «Янги Ўзбекистон» массивларини барпо этиш, «Обод маҳалла», «Обод қишлоқ» дастурларини изчил давом эттириш, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, замонавий йўл ва коммуникация тармоқларини барпо этиш, жамоат транспорти ҳамда ҳудудлараро мунтазам автомобиль, темир йўл ва ҳаво қатновини яхшилаш бўйича йирик лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан ҳам аниқ вазифалар белгиланган. Ушбу йўналишда қишлоқ хўжалиги самарадорлигини тубдан ошириш ва уни диверсификация қилиш масалаларини киритиш кўзда тутилган. Ушбу вазифани амалга ошириш учун аграр соҳани ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини кластер асосида қайта ишлаш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, қишлоқ жойларда яшаётган аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш, фермер ва деҳқонлар даромадини 2 баробар кўпайтириш учун зарур шароитларни яратиш, қишлоқ хўжалигининг йиллик ўсиш суръатини камида 5 фоизга етказиш масалалари устуворликни ташкил қилади.

Тараққиёт стратегиясининг тўртинчи йўналиши, адолатли ижтимоий сиёсат юритиш ва инсон капиталини ривожлантириш масалаларига қаратилган. Бу ўз ичига «Янги Ўзбекистон – халқчил ва инсонпарвар давлат», аҳоли саломатлигини таъминлаш, жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, кекса авлод вакилларига эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш, уларни ҳар томонлама эъзозлаш, ногиронлиги бўлган фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш, ота-онасидан ажраган, меҳрга муҳтож болаларни қўллаб-қувватлаш, уларга таълим-тарбия бериш, касб-ҳунарга ўқитиш ва тураржой билан таъминлаш, жамиятда муносиб ўрин эгаллашига жиддий эътибор қаратиш, хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, навқирон ёшларни, айниқса, қизларни соғлом ва етук этиб тарбиялаш, уларнинг қобилият ва истеъдодини рўёбга чиқариш, Ватанга муҳаббат ва садоқат, миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида камол топтириш масалаларини қамраб олади.

Бешинчи йўналиш, маънавий ва маърифий соҳаларда ислоҳотларни амалга ошириш масаласига қаратилган бўлиб, ушбу йўналишга «Янги Ўзбекистон – маърифатли жамият» концепциясини амалга ошириш, иллий

қадриятларни янада ривожлантириш, ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги ўрни ва нуфузини ошириш, маданият ва санъатни юксалтириш, муқаддас ислом динининг инсонпарварлик ғояларини тарғиб этиш, «жаҳолатга қарши – маърифат», тамойили асосида униб-ўсиб келаётган ёшларни соғлом эътиқод руҳида тарбиялаш, турли миллат ва элатлар, диний конфессиялар вакиллари ўртасидаги тинчлик ва барқарорлик, ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлаш, давлат сиёсатида барча миллат ва элат вакилларининг миллий ўзлигини, она тили ва маданиятини, дини, урф-одат ва анъаналарини сақлаб қолиш ва ривожлантиришга устувор аҳамият бериш каби масалалар киритилган.

Олтинчи йўналиш, глобал муаммоларнинг миллий ва минтақавий даражадаги ечимларини топишга бағишланган. Бунга иқлим ўзгаришлари, экологик муаммолар, радикализм, экстремизм ва терроризм, одам савдоси, наркотрафик каби таҳдидларни ҳал этишда куч ва имкониятларни бирлаштириш, бу борадаги барча саъй-ҳаракатларни уйғунлаштириш юрт келажагининг қиёфасини белгилайдиган глобал муаммоларнинг миллий ва минтақавий даражадаги ечимларини топиш, Оролбўйини экологик инновациялар ва технологиялар ҳудуди сифатида эълон қилиш бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг резолюциясини ҳаётга тадбиқ этишга доир тизимли ва комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг янги экологик сиёсати асосларини ташкил этишга қаратилган Бутунжаҳон экология хартиясини ишлаб чиқишни жадаллаштириш, «Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий ўзаро боғлиқлик масалалари билан бирга ‘‘Таҳдидлар ва имкониятлар» мавзусидаги конференцияда қабул қилинган қарор ва ҳужжатларнинг изчил бажарилиши учун халқаро ҳамкорлар билан зарур чора-тадбирларни амалга ошириш йшналишлари киритилган.

Еттинчи йўналиш асосан, тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш, халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган. Бунда Қуролли Кучларимиз қудратини янада ошириш, Марказий Осиё минтақасидаги барча мамлакатлар билан яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини тобора кучайтириш, минтақанинг ажралмас қисми, яқин қўшни бўлган Афғонистонда тинч ва осойишта ҳаётни тиклаш, бу мамлакатда иқтисодий ва гуманитар инқирозга йўл қўймаслик учун афғон халқига ёрдам кўрсатиш, Афғонистон билан биргаликда йирик транспорт-коммуникация лойиҳаларини амалга ошириш, Россия, Хитой, Америка Қўшма Штатлари, Туркия, Ҳиндистон, Покистон, Германия, Франция, Жанубий Корея, Япония, Бирлашган Араб Амирликлари ва дунёнинг барча минтақаларидаги шериклар билан ўзаро манфаатли ва кўпқиррали алоқаларни кенгайтириш, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва унинг ихтисослашган тузилмалари, Парламентлараро иттифоқ, халқаро молиявий институтлар ва минтақавий ташкилотлар, жумладан, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Ислом ҳамкорлик ташкилоти, Туркий Кенгаш, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти билан кўп томонлама муносабатларни янги, амалий маъно-мазмун билан бойитишдек устувор вазифалар ва йўналишлар белгиланган.

Б.И. Исроилов – ТДИУ профессори, и.ф.д.,
Ф.А. Наврузова – ТДИУ магистранти

СОЛИҚ МАЪМУРИЯТЧИЛИГИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ АҲАМИЯТИ

Аннотация: Мамлакатимиз давлат ва солиқ тўловчилар манфаатлари уйғунлигини таъминлашга хизмат қилувчи солиқ маъмуриятчилиги ижтимоий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш бўйича амалга оширилаётган ислоҳотлар ва улар натижалари тезисда ўрганилган. Тадқиқотлар натижаси бўйича муаллифлар томонидан солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштрига оид таклифлар берилган.

Калит сўзлар: солиқ тизими, солиқ сиёсати, солиқ маъмуриятчилиги, солиқ механизми, солиқ тўловчилар.

Аннотация В тезисе исследуются положения и результаты проводимых реформ по совершенствованию социально-экономических механизмов налогового администрирования, которые служат обеспечению гармонии интересов государства и налогоплательщиков страны. По результатам исследования авторами были внесены предложения по совершенствованию налогового администрирования.

Ключевые слова: налоговая система, налоговая политика, налоговое администрирование, налоговый механизм, налогоплательщики.

Abstract: The results of the reforms carried out to improve the socio-economic conditions of the tax administration, which serve to ensure the harmony of the interests of the state and taxpayers of our country, have been studied in the thesis. Based on the results of the research, the authors made suggestions for improving tax administration.

Keywords: tax system, tax policy, tax administration, tax mechanism, taxpayers.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида мамлакат иқтисодиёти ҳалол рақобат ва бизнес учун яратилган қулай муҳит, хусусий мулкчиликка асосланган тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш асосида барқарор ривожлантириш иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштириш йўналишининг асосларидан бири сифатида эътироф этилган [1]. Давлат оптимал солиқ сиёсати иқтисодиётни барқарор ривожланиши билан бирга давлат функциялари ижросини таъминлашнинг асосий молиявий манбаи бўлган бюджет даромадларини шаклланишини ҳам таъминлайди.

Шу боис ҳам Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси асосий йўналишларида "солиқ қонунчилигини соддалаштириш, солиқ муносабатлари соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги зиддиятлар ва тўқнашувларни бартараф этиш, ҳалол солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни кучайтириш" республика солиқ тизимини ислоҳ қилишнинг муҳим вазифаларидан бири сифатида белгилаб қўйилган [2].

Мазкур концепцияга мувофиқ мамлакатимизда солиқ маъмурият-

чилиги такомиллаштиришнинг асосий омили сифатида солиқ тўловчиларга электрон солиқ хизматларини кўрсатишнинг яхлит тизимини шакллантириш, хусусий сектор ривожланишини солиқ механизмлари орқали кўллаб-қувватлаш, солиқ хизмати кўрсатиш маданияти ҳамда сифатини оширишга оид ислоҳотлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Бу бир томонидан солиқ маъмуриятчилигини амалга ошириш ва уни самарадорлигини таъминлашга хизмат қилса, иккинчи тарафдан, солиқ назорати жараёнларини янада мураккаблашишига сабаб бўлади. Давлат солиқ хизмати органларига қилинган мурожаатлар мазмуни ва динамикаси таҳлили солиқ муносабатларини тартибга солиш бўйича муаммолар сабабларини тадқиқ қилиш ва улар ечимлари юзасидан илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқиш муҳимлигини кўрсатмоқда (1-расм).



1-Расм. Давлат солиқ қўмитасига 2020 ва 2021 йилларнинг январь-сентябрь ойлардаги мурожаатлар мазмуни таҳлили[1]

Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ Қўмитасининг маълумотлари таҳлили шуни кўрсатадики, 2021 йил январь-сентябрь ойларида солиқ тўловчи юридик ва жисмоний шахслардан 26000 та мурожаат келиб тушган бўлиб, 2020 йилга нисбатан ушбу кўрсаткич ўсиш сураъти 137,15 фоизни ташкил этган. Мазкур мурожатларнинг 25795 таси назоратга олинган. Шундан 7117 таси бўйича чора кўрилган, 17154 таси бўйича тушунтиришлар берилган, 360 таси рад этилган, 1164 таси кўриб чиқиш жараёнида ва 1 тасининг кўриб чиқиш муддати бузилган (2-расм).

Ушбу кўрсаткичлар таҳлили натижалари қуйидаги хулоса қилиш учун асос бўлади:

- солиқ тўловчи юридик ва жисмоний шахсларнинг ўз қонуний ҳуқуқларининг англаш ҳамда уни ҳимоя қилиш механизмларидан кенг фойдалана бошлаган;
- солиқ сиёсатида белгиланган солиқ органлари ва солиқ тўловчилари ўртасида ҳамкорликка асосланган муносабатларнинг мустаҳкамлаш чораларининг ижобий натижалари;

[1] Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси расмий сайти: https://soliq.uz/page/jismoniy-va-yuridik-shaxslarning-murojaatlari-boyicha-umumlashtirilgan-malumotlar



2-Расм. Давлат солиқ қўмитасига 2020 ва 2021 йилларнинг январь-сентябрь ойлардаги мурожаатлар ижроси таҳлили[1]

- солиқ тўловчиларни электрон солиқ хизматларидан фойдаланиш имкониятидан фойдаланиш афзалликларини англаб етаётганлиги.

Ҳозирда давлат солиқ хизмати органлари фаолияти самарадорлигини аниқлашнинг асосий мезони бюджет даромад қисмини шакллантиришда салмоқли ва адолатли солиқ тушумларини таъминлаш ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг солиққа тортиш ва солиқ муносабатларини тартибга солиш тизими 30 йиллик тарихга эга бўлишига қарамасдан, солиқ тизими самарадорлигини таъминлаш даражаси ҳамон паст бўлиб қолмоқда. Шу сабабли солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш ҳамон долзарб масала бўлиб қолмоқда.

Солиқ муносабатлари жамият ва давлат ҳаёти ҳамда ривожланишида муҳим аҳамиятга эга эганлиги сабабли олимлар, амалиётчилар томонидан солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштиришга оид кўплаб тадқиқотлар олиб борилган. Улар натижаларида солиқ маъмуриятчилиги ижтимоий-иқтисодий муносабатларда давлатнинг иқтисодиётни тартибга солувчи воситаси эканлиги қайд этилади. Солиқ маъмурчилиги эса давлат органлари томонидан белгиланган қонунчилик нормаларини амалга ошириш орқали амалга оширилади [3].

М.Т.Кульжабаева фикрича, солиқ маъмуриятчилиги: бюджетга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ундириш даражасини ошириш; солиқ тўловчиларнинг солиқ қонунчилиги талабларига жавоб берадиган харажатларини камайтиришни назарда тутувчи адолатли тизимини яратиши зарур [4].

Илмий нашрлар, меъёрий ҳужжатлар ва адабиётларда солиқ механизми ва маъмуриятчилиги бир хил тушунча каби фикрларни учратиш мумкин. Қомусий адабиётларда солиқ механизми "солиқ тизимининг

[1] Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси расмий сайти: https://soliq.uz/page/jismoniy-va-yuridik-shaxslarning-murojaatlari-boyicha-umumlashtirilgan-malumotlar

ишбилармонлик муҳити билан ўзаро ҳамкорлигини ташкил этиш йўллари мажмуи, солиқ жараёнидаги ҳаракатларни ўзаро мувофиқлаштириш ва хусусиятларнинг ўзаро шартланган ўзгаришини ўз ичига олади" деб таърифланади [5].

Евстафьева эса солиқ механизми “солиқ солиш усуллари ва солиқларни рағбатлантириш, уларни хўжалик юритувчи субъектлар ривожланиши барқарор шароитларида солиқ базаларини оширишга таъсири мажмуи” сифатида белгиланиши керак деб хисоблайди [6].

Юқоридаги фикрлар таҳлили, солиқ маъмуриятчилиги бўйича илмий жамоатчилик томонидан ягона тўхтамга келинмаганлигини кўрсатмоқда. Келтирилган таърифларда солиқ маъмуриятчилиги тушунчасига фақат давлат, хўжалик юритувчи субъектлар ва тадбиркорлар нуқтаи-назаридан қаралган.

Фикримизча, солиқ маъмуриятчилиги нафақат давлат, хўжалик юритувчи субъектлар ва тадбиркорллар манфаатлари, балки фуқаролар манфаатлари ҳам кўзда тутилиши зарур.

В.Росских, М.Бурдин ва О.Мусиенколар солиқ тизимида шерикликка эришиш учун солиқ тўловчилар ва тартибга солиш органлари ўртасидаги муносабатларни қуйидаги асосий йўналишларда ташкил этишни: тартибга солиш органларининг тўловчилар билан расмий ёзишмалари; солиқ тўловчиларга маслаҳат бериш; солиқ тўловчиларнинг ҳисоботлари, икки томонлама муносабатлари самарадорлигини ошириш учун солиқ қарзини йиғиш йўналишлари такомиллаштириш зарур, деб ҳисоблайди [7].

Юқоридаги фикрларни таҳлил қилган ҳолда шуни айтиш мумкинки, солиқ органлари ва солиқ тўловчилар ўртасида ҳамкорликка эришиш учун ушбу тизим бўйича бир қатор йўналишлар такомиллаштиришни тақозо қилади. Бу орқали солиқ тўловчиларда солиқ органларига бўлган ишонч мустаҳкамлашади ҳамда солиқ интизомига риоя қилиш даражаси ўсади.

Иқтисодий тараққиётнинг ҳозирги босқичида иқтисодий хавфсизлик ва уни таъминлашнинг солиқ воситалари алоҳида аҳамият касб этади. Бундай тенденциялар, аввало, солиқ соҳасидаги кўплаб қонунбузарликлар, йирик корхоналарнинг солиқ тўловларини, солиқлар ва йиғимлар учун барча даражадаги бюджетларга қарзларни тўлашдан қочиш, шунингдек, хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодиётнинг давлат томонидан назорат қилинмайдиган яширин секторга ўтиш истаги билан боғлиқ [8-9].

Шу боис айрим тадқиқотчилар эса солиқлар воситалари нафақат ижтимоий масалалар, балки иқтисодий хавфсизликни таъминловчи муҳим омиллардан бири деб фикр беради. Буни хўжалик юритувчи субъектларнинг яширин секторга ўтишга бўлган мотивацияси билан ифодалайди. Солиққа тортишнинг меъёрий функциясидан фойдаланиш мамлакатнинг инновацион иқтисодиётга ўтиши, барқарор ўсиш, аҳолининг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш ва инсон тараққиётини рағбатлантиришда энг муҳим омиллардан бири бўлиши мумкин, деб ҳисоблайдилар [10-13].

Шунингдек, солиқ органларининг солиқ тўловчилар билан ўзаро

алоқаларининг ҳамкор моделига ўтиш солиқ назоратини заифлаштириш ва иқтисодиёт субъектларининг, айниқса, ўзгарувчан иқтисодий шароитда солиқ мажбуриятларини камайтириш зарурлигини англатмайди деган қарашлар ҳам мавжуд [14-15].

Фикримизча ушбу ёндошувлар эътиборга лойиқдир. Чунки солиқ тўловчи ва давлат ўртасидаги манфаатлардаги мувозанатни бузилиши солиқ тўловчилар яширин иқтисодий секторга ўтишига сабаб бўлади. Давлат солиқ хизмати органи ва солиқ тўловчиларнинг ўзарҳамкорлигини яхшилаш давлат бюджет-солиқ сиёсати самарадорлигиниоширишни таъминлайди. Тадқиқот натижаларига асосланиб қуйидаги фаразларни келтиришимиз мумкин:

1. Миллий солиқ тизимининг норматив-меъёрлар ҳужжатларида солиқ маъмуриятчилигининг иқтисодий механизмлари ҳисобга олинган ҳолда, ижтимоий механизмидан ажратилганлиги.

2. Солиқ тўловчиларнинг аксарият қисми амалдаги солиқ тизимида солиқ маъмурчилиги механизмларининг қўлланилишига танқидий муносабатда эканлиги.

3. Солиқлар ва солиққа тортиш соҳасида жорий ҳуқуқий базанинг ноаниқлиги солиқ тўловчиларнинг солиқларни тўлаш интизомига риоя қилиш мотивациясини сусайтираётганлиги.

Фикримизча, мамлакатимиз солиқ органлари фаолияти самарадорлиги паст бўлиб қолишининг асосий сабабларидан бири, солиқ органлари ва солиқ тўловчилар ўртасида ўзаро ишонч ва ҳамкорликнинг тўғри йўлга қўйилмаганлиги, деб ўйлаймиз. Шунингдек, солиқ сиёсатини шаклланти-ришда солиқ тўловчиларнинг манфаатлари деярли ҳисобга олинмайди, шу сабабли улар солиқ муносабатлари жараёнларида пассив иштирок этади.

Мавзу бўйича амалга оширилган тадқиқотлар натижасида солиқ маъмурчилигининг ижтимоий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш бўйича қуйидаги таклифлар тавсия қилинади:

1. Солиқ маслаҳати тизимини такомиллаштиришга алохида эътибор қаратиш ва унинг солиқ муносабатлари барча тизимини қамраб олишига эришиш;

2. Солиқ низолари бўйича медиация механизмидан фойдаланишнинг хуқуқий асосларини ишлаб чиқиш;

3. Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш ва солиқ низоларини кўриб чиқишда инновациялар ҳамда сунъий интеллект иштирокини қўллаш йўлларини жорий этиш.

Ушбу таклифларни амалиётга жорий этиш натижасид солиқ органи ва солиқ тўловчиларнинг ўзароҳамкорлиги яхшиланиши ҳамда солиқ қонунчилиги ижроси маданияти ошишига эрилишади, деб ҳисоблаймиз.

Л.Б.Наврўз-зода – Бухоро давлат университети, “Сервис соҳаси иқтисодиёти” кафедраси катта ўқитувчиси

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ТАДБИРКОРЛИК МОДЕЛИ

Аннотация: мақолада хизмат кўрсатиш соҳасида банд бўлганларнинг тадбиркорлик қобилиятини намоён бўлиш шаклларини диверсификация қилиш асосида хизматлар соҳасини ривожлантиришнинг тадбиркорлик модели ҳақида сўз юритилади.

Калит сўзлари: тадбиркорлик қобилияти, ўзини ўзи банд қилган шахслар, якка тартибда тадбиркорлик, тадбиркорлик модели.

Аннотация: в статье рассматривается предпринимательская модель развития сферы услуг базирующаяся на диверсификации формы проявления предпринимательской способности занятых в сфере услуг.

Ключевые слова: предпринимательская способность, самозанятые лица, индивидуальное предпринимательство, предпринимательская модель.

Abstract: The article deals with the entrepreneurial model of the development of the service sector based on the diversification of the forms of manifestation of the entrepreneurial ability of those employed in the service sector.

Keywords: entrepreneurial ability, self-employed persons, individual entrepreneurship, entrepreneurial model.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев таъкидлаганидек, “Хизмат кўрсатиш соҳаси аҳоли бандлигини таъминлашда энг катта заҳиралардан бири ҳисобланади. Халқаро меҳнат ташкилоти таҳлилларига кўра, сервис индустриясининг 1 фоизга ўсиши камбағаллар сонини 1,5 фоизга қисқартирад[1]. Шунинг учун камбағалликни қисқартишда мақсадида хизмат кўрсатиш соҳасини жадвал ривожлантиришнинг тадбиркорлик йўли муҳим аҳамият касб этади.Бу учун хизмат кўрсатиш корхоналарида банд бўлган ишчи-ходимларининг *тадбиркорлик қобилиятини* ривожланганлик даражасини аниқлаб, уни оширишга қаратилган чора-тадбирларни кўриш лозим.

“Тадбиркорлик қобилияти” атамаси инсон омилининг моҳиятини акс эттирадиган муҳим бир тушунча бўлиб хизмат қилади.Чунки, корхонанинг самарали ривожланиши кўп ҳолларда жамланган ва реализация қилинадиган ишчиларнинг тадбиркорлик қобилияти билан белгиланади. Бизнес менежменти ва маркетингнинг ривожланиши натижасида ишлаб чиқариш омилларининг таркибида ўзгаришлар содир бўлди.

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг 2020 йил 16 июндаги хизмат кўрсатиш ва ички туризмни ривожлантириш масалалари бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишидаги нутқи. https://xs.uz/uzkr/site/search?q=2020-06-16.

Тадбиркорлик қобилияти ишлаб чиқаришнинг ишлатиладиган шахсий омили сифатида юзага келди. Унинг ишлаб чиқаришида ишлатилиши учун иқтисодиётга тегишли шарт–шароитлар яратилди. Булар:

– хусусий ва акциядорлик мулкчиликни ривож топиши;

– товар ва хизматлар бозорларини яратилиши;

– рақобат муҳитини вужудга келтириш;

–тадбиркорликнинг ҳуқуқий асосларини яратиш ва инфратузилмасини шакллантириш ва бошқалар.

Бизнес фаолиятини амалга ошириш учун инсоннинг тадбиркорлик қобилияти ҳар сафар ҳаракатга келтириши ёки бошқача айтганда истеъмол қилиниши керак. Ишлаб чиқаришида тадбиркорлик қобилиятини истеъмол қилиниши тадбиркорликдир. Яъни инсоннинг мол–мулк масъулиятини ва таваккални ўз зиммасига олган ҳолда фойда олишга қаратилган бирон иқтисодий фаолият билан шуғулланишдир.

Хизмат кўрсатиш соҳасида инсон тадбиркорлик қобилиятларининг фаол намоён бўлиши сари "*Хизматлар соҳасини ривожлантиришнинг тадбиркорлик модели*" шаклланади. Тадбиркорлик қобилиятини хизматлар соҳасида намоён бўлиш шаклларининг кўпайиши хизматлар соҳасини жадал ривожланишини таъминлайди. Бунда тадбиркорлик қобилиятини хизматлар соҳасида намоён бўлишининг бешта шакллари муҳим аҳамият касб этади.Улар ўртасида "ўзини ўзи банд бўлган шахслар" фаолияти аҳоли бандлигини ошириш ва камбағалликни қисқартиришда алоҳида ўрин тутади.

"Ўзини ўзи банд қилган шахслар — меҳнат даромади олишга йўналтирилган, жисмоний ва юридик шахсларга хизматлар кўрсатиш, ишларни бажариш бўйича шахсий меҳнати билан иштирок этишга асосланган фаолиятни мустақил амалга оширадиган, якка тартибдаги тадбиркорлар сифатида рўйхатга олинмаган, меҳнат стажи ҳисобга олиниши ва рағбатлантирувчи имтиёзлардан фойдаланиш ҳуқуқи билан давлат солиқ хизмати органларида рўйхатдан ўтказилган жисмоний шахслар[1], деб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 23 декабрдаги 806-сон "Ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида фаолиятни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги қарорда таъриф берилган.

Мазкур қарорнинг 1-иловасида "Ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида фаолиятни амалга ошириш тартиби тўғрисида Низом" тасдиқланган. Унда ўзини ўзи банд қилган шахс махсус мобил илова ёки солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали ёхуд давлат солиқ хизмати органига келган ҳолда рўйхатдан ўтиш мумкинлиги ва рўйхатдан ўтганлиги тўғрисида матрицали штрих кодга (QR-код) эга бўлиши ҳамда меҳнат фаолиятини амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятлари белгилаб берилган.

[1]Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 23 декабрдаги 806-сон "Ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида фаолиятни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги Қарор. *Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.12.2020 й., 09/20/806/1662-сон.*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 8 июндаги ПҚ-4742-сон қарорига мувофиқ мамлакатимизда 2020 йил 1 июлдан ўзини ўзи банд қилган шахслар шуғулланиши мумкин бўлган фаолият (ишлар, хизматлар) турлари рўйхати кенгайтирилиб, уларнинг рўйхати 24 тадан 67 тага етказилди. Бевосита хизматлар соҳасига тааллуқли бўлган хизмат кўрсатиш фаолият турларига - уйда репетиторлик қилиш; болаларга қараб туриш ва уларни парвариш қилиш бўйича жисмоний шахсларга кўрсатиладиган хизматлар; уй хўжалигини юритиш ва уй ишларини бажариш, шу жумладан, турар жойларни тозалаш, овқат пишириш бўйича уй хўжаликларига хизмат кўрсатиш; уйда жисмоний шахсларнинг мебелларини таъмирлаш ва йиғиш; жисмоний шахсларнинг сантехника ускуналарини майда таъмирлаш ва ўрнатиш; жисмоний шахсларга компьютерларни таъмирлаш ва созлаш, лицензияланган дастурий таъминот ўрнатиш [1] ва шу каби бошқа сервис хизматлар кўрсатиш турлари киритилган.

2021 йил 1 июль ҳолатига кўра, Ўзбекистонда 852 мингдан ортиқ ўзини ўзи банд қилганлар рўйхатга олинган бўлиб, уларнинг 310 минг нафардан зиёдроғи - ёшлардир[2].

Инсон тадбиркорлик қобилиятларини хизматлар соҳасида намоён бўлишнинг иккинчи шаклини *якка тартибда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш* ташкил этади. Якка тартибдаги тадбиркорлик — юридик шахс ташкил этмаган ҳолда жисмоний шахс (якка тартибдаги тадбиркор) томонидан тадбиркорлик фаолиятининг амалга оширилиши. Якка тартибдаги тадбиркорлик индивидуал тадбиркор томонидан ходимларни ёллаш ҳуқуқисиз, мулк ҳуқуқи асосида ўзига тегишли бўлган мол-мулк негизида, шунингдек мол-мулкка эгалик қилиш ва (ёки) ундан фойдаланишга йўл қўядиган ўзга ашёвий ҳуқуқ туфайли ўзига тегишли бўлган мол-мулк негизида мустақил равишда амалга оширилади[3].

Якка тартибдаги тадбиркор ўзини ўзи банд қилган фуқароларга ўхшаб жисмоний шахс сифатида фаолият кўрсатиб, ҳар хил хизматларни кўрсатиш билан шуғулланаган ҳолда даромад олишга йўналтирилган.Улар кредит олиш; имтиёз ва преференциялардан фойдаланиш; кўчмас мулк объектларини танлаш каби имкониятлардан фойдаланадилар.Лекин, тадбиркорлик қобилиятини намоён бўлишининг бу икки шаклли бир-биридан фарқ қилади. Агар ўзини ўзи банд қилган фуқаро ўз шахсий меҳнатига асослаб фаолият кўрсатса, якка тартибдаги тадбиркор ўз касб-

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 8 июндаги ПҚ-4742-сон "Тадбиркорлик фаолияти қилишни давлат томонидан тартибга солишни соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 09.06.2020 й., 07/20/4742/0736-сон; 10.02.2021 й., 09/21/6165/0104-сон.

[2] Ўзини ўзи банд қилганлар ким ва ушбу мақом нима беради? https://www.gazeta.uz/uz/2021/08/05/self-epmloyed/ 08.12.2021 й.

[3] Ўзбекистон Республикаси нинг "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида" Қонун. 69-II-сон 25.05.2000. https://lex.uz/docs/31846.

ҳунарини ишга солиган ҳолда фаолият кўрсатади. Ўзбекистонда “ўзини ўзи банд қилган шахслар ёлланма ишчиларни жалб қила олмаслиги ҳамда иш берувчига эга бўла олмаслиги тўғрисидаги талаб сақланиб қолинган”[1].

Инсон тадбиркорлик қобилиятларини микроиқтисодиётда намоён бўлишнинг учинчи шаклини хизмат кўрсатиш корхоналарда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш ташкил этади. Бунда хизмат кўрсатиш соҳасидаги ва ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган бошқа тармоқлардаги, банд бўлган ходимларининг ўртача йиллик сони кўпи билан ўн киши, улгуржи, чакана савдо ҳамда умумий овқатланиш тармоқларидаги, банд бўлган ходимларининг ўртача йиллик сони кўпи билан беш киши бўлган кичик тадбиркорлик субъектлари [2] назарда тутилади. Бунда, агар жисмоний шахс сифатида якка тартибдаги тадбиркор ўз касб-ҳунари асосида меҳнат фаолиятини амалга оширса, ҳуқуқий шахс сифатида тадбиркор ўз тадбиркорлик қобилиятларини ишга солинган ҳолда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланади.Хизмат кўрсатиш соҳаси иқтисодиётининг рақамли трансформацияси шароитида рақамли хизматлар ривож топади. “Бунда хизматлар корхоналар томонидан амалга оширилиши натижасида хизматларнинг сифати ортади ва истеъмолчи ўзининг товар ва хизматлар сифатига қўяётган баҳоси орқали тез муносабат билдиради. Жаҳон ҳўжалигида бундай глобал воқелик янги талаб ва истеъмол шаклининг пайдо бўлишига ва кескин ўзгаришига олиб келади” [3] . Рақамли хизматларни шакллантирувчи асосий воситалари сифатида робототехник, интернет алоқа тармоқлари, махсус электрон дастурлари, турли электрон тўлов воситалари хизмат қилади.

Шундай қилиб, сервис соҳасини жадал ривожлантиришда меҳнатга лаёқатли аҳолининг ташаббускорлик, таваккалчилик, менежерлик, янгиликка мойиллик ва бозоршунослик каби тадбиркорлик фазилатларини ўқитиш ҳамда устоз-шогирд муносабатлари асосида шакллантирилган ҳолда уларни бизнесни юритишнинг ўзини ўзи бандлик, якка тартибда тадбиркорлик ва хизмат кўрсатиш корхоналарда тадбиркорлик фаолияти турлари билан шуғулланишлари учун кенг имконият яратишга қаратилган чора-тадбирларни кўриш лозим.

---

[1] Хўжаева М. Ўзини ўзи банд қилган аҳоли даромад солиғидан озод қилинади. https://xs.uz/uzkr/post/ozini-ozi-band-qilgan-aholi-daromad-soligidan-ozod-qilinadi

[2] Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида” Қонуни. https://www.lex.uz/acts/2006789

[3] Мустафоев Ғ.С. Хизмат кўрсатиш ва рақамли хизматлар: ривожланиш босқичлари ҳамда ижтимоийи-қтисодий аҳамияти. “Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” ilmiy elektron jurnali. № 6, noyabr-dekabr, 2020 yil. www.iqtisodiyot.tsue.uz.

У.Худайбердиев – СамИСИ, и.ф.н.доцент.

УЧИНЧИ РЕНЕСАНСНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ШАРОИТИДА ТИББИЁТ ХИЗМАТЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ

Аннотация: ушбу мақолада мамлакатда тиббиёт хизматларининг ҳолати, унинг кейинги йиллардаги ривожланиши баён қилинган.

Калит сўзлар: тиббиёт хизматлари, оилавий поликлиника, шифохона, беморлар.

Аннотация: в данной статье описывается состояние медицинской службы в стране, ее развитие в последние годы.

Ключевые слова: медицинские услуги, семейная клиника, больница, пациенты.

Abstract: this article describes the state of medical services in the country, its development in recent years.

Keywords: medical services, family clinic, hospital, patients.

Аҳоли соғлиғи барча вақтларда эътиборда бўган. Қадимги пайтларда одамларнинг касалликларини турли хил шахслар: табиблар, кохинлар, муллалар даъволаб келган. Лекин касаллик турлари кўп бўлгани сабабли, уларни даволашнинг иложи бўлмасдан, кўплар касаллиги туфайли вафот этишган. Фан, техника ва технологиянинг ривожланиши айниқса тиббий ва фармацевтика фанларини ривожланиши натижасида касалликларнинг турлари аниқланиб, уларни даволаш усуллари такомиллаштирилди.

Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки йиллариданоқ аҳолининг соғлиғини сақлашга катта эътибор қаратди. Давлат бюджетидан соғлиқни сақлашга катта маблағ ажратилиб намунавий лойиҳадаги қишлоқ врачлик пунктлари (ҚВП), стационар шифохоналар, ихтисослаштирилган тиббий марказлар ташкил этилди.

Мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида, ижтимоий соҳадаги давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири бўлган она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш масаласи етакчи ўринни эгаллайди. Бу борада хотин қизларга, айниқса туғриқ ёшида бўлган кенг тушунтириш ишларини олиб бориш, хомиладор аёллар билан хомиланинг яхши, соғ ривожланиши бўйича доимий назорат олиб бориш учун Республика перинтал маркази ва унинг Тошкент шаҳридаги ва вилоят марказларидаги филиаллари ташкил этилди. Натижада оналар ва гўдаклар ўлими сезиларли даражада камайди (1-жадвал).

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, ушбу даврда шифохона муассасалари 100,6 фоизга кўпайган. Шифохоналардаги ўринлар сони эса 2012-2020 йилларда 116,4 фоизга кўпайган, ваҳоланки улардаги даволанувчилар сони 4974.7 мингдан (2012 йил), 5532 минг кишига (2020 йил) яъни 11,2га кўпайган. Ушбу даврда амбулатория-поликлиникалар сони ҳам камаймаган, 2012 йилги 6389 тадан 2020 йилга келиб 6032 та бўлган. Болалар поликлиникаси сони камайиши, қишлоқ

1-жадвал

Ўзбекистонда тиббиёт хизматларининг 2012-2017-йилдаги асосий кўрсаткичлари

		2012 йил	2015 йил	2020 йил	2020 й 2012йилга нисбати, %
1	Шифохона муассасалари сони	1225	1071	1232	100,6
2	Шифохона ўринлари сони, минг	138.3	129.7	161,0	116,4
3	Стационарда даволанган беморлар сони, минг киши	4974.7	5293.9	5532,1	111,2
4	Амбулатория-поликлининка муассасалар сони	6389	6220	6032	94,4
5	Амбулатория-поликлиника муассасалар қуввати бир сменада қатновлар, минг	424.3	407.0	682,6	160,8
6	Болалар поликлиникалари сони	2418	1997	1067	44,1
7	Барча мутахасисликдаги шифокорлар сони, минг	81.3	83.4	93,3	114,8
8	Битта шифокорга тўғри келадиган, киши	369	379	370	100,3
9	Ўрта тиббиёт ходимлар сони, минг киши	324.6	336.4	369,9	114,0

врачлик пунктлари ва поликлиникаларни оилавий поликлиникаларга айлантирилгани билан боғлиқ. Оилавий поликлиникалар болалар шифокор мутахасислари билан таъминланди ва болалар ҳам ота-оналари (катталар) бир жойда тиббий хизматлар оладиган бўлди.

Давлатимиз раҳбари тиббий хизматлар кўлами ва сифатини яхшилашга қартилган, тиббий соҳани ривожлантириш бўйича 30га яқин фармон ва қарорлар қабул қилди. Бу ҳужжатлар асосида 793та қишлоқ врачлик пункитлар негизида оилавий пликлиникалар, 441та тез тиббий ёрдам шахобчаси ташкил этилди.[1] Агарда 2016 йилда 806та тез тиббий ёрдам стансияси фаолият кўрсатган бўлса, 2017 йилда уларнинг сони 2100 дан ошган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг “Соғлиқни сақлаш соҳасидаги хусусий секторни янада ривижлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 1 апрелдаги ПК-2863 қарорига асосан хусусий тиббиёт муассасалари шуғулланиши мумкин бўлган тиббий ихтисослик 50 тадан 126 тага кўпайтирилди. Натижада Тошкент шаҳрида Жанубий Корея, Ҳиндистон, Туркия; Жиззах шаҳрида Жанубий Корея; Фарғона Қарши каби шаҳарларда Ҳиндистон каби давлатлар билан қўшма клиникалар ташкил этилди. Натижада хусусий тиббиёт муассасалари сони 3860дан ошиб кетди.

[1] Тиббиёт соҳасидаги ислоҳатлар аҳолининг ҳаётдан розилиги, эл-юртимиз тараққиётига хизмат қилсин. Халқ сўзи газетаси, 2017 йил 19-октябр.

Кейинги йилларда соғлиқни сақлаш тизимида ишлайдиган ходимларнинг иш ҳақи бир неча бор оширилди. Натижада чет эл тиббиёт клиникаларида ишлаётган юқори малакали мутахасис ватандошларимиз мамлакатимизга қайтиб фаолиятини бошладилар.

Соғлиқни сақлаш соҳасидаги юқори технология ва сифатли ёрдам кўрсатиш тиббий хизмат ҳажмининг муттасил ошишига олиб келди. 2017 йилга келиб соғлиқни сақлаш бўйича хизматлар ҳажми 1701.5 млрд. сўмни ташкил этди, 2011 йилга нисбатан 4.8 кўпайганлиги (2017 йилда-354.4 млрд. сўм) таъминланди.

Аҳолининг соғлиғини сақлаш дори-дармонсиз бўлмайди. Бу борада давлатимиз раҳбарининг “Нукус-фарм”, “Зомин-фарм”, “Косонсой-фарм”, “Сирдарё-фарм”, “Бойсун-фарм”, “Бўстонлик-фарм” ва “Паркент-фарм” эркин иқтисодий зоналарини ташкил этиши тоғрисида”ги фармони юртимизда фармасевтика соҳасини ривожлантириш, дори-дармон воситаларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш, аҳолини сифатли дори ва тиббиёт воситалари билан таъминлашни яхшилаш билан бир қаторда, уларни экспорт қилиш имконини ҳам яратди. Натижада маҳаллий фармасевтика корхоналари ишлаб чиқараётган дорилар тури 2300дан ошиб кетди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги Олий мажлисга мурожаатномасида “Соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш, тиббий хизмат сифатини ошириш бўйича ислоҳотларимизни ҳам қатъият билан давом эттирамиз” деб таъкидлаган. Бу борада давлат тиббиёт ташкилотлари ва аҳолини дори воситалари, тиббиёт буюмлари билан таъминлашга 2019 йилга нисбатан 1,3 баробар кўп, яъни қарийиб 1,5 триллион сўм ажратилиши, 281 та тиббиёт муассасини қуриш ва таъмирлашга бюджетдан 1,1 триллион сўм сарфланиши режалаштирилган. Шу билан биргаликда давлат-хусусий шерикчилик асосида, ҳамда хорижий инвесторларни жалб этиш чораларини кўриб, тиббиётни янада соғлом рақобат асосида ривожлантириш белгиланмоқда.

Натижада тиббий хизматлар сифати яхшиланиб, со-лом, илмли, билимли, иқтидорли, болалар кўпайиб, илм-фанда, техникада мамлакатни бутун дунёга танитадиганлар етишиб чиқади.

Фойдаланилган адабиётлар руйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг “Соғлиқни сақлаш соҳасидаги хусусий секторни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”. 2017 йил 1 апрель. ПҚ-2863
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2020 йил. 24 январь
3. Ўзбекистон рақамларда 2014. Статистик тўплам. Уздавстатқўм. Т.: 2015 йил.
4. Ўзбекистон рақамларда 2016. Статистик тўплам. Уздавстатқўм. Т.: 2016 йил.

Ўзбекистон рақамларда 2019-2020 йиллар. Статистик тўплам. Уздавстатқўм. Т.: 2021 йил.

Қ.Ж.Мирзаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.,
Б.К.Жанзаков – ТДИУСФ катта ўқитувчиси, PhD.

ИҚТИСОДИЁТНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН БОШҚАРИШДА КЛАСТЕРЛАШ УСУЛИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ МУҲИМ ХУСУСИЯТЛАРИ

Аннотация. Ушбу тезисда иқтисодиёни давлат томонидан бошқарув жараёнида кластерлар усулининг устунликлари илмий асосланган. Инновацион кластерлардан глобализация шароитида самарали фойдаланиш йўналишлари баён этилган.

Калит сўзлар: кластер, иқтисодий ўсиш, инновация, даромад, синергия.

Аннотация. В данном тезисе научно обоснованы приемущества кластерного метода государстенного управления экономики. Рассмотрены направления эффективного использования инновационных кластеров в условиях глобализации.

Ключевые слова: кластер, экономический рост, инновация, доход, синергия.

Abstract. In this thesis, the advantages of the cluster method of public administration of the economy are scientifically substantiated. The directions of effective use of innovative clusters in the context of globalization are considered.

Key words: cluster, economic growth, innovation, income, synergy.

Республикамиз иқтисодиётини давлат томонидан бошқариш ва тартибга солишда кластерлаш усулидан фойдаланиш иқтисодиёт таррақиётида алохида ахамият касб этади. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек “...Биз бундан буён фаолиятимизни “инсон-жамият-давлат ” деган янги тамойил асосида ташкил этамиз”, айниқса республикамиз иқтисодиётининг келгуси тараққиётида давлат томонидан бошқарувни амалга оширишда алоҳида устивор йўналиш сифатида эътибор “...”хомашиёдан-тайёр махсулотгача” деган тамойил асосида драйвер соҳаларда кластер тизимини ривожлантирамиз” (Ш.М.Мирзиёев “Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси асосида демократик ислохотлар йўлини қатьий давом эттирамиз(Янги Ўзбекистон” газетаси 2021-йил 7-ноябрь).

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики республика иқтисодиётида ва унинг бошқарувида кластерлаш қуйидаги бир қатор янги имкониятларни вужудга келтиради ва бунда давлат бош ислохотчиси сифатида фаол иштирок этади. Жумладан:

Биринчидан, фаолият соҳаси бўйича географик жиҳатдан бир-бирига яқин бўлган компаниялар, ташкилотлар ва корхоналарнинг юқори даромад олишлиги учун ўзаро ҳамкорлиги яратилади.

Иккинчидан, маълум бир соҳага мансуб бўлган ихтисослашган корхона ва ташкилотларнинг янги инновацион ғоялари ишланмалари ҳамда тадқиқот натижаларини ишлаб чиқаришга қўллашга эга бўлинади.

Учинчидан, маълум бир минтақада кластерлаш асосида ҳудуд самарадорлигини оширишнинг ички имкониятлари очиб берилади.

Тўртинчидан, ҳамкор ташкилотларнинг самарали фаолияти нати-

жасида юқори ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш бўйича кластер самарадорлигига эришилади ҳамда фойда олиш имконияти юзага келади.

Бешинчидан, республикамиз минтақаларида корхоналар, компаниялар ва ташкилотлар ўртасида соф рақобатбардошлик имконияти яратилиб ва натижада ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишнинг юқори натижадорлигига эришилади.

Юқорида баён қилинган кластерлаш натижасида яратилган янги имкониятлардан келиб чиқиб янги Ўзбекистон иқтисодиётини тизимли ривожлантириш зарур ҳисобланади. Шундай экан, ҳозирги тезкор иқтисодий ривожланишда иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг муҳим асосиси ҳисобланган кластерларни шакллантириш қуйидаги иқтисодий шарт-шароитларни яратади.

Биринчидан, хусусий корхоналар ва тармоқлар, давлат хусусий ҳамкорлик ташкилотлари ҳамда давлат органлари, жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда иқтисодиёт эҳтиёжи учун муҳим зарурий маҳсулот ишлаб чиқариш.

Иккинчидан, тегишли ҳудудда турли ресурсларни жалб этиш асосида кластер субъектларидан самарали фойдаланишнинг янги имкониятларини яратиш.

Учинчидан, “фан-таълим-ишлаб чиқариш” занжиридан кластер элементларидан фойдаланган ҳолда самарали фойдаланишни ташкил этиш ва бунда фан соҳасида эришилаётган ютуқларни жадаллик билан амалиётга жорий этиш тизимини кучайтириш.

Тўртинчидан, инновацион кластер ташкил этилган ҳудудда барча объектлар ва субъектлар рақобатбардошлигини ошириш ва янги ички имкониятларни очиб берилишига шарт-шароит яратиш.

Бешинчидан, инновацион кластер асосида юқори билим, малака ва кўникмага эга бўлган инсон ресурсларидан самарали фойдаланиш ҳисобига янги инновацион ғояларни яратилишини кучайтириш.

Олтинчидан, мамлакатда географик жойлашув бўйича турли ҳудудлар ички имкониятларидан самарали фойдаланишга шарт-шароитлар яратиш.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики инновацион фаолиятга асосланиб кластер усулида бошқаришда давлатнинг устуворлик жиҳатлари қуйидагиларда намоён бўлади.

1. Инновацион кластернинг муҳим тамойили бўлган фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг уйғунлигини ҳамда турли жараёнда иштирок этган ташкилотлар, корхоналар, тармоқлар интеграциясини фаол ташкил этилишини назорат қилиб туради.

2. Инновацион кластерни давлат томонидан бошқаришда кластер жараёнига янги маҳсулот ва технологияларнинг янги турларини ўзлаштириш учун шарт-шароит яратиш, шунингдек, миллий товарларнинг рақобатбардошлигини таъминлашни давлат назорат қилиб туради.

3. Давлат томонидан инновацион фаолиятни амалга оширувчи кластерларни бошқариш бугунги кунда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича ҳаракатлар стратегиясида белгиланган иқтисодиётнинг етакчи тармоқ-ларини модерни-зация ва диверсификация қилиш асосида амалга оширилади.

4. Давлат томонидан инновацияга асосланган кластерларни бош-қаришда улар жойлашган минтақалар, иқтисодий-ижтимоий ҳолати, аҳолининг турмуш даражаси ҳамда шу ҳудуддаги тармоқларнинг рақобатбардошлик хусусиятлари ҳисобга олинади.

5. Инновацион фаолиятни давлат томонидан бошқарувига давлатнинг инвестицион фаолликдаги ўрни ва жозибадорлигини ташкил этишдаги ҳиссаси ҳисобга олинади.

6. Инновацион фаолиятга асосланган кластерларни давлат томонидан бошқаришда менежментнинг асосий ҳаракат қоидаси ҳисобланган мақсад-ҳаракат- натижага эътибор берилиб, бунда кластер мақсади белгилангач, унга эришиш учун стратегик ва тактик ҳаракатлар амалга оширилади ҳамда унинг муваффақиятли якуни кутилган ижобий натижа билан белгиланишини давлат ўз назоратига олади.

7. Инновацион кластерларни давлат томонидан бошқаришда бошқарувнинг ушбу жараёнга мос ташкилий тузилмалари тегишли бўлим ва бўлинмалар ҳамда уларни амалга ошириш бўйича бошқариш механизмлари белгилаб олинади.

8. Инновацион кластерларни давлат томонидан бошқаришда бошқарув тузилмаларининг муваффақиятли фаолияти замонавий менежмент тамойиллари, усул ва воситаларининг жорий этишнинг қай даражада амалга ошириши билан белгиланади.

9. Инновацион кластерлар рақамли иқтисодиётнинг муҳим элементларини ўзида акс эттириши, рақамли технологияларни қўллашини давлат назорат қилади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб республикамиз иқтисодиётини давлат томонидан тартибга солишда мухум “драйвер” соҳа ҳисобланган кластерлаш тизимини тараққий эттиришда қуйидагилар устувор вазифа сифатида белгиланган.

1. Бугунги кунда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, сақлаш ва айниқса уларни қайта ишлаш жараёнларини қамраб олувчи янги инновацион мева-сабзавот кластерларини ташкил этиб, уларнинг самарали фаолиятини йўлга қўйиш долзарб ҳисобланади. Бу борада Президентимизнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида таъкидлаганидек, “Мева-сабзавот, шоличилик, чорвачилик, ипакчилик каби бошқа тармоқларда ҳам бугунги кун талабига жавоб берадиган кластерларни ташкил этиш...”[1] олдимизда турган муҳим вазифадир.

2. Мамлакатимизда муҳим тармоқ ҳисобланган тўқимачилик

[1] Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси.//Халқ сўзи, 2020 йил 25 январь.

саноатини шунингдек қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлашга йўналтирилган янги инновацион пахта тўқимачилик кластерларини ташкил этишни ривожлантириш.

3. Республикамизда тез ўсиб бораётган ва мамлакатимизнинг келгуси тараққиётини белгилаб берувчи стратегик соҳа туризмда янги инновацион туризм кластерларини фаолиятини ташкил этиш, жумладан, туризм кластерлари, юқори сифатли туристик хизмат кўрсатиш ҳудудий кластерларини ташкил этиш ва ривожлантириш.

4. Республика иқтисодиётининг "қон-томири" бўлган ва саноатнинг етакчи замонавий тармоғи ҳисобланган автомобилсозлик, машинасозлик ва шу каби бошқа соҳаларда ҳудудий инновацион кластерини шакллантириш.

5. Республикада ўта муҳим ҳисобланган энергетика, тоғ-кон металлургияси, геология ва бошқа шу каби тармоқ ва соҳаларни ривожлантириш эҳтиёжидан келиб чиқиб янги минтақавий инновацион кластерларни ташкил этишни кенгайтириш.

6. Республикамизда янги Ўзбекистон иқтисодиётини шакиллантиришда мухим ахамият касб этадиган "ақлли инновацион кластер" тизими бўйича юқори даромад олиш имкониятини яратадиган хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси бўйича худудий инновацион кластерларни кўпайтириш ва бошқа шу кабилар ҳисобланади.

Умуман республика иқтисодиётини янги замонавий рақамли технологиялардан фойдаланилган холда давлат томонидан бошқарувни амалга оширишда кластерлаш усулидан фойдаланиш юқори самара беради

Г.М.Шадиева – СамИСИ, Реал иқтисодиёт кафедраси профессори, и.ф.д.
Д.Ширинбаева – СамИСИ, МИ-121 гуруҳ магистранти

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ХУСУСИДА АЙРИМ НАЗАРИЙ ҚАРАШЛАР

Аннотация: Мазкур мақолада инновацион ривожланишга ўтишда рақамлаштиришнинг аҳамияти ёритиб берилган. Шунингдек, рақамли иқтисодиёт тушунчасига бир қатор олимларнинг берган таърифлари таҳлил қилинган.

Таянч иборалар: инновацион ривожланиш, рақамлаштириш, рақамли иқтисодиёт, рақамли технология, ахборот технологиялари.

Аннотация: В данной статье подчеркивается важность цифровизации в переходе к инновационному развитию. Также анализируются определения, данные концепции цифровой экономики рядом ученых.

Ключевые слова: инновационное развитие, цифровизация, цифровая экономика, цифровые технологии, информационные технологии.

Abstract: This article highlights the importance of digitalization in the transition to innovative development. It also analyzes the definitions given to the concept of digital economy by a number of scientists.

Keywords: innovative development, digitization, digital economy, digital technology, information technology.

Рақамли инқилоб иқтисодиётни ва жамиятни мисли кўрилмаган тезлик билан ўзгартирмоқдаки, бу ўз навбатида улкан имкониятлар ва қийинчиликларни ҳам келтириб чиқариши ҳеч кимга сир эмас. Дунё аҳолисининг ўсиб бориши, экологияни ёмонлашуви, инвестицион фаолликнинг кучайиши, иқтисодий ўсиш сифатини яхшилаш, инсон капитали ва энг илғор, юқори технологияларга асосланган рақамли иқтисодиётни ривожлантиришга сабаб бўлмоқда. Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви ва технологик ривожланиш шароитида Ўзбекистоннинг иқтисодий ривожланишини рақамли иқтисодиётининг жадал суръатлар билан ўсишисиз тасаввур қилиш қийин. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида жаҳон бозори конъюнктураси кескин ўзгариб, глобаллашув, рақобат тобора кучайиб бораётган ҳозирги шароитда мамлакатимизни янада барқарор ва жадал суръатлар билан ривожлантириш, унинг рақобатбардошлигини кескин ошириш вазифаси қўйилган.

Бу стратегияни муваффақиятли амалга ошириш, биринчи навбатда, миллий инсон капиталига – барча фуқароларимизнинг чуқур замонавий билимларга ва юксак маҳоратга эга бўлишига боғлиқдир Зеро, “Бугун биз давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан янгилашга қаратилган **инновацион ривожланиш йўлига ўтмоқдамиз.** Бу бежиз эмас, албатта. Чунки замон шиддат билан ривожланиб бораётган ҳозирги даврда ким ютади? Янги фикр, янги ғояга, инновацияга таянган давлат ютади” [1]. 2020 йилнинг юртимизда “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили” деб эълон қилиниши ҳам мазкур йўналишда қўйилган муҳим қадамдир. “Албатта, рақамли иқтисодиётни шакллантириш керакли инфратузилма, кўп маблағ ва меҳнат ресурсларини талаб этишини жуда яхши биламиз. Бироқ, қанчалик қийин бўлмасин, бу ишга бугун киришмасак, қачон киришамиз?! Эртага жуда кеч бўлади. Шу боис, рақамли иқтисодиётга фаол ўтиш – келгуси 5 йилдаги энг устувор вазифаларимиздан бири бўлади. Рақамли технологиялар нафақат маҳсулот ва хизматлар сифатини оширади, ортиқча харажатларни камайтиради. Шу билан бирга, мени жуда қаттиқ ташвишга соладиган ва безовта қиладиган энг оғир иллат – коррупция балосини йўқотишда ҳам улар самарали воситадир. Буни барчамиз теран англаб олишимиз даркор.” [2].

Рақамли иқтисодиётнинг пайдо бўлиши иқтисодий назариядаги бир қатор мактаблар ва йўналишларнинг илмий қарашларига, яъни, маржинализм, кейнсчилик, институционализмга асосланган эди. Рақамли иқтисодиётнинг шаклланиш жараёнида иқтисодий ва математик моделлаштириш, ижтимоий психология, ахборот ва телекоммуникация технологиялари каби фанлар ва технологиялар таъсир қилди. Яъни, маълумотлар олиш, узатиш, қайта ишлаш ва сақлаш учун илғор технологиялар пайдо бўлишига ёрдам берди.

Ҳозирги кунда, “рақамли иқтисодиёт” тушунчасининг турли хилдаги талқинлари мавжуд. Масалан, электрон (рақамли) иқтисодиёт-рақамли тех-

нологияларга асосланган иқтисодий фаолият; рақамли иқтисодиёт-рақамли-ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланишга асосланган иқтисодий, ижтимоий ва маданий алоқалар тизими, шунингдек, рақамли иқтисодиёт-ахборот-коммуникацион технологиялари дейиш мумкин.

Россиялик олим, М. Л. Калужскийнинг фикрича, рақамли иқтисодиёт – бу интернетда иқтисодий фаолиятнинг алоқа муҳити, шунингдек, уни амалга ошириш шакллари, усуллари, воситалари ва натижаларидаир.[3].

Америкалик футуролог К. Келли эса, қуйидагича аниқроқ таърифни келтиради: “Рақамли технологиялар ва коммуникациялар деганда коммуникация шунчаки иқтисодиёт соҳаси эмас, Алоқа-бу иқтисодиётнинг ўзи.” [4].

Академик Саидаҳрор Ғуломов эса, драқамли иқтисодиёт–бу жамият неъматларини ишлаб чиқариш, тақсимлаш ва истеъмол қилиш жараёнларида электрон ҳамда ахборот-коммуникатсион технологияларини кенг жорий этишни кўзда тутадиган инсоннинг хўжалик фаолиятини тадқиқ этувчи фандир деб таърифлайди.. Унинг фикрича, рақамли иқтисодиёт атамаси икки хил турли тушунчаларни ифодалаш учун ишлатилади. Биринчидан, рақамли иқтисодиёт–бу ривожланишнинг замонавий босқичи ҳисобланиб, у ижодий меҳнат ва ахборот неъматларининг устувор ўрни билан тавсифланади. Иккинчидан, рақамли иқтисодиёт–бу ўзига ҳос назария бўлиб, унинг ўрганиш объекти, ахборотлашган жамият ҳисобланади. [5]

Рақамли иқтисодиётда рақамли кўринишдаги маълумотлар барча ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги ишлаб чиқаришнинг асосий элементи ҳисобланади ва бундай иқтисодиёт тизимига босқичма-босқич ўтиш мамлакатимизнинг глобал миқёсдаги рақобатбардошлилиги фуқароларнинг ҳаёт сифатини янада оширади, янги иш жойларини яратади, жадал иқтисодий ўсишга имкон яратади ва миллий мустақилликни таъминлайди.

Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиёт дастурини ҳаётга татбиқ қилиш қуйидагиларга эришишга имкон беради [6]:

- янги технологиялар яратишга ҳалақит бераётган ҳуқуқий тўсиқларни янги норматив-ҳуқуқий база яратиш ёрдамида тўлиқ бартараф қилиш;
- рақамли иқтисодиёт инфратузилмасини яратиш ва ривожлантириш, шу жумладан, тармоқлар, маълумотларни қайта ишлаш марказлари, техник ва дастурий таъминотнинг замон талабларига мос равишда ривожланишига;
- таълим тизимининг ҳар томонлама ривожланишини ва янгиланиши таъминланишига;
- мамлакатдаги турли-туман компанияларнинг, фирмаларнинг, давлат корхоналарининг ҳамда бизнеснинг ривожланишига пухта асос яратилишига;

- рақамли иқтисодиёт соҳасида кўплаб ташкилотлар вужудга келишига.

Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш дастури қуйидаги мақсадларини амалга ошириш учун ҳизмат қилиши керак [25]:

Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётнинг экотизимини яратишга;

- мамлакат рақамли иқтисодиёт тизимининг институтлари ва инфратузилмасини яратишга;
- республиканинг барча тармоқларини қамраб олувчи информацион жамият ташкил қилиш учун керакли бўлган барча чора-тадбирларни амалга оширишга;
- глобал миқёсда ва глобал бозорларда республикамизнинг рақобатбардошлилигини оширишга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 февралдаги “Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони, 2018 йил 3 июлдаги “Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорларини ҳам шу тадбирлар жумласига киритиш мумкин. Ушбу чора-тадбирлар натижасида электрон ҳужжат айланиши жорий этилди, электрон тўловлар ривожлантирилмоқда ва электрон тижорат соҳасида норматив-ҳуқуқий база такомиллаштирилмоқда.

Умуман, бугунги кунда жаҳонда рақамли иқтисодиётнинг ўрни ортиб боряпти. Мамлакатимизда ҳам 2020 йилнинг Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили деб эълон қилиниши бежиз эмас. Юртимизда мазкур соҳани ривожлантириш учун муайян ишлар амалга оширилмоқда. Шубҳасиз, иқтисодий секторни рақамлаштириш товар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган харажатларни камайтириш, маҳсулот сифатини яхшилаш, ҳажми ва рақобатбардошликни кескин ошириш ҳамда вақтни тежаш каби имкониятларни яратади. Айни пайтда Ўзбекистонда рақамли технологиялар банк тизими, чакана савдо, транспорт, энергетика, таълим, соғлиқни сақлаш ва бошқа соҳаларда кенг кўламда қўлланилмоқда.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, қуйидаги назарий хулоса ва таклифлар шакллантирилди:

1. Рақамли иқтисодиёт – бу иқтисодий, ижтимоий ва маданий алоқаларни рақамли технологиялардан фойдаланган ҳолда амалга ошириш тизими бўлиб, бунга авваламбор онлайн-хизматлар, масофавий таълим, электрон тўловлар, товар ва хизматларнинг интернет-савдоси мисол бўла олади.

2. Ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва маъмурий жараёнлар бошқаруви автоматлаштирилган тизимларини яратиш ва жорий этиш, иқтисодиётни рақамлаштириш, АКТ-соҳасини ривожлантириш лозим. Бу жараён ўз навбатида яширин иқтисодиётга барҳам бериш воситаси сифатида

намоён бўлади. Чунки, биринчидан, ҳамма амалга оширилган операциялар электрон рўйхатдан ўтилишига, иккинчидан, ҳамма нарса шаффоф бўлишига эришилади. Қолаверса, ишлаб чиқаришда янги ИТ қўлланиши оқибатида маҳсулот ва хизматларнинг таннархи пасаяди ва рақобатбардошлик ошади. Иқтисодиётимиз рақобатбардош бўлмас экан, бозор қонунлари тўлиқ амал қилмас экан, амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг натижаси ҳам сезиларли бўлмайди.

3. Аҳолига хизмат кўрсатиш жараёнида инсон иштирокини кескин камайтириш зарур. Бу ўз навбатида аҳоли турмуш сифати ва фаровонлигига ижобий таъсир этади, бюрократия, қоғозбозлик ҳамда коррупциянинг сезиларли даражада камайишини таъминлайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Тошкент: Ўзбекистон, НМИУ, 2018. б.20.
3. Калужский М. Л. Маркетинговые сети в электронной коммерции: институциональный подход /М.Л. Калужский. — М.: Берлин: Директ-Медиа. — 2014. — 402 с.
4. Kelly K. New Rules for the New Economy: 10 radical strategies for a connected world / K. Kelly. — New York: Viking, 1998. — 224 p.
5. С. *Гулямов, Р. Аюпов*. Рақамли иқтисодиёт ва унинг асосий ривожланиш йўналишлари. Давлат статистика қўмитасининг “Ўзбекистон статистика ахборотномаси” илмий электрон журнали. 2019 йил, 2-сон.
6. Гулямов С.С. va boshqalar. Raqamli iqtisodiyotda blokcheyn texnologiyalari. T.: Iqtisod Molia , 2019. 396 b.

Б. А.Исмаилов –Қорақалпоқ давлат университети таянч докторант

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ КОРХОНАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Аннотация: Ушбу мақолада хизмат кўрсатиш соҳасининг замонавий тармоқларида инновацион фаолиятини ривожлантириш, унинг вазифалари ва тизимини шакллантириш тамойиллари, алгоритмлари ва хизмат кўрсатиш соҳасида юқори малакага эга кадрларни тайёрлаш тадқиқ этилган.

Калит сўзлар: хизмат кўрсатиш корхоналари, иқтисодий самарадорлик, хизмат кўрсатиш соҳаси, омиллар, инновацион ривожланиш, ресурслар, инновацион лойиҳа, алгоритм, рақамли иқтисодиёт, стратегик йўналишлар, ишчи-ходимлар.

Аннотация: В данной статье исследуется развитие инновационной деятельности в современных отраслях сферы услуг, ее задачи и принципы формирования системы, алгоритм и подготовка высококвалифицированных кадров в сфере услуг.

Ключевые слова: предприятия оказывающие услуги, экономическая эффективность, факторы, инновационное развитие, ресурсы, инновационный

проект, алгоритм, цифровая экономика, стратегические направления, служащие.

Abstract: This article examines the principles, algorithms and training of highly qualified personnel in the field of services, the development of innovative activities in modern industries, the formation of its tasks and systems.

Keywords: service enterprises, cost-effectiveness, service sector, factors, innovative development, resources, innovative project, algorithm, digital economy, strategic directions, employees.

Иқтисодиётнинг инновацион ривожланиши шароитда хизмат кўрсатиш корхонасининг асосий мақсадларидан бири ижтимоий ва иқтисодий ривожлантириш орқали мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш ҳамда иқтисодий самарадорликни ошириш ҳисобланади. Ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) омилларидан оқилона фойдаланиш ижтимоий-иқтисодий самарадорликка эришишга имконият яратади.

Бизнингча, бугунги кунда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожланишида энг асосий аҳамиятга эга бўлган омил – илмий-техник тараққиёт натижаларини ишлаб чиқаришга жорий қилишдир. Чунки, илмий-техник тараққиёт натижасида инновацион ривожланишни таъминлаш, бир томондан, кўрсатилаётган хизматлар ассортиментини такомиллаштириб, уларнинг сифати ва хизматлар турларини кўпайтирса, иккинчи томондан, хизматлар истеъмолини тўлиқ қондириш имкониятини юзага келтиради. Масалан, тиббий хизматларни техник-технологик жиҳатдан ривожланиб бориши, мазкур соҳани кимё, физика, механика каби табиий фанлар билан узвий боғлиқлигини янада кўчайиши ҳамда унинг сифати ва самарадорлигини ошишига шароит яратмоқда. Кейинги пайтларда тиббий хизмат кўрсатиш ташкилотларида ахборот технологиялари ва лазер ускуналаридан фойдаланиш мазкур хизмат турларини такомиллашаётганлигидан далолат бермоқда. Шундай экан, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида инновацион фаолиятни ривожлан-тириш соҳада хизматлар диверсификациялашишига олиб келмоқда.

Хизмат кўрсатиш соҳасининг замонавий тармоқларида инновацион фаолиятини ривожлантириш жараёни тавсифи бўйича мураккаб таркибга эга. Шунга кўра, инновацион фаолиятини ривожлантириш жараёни тавсифи ва бошқарув кўрсаткичлари тавсифини аниқлаш учун ресурсларга (дастлаб ахборот ресурслари) зарурат сезилади. Хизмат кўрсатиш корхоналарида инновацияларни бошқариш тизимини ривожланиши бўйича ёндашувлар ҳамда тамойиллар эътиборга олиниши зарур.

Хизмат кўрсатиш корхоналарида инновацион фаолиятни ривожлантириш қуйидаги вазифалар бажарилишини назарда тутади:

– соҳада инновацион ғояларни реализация қилиш учун истиқбол лойиҳаларини танлаш ва замонавий тармоқларнинг устувор йўналишларига мос инновацион лойиҳаларнинг портфелини ишлаб чиқиш;

– хизмат кўрсатиш корхоналарида инновацион лойиҳалар самарадорлигини баҳолаш усулларини ишлаб чиқиш;

– соҳа корхоналарида инновацион лойиҳаларни жорий этиш

бўйича харажатларни оптималлаштириш.

– хизмат кўрсатиш корхоналарининг инновацион ривожланиш дастурларини ишлаб чиқиш, баҳолаш ва амалиётга жорий этиш мониторингини ўтказиш;

– ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш), олий таълим тизими, илмий-тадқиқот институтлари, турли хил ташкилотлар ва мавжуд ҳудудий, тармоқ, ва бошқа инновацион тизимларига хизмат кўрсатиш корхонасини интеграциялашувини таъминлаш асосида унинг илмий-ишлаб чиқариш бирлашмалари фаолиятини кенгайтириш;

– хизмат кўрсатиш корхоналарининг интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш бўйича рағбатлар тизимини шакллантириш.

Бизнинг фикримизча, хизмат кўрсатиш соҳасида инновацион фаолиятни ривожлантириш тизимини шакллантириш тамойиллари қуйидагилардан иборат:

– соҳада инновацион фаолиятни ривожлантиришнинг меъёрий-ҳуқуқий ва ахборот-услубий базасини такомиллаштириш;

– хизматлар бозорида инновацион хизматларга талаб ва таклиф ўртасида мувофиқликни таъминлаш, уларга бўлган талабни бозор механизмлари асосида шакллантириш;

– соҳада мақсадли ривожланиш параметрлари ҳамда инновацион фаолиятни ривожлантириш дастурлари, лойиҳаларини баҳолаш методологиясини такомиллаштириш;

– илмий-техник экспертизани объектив ва мустақил ўтказиш орқа-ли инновацион лойиҳалар танловни амалга ошириш ҳамда уларни баҳолаш;

– соҳада муайян лойиҳаларнинг реализациясини оралиқ кўрсаткичлар бўйича реализация қилишни доимий мониторнингини амалга ошириш.

Бизнингча, хизмат кўрсатиш соҳасини фан сиғими юқори тармоқларининг инновацион фаолиятини ривожлантириш алгоритми қуйидагилардан иборат бўлиши зарур:

1. Соҳанинг тармоқ ривожланиш хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда устувор ҳисобланган инновацияларнинг рўйхатини тузиш.
2. Хизмат кўрсатиш корхонасида инновацион лойиҳалар рўйхатини тузиш.
3. Хизмат кўрсатиш соҳасининг тармоқ ривожланиш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда инновацион лойиҳалар рўйхати асосида уларнинг ўзаро нисбатини баҳолаш.
4. Юқори самарадорликка эга инновацион лойиҳани аниқлаш.
5. Юқори самарадорликка эга лойиҳани амалга ошириш қийматини баҳолаш.
6. Соҳада инновацион лойиҳаларни жорий қилиш ва амалга оширишга таъсир этувчи экзоген ва эндоген омилларни ҳисобга олиб, мавжуд манбалар ва имкониятлар бўйича лойиҳани реализация қилиш учун иқтисодий ва ахборот ресурслари рўйхатини шакллантириш.

7. Молиявий маблағлар ҳажмига кўра лойиҳаларни жорий этишни баҳолаш. Инновацион лойиҳаларни амалга ошириш учун белгиланган даврда молиявий ресурслар билан таъминлашнинг қўшимча манбаини шакллантириш ҳамда истиқболли даврга лойиҳалар самарадорлигини баҳолаш.

8. Хизмат кўрсатиш корхоналарида лойиҳаларни амалга ошириш учун уларнинг бўлимлари календар жадвалини аниқлаш.

9. Соҳада инновацион лойиҳаларни реализация қилишни бошлаш.

10. Соҳада инновацион лойиҳаларни амалга ошириш бўйича мониторингни ўтказиш. Тизим мониторинг натижаларига кўра, лойиҳани молиялаштириш, лойиҳани реализация қилишга йўналтирилган ресурслардан самарали фойдаланиш ҳамда инновацион лойиҳанинг самарадорлигини баҳолаш.

Хизмат кўрсатиш корхоналарида инновацион фаолиятини ривожлантириш муайян воситалар асосида уларнинг фаолияти билан мувофиқда ҳар бир бўлим ўртасида инновацион фаолиятни амалга оширишда фойдаланувчи функцияларни тақсимлашни зарурат этади.

Рақамли иқтисодиёт шароитида ҳар қандай жамият ижтимоий ва иқтисодий ривожланишининг асосий интенсив омил сифатида инсон капитали иқтисодий жараёнларда муҳим рол ўйнайди. Бунда инсон омили ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) тизимининг шунчаки унсури сифатида намоён бўлмасдан, балки тўғридан-тўғри ишлаб чиқариш кучига айланди.

Ҳозирги вақтда республикамиз иқтисодиётининг ривожланиши бевосита когнитив омиллар ҳамда рақамли технологияларга асосланган хўжалик юритишнинг таъсири остида бўлмоқда. Бу эса ходимларнинг билими, интеллектуал салоҳияти ҳамда ахборот технологияларининг ривожланиш даражаси корхоналар рақобатдошлигини белгилаб беради.

Шундай экан, хизмат кўрсатиш соҳасида рақобатбардош мутахассис-кадрлар билан таъминлашда қуйидагилар муҳим стратегик йўналишлар ҳисобланади:

– хизмат кўрсатиш корхоналарида меҳнат жамоалари ўртасида ижтимоий кафолатлар тизимини ва иқтисодий барқарорлигига эришиш;

– рақамли хизматлар кўрсатиш жараёнларига мос ишчи-ходимларнинг касбий билим, кўникма ва малакалаларини ошириш;

– хизмат кўрсатиш жараёнида инсон омилини ҳамда ходимларнинг интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш.

Дастлабки стратегик йўналиш сифатида хизмат кўрсатиш корхоналари ходимларини зарур ижтимоий кафолатлар, меҳнат натижаларидан иқтисодий манфаатдорликни таъминлаш кўзда тутилади. Бунда кафолатланган иш ҳақи ходимни такрор ишлаб чиқаришни таъминлайди.

Иккинчи стратегик йўналиш соҳа ходимларининг касбий маҳоратини ривожланиши учун шарт-шароит яратишни назарда тутади. Ушбу йўналишда асосий эътибор кадрларнинг касбий йўналтирилганлиги, уларни замонавий касбларга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш эътиборга олинади.

Учинчи стратегик йўналиш сифатида халқаро стандартларга мос рақобатбардош хизматларни ишлаб чиқариш бўйича интелектуал салоҳияти юқори ходимларни ривожлантириш учун инновацияларга зарурат пайдо бўлади. Акс ҳолда, кескин рақобат шароитида хизматлар бозорида ўз мавқиеини сақлаб қолишнинг имконияти мавжуд бўлмайди.

Бугунги кунда иқтисодиётнинг инновацион ривожланиши шароитида хизмат кўрсатиш корхоналари фаолиятини ривожлантириш учун соҳада кадрларга талабни шакллантириш асосида уларни рақамли хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ замонавий касбларга тайёрлаш тизимини такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга. Чунки рақамли технологияларни соҳанинг замонавий тармоқларида кенг кўламда жорий этиш, юқори малакага эга ходимларга хизмат кўрсатиш жараёнида ўз вазифаларини бажариши учун юқори талаблар қўйилади.

Бизнингча, хизмат кўрсатиш соҳасида юқори малакага эга кадрларни тайёрлаш тизими қуйидаги тадбирларни амалга оширишни назарда тутиши керак:

– соҳада малака ошириш тизимининг узлуксизлигини таъминлаш. Бунда асосий мақсад – ходимларнинг касб-малака даражасини ошириши орқали ўзларининг имкониятларини тўлиқ намоён этиш ҳамда кўрсатиладиган хизматлар сифати ва самарадорлигини ошиши кўзда тутилади;

– ишчи-ходимларнинг хизмат кўрсатиш жараёнида бажарадиган меҳнати фаолиятини мақсадга мувофиқлигини таъминлаш бўйича меҳнат жараёнларини ташкил этиш, режалаштириш ҳамда касбий кўникмаларни оширишга эътибор қаратиш;

– ишчи-ходимларни иккинчи ёки ўриндош касблар бўйича ўқишини ташкил этиш. Бунда соҳада банд бўлган ишчи-ходимлар бир неча мутахассислик бўйича ихтисослашиб, бозори коньюнктурасига тезда мослашади;

– ўрта махсус ҳамда олий маълумотга эга мутахассисларни хизматлар бозорида замонавий хизмат турлари бўйича ихтисослашувини таъминлаш.

Иқтисодиётнинг трансформациялашуви шароитида корхоналарни оқилона жойлаштириш хизмат кўрсатиш тармоқларида уларнинг самарали ривожланишини таъминлашнинг муҳим шарти ҳисобланади. Ушбу жараён турли масалаларни, яъни тармоқ ривожланиши учун йўналтирилган иқтисодий ва ахборот ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошишига олиб келади. Аммо, баъзи ҳолларда алоҳида хизмат кўрсатувчи корхоналарнинг иқтисодий самарадорлигига, уларни оқилона жойлашувига (меҳнат унумдорлиги, корхона рентабеллиги ва бошқа кўрсаткичлар) кўпроқ эътибор берилади.

Бизнинг фикримизча, республика миқёсида хизмат кўрсатувчи корхоналарни рационал жойлаштириш бўйича илмий таҳлиллар ва тавсиялар хизматлар соҳасидаги барча муаммоларни қамраб олишига эътибор қаратиш зарур.

Шундай қилиб, хизмат кўрсатиш тармоқлари ва корхоналарида хизмат кўрсатиш жараёнларини рақамлаштириш, интенсивлаштириш ҳамда шунга мос замонавий кадрлар билан таъминлашни назарда тутади. Ушбу жараёнда хизмат кўрсатиш ходимлари фаолиятини ташкил этиш, бошқарув ва меҳнат жараёнларини модернизациялашга компетентли ёндашувнинг усуллари ҳамда технологияларидан фойдаланиш ижтимоий-иқтисодий самарадорликни оширишнинг шарт-шароити бўлиб ҳисобланади. Бунда хизмат кўрсатиш персоналининг шахсий, малака ва касбий сифатларини ошириш орқали мақбул даражада меҳнат самарадорлигига эришиш бўйича объектив ахборотларга эга бўлишни назарда тутувчи самарали янги ижтимоий технологияларни жорий этиш меҳнат жамоасида ижобий ижтимоий-психологик муҳитни таъминлайди. Мазкур жараёнда нафақат хизмат кўрсатиш самарадорлигига эришилади, балки корхонада ижтимоий-иқтисодий барқарорлик таъминланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Бурменко Т. Д. Сфера услуг: экономика: учебное пособие / Т.Д. Бурменко, Н.Н. Даниленко, Т. А. Туренко; под ред. Т.Д. Бурменко. - М.: КНОРУС, 2007. – 328 с. – С. 64-65.
2. К.Хаксевер, Б.Рендер, Р.Рассел, Р.Мердик Управление и организация в сфере услуг, 2-е изд. / Пер. с англ. Под ред. В. В. Кулибановой. - СПб: Питер, 2002. – 752 с.: ил. - (Серия «Теория и практика менеджмента»).
3. Ураков Ж.Р. Хизмат кўрсатиш корхоналари фаолиятлари самарадорлигини оширишнинг ташкилий-иқтисодий механизми (Самарқанд вилояти мисолида) // дисс. иқт. фан. номзоди. – Т.: СамИСИ. 2011. 15-16 б.

Шохиста Рустамова – Термиз давлат университети магистранти

ИҚТИСОДИЁТНИНГ ТАРМОҚЛАР ТАРКИБИ ВА УНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ СТРАТЕГИК ЙЎНАЛИШЛАРИ

Аннотация: Мақолада тармоқ иқтисодиёти ривожланишини такомиллаштириш, миллий иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларни диверсификациялаш, стратегик йўналишларни давом эттириш бўйича илмий-амалий асосланган хулосалар, тавсияномалар ишлаб чиқилган.

Аннотация: В статье разработаны научно и практически обоснованные выводы и рекомендации по совершенствованию развития отраслевой экономики, диверсификации структурных преобразований в национальной экономике, продолжении стратегических направлений.

Abstract:The article developed scientifically and practically substantiated conclusions and recommendations for improving the development of the sectoral economy, diversifying structural transformations in the national economy, and continuing strategic directions.

Калит сўзлар: сифат, сифат даражаси, мувозанатлашган овқатланиш, оқсил, углевод, ёғ, витамин, минерал моддалар.

Ключевые слова: качество, уровень качества, сбалансированное питание, белок, углеводы, жиры, витамины, минеральные вещества.

Keywords: quality, quality level, balanced diet, protein, carbohydrates, fats, vitamins, minerals.

Бугунги кунда кўплаб ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, рақобатбардошликка эришиш ва дунё бозорларига чиқиш, биринчи навбатда иқтисодиётни изчил ислоҳ этиш, тармоқлар иқтисодиётини шаклланиши ва ривожланиши, иқтисодиётни диверсификация қилишни чуқурлаштириш, юқори технологияларга асосланган янги корхона ва ишлаб чиқариш тармоқларининг жадал ривожланишини таъминлаш, фаолият юритаётган қувватларни модернизация қилиш ва техник янгилаш жараёнларини тезлаштириш ҳисобидан амалга оширилади. Шу сабабли, Президент Ш.М.Мирзиёев "...мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқлари таркиби ва ҳудудларнинг экспорт салоҳиятини янада ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш сўзсиз ҳал қилувчи фаолият йўналишига айланиши зарур[1]" – деб қатъий таъкидлаб ўтдилар.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг қабул қилиниши ҳамда унда белгиланган устувор вазифалар миллий иқтисодиёт тармоқларида юқори натижаларга эришишда қўл келмоқда. Жумладан, мамлакатимизда ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ишлаб чиқариш ҳажми 2020 йил якунларига кўра 580,2 трлн. сўмни ташкил этган ҳолда 2019 йилдагига нисбатан 70 млрд. сўмга ошди, ЯИМ таркибида товарлар ишлаб чиқаришда 341,5 трлн. сўм, хизматлар кўрсатиш соҳасида – 194,4 трлн. сўм миқдорида ялпи қўшилган қиймат яратилди, маҳсулотларга соф солиқлар эса 44,4 трлн. сўмга етди. Бундай натижага иқтисодиётнинг барча тармоғида ислоҳотларнинг тизимли ва изчиллик билан амалга оширилиши туфайли эришилди, албатта.

Шу ўринда макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодий ўсишни сақлашга хизмат қилувчи асосий омилларга тўхталиб ўтамиз (1-жадвал).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномасида миллий иқтисодиётда чуқур таркибий ислоҳотлар орқали узоқ муддатли барқарор ўсишни таъминлашнинг қатор муҳим йўналишлари белгилаб берилди. Улардан бири сифатида янги экспорт бозорларига чиқиш энг асосий вазифалардан бири эканлиги қайд этилди.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда ишлаб чиқарилган, қайта ишланган маҳсулотларнинг жаҳон бозорларидаги улуши сезиларли бўлса-да, уни янада ошириш имкониятлари мавжуд. Миллий иқтисодиётнинг экспорт салоҳиятини ривожлантириш ва унинг маҳсулот таркибини диверсификация қилиш ўзаро алоқадор бўлган иккита омиллар гуруҳи орқали белгиланади. Бир томондан бу табиий ресурслар соҳасидаги қиёсий устунликлар билан тавсифланган статик омиллар бўлиб уларнинг таъсири

[1]Мирзиёев Ш.М.Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Президентининг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи. 15.01.2017 й

1 - жадвал

Макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодий ўсишни сақлашнинг стратегик йўналишлари[1]

Кўрсаткичлар ва омиллар	**Кўрсаткичлар ва омилларнинг мазмуни**
Макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодий ўсишни сақлашнинг асосий омиллари	- иқтисодиёт тармоқ ҳамда соҳаларида ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш ишларини фаол тарзда олиб бориш ҳамда юқори технологияли ишлаб чиқаришларни ташкил этиш; - ташқи савдони эркинлаштириш ҳамда валюта сиёсати барқарорлигини таъминлаш борасидаги чора-тадбирларнинг самарали тарзда амалга ошириш; - молия, пул-кредит сиёсати бўйича таъсирчан механизмларнинг амалиётга татбиқ этиш; - ташқи иқтисодий фаолиятни рағбатлантириш, етакчи халқаро ва хорижий молиявий институтлар билан алоқаларни кенгайтириш борасида муҳим ислоҳотларнинг амалда қўлланилиши; - аҳолини самарали ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳамда даромадлари кескин пасайиб кетишининг олдини олиш, янги иш ўринларини яратиш борасида юқори натижаларга эришиш.

натижасида кейинчалик юқори технологик ҳамда юқори даражада қайта ишланган маҳсулотларга эътиборни кучайтиришга имкон яратилади. Бошқа томондан бу инновациялар ва илмий-техник ютуқлар билан боғлиқ бўлган динамик равишда ўзгариб турадиган рақобат устунлиги омиллари ҳисобланади. Уларнинг биргаликда узвий ҳаракати натижасида миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини ошириш, экспортнинг барқарор ўсишини ва умуман иқтисодиёт ривожида рағбатлантирувчи таъсирни таъминлашга эришилади.

Жаҳон иқтисодиётида пандемиянинг салбий таъсири ҳали тўлиқ бартараф бўлмаганлигини ҳисобга олган ҳолда, миллий иқтисодиётнинг яқин истиқболда барқарор юқори ўсиш суръатларини таъминлашда қуйидаги йўналишлар бўйича чора-тадбирларни янада фаоллаштириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

- миллий иқтисодиёт тармоқларида ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник янгилаш ва диверсификация қилиш ишларини янада фаол давом эттириш;
- инсон капиталига инвестициялар киритишни фаоллаштириш орқали истиқболда илмий сиғими юқори бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқариш кўламини кенгайтириш;

[1]Муаллиф томонидан маълумотлар асосида гуруҳланган.

- иқтисодиёт тармоқларида фаолият юритувчи корхоналарнинг экспорт ва импорт тузилмасини, уларнинг ишлаб чиқариш салоҳиятини ривожлантириш ҳамда экспорт таркибини диверсификациялашга қаратилган чора-тадбирларни фаоллаштириш;
- фаол инвестиция сиёсатини олиб бориш орқали муҳим стратегик аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга ошириш, шунингдек хорижий капитални аввало моддий экспортга йўналтирилган ва импорт ўрнини босувчи ишлаб чиқаришга жалб қилиш;
- миллий иқтисодиётнинг барқарор ривожининг муҳим омили сифатида янги иш ўринларини яратиш орқали аҳолининг бандлик даражасини ошириш ҳамда мазкур жараёнда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ролини оширишга қаратилган чора-тадбирларни янада рағбатлантириш.

Ж.Файзиев – СамИСИ доценти,т.ф.н.,

УМУМИЙ ОВҚАТЛАНИШДАГИ ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Аннотация. Ишда инноватика қонунларини таҳлил этиш асосида умумий овқатланишнинг асосий инновацион фаолият йўналишлари кўрсатилган.

Калит сўзлар: инноватика, технологик уклад, инновацион технология, новация, инновацион лойиҳа, критик технология, юқори технология, тизимий самарадорлик, структура механикавий хусусият, инновацион технологик жихоз.

Аннотация. В работе на основе анализа законов инноватики показаны основные направления инновационной деятельности общественного питания.

Ключевые слова: инноватика, технологический уклад, инновационная технология, новация, инновационный проект, критическая технология, высокая технология, системная эффективность, структурно-механические свойства, инновационное технологическое оборудование.

Abstract. In work on the basis of the analysis of the laws of innovation, the main directions of innovative catering activities are shown.

Keywords: innovation, technological way, innovative technology, innovation, innovative project, critical technology, high technology, systemic efficiency, structural and mechanical properties, innovative technological equipment.

Инноватика (лотинчадан innovation) бозор томонидан талаб қилинган, фаолият ва маҳсулот самарадорлиги ва рақобатбардошлигини оширувчи тадбиқ этилган янгилик ҳисобланади. Инноватика, худди бошқа назариялар каби, ўзининг тушунчаларига эга бўлиб, таркибига ўзининг шахсий системасидаги тушунчалар, хамда асосий билимлар соҳасидаги қабул қилинган инноватика тушунчалари ва категорияларини қамрайди.

Инноватика инновацион фаолиятни мақсадга йўналтирган ҳолда ташкил этиш орқали янгиликни шакллантириш тўғрисидаги фандир. Инноватиканинг предмети хохлаган меҳнат жараёнини новациялари ва

инновациялари ҳисобланади. Хохлаган фаолият кўринишида инновацион технологияларни ишлаб чиқиш айнан инноватика қонунлари ва тамойилларини билишга таянади.

Мазкур ишни мақсади инноватика қонунларини таҳлил қилиш ва улар асосида ресторан бизнесидаги асосий инновацион йўналишларни белгилаш ҳисобланади.

Инноватиканинг асосий қонунлари ва уларни оқибатлари 1-расмда келтирилган.

Технологик укладларни алмашинуви қонуни эски укладлар ўрнига янги укладлар келишини таъкидлайди. Устунлик қилувчи технологик укладларни алмашиши инновацион технологиялар шарофати билан содир бўлган ва техника ва технологияларни янгиланишини юзага келтирганки, бу эса ўз навбатида товарларни ишлаб чиқарилишини кўпайтирган ҳолда уларни ассортименти ва сифат ўзгаришларини белгилади. Бунда хар бир навбатдаги иқтисодий ўсиш босқичида технологик уклад кейинги уклад учун асос сифатида новациялар ва янгилик киритишларни юзага келтирган.

Янгилик киритишларни эволюцион ривожланиш қонуни. Ушбу қонуннинг моҳияти шундан иборатки, хохлаган инновациялар ўзини новацияларни ўзлаштириш ёки инновацияларни биринчи тадбиғи, тан олиниши ва фойдаланишини ўсиши, етуклиги ва пасайиши каби янгилик киритишлар хаётий даврига эга бўлади. Бу ҳолда биринчи икки босқичда, хусусан энг интенсив равишда иккинчи босқичда инновацион лойихалар ривожланишини кўпайиши кузатилади. Сўнгра эса стабилизациялашиши ва якунловчи босқичида пасайиши содир бўлади. Хаётий даврни якунланиши сакраб пасайиш ёки критик технологияларга ўтиши билан тавфсифланадиган халокатлар назарияси бўйича амалга ошиши мумкин. Бунда критик технологиялар деганда тамомила янги технологиялар тушуниладики, агар олдин қабул килинган технологияни тўлиқ барбод бўлиши хавфи олдини олиш бўйича тегишли чоралар кўрилмаганида, улар ривожланишни эски эгри чизиғидан юқори, янада такомиллашган технологияларга ўтилишини таъминлайди.

Янгилик киритишларни эволюцион ривожланиш қонуни шуни таъкидлайдики, ушбу технологияни ўзгармаслиги тамойилига асосланган "техник тизим", уни чидамлилиги ёки рақобатбардошлигини таъминлаш учун, ушбу генерация намуналарини алмаштириш йули билан такомиллаштирилади, бу эса юқори технологиялар соҳасида эволюцияни таъминлайди. Юқори технология бу шундай технологияки, у берилган иш принципидаги технологияни S-симон ривожланиш эгри чизиғида юқори холатни эгаллайди. Ушбу атама илғор технологиялардан фойдаланиш жараёнини англатадиган high technologies инглиз неоглизмидан келиб чиқади.

Техника ва технологиялар авлодларини алмашинуви қонунига қуйидагича таъриф берилади: "техник тизимларни чидамлилиги ва/ёки

рақобатбардошлигини таъминлаш учун уларни авлодлари берилган тизим генерациясидаги технологияларни тамомила ўзгаришлари асосида алмаштирилади". Эски жихозларни янгисига алмаштириш, технологияларни такомиллаштириш янги кўриниш ва номланишдаги товарларни, шунингдек савдо белгиларини пайдо бўлиши имкониятини белгилайди. Айни пайтда тайёр маҳсулотни сифати ҳам яхшиланади, чунки технологияларни янгилаш зарурияти товарни янги истеъмол хусусиятларини шакллантириш зарурияти билан белгиланади.

Инновацияларни тарқалиши қонуни техника ва/ёки технологиялар янги авлодлари рақобатбардош инновацияларини янгилик киритишларни тижоратлаштириш жараёнининг логистик шакли бўйича бозорда тарқалишини белгилайдики, бу суст старт олиши, кейинги жадал тарқалиши ва ушбу янгилик генерациясини натижавийлиги билан белгиланадиган даражада бозорни тўйинтириши каби якунловчи босқич билан тавфсифланади.



Расм 1. Инноватика қонунлари ва унинг оқибатлари

Ресторан бизнесидаги инновациялар юқори фойда ва зарурий рақобатбардошликни таъминлашга қаратилган. Улар тадбирлар натижаларини уларга эришишга қилинадиган харажатларга нисбати ҳисобланган *тизимий самарадорлик* кўрсаткичи ёрдамида ифодаланиши мумкин.

Тадбирларни натижавийлиги даражаси қуйидаги математик модель билан ифодаланиши мумкин:

$$Q = \frac{F \times C_{fa}}{X \times C_{xa}}$$

бу ерда: Q-тизимни самарадорлик кўрсаткичи;
F-режалаштирилаётган мақсадли натижа;
X - аниқ натижага эришиш учун қилинадиган харажат;
C_{fa} - ушбу натижани олиниши эхтимоли, а<1;
C_{xa} - ушбу катталикдаги харажатларни амалга оширилиши эхтимоли, <1.

Хар бир умумий овқатланиш корхонаси максимал фойда олишга $F \to \max$ интилади:

бу ерда Р - умумий овкатланиш корхонасида олинадиган фойда.

Фойда дейилганда корхона даромади (маҳсулот ёки хизматни реализациясидан олинган тушим) - D ва солиқларни хисобга олган ҳолда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннархи - Х ўртасидаги айирма тушунилади:

$$F = D - X$$

Келтирилтан математик боғлиқлик ресторан бизнесининг у фаолиятини фойдалилиги ва натижавийлиги орқали ифодаланган самарадорлик кўрсаткичини баҳолаш имкониятини беради.

Фойдалиликни ошиши билан бир қаторда ресторан бизнеси тизимларини ишлаш самарадорлигига сарф ва харажатларни хажми ҳам сезиларли таъсир қилади. Минимал сарф ва харажатлар хажмига бизнесни бошқаришнинг ташкиллаштиришга оптималлаштирилган иқтисодий - математик усулларини жорий этиш йўли билан эришиш мумкин.

Ресторан бизнеси ва уларни бошқариш корхоналари иш тажрибасини таҳлил қилиш раҳбариятни мумкин бўлган даромадни ошириш бўйича фаолиятининг асосий инновацион йўналишларини шакллантиришга имкон беради:

берилган кимёвий таркиб ва структура механикавий хусусиятларга эга бўлган маҳсулотни яратиш учун анъанавий ва янги озиқавий хом ашё кўринишларидан фойдаланиш;

технологик жараёнларни такомиллаштириш, пазандачилик ва қандолат маҳсулотлари сифати ва хавфсизлигини оширишга қаратилган инновацион технологик жихозларни ишга тушириш;

умумий овқатланиш маҳсулотларини сақлаш ва яроғлилик муддатларини узайтириш инновацион технологияларини тадбиқ этиш;

истеъмолчиларни овқатланиш корхоналарига жалб қилишни ва махсулотни реализация қилиш ва истеъмолчиларга хизмат кўрсатиш жараёнларини ташкил этишда инновацион технологиялардан, жумладан сотув ва реклама, ҳисобга олиш ва назорат қилишни электрон тизимлари ва бошқаларни ташкил этишда информацион технологиялардан фойдаланиш.

Шундай қилиб, хозирда инноватиканинг технологик укладларни алмашинуви, янгилик киритишларни эволюцион ривожланиш, техника ва

технологиялар авлодларини алмашинуви ва инновацияларни тарқалиши каби қонунлари эътироф этилган бўлиб айнан улар асосида хохлаган фаолият кўринишидаги инновацион технологиялар ишлаб чиқилиши мумкин. Ресторан бизнесидаги асосий инновацион йўналишлар берилган кимёвий таркиб ва структура механикавий хусусиятларга эга бўлган маҳсулотни яратиш учун анъанавий ва янги озиқавий хом ашё кўринишларидан фойдаланиш, инновацион технологик жихозларни ишга тушириш, умумий овқатланиш маҳсулотларини сақлаш ва яроғлилик муддатларини узайтириш, истеъмолчиларни овқатланиш корхоналарига жалб қилишни, маҳсулотни реализация қилиш ва истеъмолчиларга хизмат кўрсатиш жараёнларини ташкил этишга қаратилган бўлиши керак.

Ф. А. Ишонкулова –Сам ИСИ старший преподаватель

ОСОБЕННОСТИ ЗНАЧЕНИЯ ГРУЗОВЫХ АВТОМОБИЛЬНЫХ ПЕРЕВОЗОК ДЛЯ ЭКОНОМИКИ УЗБЕКИСТАНА В УСЛОВИЯХ СТАНОВЛЕНИЯ ТРЕТЬЕГО РЕНЕССАНСА

Аннотация: *В этой статье исследуется особенности значения грузовых автомобильных перевозок для экономики Узбекистана, влияние экономики и перевозок, сфера деятельности автомобильного транспорта.*

Ключевые слова: *грузовой автомобиль, автомобильные перевозки, транспортные услуги, транспортная продукция, внешнеторговый оборот, грузовые автомобильные перевозки, погрузочно-разгрузочный механизм, подвижный состав.*

Abstract*: This article explores the features of the importance of road freight transport for the economy of Uzbekistan, the impact of the economy and transportation, the scope of road transport.*

Key words*: truck, road transport, transport services, transport products, foreign trade turnover, road freight transport, loading and unloading mechanisms, rolling stock.*

Аннотация: *Ушбу мақолада Ўзбекистон иқтисодиётида юк ташиш транспортининг аҳамиятли жиҳатлари, иқтисодиёт ва юк ташишнинг ўзаро таъсири, юк ташиш автомобил хизматлар фаолияти тўғрисида тўхталиб ўтилган.*

Калит сўзлар: *юк автомобили, юк ташиш, транспорт хизмати, транспорт маҳсулоти, ташқи савдо айланмаси, юк автомобил транспорти, юклаш ва тушириш механизми,ҳаракатланувчи таркиб.*

Спрос на грузовые автомобильные перевозки во многом определяется динамикой и структурой изменения объемов производства в стране, а также платежеспособностью предприятий и организаций всех отраслей экономики.

Следует учитывать, что экономика и перевозки взаимно влияют друг на друга. Как развитие экономики вызывает рост перевозок, так и высокий

уровень и возможности перевозочных услуг благотворно влияют на уровень инвестиций и темпы роста экономики в регионе. Автомобильным транспортом (АТ) в Узбекистане перевозится свыше 90 % общего объема грузов, перевозимых всеми видами транспорта, т.е. подавляющая часть грузов не может быть доставлена потребителям без АТ. Анализ показывает, что перевозки грузов автомобильным транспортом с 2010 года в республике росли со скоростью 7-5% в год. Наибольший объём грузовых перевозок В стране за январь-июнь 2021 года приходится на автомобильный транспорт, который составил 676,2 млн.тонн, что на 14,7 % больше по сравнению с январем-июнем 2020 года.[1] За ним следует трубопроводный 35,5 млн.т., железнодорожный 35,5 млн.т., и воздушный транспорт 2,8 тыс.т. Внешнеторговый оборот Узбекистана за шесть месяцев 2021 года достиг 18,01 миллиарда долларов, увеличившись по сравнению с аналогичным периодом 2020 года на 2,15 миллиарда долларов.

Таким образом, основная сфера деятельности автомобильного транспорта — это доставка продукции в городах и подвоз-вывоз грузов в транспортных узлах железнодорожного и автомобильного транспорта. Транспорт является частью производительных сил общества и представляет собой самостоятельную отрасль материального производства. Отсюда следует, что продукция транспорта имеет материальный характер и выражается в перемещении вещественного продукта других отраслей. Продукция транспорта имеет следующие особенности:

- материальный характер транспортной продукции заключается в изменении пространственного положения перевозимых товаров;
- на транспорте процессы производства и потребления продукции не разделены во времени, продукция транспорта потребляется как полезный эффект, а не вещь;
- транспортную продукцию нельзя накопить впрок, повышение спроса на перевозки потребует использования дополнительных провозных возможностей;
- в процессе работы транспорта не создается новой продукции, а наоборот, этот процесс сопровождается потерей физических объемов грузов;
- транспортная продукция вызывает дополнительные затраты в производящих отраслях, что вызывает несовпадение интересов экономики в целом и транспортной отрасли в частности. Учитывая специфику автомобильного транспорта, важной проблемой является организация его взаимодействия с другими видами транспорта в транспортных узлах. Здесь на автомобильный транспорт ложится значительный объем завоза-вывоза грузов, отправляемых мелкими отправками, и обслуживания клиентуры, не имеющей других транспортных коммуникаций, кроме автомобильных дорог.

[1] Trend.az.business/transport/

Эффективность взаимодействия автомобильного транспорта с другими видами транспорта в транспортных узлах обеспечивается выполнением следующих мероприятий:

1. Единый технологический процесс переработки грузов устанавливает четкие правила взаимодействия и единые технологии работы для отдельных элементов транспортного узла и обслуживаемых организаций.

2. Совмещенные графики работы подвижного состава (ПС) различных видов транспорта позволяют снизить простои транспорта и имеют особую эффективность, если являются составной частью единого технологического процесса и увязаны с графиками работы погрузочно-разгрузочных механизмов (ПРМ).

3. Прямая перегрузка грузов с магистральных видов транспорта на автомобильный транспорт позволяет сократить площадь транспортных узлов и сократить расходы на складские операции, но требует соблюдения графика подачи ПС под погрузку и своевременного оформления документов на груз.

4. Использование контейнеров позволяет решить проблемы технического взаимодействия и значительно снизить время на перегрузочные операции и повысить сохранность груза.

С точки зрения экономических отношений автомобильный транспорт неоднороден и делится на три группы.

- Транспорт общего пользования выполняет коммерческие перевозки грузов сторонних организаций и физических лиц на договорной основе. - Транспорт предприятий и организаций перевозит свои грузы за собственный счет для производственных нужд на транспортных средствах, принадлежащих им на праве собственности или на ином законном основании.

- Личный транспорт служит для удовлетворения потребностей исключительно владельца транспортного средства. Основное значение этот транспорт имеет для пассажирских перевозок.

Грузовые автомобильные перевозки (ГАП) являются важным фактором развития экономики страны и обеспечения ее внешнеэкономических связей. Процесс обеспечения перевозок сопряжен с решением целого ряда организационных, технологических и управленческих проблем, основные из которых рассмотрены в данном издании.

Выводы и практические решения

Повышению эффективности работы грузового автотранспорта и его конкурентоспособности на рынке транспортных услуг будет способствовать:

а) пополнение парка грузовых автомобилей, пользующихся спросом на рынке транспортных услуг как по конструкции кузова (самосвалы, фургоны, рефрижераторы), так и по грузоподъемности (до 3 т и свыше 15

т), на основе внедрения благоприятной для перевозчика системы лизинга;

б) стабилизация стоимости моторного топлива;

в) развитие транспортно-экспедиторских фирм и транспортных бирж, облегчающих поиск клиентуры, предоставление дополнительных услуг, связанных с терминальной обработкой грузов;

г)введение, в целях обеспечения добросовестной конкуренции, унифицированных форм первичного учета перевозок для всех субъектов рынка транспортных услуг, а также действенной системы контроля их применения со стороны заинтересованных органов государственного управления и регулирования;

д) создание условий, стимулирующих перевозчика к обеспечению безопасного функционирования грузового автотранспорта с точки зрения безопасности дорожного движения, безопасности договорных отношений со всеми участниками транспортного процесса, экологии и т.п.

В связи с расширением интеграции экономики в условиях становления Третьего ренессанса Узбекистана в мировое сообщество, которое существенно ускорится после вступления во Всемирную торговую организацию (ВТО), автотранспортная отрасль будет играть все более важную роль в развитии страны. Одновременно узбекское транспортное законодательство, технические стандарты и нормативы будут приближаться к европейским. Необходимо активизировать работу по вступлению во Всемирную торговую организацию и широкомасштабному сотрудничеству с Европейским Союзом.[1]

К. Н.Мирзаев – Наманган муҳандислик-технология институти таянч докторанти

КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТНИНГ ЎРНИ (Наманган вилояти мисолида)

Аннотация. Мақолада кичик бизнес субъектлари фаолиятининг самарадорлини оширишида инновацион ғоя ва янгиликларни яратиш ҳамда уларнинг амалиётда қўлланилиши ёритилган.

Калит сўзлар: кичик бизнес субъекти, инновацион фаолият, инновацион ғоя, ишлаб чиқариш ва сервис хизматлари.

Аннотация. В статье описано создание новаторских идей и овществ в повышении эффективности малого бизнеса и их применение на практике.

Ключевые слова: субъект малого предпринимательства, инновационная деятельность, инновационная идея, продукция и услуги.

Abstract. The article describes the creation of innovative ideas and innovations in improving the efficiency of small businesses and their application in practice.

Keywords: small business entity, innovative activity, innovative idea, products and services.

[1] Послание Президента Республики Узбекистан Ш.М.Мирзиёева Олий Мажлису 19.01 2021 год

Мамлакат иқтисодиётининг барқарор ўсишини таъминловчи асосий тизими ва амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг устувор йўналиши – бу кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш демакдир. Ўзбекистонда ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини барқарор ишларишини таъминлаш ва уни ҳар томонлама қўллаб - қувватлаш миллий иқтисоиёт ривожланишининг асосий устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Буни биз Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёвнинг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги ПФ-4947-сонли Фармонида яққол кўришимиз мумкин.

Кичик бизнес тизмининг иқтисодиётдаги муҳим роли шундан иборатки, унинг йирик саноатлашган ишлаб чиқариш объектларига маҳсулот ва сервис-хизматлари етказиб бериш, бозор тизими конюнктурасини шакллантириш, илмий-техникавий тараққиётни тезлаштириш натижасида янги интеллектуал - иқтисодий механизмни барпо этиш, моддий ресурсларни ишлаб чиқаришга жалб қилиш, солиқ базаси ҳажмининг ошишини таъминлаш, аҳолининг реал даромадли қатламлари даражасини ошириш каби омилларни ўз ичига олади. Унга кўра, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхона фаолиятининг шакли сифатида турли – туманлаги, фаолиятнинг кенг доираси, ҳар қандай шаритга тез мослашувчанлиги билан ажралиб туради.

Ҳозирги шароитда жамият ҳаётида инновацион тизим шу даражада жадал ривожланмоқдаки, иқтисодиётда инновациянинг қамров даражаси кундан кунга ўсиб бормоқда ва натижада инновация худди фойдали қазилмалар, ишлаб чиқариш қувватлари ва интеллектуал салоҳият каби мамлакатнинг асосий бойлигига айланиб бормоқда. Президентимиз Ш.Мирзиёев айтганларидиек, "Инновация – бу келажак дегани. Биз буюк келажагимизни барпо этишни бугундан бошлайдиган бўлсак, уни айнан инновацион ғоялар, иновацион ёндашув асосида бошлашимиз керак. Шунинг учун биз Инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этдик ва унинг олдига аниқ вазифаларни қўйдик. Бу вазирлик нафақат иқтисодиёт соҳасида, балки бутун жамият ҳаётида энг муҳим лойиҳаларни амалга оширишда ўзига хос локомотив ролини бажаради, деб ишонамиз" [1].

Республикамизда кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш ҳамда тадбиркорларнинг ютуқ ва манфаатларини ҳимоялаш борасида амалга оширилган ишлар натижасида бу тармоқ тобора мустаҳкамланиб, унинг республкамиз иқтисодиётидаги ўрни, иш билан таъминлаш ва маҳсулот ишлаб чиқаришдаги салмоғи йилдан-йилга ошмоқда. Кичик бизнес шундай рақобатчилик муҳитини шакллантирадики, бусиз бозор иқтисодиёти ривожланишини тасаввур ҳам этиб бўлмайди.

Бироқ, мамлакатимизда кичик бизнес субъектлари ва инновацион

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. 2017 йил 22 декабр, http://uza.uz/uz/documents/o-zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyoyevning-o-22-12-2017.

фаолиятни жадаллик билан ривожлантиришга қаратилган туб ислоҳотлар олиб борилаётганига қарамай, ушбу тизимга тўсқинлик қилувчи қуйидаги баъзи тизимли муаммоларни бартараф этишга тўғри келади:

- ҳудудларда замонавий инновацион технологияларни амалиётга бевосита жорий этиш кўникмасига эга бўлган мутахассисларнинг етишмовчилиги;
- инновацион ғоялар ва технологиялар бўйича маълумотлар базаларини яратиш va ушбу базадаги лойиҳаларни амалиётга жорий этиш механизми такомиллаштирилмаган;
- яратилган инновацион ғоялар бозорининг мамлакат бўйлаб қамраб олиш даражаси паст даражада;
- инновацион лойиҳалар асосида яратилган маҳсулотлар халқаро бозор кўрсаткичларига тўлиқ жавоб бермайди;
- олий таълим муассасалари талабаларини ва иқтидорли ёшларни инновацион лойиҳалар ва технологияларга бевосита жалб этиш тизимида лозим даражада иш олиб борилмаяпти;
- инновацион тадбиркорликни ривожлантириш тизимига аҳолининг меҳнатга лаёқатли қатламларини тўлиқ жалб этиш ишлари қуйи даражада қолмоқда.

Юқорида айтиб ўтилган муаммоларни қуйидаги омиллар орқали бартараф этиш мумкин:

1. Ҳудудларда инновацион технологияларни ўқитиш ва ўргатиш марказлари фаолиятини йўлга қўйиш;
2. Инновацион янгиликлар базаларидаги лойиҳаларни амалиётга бевосита боғлаш бўйича янгитдан “Ягона тизим” жорий этиш;
3. Мамлакатдаги инновацион ғоялар марказларида яратилган янги лойиҳаларни барча ҳудудларга тўлиқ етиб боришини назоратга олиш механизмини жорий этиш;
4. Халқаро стандартларга ва сифатга мос келувчи инновацион маҳсулотларни ишлаб чиқаришни такомиллаштириш;
5. Инновацион лойиҳаларни яратиш ва амалиётга жорий этиш бўйича, иқтидорли ёшлар ва талабаларни қизиқтириш, уларни қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш ва кенг жалб қилиш;
6. Аҳолининг меҳнатга лаёқатли қатламини инновацион маҳсулотларни ишлаб чиқишга йўналтириш чора – тадбирларини ишлаб чиқиш.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг асосий хусусияти шундаки, унинг учун минтақавий омиллар қоида тариқасида, инвесторлар жалб этиш жараёнига таъсири жиҳатидан устунлик қилади. Шу боис ҳам, Ўзбекистон иқтисодиётида кичик бизнес субъектларини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш ҳамда иш муҳитини яхшилаш бўйича чора – тадбирлар фаол давом эттирилмоқда. Натижада эса, кичик бизнес субъектларини ҳудудлар бўйича улушини ҳам оширмоқда.

Юқоридагидан келиб чиқиб, Наманган вилоятида кичик бизнес субъектларининг тармоқлар бўйича улушини қуйидаги жадвалда

кўришимиз мумкин.

1-жадвал

Наманган вилоятида 2010 – 2021 йилллар мобайнида кичик бизнес субъектларининг улуши (фоизда)

Йиллар	ЯҲМ	Саноат	Қурилиш	Бандлик
2010	76,0	42,6	84,6	78,7
2011	78,7	44,9	86,2	80,2
2012	78.4	48,6	85,8	80,7
2013	79,5	50,9	92,4	81,7
2014	79,7	59,9	94,2	83,0
2015	77,5	62,0	94,6	83,3
2016	78,6	69,4	95,1	83,3
2017	79,6	72,6	92,4	83,5
2018	79,6	72,0	91,8	83,0
2019	75,0	56,7	95,4	83,0
2020	73,7	50,0	91,3	82,0
2021[1]	80,1	62,0	96,0	83,2

Юқоридаги жадвал маълумотларига кўра, иқтисодиётнинг барча секторларида кичик бизнес субъектларининг улуши ошганлигини кўришимиз мумкин. Буни тармоқлар бўйича таҳлил қилганимизда, ҳудудда ЯҲМ (ялпи ҳудудий маҳсулот) 2010 йилда 76,0 фоизни ташкил этган бўлса, 2021 йилга келиб бу кўрсаткич 80,1 фоизга етган ёки 4,1 фоизга маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми кўпайган. Шунингдек, саноатда 19,4 фоизга, қурилишда 11,4 фоизга ва бандлик 5,1 фоизга ошганлиги кўриниб турибди. Юқоридаги таҳлил натижаларига кўра, ҳудуднинг саноат тармоғи юқори кўрсаткичлар билан ривожланаётганлиги маълум бўлди. Бунга сабаб, мамлакатимизда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи тадбиркорларга берилган кенг имтиёзлар ва уларни тубдан такомиллаштириш йўлида олиб борилаётган янги ислоҳотлар самарасидир.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, ҳозирги даврда, кичик бизнес субъектларида инновацион фаолиятни амалиётда қўллаш ва уни ривожлантириш рақобатчилик муҳитини янада ошишига олиб келади. Шунингдек, мамлакатимизда кичик бизнес субъектлари фаолиятини ҳар томонлама қўллаб – қувватлаш заминида миллий ва халқаро бозорларда рақобатлаша оладиган сифатли ва замонавий маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳамда юқори даражада сервис – хизматларини йўлга қўйиш орқали миллий иқтисодиётимизни янада барқарор ишлашини таъминлайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёвнинг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёвнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. 2017 йил 22 декабр.

[1] Дастлабки маълумотлар.

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёвнинг 2018 йил 5 майдаги “Фаол тадбиркорлик ва инновацион фаолиятни ривожлантириш учун шарт-шароитларни яратиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3697-сонли қарори.

4. У.Ф.Ғофурова, Б.Х.Хайитбоев. Тадбиркорликни инновацион фаолият асосида ривожлантиришнинг йўллари. “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. № 1, февраль, 2019 йил.

5. Наманган вилоят статистика бошқармасининг расмий сайти: https://namstat.uz/uz/?preview=1&option=com_dropfiles&format=&task=frontfile.download&catid=307&id=1656&Itemid=1000000000000

S.N Xamrayeva – QarMII, Innovatsion iqtisodiyot kafedrasi mudiri, i.f.d.,
Sh Mustafakulov – QarMII, Iqtisodiyot mutaxassisligi, 1-kurs magistranti

DEHQONCHILIK TARMOG‘IGA XIZMAT KO‘RSATUVCHI INFRATUZILMANI RIVOJLANTIRISH YO‘LLARI

Annotatsiya. Mazkur maqolada dehqonchilik tarmog‘iga xizmat ko‘rsatuvchi infratuzilmani rivojlantirish bo‘yicha amaliy taklif va tavsiyalar ishlab chiqilgan.

Kalit so‘zlar. Dehqonchilik tarmog‘i, infratuzilma, innovatsiya, texnologik markaz.

Аннотация. В данной статье представлены практические предложения и рекомендации по развитию инфраструктуры, обслуживающие отрасли растениеводства.

Ключевые слова. Растениеводство, инфраструктура, инновации, технологический центр.

Abstract. This article presents practical proposals and recommendations for the development of infrastructure serving the crop industry.

Keywords. Crop production, infrastructure, innovation, technology center.

Dehqonchilik qishloq xo‘jaligi ishlab chiqarishining asosiy tarmoq-laridan biri bo‘lib, dalada ekinlarni yetishtirish, jumladan, paxtachilik, g‘allachi-lik, kartoshkachilik, sabzavotchilik, bog‘dorchilik, uzumchilikni o‘z ichiga ola-di. Aholi iste’mol uchun oziq-ovqat mahsulotlari, yengil va oziq-ovqat sanoati qayta ishlash uchun xomashyo, chorvachilik uchun esa ozuqa ishlab chiqaradi.

Qishloq xo‘jaligining innovatsion faolligini oshirib borish, nafaqat ishlab chiqarishning texnik-iqtisodiy salohiyatini oshirish imkonini beradi, balki umumiy holda innovatsion muhit yaxshilanishiga ham ijobiy ta’sir etadi. Qishloq xo‘jaligiga xizmat ko‘rsatuvchi infratuzilmani innovatsion rivojlantirish orqali qishloq xo‘jaligining asosiy tarmoqlar hisoblangan o‘simlikchilik va chorvachilik tarmoqlarini innovatsion rivojlantirishga erishish mumkin.

O‘zbekistonda ham o‘simlikchilikka xizmat ko‘rsatuvchi infratuzilmani innovatsion rivojlantirishni jadallashtirib borish maqsadga muvofiq hisoblanadi.

Tadqiqot davomida dehqonchilik tarmog‘iga xizmat ko‘rsatuvchi infratuzilmani innovatsion rivojlantirishning asosiy yo‘nalishlari aniqlab olindi: texnologik, texnik, seleksion-genetik (biologik) hamda tashkiliy-iqtisodiy.

Texnologik yo‘nalishdagi innovatsiyalar resurstejovchi texnologiyalarni o‘zlashtirishni nazarda tutadi va qishloq xo‘jaligi ekinlarini yetishtirishda yangi takomillashgan texnologiyalarni qo‘llashni nazarda tutgan bo‘lib, bu esa mahsulot tannarxi pasayishi va pirovardda jahon bozorida o‘simlikchilik mahsulotlari raqobatbardoshligi oshishiga olib keladi.

Texnik innovatsiyalar infratuzilma tarmog‘ida texnologik yangilik-larni amalga oshirishga qaratilgan bo‘lib, yangi texnik vositalarni, ener-giyaning yangi manbalarini ishlab chiqish va joriy etishda, texnikalarga servisi xizmat ko‘rsatishning ishonchli va ma’qul tizimini ishlab chiqish va joriy etishda namoyon bo‘ladi, texnologik yo‘nalishlar bilan chambarchas bog‘liq holda ishlab chiqarish jarayoni hamda uning natijaviyligining sifatini belgilab beradi.

Seleksion - genetik innovatsiyalar – faqat agrar sohaga xos innova-siyalarning o‘ziga xos turi. Seleksiya yutuqlaridan foydalangan holda tuproq–iqlim resurslaridan oqilona foydalanish hisobiga o‘simliklar hosildorligini oshirish, mahsulot sifatini yaxshilashga erishiladi. Yangi samarali navlarni ishlab chiqarishga joriy etish sohaning rivojlanishiga zamin yaratadi, ularning kasalliklar va zararkunandarlarga chidamliligi esa atrof-muhitning zararlanish xavfini kamaytiradi.

O‘simlikchilikka xizmat ko‘rsatuvchi infratuzilmani innovatsion rivojlantirishda eng muhim yo‘nalishlardan *tashkiliy-iqtisodiy* bo‘lib, davlat tomonidan qo‘llab-quvvatlash va innovatsion faoliyatni rag‘batlantirishning tashkiliy-iqtisodiy mexanizmlarini takomillash-tirish, o‘simlikchilik mahsulotlarini saqlash, qayta ishlash va sotish tizimlarini tashkil qilish, mehnat sharoitlarini yaxshilash va uning xavfsizligini oshirish orqali o‘simlikchilik va unga xizmat ko‘rsatuvchi infratuzilmani innovatsion rivojlantirishda ijobiy natijalarga erishish mumkin.

Qishloq xo‘jaligi, shu jumladan, dehqonchilik tarmog‘iga xizmat ko‘rsatuvchi infratuzilma – ushbu tarmoq obyektlari yoki elementlari orqali bozor subyektlari bilan o‘zaro muloqotga kirishadi. Qishloq xo‘jaligiga xizmat ko‘rsatuvchi infratuzilma ishlab chiqarish, ijtimoiy, institu-sional, bozor, ekologik, innovatsion, aloqa va kommunikatsion, transport va yo‘l xizmati infratuzilmasi singari tarmoqlardan iborat, shuningdek, bevosita qishloq xo‘jaligi tarmoqlariga xizmat ko‘rsatuvchi infratuzilma tarmoqlarini biz moddiy-texnik ta’minot, moliyaviy ta’minot, axborot ta’minoti va reklama xizmat turlari, maxsus xizmat, tashish va innovatsion ta’minot xizmat turlariga ajratgan holda tasniflab chiqqan edik.

Albatta dehqonchilik tarmog‘ini barqaror rivojlantirish uchun jami infratuzilma xizmatlari muhim ahamiyat kasb etadi, ammo infratuzilma tarmog‘ini innovatsion rivojlantirishda, aynan ishlab chiqarish infra-tuzilmasi, aniqroq aytsak, moddiy-texnik ta’minot xizmatini innovatsion rivojlantirishda eng katta samara olinadi. Keyingi yillarda mamla-katimizda qishloq xo‘jaligini yuqori unumli mashinalar va texnika vositalari bilan ta’minlash borasida bir qator davlat dasturlari qabul qilingan, ularni hayotga tatbiq etish bo‘yicha yirik

chora-tadbirlar amalga oshirilgan bo‘lishiga qaramay, qishloq xo‘jaligining ularga talabi to‘liq qondirilgan deb bo‘lmaydi.

Moddiy-texnik ta’minotni innovatsion rivojlantirishda ixtisos-lashgan texnologik markazlarni tashkil etish maqsadga muvofiq. Texnologik markaz texnik, texnologik va axborot konsalting xizmat-lari majmuasini qamrab olib, ishlab chiqarishning samarali faoliyatini ta’minlaydi.

Ixtisoslashgan texnologik markazlar fermer xo‘jaliklarini zarur qishloq xo‘jaligi texnikalari (davlat – xususiy sheriklik shakli asosida) bilan ta’minlaydi. Bundan tashqari uning tarkibiga qishloq xo‘jaligi texnikalarini ta’mirlash va servis xizmat, ilg‘or texnologiyalarni joriy etish bo‘yicha maxsus xizmatlar hamda konsalting xizmatlari kabi bo‘limlar kiradi. Maxsus ixtisoslashgan texnologik markazlar hududiy shart-sharoitlarni hisobga olgan holda quyidagi tamoyillarga asosan shakl-lantirilishi lozim:

- texnologik markazlar tomonidan ko‘rsatiladigan ish va xizmatlarga talabni aniqlash;
- ma’lum hududlarda qishloq xo‘jaligi ekinlariga ishlov bera oladigan qishloq xo‘jaligi texnikalarining optimal tarkibini belgilab olish;
- potensial mijozlar va texnologik markazlar o‘rtasida o‘zaro iqtisodiy manfaatdorlik mavjudligi;
- markazning ishlab chiqarish faoliyati hisobidan o‘zini-o‘zi qoplanishi.

Ixtisoslashgan texnologik markazlar agrar ishlab chiqarishga xizmat ko‘rsatuvchi integrallashgan, texnik jihatdan jihozlangan moddiy-texnik ta’minot xizmati sifatida faoliyat ko‘rsatishlari kerak.

Ushbu texnologik markazlarning vazifasi va faoliyat yo‘nalishi quyidagilardan iborat:

- xo‘jaliklararo darajada mexanizatsiya va texnologik servis xizmati;
- zamonaviy texnik ta’mirlash bazasi;
- ehtiyot qismlar ta’minoti tizimi;
- axborot – maslahat xizmatlar tizimi;
- transport xizmati tizimlari;
- texnik servis va o‘simlikchilik faoliyati bilan bog‘liq boshqa xizmatlar tizimini tashkil qilish.

Ma’lumki, o‘simlikchilikda ishlab chiqarish faoliyatini yuritish uchun turli xil turdagi texnikalar talab etaladi. Fermer xo‘jaliklari ma’lum bir faoliyat turiga ixtisoslashgan, qishloq xo‘jaligi texni-kalarini (masalan, paxta terish kombaynlari, g‘alla o‘rish kombaynlari) sotib olishdan manfaatdor emas, chunki ular birinchidan, mavsumiy xarakterga ega bo‘lsa, ikkinchidan, ushbu texnikalarni ta’mirlash, ularga texnik xizmat ko‘rsatish va saqlash sezilarli xarajatlarni talab etadi.

Istiqbolda ixtisoslashtirilgan texnologik markazlarning muvaffaqiyati ko‘p jihatdan jarayon ishtirokchilarining iqtisodiy erkinlik bilan ta’minlanganligi hisoblanadi.

II ШЎЪБА. “ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИДА АҲОЛИ БАНДЛИГИ, ФАРОВОНЛИГИ, ЯШАШ СИФАТИ ВА ДАРАЖАСИНИ УЧИНЧИ РЕНЕССАНСНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ШАРОИТИДА ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ”

Р. Нормахматов - Сам ИСИ профессори, т.ф.д.,
Ғ.Я. Пардаев – СамИСИ ассистенти

МУВОЗАНАТЛАШТИРИЛГАН ОВҚАТЛАНИШ ИНСОН ФАРОВОНЛИГИ ВА ЯШАШ СИФАТИ ДАРАЖАСИНИНГ МУҲИМ ОМИЛЛАРИДАН БИРИДИР

Аннотация: мақолада озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва унинг биологик моддаларга бойлиги инсон саломатлигининг муҳим омилларидан бири эканлиги асосланиб, ҳар бир инсон ўз овқатланиш рационини қандай қилиб мувозанатлаши ва бунга қандай амал қилиши керакли бўйича фикр ва мулаҳозалар билдирилади.

Аннотация:в статье обосновывается что качество употребляемых пищевых продуктов и их биологическая ценность является одним из важнейших факторов при обеспечении здоровья людей. Также указывается то, что каждому человеку необходимо в составлении своего рациона питания их по качественному составу.

Abstract: The article is based on the fact that the quality of food and its richness in biological substances is one of the important factors of human health, and provides ideas and feedback on how everyone should balance their diet and follow it.

Калит сўзлар: сифат, сифат даражаси, мувозанатлашган овқатланиш, оқсил, углевод, ёғ, витамин, минерал моддалар.

Ключевые слова: качество, уровень качества, сбалансированное питание, белок, углеводы, жиры, витамины, минеральные вещества.

Keywords: quality, quality level, balanced diet, protein, carbohydrates, fats, vitamins, minerals.

Таъкидлаш жоизки, бугунги куннинг глобал муомоларидан бири сайёрамиз аҳолисининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини қондириш ҳисобланади. Бирлашган миллатлар ташкилотининг озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти ҳамда Жаҳон соғликни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра ҳозирги вақтда дунёда 900 миллион-га яқин киши тўйиб овқатланмаяпти, сайёрамиз аҳолисининг 30 фоиздан ортиқроғи тўлақонли равишда овқатланмасдан энг асосий микроэлемент ва витаминлар етишмаслиги муамосини бошидан кечирмоқда.

Бизнинг мамлакатимизда ҳам бу борада қамбағалликни қисқартириш ва аҳолининг турмуш даражасини узулуксиз яхшилаб бориш устувор вазифалардан бири қилиб белгиланганлиги бежиз эмас. Бу масалаларни

ҳал этиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ҳукуматимизнинг доимий этиборида эканлиги ижобий ҳолат ҳисобланади(1).

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, аҳоли турмушининг сифат даражасини белгиловчи асосий омиллардан бири истеъмол қилинаётган озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва таркибининг мувозанатлиштирил-ганлиги ҳисобланади. Ҳозирги замон фани мувозанатлашган овқатланишни ташкил этишни қуйдаги мезонлар билан тушунтиради:

1) энергия балансига эришиш;
2) асосий озуқавий моддалар, яъни оқсил, ёғ, углеводлар орасида тўғри нисбатни ўрнатиш;
3) ўсимлик ва ҳайвон оқсиллари орасида маълум нисбатни ўрнатиш;
4) ўсимлик мойлари ва ҳайвон ёғлари орасидаги маълум нисбатни ўрнатиш;
5) қанд ва крахмал нисбатининг оптималлигини таъминлаш;
6) овқат рационида витаминлар, макро-ва микроэлементларни мувозанатлаштириш ва бошқалар.

Демак, мувозанатлаштирилган овқатланишда истеъмол қилинаётган маҳсулотларнинг берадиган энергияси исоннинг сарф қилаётган энергияси миқдорига мос келиши, уларнинг таркибида оқсил, ёғ, углеводларнинг нисбатининг 1:1:4 бўлишига эришиш, рацион таркибида кундалик талаб қиилинадиган витаминлар, микроэлементлар ва минерал моддаларнинг етарли бўлишига эришиш жуда муҳими ҳисобланар экан.

Мувозанатлашган овқатланишнинг муҳим шартларидан бири ҳайвон ёғлари ва ўсимлик мойлари орасидаги нисбатлик тўғри ўрнатиш ҳисобланади. Бунинг боиси шундаки, уларнинг таркибида омега-3 ва омега-6 юқори даражада тўйинмаган ёғ кислоталари бўлганлиги учун ҳайвон ёғларидан тубдан фарқ қилади. Маълумки, бу ёғ кислоталари инсон организимида қон - томирлари деворида ўрнашиб қолган “ёмон” холестеринни чиқариб юборишга ёрдам беради, натижада қон – томирларининг ўтказувчанлиги яхшиланади.

Мувозанатлашган овқатланишнинг ташкил этишда биз яна бир муҳим кўрсаткични ҳисобга олишимиз лозим. Бу кўрсаткич истеъмол қилинаётган озиқ-овқат маҳсулотларининг санитария-гигиена талабларига мос келиши тушунилади. Бир сўз билан айтганда, истеъмол килинаётган озиқ-овқат маҳсулотлари таркибида инсон ҳаёти учун хавф туғдирувчи моддаларининг (оғир металл тузлари, нитрат ва нитритлар, антибиотиклар, пестицидлар, радиоактив элементлар, заҳарли микроорганизмлар ва бошқалар) бўлмаслиги ёки уларнинг миқдори меъёрий ҳужатлар бўйча рухсат этилган кўрсаткичлардан ошмаслиги талаб этилади. Кўриниб турибдики, озиқ-овқат маҳсулотларининг хавфсизлигини таъминлаш бугунги кунининг муҳим муаммолардан ҳисобланиб, унинг ечимида нафақат давлат назорат органлари, балки ҳар бир фуқаро истеъмолчи сифатида унга муносабаи билдириши ва бу борада ваколатли органларга ёрдам бериши мақсадга мувофиқдир. Бу билан ҳар биримиз ўз соғлимизга

бефарқ бўлмасдан, бошқаларнинг ҳам соғлигини хавф-хатардан ҳимоя қилишдек сабабли ишда иштирок этган.

Келтирилган фикрларидан шу нарса аёнки, мувозаналаштирилган овқатланиш, унинг оқилона даражасига риоя қилиш кўп даражада ўзимизга боғлиқ экан. Бу ҳақда соғлом турмуш тарзига риоя қилишнинг энг таниқли тарғиботчиларидан бири америкалик Пол Брегг инсон ўз соғлигига ўзи жавобгарлиги ҳақида шундай дейди: “Фақат икки хил одамлар бор: ҳақиқийлари - улар ўзлари ҳақида қайғурадилар ва ҳақиқий бўлмаганлари - улар ўзлари ҳақида қайғуришни атрофдаги кишилар ва шифокорларнинг елкасига юклайди. Сиз уларнинг қайси гуруҳига мансубсиз” (2).

Демак соғлом турмуш тарғиботчиси ва мутахассиси Пол Бреггнинг бу фикирлари ҳар биримизники ўз соғлигимизни сақлашга бефарқ бўлмасликка чақиради.

Хулоса шуки, ҳар биримиз атрофда бўлаётган ўзгаришларга синчковлик билан боқишимиз, бетиним ўқиб-ўрганишимиз, янгиликлардан воқиф бўлишимиз, шунингдек инсон учун ноёб бўлган соғлигимизни сақлаш ҳам кўп жиҳатданўзимизга боғлик эканлигини англаб етишимиз зарур. Бу билан мустақил юртимиз фаровонлиги ва ривожланишига ҳеч бўлмаганда ана шу хисалатларимиз билан беками-кўст ҳисса қўшган бўламиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Аҳоли ўртасида микронутриент етишмаслиги профилактикаси туғрисида”ги Қонун.
2. Пол Брегг соғлик ва узоқ яшаш сирлари. Тошкент, “Навруз”, 2017, 8-бет.

Б. Н. Навруз-Зода – БухДУ профессори, иқтисодиёт фанлари доктори

УЧИНЧИ РЕНЕССАНСНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ШАРОИТИДА КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШНИНГ МОНОИҚТИСОДИЙ ЙЎЛИ

Аннотация: Мақолада камбағалликни қисқартиришнинг моноиқтисодиёт даражасига хос бўлган инсон иқтисодий қобилиятларини ривожлантириш ва уларни пул оқимларининг турли секторларида рўёбга чиқариш орқали аҳолининг фаровонлигини ошириш масаласи кўриб чиқилади.

Калит сўзлар: моноиқтисодий камбағаллик, меҳнат қобилияти, тадбиркорлик қобилияти, моноиқтисодий модель, шахсий даромад занжири, қобилиятларни тижоратлаштириш.

Аннотация: В статье рассматривается вопросы повышения благосостояния населения путем развития у человека экономических способносей, присущих уровню моноэкономики по сокращению бедности и реализации их в различных секторах денежных потоков.

Ключевые слова: моноэкономическая бедность, трудоспособность, предпринимательская способность, моноэкономическая модель, цепочка личных доходов, коммерциализация способностей.

Abstract: The article deals with the issues of improving the welfare of the population through the development of a person's economic abilities inherent in the level of mono-economy to reduce poverty and their implementation in various sectors of cash flows.

Keywords: monoeconomic poverty, ability to work, entrepreneurial ability, monoeconomic model, personal income chain, commercialization of abilities.

Ўзбекистонда камбағаллик масаласи кўп йиллар «ёпиқ мавзу» бўлиб келди. Илк маротаба, 2020 йил 27-феврал куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ўтказилган видеоселектор мажлисида мамлакатда кабағаллик масаласини кўтариб қайд қилдики: “Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, 12-15 фоиз ёки 4-5 миллион аҳолимиз камбағал. Бу уларнинг бир кунлик даромади 10-13 минг сўмдан ошмаяпти, дегани”[1].

Камбағаллик – бу инсонларнинг шундай иқтисодий ҳолатидирки, унда улар ҳаёт кечириши учун зарур бўлган минимал эҳтиёжларини қондириш, ўз иш қобилиятини тиклаш ва наслини давом эттириш имконига эга бўлолмайдилар. Хўжалик юритиш санъати ва маҳорати талқинидаги “иқтисодиёт” тушунчасининг анъанавий, макро- ва микроиқтисодиётга бўлиб ўрганишдан, уни еттита – мега-, макро-, мезо-, мета-, микро-, мини- ва нано-иқтисодиёт даражаларда тизимли ўрганишга ўтиш ғоясига асосланган ҳолда, биз “иқтисодий камбағаллик” тушунчасини вужудга келиш сабаблари бўйича еттита - *мегаиқтисодий камбағаллик, макроиқтисодий камбағаллик, мезоиқтисодий камбағаллик, метаиқтисодий камбағаллик, микроиқтисодий камбағаллик,, микроиқтисодий камбағаллик,, миниқтисодий камбағаллик, моноиқтисодий камбағаллик* турларга ажратиб, тадқиқ этишни тавсия этамиз:

Моноиқтисодий камбағаллик деганда биз индивиднинг иқтисодий қобилиятларининг ривожланмаганлиги ва ушбу қобилиятларни пул оқимларининг турли секторларда айирбошлашга кирита олмасдан, паст даромадга эга бўлиб келаётган меҳнат қилишга лаёқатли камбағал кишиларни назарда тутамиз.

Иқтисодий камбағалликнинг ҳар бир ажратилган тартиб даражасига мос равишда бартараф этишнинг ўзига хос усул, восита, модель ва ташкилий-иқтисодий механизмларини ишлаб чиқилган тақдирда, мамлакатда камбағалларнинг сонини кескин камайтиришга эришиб, аҳоли фаровонлигини ошириш имкони янада ҳам кенгайиб боради.

Мақолада иқтисодий камбағаликнинг “7М” даражасидаги “моноиқтисодий камбағаллик”ни қискартиш йўллари батафсил кўриб чиқилади.“Моно” (юнонча “monos”) - мураккаб сўзларнинг биринчи қисми сифатида ўзбек тилида “якка” сўзига мос келади. Масалан, монография (бир мавзуни чуқур ўрганувчи китоб шаклидаги илмий нашр), монотон

[1] ."12-15 фоиз аҳолимиз камбағал". Президент камбағалликдан чиқишда одамларни тадбиркорликка ўргатиш ҳақида гапирди. http://darakchi.uz/uz/86415 (мурожаат санаси: 28.02.2020).

(ҳамиша бир хил), монополия (якка ҳокимлик), монолог (бир кишининг суҳбатини ифодаловчи нутқ шакли). “Моноиқтисодиёт” деганда иқтисодиётнинг микро (корхона) ва мини (оила) даражаларидан ҳам кичикроқ таянч бўғини - моно (индивид) даражасидаги иқтисодиётни назарда тутилади ва унинг негизида иқтисодий жиҳатдан комилликка эришилган меҳнатга лаёқатли инсон туради. “Моноиқтисодий камбағаллик” деганда меҳнат қилиш ёшига кирган, лекин ишёқмаслиги, ўқишни хоҳламаслиги, исрофгарлиги, баднафслиги, қисқа муддатли фойдани қидириши, ўзига ёқмаган ишлар билан шуғулланиб юриши, вақтини бекорга сарфланиши каби камбағалларга хос одатларининг мавжудлиги ҳамда малакаси пастлиги, доимий ишининг йўқлиги сабабли ишлаб кам пул топадиган ёки ишсизлиги туфайли умуман даромади мавжуд бўлмайдиган ва зарурий эҳтиёжларини ўз даромади ҳисобидан қоплай олмайдиганларни биз назарда тутамиз.

Реал ҳаётда одамларнинг иқтисодий қисмати турли турмуш сифатида кечади. Бири, ҳаётда аниқ мақсадларини кўзлаб, яхши ўқиб, касб-ҳунарга эга бўлган ҳолда ҳам ақлли меҳнат ва ҳам тадбиркорлик қобилиятларини тўлиқ рўёбга чиқара олиб, бой-бадавлатлик мартабасига эришишга муяссар бўлади. Иккинчиси тадбиркорлик билан шуғулланишни афзал кўриб, тўқ яшайди. Учинчиси ўрта ҳол турмуш тарзида қолиб, жисмоний меҳнат фаолиятидан қўлга оладиган ойлиги ҳисобидан уй-хўжалигини бир амаллаб юритишга сазовор бўлади. Тўртинчиси турли сабабларга кўра, ўз иқтисодий имкониятларини тўлиқ рўёбга чиқаролмасдан, камбағаллик даражасида ҳаёт кечиради ва ҳаётий эҳтиёжларини қондира олмасдан яшайди. Бешинчиси эса жуда ҳам кам даромадга эга бўлиб ёки умуман даромадсиз қолиб, давлатнинг ижтимоий ёрдами ва бошқаларнинг моддий ёрдами ҳисобидан зўрға кунини кўриб, қашшоқликда яшайди.Одамлар турмуш даражасидаги иқтисодий тафовутлар биринчи навбатда кишининг ўзидан боғлиқ, туғма иқтисодий қобилиятларини рўёбга чиқариш йўлида етарли даражада сайъ-ҳаракат қилмаслик, билим олишга интилмаслик, касб-ҳунарга ўрганмаслик, дангасалик, ишламай бекор юриш, деб ҳисоблаймиз.

Юқорида баён этилган фикр-ақидаларга асосланиб, биз Камбағалликни қисқартиришнинг 1-чи расм кўринишидаги муаллифлик “***моноиқтисодий модели”***ни тавсия этамиз.

1-чи расмдан кўриниб турибдики, ушбу модель камбағалликнинг индивидга хос бўлган жиҳатларини акс эттирадиган иккита қарама-қарши томонларда жойлашган *кириш қисмлари*, бу қисмларнинг бир-бирига таъсир кўрсатиб ҳаракатга келтирадиган *жараён қисми* ҳамда “қобилият” турлари ва “даромад” манбаларининг ўйғунлантирилиши эвазига шакллантирадиган *жузъий ва умумий натижа қисмлари*дан иборат. Моделнинг ҳар бир таркибий қисмларини батафсил кўриб чиқамиз. Камбағалликни қисқартиришнинг моноиқтисодий моделининг чап томонидаги “*Инсон иқтисодий қобилиятларини ривожлантириш*” кириш қисми ҳаётда ўз ризқ-рўзини топиб олиш имконини яратадиган муҳим даромад манбаи



1-расм. Камбағалликни қисқартиришнинг моноиқтисодий модели[1]

ҳисобланади. “Иқтисодий қобилиятлар – инсон иқтисодий унумдорлигини ўлчов мезони сифатида хизмат қилади”[2]. Шунинг учун, иқтисодий жиҳатдан инсонга баҳо беришда унинг иқтисодий қобилиятларининг ривожланганлик даражасини аниқлаш муҳим аҳамият касб этади.

Моделнинг ўн томонидаги “Шахсий даромад занжирини яратиш“, деб номланган кириш қисми меҳнатга лайқатли кишининг иқтисодий қобилиятларини ривожланиб, уларни рўёбга чиқариш ва тижоратлаштириш эвазига яратадиган даромад турларининг шакллантиришини назарда тутади. Бунда, шахсий даромад занжирини ёлланма хизматчининг иш ҳақиси, ўзи учун ишловчининг даромади, бизнес эгасининг даромади ва сармоядорларнинг фоиз даромадидан таркиб топади. Шунингдек, ушбу занжирга инновацион фаолиятидан оладиган даромадни ҳам киритиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Моделнинг иккита қарама-қарши томонида жойлашган кириш қисмларини бир-бирига таъсир кўрсатиб ҳаракатга келтирадиган “*Инсон*

[1] Манба: муаллиф ишланмаси.

[2] Навруз-Зода.Б.Н.Иқтисодий қобилиятларнинг ўлчов мезонлари. Psixologiya ilmiy jurnal, 3-сон, 2014- yil. 1-6 б.

иқтисодий қобилиятларини рўёбга чиқариш ва тижоратлаштириш”, деб номланган жараён қисмида индивиднинг амалда қўллаш мумкин бўлган меҳнат ва тадбиркорлик фаолиятининг еттита турлари кўрсатилган.

Камбағалликни қисқартиришнинг моноиқтисодий моделининг чап ва ўн томонларидан, иккита - “ҚОБИЛИЯТ” ва “ДАРОМАД” стрелкалари орқали “*Индивиднинг моноиқтисодий қиёфасининг шаклланиши*”, деб номланган жузъий натижа қисмига йўналтирилганлиги, “Қобилият /Даромад” мутаносиблиги ва уларнинг ўзаро уйғунланиши эвазига инсоннинг иқтисодий камолотга етиш мартабаларини ифодалайди [1] . Иқтисодий комил инсон – бу ўз нафсини жиловлай оладиган ҳамда ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга молик қобилиятларга эга бўлиб, уларни ўзининг, оиласининг, миллати ва халқининг, давлатининг фаровонлиги ва манфаати йўлида самарали рўёбга чиқара оладиган кишидир[2].

Ниҳоятда, моделнинг сўнгги “*Индивиднинг турмуш даражасини ошириш*”, деб номланган умумий натижавий қисми инсон иқтисодий қобилиятларини суст даражадан ривожланган даражасига етказиш ва уларни пул оқимининг ёлланма ва мустақил меҳнат, якка тартибдаги тадбиркорлик ва бизнесга эгалик ҳамда сармоядорлик ва инновацион тадбиркорлиги секторларида рўёбга чиқара олиш эвазига иқтисодий комил инсоннинг салоҳиятли, қудратли ва баркамоллик мартабаларига етиб бориши сари турмушининг қашшоқлик даражасидан камбағаллик даражасига, камбағалликдан ўрта ҳол ва ундан фаровонлик даражасига кўтаришида намоён бўлади.

Юқорида билдирган фикр-ғоялар юзасидан қуйидаги хулосаларни чиқариш мумкин:

- “Моноиқтисодий камбағаллик” атамаси индивиднинг иқтисодий қобилиятларининг ривожланмаганлиги ва уларни пул оқимларининг меҳнат ва тадбиркорлик фаолият турларида айирбошлашга кирита олмасдан, паст даромадга эга бўлиб келаётган меҳнат қилишга лаёқатли камбағал кишилар.

- Инсон иқтисодий қобилиятларининг икки томонлама: меҳнат қилиш ва тадбиркорлик иши билан шуғулланиш хусусиятидан келиб чиқган ҳолда, биз камбағалликка альтернатив турмуш тарзи сифатида *бойлик формуласини* “*бойлик тенг ойлик плюс кунлик”*, деб ифодалаймиз.

- Камбағалликни қисқартиришнинг моноиқтисодий модели иккита қарама-қарши томонларда жойлашган кириш қисмлари, бу қисмларнинг бир-бирига таъсир кўрсатиб ҳаракатга келтирадиган жараён қисми ҳамда “қобилият” турлари ва “даромад” манбаларининг ўйғунлантирилиши эвазига шакллантирадиган жузъий ва умумий натижа қисмларидан иборат.

-Иқтисодий қобилиятларининг ривожланганлик даражаси иқтисодий

[1] Навруз-Зода Б.Н. Камбағалликни камайтиришнинг моноиқтисодий йўли. "Iqtisodiyot va turizm" xalqaro ilmiy-innovatsion jurnali. №1(1) 2021.20-34 бб.

[2] Наврўззода Б.Н. Баркамол авлоднинг иқтисодий салоҳиятини шакллантириш. Бухоро Давлат университети илмий ахбороти, 2-сон, 2010 й. 32-38 б.

тарбия кўрганлиги ва билимдонлиги, касбий маҳорати, меҳнат ва тадбикорлик қобилиятларини самарали рўёбга чиқариши, даромад ва харажатларнинг мутаносиблиги ҳамда сармоядорлик маҳорати мезонлари асосида баҳоланади.

-Шахсий даромад занжири ёлланма ходимнинг меҳнатга ҳақ тўлаш, ўзини ўзи бандликдан даромад, тадбиркорлик даромади, сармоядорлик ва инновацион фаолиятидан оладиган даромади асосида яратилади.

- Кишининг моноиқтисодий қиёфаси иқтисодий заиф, салоҳиятли, қудратли, баркамол ва номукаммал инсон мартабаларида намоён бўлади.

- Инсон иқтисодий қобилиятларини ривожланиш ва уларни пул оқимининг турли бўлимларида рўёбга чиқариш натижасида у иқтисодий камолот даражасига етиб боради ва турмушининг камбағаллигидан ўрта ҳол ва ундан фаровонлик даражасига кўтариш имкони пайдо бўлади.

Шундай қилиб, Ўзбекистонда камбағалликни индивиднинг меҳнат ва тадбиркорлик қобилиятларини ривожлантириш ва рўёбга чиқариш асосида қисқартириш учун, аввало, иқтисодий таълим ва тарбияни ривожлантириш, ишга марҳамат мономарказларнинг сонини кўпайтириб, уларда устоз-шогирд муносабатларига асосланган касбга ва тадбиркорликка ўқитишни йўлга қўйиш, асосида ҳудудларда янги иш жойларини яратишга қаратилган кенг кўламли ва самарали чора-тадбирларни амалга ошириш лозим.

Р.Нормахматов – СамИСИ профессори, т.ф.д.
А.Ж. Ғафуров – СамИСИ ассистенти

ФАОЛ МОДДАЛАРГА БОЙ ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ИСТЕЪМОЛИ – АҲОЛИ ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИ БЕЛГИЛОВЧИ МУҲИМ КЎРСАТКИЧИДИР

Аннотация: мақолада хурмо меваси, ялпиз, тарвуз пўчоғи асосида тайёрланган функционал мақсадларда фойдаланиш мумкин бўлган конфитюр, джем каби инновацион маҳсулотларни тайёрлаш ва уларнинг физиологик қиймати бўйича маълумотлар келтирилган.

Калит сўзлар: витаминлар, микроэлементлар, макроэлементлар, конфитюр, жем, хурмо, торвуз пўчоғи.

Аннотация: в статье приводятся данные технологии приготовления инновационных продуктов из плодов хурмы, мяты и корок арбуза функционального назначения и сведения о физиологической ценности этих продуктов

Ключевые слова: витамины, микроэлементы, макроэлементы, конфитюр, джем, хурма, корка арбуза.

Abstract: the article provides information on the preparation of innovative products such as dates, mint, watermelon flakes, confiture, djem, which can be used for functional purposes, prepared on the basis of which the data are presented.

Keywords: vitamins, microelements, macronutrients, comfiture, jam, persimmon

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг аҳоли фаровонлигини *таъминлашнинг асосий йўналиши бўлган халқ истеъмол товарларини ишлаб чиқари*шга катта аҳамият берилди. Айниқса аҳолини юқори сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда қишлоқ хўжалиги ва чорвачиликни жадал суръатлар билан ривожлантириш устувор вазифа қилиб белгиланди. Чунки инсоннинг биологик мавжудод сифатида моддий эҳтиёжларини қондиришда озиқ-овқат маҳсулотларининг аҳамияти беқиёсдир. Айнан инсон ўзининг ҳаёт фаолияти учун зарур бўлган оқсил, ёғ, углевод, витаминлар, минерал тузлар ва бошқа хилма-хил бирикмаларни озиқ-овқат маҳсулотлари орқали олади.

Мустақиллик йилларида аграр секторни тез суръатлар билан ривожлантириш асосида аҳолининг юқори сифатли озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини қондириш борасида сезиларли ютуқларга эришилган бўлсада, лекин бу масалаларнинг тўлиқ ечимига эришиш бугунги кунда ҳам долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда.

Шу сабабли ҳам Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралда қабул қилинган ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони асосида қабул қилинган “2017- 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”нинг учинчи “Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари”да ҳам бу соҳада таркибий ўзгаришларни чуқурлаштириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришни изчил ривожлантириш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, аграр секторнинг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада ошириш, пахта ва бошоқли дон экиладиган майдонларни қисқартириш, бўшаган ерларга картошка, сабзавот ва ёғ олинадиган экинларни экиш, шунингдек, янги интенсив боғ ва узумзорларни жойлаштириш ҳисобига экин майдонларини янада оптималлаштириш масалаларига катта эътибор қаратилган(2).

Илмий тадқиқот ишларини бажаришда товаршуносликда умум қабул қилинган усуллардан фойдаланилди. Илмий тадқиқот объекти сифатида эзилиб пишган хурмо меваси ва кўк ялпиздан фойдаланилди. Тайёрланган маҳсулотларнинг сифатини баҳолаш Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг “Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифат экспертизаси” лабораториясида ўтказилди.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, биз табиий маҳсулотларни истеъмол қилиб, ёғ, углевод, оқсиллар бўйича меъёрий кўрсаткичларга эришсакда, барибир инсон организми витаминлар ва микроэлементларга қўшимча эҳтиёж сезади. Бунинг асосий сабаби шундаки, кўпгина озиқ-овқат маҳсулотлари, айниқса қишлоқ хўжалик хомашёлари истеъмолчилар дастурхонига етиб келгунча тозаланади ва қайта ишланади. Биз хом ашёни қанча тозаласак ва қайта ишласак, шунча кўп микронутриентларни йўқотамиз. Одатда харидорлар кўпинча олий навли ун ёки оппоқ силлиқланиб обдон

тозаланган гуручни харид қилади. Бу билан организмимизда микронутриентлар етишмаслигини ўзимиз келтириб чиқарамиз. Мана бир мисол, маълумки паст навли буғдой унида олий нав буғдой унига қараганда B_1 витаминининг миқдори 2,5-3,0 баробар ортиқдир. Шу сабабли инсон рационининг асосий қисмини тозаланган маҳсулотлар ташкил этувчи ривожланган мамлакатларда аҳолининг кўпроқ касалликка чалиниши ва нисбатан камроқ умр кўриши айнан организмда узлуксиз равишда витаминлар ва балласт моддаларининг етишмаслиги - асосий сабаб эканлиги кўпгина илмий-тадқиқот ишлари асосида тасдиқланган.

Бу борада қонунчилик палатаси томонидан 2010 йил 25 ноябрда қабул қилиниб, 2010 йил 10 майда Сенат томонидан маъқулланган “Аҳоли ўртасида микронутриент етишмаслиги профилактикаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг(1) алоҳида аҳамиятга эга эканлигини қайд этиш лозим.

Мазкур Қонунда микронутриентлар атамасига қуйидагича таъриф берилган. “Микронутриентлар – инсон организмининг нормал ўсиши ва ривожланиши учун зарур бўлган, ўрнини бошқа нарса боса олмайдиган озиқ-овқат моддалари (витаминлар ва минерал моддалар)”дир.

Шу нарса маълумки, озиқ-овқат маҳсулотлари таркибида микронутриентлар етишмаслиги оналар ва болалар ўртасида касаллик ва ўлим даражасининг ошишига, болалар ва ўсмирларнинг интеллектуал-жисмоний ривожланишининг сусайишига, катта ёшдаги инсонларнинг эса иш қобилиятининг пасайишини келтириб чиқаради. Бу салбий оқибатларнинг олдини олишнинг бирдан-бир хавфсиз ва тежамли усули озиқ-овқат маҳсулотлари таркибини бойитиш эканлиги исботланган.

Институтимизнинг “Хизматлар кўрсатиш, сервис ва уни ташкил этиш” кафедраси профессор-ўқитувчилари ҳам бу борада инновацион ишланмаларни яратиш ва амалиётга жорий этиш масаласида иш олиб бормоқдалар. Бу борада Техника фанлари доктори Р.Нормахматов, ассистент А.Ж.Ғофуров муаллифлигида иккита инновацион ишланмалар Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигига патентлаштириш учун топширилди.

Биринчи инновацион ишланма бу – “Хурмо мевасидан таркиби бойитилган конфитюр олиш усули”дир. Бу ишланманинг инновацион аҳамияти шундаки, сақлаш ва ташишга яроқсиз ҳолга келган, консистенцияси бўшашиб қолган хурмо мевасидан таркиби бойитилган, функционал мақсадларда қўллаш мумкин бўлган конфитюр маҳсулотининг ишлаб чиқарилганлигидир. Бу янги маҳсулотнинг яратилиши, биринчидан чиқитсиз технологиянинг жорий этилишини таъминласа, иккинчидан йод етишмовчилигида инсон учун профилактик восита сифатида фойдаланиш имкониятини беради. Йод танқислиги мавжуд бўлган Ўзбекистон учун бундай маҳсулотларни ишлаб чиқариш йод танқислигига бўлган талабни қондиришда муҳим қўшимча воситалардан бири бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Иккинчи инновацион ишланма - “Ялпиздан ментолга бой жем олиш усули” ҳисобланади. Бу усулда ишлаб чиқарилган янги маҳсулот бир вақтнинг ўзида С витаминига ва Р витаминига бойлиги билан алоҳида диққатга сазовордир.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, бугунги кунда дунёда юрак-қон томир касалликлари инсониятни ташвишга солмоқда. Ҳеч иккиланмай шуни айтиш мумкинки, бу касалликларнинг олдини олиш ва даволашда тиббиёт соҳасида улкан ютуқлар қўлга киритилганлиги ҳеч кимга сир эмас. Лекин бизнинг фикримизча бу касалликларнинг олдини олишда соғлом турмуш тарзига риоя қилиш ва соғлом турмуш тарзининг муҳим элементи ҳиобланган биологик фаол моддаларга бой озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмолига эришиш ҳам муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Шу сабабли ҳам биз бугунги кунда бажараётган илмий-тадқиқот ишларимизнинг мавзулари ва мазмунини айнан шу вазифаларни ҳал қилишга йўналтирганмиз.

Сўнгги йилларда бажарилган илмий-тадқиқот ишлари шундан далолат берадики, юксак цивилизация шароитида замонавий инсон рационида балласт моддалари, айниқса Сва Р- витаминлари етишмас-лигидир. Витаминлардан С ва Р- витаминлари синергислар ҳисобланиб, уларнинг ўзаро таъсир қилиш хусусиятига эга эканлиги аниқланган (3). Бу дегани биз истеъмол қиладиган озиқ-овқат маҳсулоти таркибидаги С витамини, бу овқатда Р витамини ҳам бўлсагина яхши хазм бўлиши, ва аксинча, С витамини Р витамининг яхши ҳазм бўлишини таъминлайди. Маълумки, Р витамини қон томирларининг ўтказувчанлигига ижобий таъсир кўрсатиб, юрак-қон томири касалликларининг профилактикасида муҳим рол ўйнайди. Шу нуқтаи-назаридан масалага ёндашсак, ялпиз асосида ишлаб чиқилган инновацион маҳсулот С ва Р- витаминига бойлиги учун профилактик мақсадларда фойдаланиш имкониятини беради.

Кафедрада олиб борилаётган инновацион характердаги ишланмалардан яна бири тарвуз пўчоғидан жем олиш технологияси билан боғлиқдир. Бу ишланманинг амалий аҳамияти бир томондан чиқитсиз технологияни жорий этиш бўлса, иккинчи томондан технологик жараёнда шакарнинг ўрнини табиий маҳсулот бўлган узум шарбати билан алмаштириш ҳисобланади. Бу ишланмадаги инновацион маҳсулотнинг функционал мақсадда ишлаб чиқарилганлиги – қандли диабет касаллиги билан касалланган беморларга тавсия қилиниши билан боғлиқдир.

Бугунги кунда кафедраларда бажарилаётган инновацион ишланмаларга талабаларни жалб қилиш ҳам ўқув-тарбиявий ишларнинг сифатли ташкил этилишининг асосий омилларидан бири ҳисобланади. Бу борада ҳам биз инновацион ишланмаларимизга талабаларни, айниқса биринчи ва иккинчи босқич талабаларини кенг жалб қилишни вазифа қилиб қўйганмиз.

Бунинг учун биз 5610100 – Хизматлар соҳаси (товар экспертизаси хизматларини ташкил этиш) бакалавриат йўналишида таҳсил олаётган 1 ва

2-босқич талабаларидан илмий-тадқиқот ишларини бажаришга лаёқатли, иқтидорлиларини танлаб оламиз ва кафедранинг инновацион ечимга эга бўлган мавзуларига бириктирамиз. Улар илмий рахбарларининг бевосита иштироки ва кўрсатмалари билан ўзларига бириктирилган инновацион аҳамиятга эга бўлган мавзуларини бакалавриат босқичини тугатгунча давом эттирадилар.

Кўпчилик ҳолатларда бундай талабалар ўз илмий мавзусини магистратура босқичида янада такомиллаштириб, магистрлик диссертациясини ёзадилар ва уни ҳимоя қиладилар. Бундан ташқари, бугунги кунда кафедрамизда эндигина магистратурани тугаллаб, ассистентлик лавозимида фаолият юритаётган ёш ўқитувчиларнинг фалсафа доктори (Ph доктори) илмий даражасини олиш учун бажараётган мавзулари ҳам айнан таркиби бойитилган, функционал аҳамиятга эга бўлган инновацион маҳсулотлар яратиш муаммолари билан боғликдир. Фикримизнинг далили сифатида ассистентлар Ғ.Пардаев, Ш.Исмоиловларнинг илмий-тадқиқот ишлари мавзуларини бунга мисол қилиб кўрсатишимиз мумкин.

Хулоса. 1.Республикамизда озиқ-овқат маҳсулотларининг таркибини бойитиш учун қўлланиладиган хомашёлар хилма-хил ва улардан фойдаланиш амалий аҳамият касб этади.

2.Хурмо мевасидан таркиби бойитилиб тайёрланган конфитюр ва ялпиздан ментолга бой жем маҳсулотларини профилактик восита сифатида фойдаланиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Аҳоли ўртасида микронутриент етишмаслиги профилактикаси тўғрисида”ги Қонун.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш тўғрисида”ги 2017 йил 7 февралдаги Фармонининг “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” иловаси. Тошкент, “Адолат”, 2017, 18-бет.

3. Колесник А.А., Елизарова Л.Г. “Теоретические основы товароведения продовольственных товаров” М.: “Экономика”, 2010.

О.Д.Хамракулова –к.э.н., доц. кафедра« Банковское дело», СамИЭС

ИННОВАЦИОННАЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ – КАК ФАКТОР ДАЛЬНЕЙШЕГО РАЗВИТИЯ ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА

Аннотация: В работе рассмотрены вопросы расширения инновационной деятельности субъектов бизнеса как важного фактора в восстановлении экономики Узбекистана в постковидный период, а также предложены конкретные рекомендации.

Ключевые слова: бизнес, малый бизнес, инновации, инновационная деятельность, рыночная экономика, восстановление экономики, СЭЗ, технопарки, бизнес- инкубаторы, малые промышленные зоны.

Annotatsiya: Hujjatda tadbirkorlik sub'yektlarining innovatsion faolligini kengaytirish masalalariga O'zbekiston iqtisodiyotining keyingi davrda tiklanishining muhim omili sifatida qaralib, aniq tavsiyalar berilgan.

Kalit so'zlar: biznes, kichik biznes, innovatsiyalar, bozor iqtisodiyoti, iqtisodiyotni tiklash, erkin iqtisodiy zonalar, texnoparklar, biznes inkubatorlar, kichik sanoat zonalari.

Abstract: The paper considers the issues of expanding the innovation activity of business entities as an important factor in the recovery of the economy of Uzbekistan in the post-like period, and also offers specific recommendations.

Keywords: business, small business, innovation, innovation activity, market economy, economic recovery, SEZ, technology parks, business incubators, small industrial zones.

В современных условиях решающим фактором повышения международной конкурентоспособности промышленно развитых стран является инновационное развитие экономики. Мировая практика подтверждает определяющую роль инновационного процесса в обеспечении устойчивого экономического роста и укреплении позиций страны на международных рынках. «Главная цель инновационного развития нашей страны – это развитие человеческого капитала; до 2030 года Узбекистан в Глобальном инновационном индексе в рейтинге передовых стран должен занять 50 –е место».[1].

В развитых странах в настоящее время формируется модель инновационного развития, основанная на переходе от пятого к шестому технологическому укладу, что обеспечивает им ведущие позиции в рейтинге международной конкурентоспособности стран. Так, страны, лидирующие по показателю затрат на НИОКР в структуре ВВП (Швейцария — 2,99%. Финляндия — 3,82%, Швеция — 3,61%, Германия — 2,82%, США — 2,9%, Великобритания — 1,85%, Япония — 3,76%), входят в десятку стран с наивысшим индексом глобальной конкурентоспособности.

Предпосылками становления и развития малого инновационного предпринимательства (МИП) являются следующие социально-экономические факторы: 1) инновационность малого бизнеса по сути, что объясняется его гибкостью, высокой восприимчивостью к новшествам и адаптивностью к изменению рыночной ситуации; 2) ограниченность

крупных корпораций в сфере разработки и освоения инноваций в силу высокого уровня бюрократизма, использования в основном вертикального метода продвижения инноваций, роста затрат и др.; 3) возникновение новейших наукоемких секторов экономики, в которых может эффективно оперировать малый бизнес; 4) индивидуализация потребительского спроса на инновационную продукцию; 5) осуществление комплексной государственной поддержки малого инновационного предпринимательства.

Малые инновационные предприятия (МИП) преимущественно занимаются разработкой и освоением инноваций в отраслях, которые считаются крупными предприятиями неперспективными или высокорискованными. МИП обладают рядом преимуществ и недостатков перед крупными компаниями (см. таблицу 1).

Таблица 1.

Преимущества и недостатки малых инновационных предприятий

Преимущества	**Недостатки**
Высокая восприимчивость к инновациям; Высокая мотивация внедрения новшеств; Оперативное принятие управленческих решений; Отсутствие бюрократических процедур в организации; Узкая предметная специализация производственной деятельности.	Ограниченность в собственных ресурсах; Ограниченная возможность внешнего финансирования; Низкий профессиональный уровень менеджмента; Недостаточная квалификация кадров; Незначительная степень разделения труда.

Инновационная деятельность является объективной необходимостью развития всех хозяйствующих субъектов. Основными целями осуществления научных исследований и разработок в МИП являются: 1) снижение издержек производства; 2) повышение качества и расширение ассортимента продукции; 3) обеспечение перспективы конкурентоспособности продукции на мировом рынке; 4) обеспечение экологической безопасности производства.

В силу недостатка необходимых финансовых, производственных и человеческих ресурсов, возможности самостоятельного внедрения высоких технологий и современной техники МИП ограничены, что обуславливает проведение комплексной государственной политики стимулирования их деятельности.

В систему государственной поддержки инновационного предпринимательства входит реализация программ финансирования процесса коммерциализации инноваций, формирование инновационной инфраструктуры, создание благоприятных условий для НИОКР, венчурного капитала, развитие конкурентной среды (снижение барьеров для входа на рынок новых фирм).

В условиях посткороновирусного восстановления национальной эконо-

мики Узбекистана успех реализации этого сложного и капиталоемкого структурного сдвига в деятельности малого бизнеса в значительной степени будет зависеть от темпов и качества освоения малыми предприятиями выпуска наукоемкой продукции с высоким уровнем добавленной стоимости. Создание центров инновационного роста и постепенному вовлечению в орбиту их деятельности малых инновационных предприятий в нашей республике началась с 2017 года, когда в рамках Стратегии действий Узбекистана на 2017-2021 годы во всех регионах республики начали создаваться различные по своей организационной природе формы пространственной организации инновационного бизнеса. Спектр появившихся в последнее время центров инновационного роста регионов, способных оказать эффективную помощь в повышении технологического уровня малых предприятий, представлен на рис. 1.

Рисунок 1. Основные формы функционирования центров инновационного роста на уровне регионов Узбекистана



Наиболее благоприятные возможности для расширения масштабов работы по повышению технического уровня малого бизнеса в регионах имеют 22 **свободных экономических зоны**, способные привлекать иностранные инвестиции для нужд инновационного развития регионов своей дислокации. Уже в 2018 году на территории свободных индустриальных экономических зон было реализовано 158 проектов общей стоимостью 1045,5 млн. долл. США, что позволило создать 9746 новых рабочих мест. В 2019 году предприятиями, расположенными на территории СЭЗ, произведено продукции на сумму 1,76 трлн. сумов.[2]

Перспективным каналом повышения технологического уровня малых предприятий на уровне регионов выступает расширение масштабов их сотрудничества с **производственными кластерами**, деятельность которых направлена на объединение в производственные цепочки усилий предприятий одного или нескольких близко расположенных районов для выпуска высокотехнологичной продукции. В настоящее время в регионах страны функционирует более 80 крупных производственно-технических кластеров, в структуре которых успешно работают сотни малых предприятий.

Примером высокотехнологичного кластера может служить Инновационный научно-производственный фармацевтический кластер, созданный в Зангиатинском районе Ташкентской области. Помимо современного многофункционального высокотехнологичного произ-водства по выпуску лекарственных средств, здесь планируется создание узбекско-корейского фармацевтического технического университета.

Отмечая большие преимущества СЭЗ и кластеров, следует признать, что в условиях устранения последствий коронавирусной пандемии наиболее востребованной площадкой для сотрудничества с малыми инновационными предприятиями становятся **малые промышленные зоны**, обладающие целым рядом существенных налоговых, таможенных льгот, а также имущественных преимуществ. В настоящее время в различных регионах республики функционируют 156 малых промыш-ленных зон, которые заинтересованы в налаживании тесных кооперацион-ных связей с малым бизнесом в вопросах создания наукоемкой технической продукции для нужд субъектов региональной экономики.

Широкие возможности для повышения технологического уровня малых предприятий открывает расширение масштабов их взаимовыгодного сотрудничества с такими центрами инновационного роста, как **технические парки, бизнес-акселераторы и испытательные полигоны**. Большинство из них, обладая значительным техническим потенциалом и инновационными наработками, кровно заинтересованы в реализации быстроокупаемых инновационных проектов с участием малого бизнеса. Примером такого успешного сотрудничества служит IT-парк, действующий в Мирзо-Улугбекском районе г. Ташкента, специализирующийся на внедрении новейших информационно-компьютерных технологий. В настоящее время каждый третий разработчик программных продуктов из 380 резидентов данного технического парка функционирует в качестве малого предприятия. В 2021 году в составе технопарка планируется открытие инкубационных центров во всех регионах республики для поддержки стартапов, действующих в 10 высших учебных заведениях Узбекистана.

Однако, несмотря на высокую привлекательность многих аспектов формирующегося механизма сотрудничества центров инновационного роста с малым бизнесом, следует признать, что его институциональное укрепление находится на начальной стадии своего становления. Причиной этого выступает наличие широкого круга нерешенных вопросов технического, финансово-экономического и организационного характера, сдерживающих налаживание взаимовыгодного сотрудничества между этими перспективными участниками региональной экономики. Основными сдерживающими факторами для внедрения инноваций в бизнесе являются: недостаток финансовых средств и квалифицированных кадров, слабая конкурентная среда, сложные административные процедуры (сертификация, стандартизация), высокие издержки при импорте, сложности с конвер-тацией валюты, неразвитость информационной инфраструктуры и институ-тов поддержки. В существующих условиях малые предприятия предпочи-тают внедрять и адаптировать

иностранные технологии и материалы, чем разматывать свои собственные производственные и бизнес идеи.

Основными направлениями активизации инновационной деятельности малого бизнеса в Узбекистане, по нашему мнению, являются: совершенствование нормативно-правовой базы инновационной деятельности, отражение в ней мер по поддержке субъектов малого бизнеса; дальнейшее улучшение деловой среды (упрощение процедур сертификации, стандартизации, разрешений, экспортно-импортных операций); разработка финансовых механизмов поддержки инновационной деятельности МИП (создание Фонда содействия развитию малых предприятий в научно-технической сфере; предоставление дополнительных налоговых льгот; льготных кредитов, внедрение механизма финансового лизинга за счет бюджетных средств);

развитие инфраструктурной поддержки (создание развитой сети технопарков, бизнес-инкубаторов, инновационно-технологических центров); расширение кооперационных связей с крупными промышленными предприятиями через развитие механизмов субконтрактации, субподряда.

Реализация указанных мер позволит усилить роль малого бизнеса инновационном развитии страны, ускорении экономического роста и повышении благосостояния населения.

Список использованной литературы:

1.Указ Президента РУ « О стратегии инновационного развития Республики Узбекистан на 2019-2021 годы.»- Народное слово, 22.09.2018,

2. www. sputniknew. ru

I.Yu.Umarov – Andijon iqtisodiyot va qurilish instituti iqtisodiyot fanlari doktori

I.M.Akramov – Andijon iqtisodiyot va qurilish instituti magistranti

XIZMAT KO’RSATISH SOHASINING AHOLI BANDLIGI, FAROVONLIGI, YASHASH SIFATI VA DARAJASINI UCHINCHI RENESSANSI SHAKLLANTIRISH SHAROITIDA OSHIRISH MASALALARI

Annotatsiya: Mazkur maqolada hozirgi kunda mamlakatimizda xizmat ko’rsatish sohalaridagi mavjud vaziyatlar va istiqbollar tahlil qilib o’tilgan. O’zbekistonda aholi bandligi va ularni yashash sifatini yaxshilash maqsadida ta’lim va ishlab chiqarish integratsiyasini rivojlantirish uchun berilayotgan imkoniyatlardan keltirib o’tilgan va bu sohalardagi yangi islohotlar ham berilgan.

Kalit so’zlar: renessans,moliya,real, differentsiatsiya, kommunikatsiya infratuzilma, koronavirus, IT-akademiya, auksion, videoselektor,kompleks, xususiy ta’lim,poydevor.

the company for years to come, hence it is prepared in collaboration with other strategic departments of the company. In so doing, the business strategy is aligned with organizational goals to define clear marketing goals so awareness and customer expansion is reached. The marketing strategy comes with clear business and marketing goals to enhance penetration and development. Some of the most effective marketing strategies include; content marketing, paid media advertising, email marketing, conversational marketing, direct selling and the likes. Capon and Hulbert (2019) linked the success of organisations in the market to the importance delivered to customers. This brought about the principle of customer value, with customer insights driving the company's marketing activities. Customer value should also drive investment and production decisions, because customers distinguish value on the benefits of the product or service they receive. Accordingly, as the setting modifies, and the customer experience and their needs change, the significance they seek also changes. Hence, most companies – especially leader companies – invest more money in marketing research to gain deep customer insights, in order that they can shape their development plans with deep understanding of the market based on recent history, so it could state a clear and effective value proposition on the basis of a firm's functional, psychological and economic value, with related benefits. It shows how to "gain customers and beat competitors" in the best possible way. According to Doyle (2021), value based marketing necessitates not just accepting the market, nonetheless the economical scopes.

Research Objectives. The main objectives of the research is to propose a marketing strategy to explore how customers perceive value, increase the service's market share, provide opportunities for managers improve their leadership skills, maintain or increase profits, strengthen customer service to determine any dissimilarities in perceptions of values by customers, and to provide experiential proof of these variations within the Nigeria market for international consulting Vitae Liberta Company.

Literature Review. Several marketing strategies were used by us for assessment of the consultants and contractors. These were location of firm, promotion, professional - client relationship, professional contract, marketing mix (4 ps) and research. The result indicated that the level of awareness of marketing strategy is low among the consulting professionals surveyed despite the fact that they believed it is very essential in improving productivity. Professional - client relationship and professional contract were ranked very high as popular and effective marketing strategies.

Methodology. The data used was observational and derived. Existed data was explored to fish out insight from already gathered data through analysis of targeted advertising of competitors, their websites, as well as in-depth interviews with potential customers. Secondary data collected through real time was analysed to help understand the market dimension in Nigeria and the angle from which Vitae Liberta Company can penetrate and established itself as a competitive force. According to Hassan, M. A., & Olaniran (2011), qualitative

research is pragmatic, interpretive, and grounded in the lived experiences of people. It clarifies the participants' view of the context in which they operate.

Conclusion. After conducting the interview and analysing data, the recommendations were offered for a company, which are to implement customer value, bringing strategy founded on customer value learning processes to help in delivering the right value using the right resources and capabilities. Vitae Liberta Company has to achieve the above recommendation doing a detailed designing thinking pilot study to test and familiarise with the Nigeria market. In addition, Vitae Liberta must be aware of the changes ahead to make room for counter measures through digital marketing procedures by using spy metrics to analysis the performance of competitors in attracting customers. It is marketing's accountability to catch opportunities according to research and identification of customers' needs. The use of Social Media marketing will help the Vitae Liberta Company to reached out to customers at all times before and after sales are closed. That result in generating and supporting values delivered to end customers. Marketing should offer strategic and tactical deliberations about innovation, pricing and communication of morals.

First, it was determined that when a company enters the international market, it does not always correctly perceive the values of customers and uses them incorrectly in advertising messages. We analyzed more than 134 competing companies in the Nigerian market and compiled relevant texts, selected keywords based on the identified values of their potential customers. This made it possible to increase traffic to the consulting company's website by 2.5 times.

Secondly, the company was asked to change the content of the landing page based on customer values. A Meta description tag should generally inform and interest users with short, relevant summary of what a particular page is about and include customer values. The company has to address the above.

It was also identified the differences in the management of leading teams in Nigeria in the field of consulting companies. Therefore, the company was offered appropriate recommendations in terms of employee motivation.

Recommendations.

Nigeria is a culturally diverse nation. Though the covid-19 did disrupt its economy as it did other countries, it has seen some recoveries. As the largest economy in Africa with over 200 million people, incentives, duty drawback, and double tax reliefs, the foundation has been made to attract investors to the nation. Investment comes with risks that is why consultancy firms are needed to guide such investors into succeeding in this new market dimension they seek to explore. The above can be achieved by creating CVC = Customer Value Analysis + Operational Excellence where customer value analysis is the ability of a company to understand how value is created and captured with their customers. In other word, it defines value from customer perspectives. The operational excellence in contrast is the process(s) required by the organization in order to deliver the optimal value to its customers.

When entering international market, the above recommendation features should be taken into account, since later they allow you to achieve a multiple increase in interested customers from the country where the company enters the market. The author's proposal is that this analysis can be used by managers and marketers. It can be based not only on in-depth interviews, but also on the analysis of sites and targeted advertising of competitors in the local market. The analysis carried out by the author made it possible to increase traffic in practice by 2.5 times.

REFERENCE

• Ojo, G. K. (2020). Effective marketing strategies and the Nigerian construction professionals. *African Journal of Marketing Management*, *3*(12), 303-311.

• Eze, P., & Obikeze, C. O. (2017). The Extent of Utilization of E-Marketing Application by Small and Medium Enterprises in South Eastern States of Nigeria. *Management Studies and Economic Systems*, *54*(5805), 1-10.

• Capon, N., & Hulbert, J. (2019). Managing Marketing in the 21st Century: Developing & Implementing the Market Strategy. Wessex, Inc.

• Doyle, P. (2021). Value – Based Marketing: Marketing Strategies for Corporate Growth and Shareholder Value. John Wiley & Sons Ltd.

• Hassan, M. A., & Olaniran, S. O. (2011). Developing small business entrepreneurs through assistance institutions: the role of Industrial Development Centre, Osogbo, Nigeria. *International Journal of Business and Management*, *6*(2), 213-226.

Д.Ҳ.Холмаматов – СамИСИ доценти, PhD.

УЛГУРЖИ САВДОДА МАРКЕТИНГ ЛОГИСТИКАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Аннотация: мазкур мақолада маркетинг логистикасининг мазмуни, унинг таркибий қисмлари, маркетинг ва логистика функцияларининг бирлашиши, улгуржи савдода маркетинг логистикасининг аҳамияти ва ривожлантириш йўллари ёритилган.

Калит сўзлар: маркетинг, логистика, маркетинг логистикаси, улгуржи савдо, товар тарқатиш каналлари, савдо хизматлари, маркетинг-микс, тақсимот логистикаси, таъминот логистикаси.

Аннотация: В статье рассматривается содержание маркетинговой логистики, ее составляющие, сочетание функций маркетинга и логистики, значение маркетинговой логистики в оптовой торговле и пути развития.

Ключевые слова: маркетинг, логистика, маркетинговая логистика, оптовая торговля, каналы распространения товара, услуги продаж, комплекс маркетинга, распределительная логистика, логистика поставок.

Abstract: This article describes the content of marketing logistics, its components, the combination of marketing and logistics functions, the importance of marketing logistics in wholesale and ways of development.

Keywords: marketing, logistics, marketing logistics, wholesale, product distribution channels, sales services, marketing mix, distribution logistics, supply logistics

Кириш. Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг бугунги босқичида барча ҳудудларда хизмат кўрсатишни янада ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Жумладан, 2021 йилнинг 22 апрел куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев ҳудудларда хизмат кўрсатиш соҳаси йўналишларини ривожлантириш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказди. Ҳар бир ҳудуднинг ички имкониятлари ва фойдаланилмаётган захираларидан устувор даражада фойдаланиб, хизматларни кенгайтириш, янги хизмат турларини йўлга қўйиш, илғор тажрибалар ва намунавий лойиҳаларни жорий этиш бўйича янги методология яратиш зарурлиги таъкидланди [1].

Қадимдан мамлакатимиз ҳудудидан ўтган “Буюк ипак йўли” савдо-сотиқ ривожланиши, савдо марказларини ташкил этилишида катта аҳамиятга эга бўлган. Бугунги кунда ҳам аэропорт, темирйўл ва автовокзаллар ҳудудларида, магистраль йўллар ёқасида, туман марказларида замонавий йирик савдо комплекслари барпо этилмоқда.

Савдо хизматларининг ривожланиши ҳудудлараро товар ҳаракати тизимига ҳам ўз таъсирини ўтказмоқда. Саноат ишлаб чиқариш ҳудудларидан савдо марказларига товарларни етказиш бериш асносида логистика хизматлари ҳам ривожланиб бормоқда.

Замонавий бозор иқтисодиёти шароитида савдо хизматлари рақобатбардошлиги ва савдо айланмасини оширишда маркетинг логистикаси муҳим воситага айланиб бормоқда. Товарларни сақлаш, омборхона хизматлари, ортиш, тушириш, ташиш, етказиб бериш ва савдо хизматлари ҳажмининг ошиши кўп жиҳатдан маркетинг логистикасига боғлиқ бўлмоқда.

Ўзбекистон иқтисодиётининг ҳозирги ривожланиш босқичида улгуржи савдо катта аҳамиятга эга. Айнан улгуржи савдо маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг товарларини ички ва ташқи бозорда сотиш ҳамда мавқеини мустаҳкамлашда асосий роль ўйнайди. Рақобатли бозор шароитида товар ҳаракати тизими мураккаблашиб бормоқда. Бу эса улгуржи савдо ва унинг функциялари янгича ёндашувлар асосида амалга оширилишига олиб келмоқда. Шундай ёндашувлардан бири маркетинг логистикаси ҳисобланади.

Маркетинг логистикаси сотишни бошқариш тизимининг ажралмас қисми ҳисобланади. Сотишни бошқариш тизимининг ажралмас қисми сифатида маркетинг логистикасига уч жиҳатдан ёндашиш мумкин.

Биринчидан, маркетинг логистикаси физик (жисмоний) тақсимот ёки тақсимот логистикаси билан боғлиқ. Жисмоний тақсимот ишлаб чиқаришдан бошланади. Товарлар ишлаб чиқарилади, омборхоналар ва транспорт воситалари танланади. Уларнинг ёрдами билан товарларни керакли вақтда, керакли жойга, энг кам харажат билан охирги истеъмолчигача етказиб бериш мумкин. Ушбу ёндошувда маркетинг логистикаси маркетинг каналлари орқали маркетинг қийматини ошириш воситаси сифатида қаралади.

Иккинчидан, маркетинг логистикаси аниқ йўналтирилган бозор йўналишига эга бўлган интеграл логистика компаниялари фаолияти сифатида қаралади. XX асрнинг охирида жисмоний (физик) тақсимот кенгайтирилиб, таъминот занжирини бошқаришни ҳам қамраб олди. Таъминот занжиридаги фаолият ҳам бозор талаблари асосида ташкил этилиши самарадорликка олиб

келиши назарда тутилган. Шундай қилиб, бозорга йўналтириш логистика ва маркетингни интеграциялашга имкон беради.

Учинчидан, маркетинг ва логистика тизимларини тўлиқ бирлаштириш керак. Маркетинг логистикаси маркетинг ва логистиканинг асосий функция ва таркибий қисмларининг бирлашишидан иборат.

Маркетинг логистикаси: маркетинг, логистика ва синтезни ўз ичига оладиган ёндашув ҳисобланади. Маркетинг логистикаси ишлаб чиқариш, савдо ва бошқа бизнес соҳаларида маркетинг ва логистикани синтезига асосланиб, рақобат устунлигига эришишга қаратилган бозор йўналишидир. Бу жараёнда маркетинг ва логистиканинг боғлиқлигига алоҳида эътибор бериш лозим.

Маркетинг бу қайси фаолият, йўналиш ва соҳада бўлмасин маркетинг-микс элементлари доирасида амалга оширилади. Маркетинг логистикасида ҳам маҳсулот, нарх, силжитиш ва сотиш, логистика билан харидорларга сервис кўрсатиш жараёни билан боғланади. Логистика захираларни, буюртмаларни бошқариш, транспортировка, омборхона ва ахборот-коммуникация тизими билан боғлиқ фаолиятларни қамраб олади.

Маркетинг ва логистиканинг ўзаро боғлиқлиги бўйича хорижий

Маркетинг логистикаси улгуржи савдода буюртмаларни шакллантириш, ишлаб чиқарувчилардан улгуржи харидларни амалга ошириш, омборлаштириш, қадоқлаш, ўраб-жойлаш, улгуржи товар сотишни ташкил этиш, транспортировкани амалга ошириш, етказиб бериш ва сотувдан кейинги сервис фаолиятларини тўлиқ ўз ичига олади.

Улгуржи савдо фаолиятида маркетинг логистикаси маҳсулотларни сақлаш, етказиб бериш, ҳаракатланиш машрути, алоқа ўрнатиш, буюртма-лар портфелини шакллантириш, сервис кўрсатиш билан боғлиқ барча операцияларни таҳлил қилиш, режалаштириш, ташкил этиш ва бошқаришдир.

Улгуржи савдода товар ҳаракати самарадорлигини ошириш ва харажатларни камайтириш учун маркетинг логистикаси жуда муҳимдир. Маркетинг логистикаси улгуржи савдода инфратузилмани лойиҳалаштириш ва амалга ошириш бўлиб, у товарларни келиб чиқиш манбасидан сотиш нуқтасига самарали ва энг кам харажат билан етказиб беришни назарда тутади.

Улгуржи савдо ишлаб чиқариш эҳтиёжларини ўрганиш натижасида хом ашё, эҳтиёт қисмлар, бутловчи қисмлар ва бошқаларга буюртмалар портфелини шакллантиради ҳамда қайта ишлайди. Шунингдек омборлаштириш, етказиб бериш ишларини амалга оширади.

Истеъмол бозорида эса улгуржи савдо томонидан пировард истеъмолчиларнинг эҳтиёжларини ўрганиш асосида тайёр товарлар буюртмаларини шакллантиради, омборлаштириш, сақлаш, ташиш, етказиб бериш кабилар бажарилади.

Маркетинг логистикаси ғояси корхона ичида жиддий ўзгаришларни талаб қилади. Агар анъанавий маркетингда логистика функциялари ва тизимлари аниқ белгиланиши керак бўлса, маркетинг логистикасида эса асосий эътибор функциялардан жараёнларга ўтади.

Маркетинг логистикаси бозорнинг ривожланишига таъсир қилади. Чунки маркетинг логистикаси муайян корхонанинг бозор фаолиятини ривожлантиришда товарларни етказиб беришнинг юқори даражасини таъминлайди.

Улгуржи савдода маркетинг логистикасини ривожлантириш учун қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

1. Улгуржи савдо фаолиятида маркетинг логистикасини ривожлантириш учун “ишлаб чиқарувчи-улгуржи савдо-истеъмолчи” занжирида яхлит бизнес кооперациясини йўлга қўйиш лозим. Ишлаб чиқарувчи ва улгуржи савдо корхоналари ўртасида оралиқ омборхона-ларни ташкил этиш. Товар захираларини ташкил этиш, қадоқлаш, ўраб-жойлаш, етказиб бериш ишларини ҳамкорликда, аутсорсинг асосида амалга ошириш механизмларини такомиллаштириш лозим.

2. Улгуржи савдода маркетинг логистикасининг бизнес жараёнлар моделини ишлаб чиқишда бозорга йўналтирилган таъминот ва тақсимот занжирларида оптимал товар ҳаракати тизимини лойиҳалаштиришга эътибор қаратиш.

3. Улгуржи савдода маркетинг логистикасини ривожлантириш товар тарқатиш каналлари иштирокчиларининг функцияларини мувофиқлаштириш орқали истеъмолчи учун қиймат яратиш тизимини шакллантириш, юқори сифатли сервис орқали истеъмолчи эҳтиёжини қондирилишини таъминлайди. Пировардида товар ҳаракати тизими харажатларини оптималлаштириш орқали маркетинг фаолияти рентабеллиги оширилади.

4. Улгуржи савдода маркетинг логистикасининг бизнес жараёнлари моделини лойиҳалашда функционал элементларни, яъни маркетинг функционал элементлари (бозор тадқиқотлари, ассортимент сиёсати, нарх стратегиялари, силжитиш, сотишни рағбатлантириш) ва логистиканинг функционал элементлари (буюртмаларни бошқариш, транспорт, омборхона, захираларни бошқариш)ни мувофилаштириш асосида бир тизимни ташкил этиш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 22 апрель куни ҳудудларда хизмат кўрсатиш соҳаси йўналишларини ривожлантириш масалалари бўйича видеоселектор йиғилишидаги маърузаси. Янги Ўзбекистон газетаси. 2021 йил, 23 апрель 1-бет

2. Багиев Г.Л. Маркетинг: словарь и библиография. – СПб: Изд-во СПбГУЭФ, 1998. – 74 с.

3. BLAIK, P., 2001: Logistyka. Koncepcja zintegrowanego zarządzania, wyd. II, PWE, Warszawa.

4. Германчук, А. Н. Специфика организации трейд-маркетинга на предприятии / А. Н. Германчук // Фундаментальные и прикладные исследования в современном мире : матер. XXVII Междунар. науч.-практ. конф., 15 окт., 2019 г. – СПб. : Стратегия будущего, 2019. – С. 58-61.

5. Голиков Е.А. Маркетинг и логистика – новые инструменты хозяйствования. – М. : Издательство «Экзамен», 2006. – 220 с.

6. CIESIELSKI, M., 1999: Logistyka w strategiach firm, PWN, Poznań.

7. DWILIŃSKI, L., 1998: Wstęp do logistyki, Oficyna Wydawnicza PW, Warszawa.

V ШЎЪБА. “ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА УЧИНЧИ РЕНЕССАНСНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ШАРОИТИДА ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИНГ ЎРНИ ВА МОЛИЯВИЙ МУНОСАБАТЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ”

Ш. М. Латипова – СамИСИ, “Молия” кафедраси катта ўқитувчиси
М. Ҳожимуродов – СамИСИ, “Молия” таълим йўналиши талабаси

ЛИЗИНГГА ОЛУВЧИНИ ТАНЛАШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Аннотация: ушбу мақолада лизинг фаолиятини ривожлантириш учун лизингга олувчини самарали танлаш масаласи ифодаланган. Таҳлил қилиш жараёнида фойдаланилиши мумкин бўлган молиявий кўрсаткичлар келтирилган. Лизингга олувчини тўғри танлаш бўйича илмий таклифлар берилган.

Калит сўзлар: лизингга олувчи, таҳлил, молиявий коэффициентлар, ликвидлилик, тўловга қобилиятлилик, актив, пассив.

Аннотация: В данной статье рассматривается вопрос эффективного выбора лизингополучателя для развития лизинговой деятельности. Приведены финансовые показатели, которые можно использовать в процессе анализа. Даны научные рекомендации по правильному выбору лизингополучателя.

Ключевые слова: лизингополучатель, анализ, финансовые показатели, ликвидность, платежеспособность, активы, пассивы.

Abstract: This article deals with the issue of effective choice of the lessee for the development of leasing activities. The financial indicators that can be used in the analysis process are given. Scientific recommendations on the correct choice of the lessee are given.

Key words: lessee, analysis, financial performance, liquidity, solvency, assets, liabilities.

Мамлакатимизда иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида инвестицияларни молиялаштиришнинг лизинг усулидан фойдаланиш тобора муҳим аҳамият касб этиб бормоқда. Зеро, лизинг асосида тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун талаб этиладиган мол-мулкни лизинг асосида қўлга киритиш, асосий воситаларнинг эскириш даражасини камайтириш мумкин. Молиялаштиришнинг ушбу тури нафақат мижозлар, балки лизинг компаниялари учун ҳам бир мунча маъқул бўлганлиги сабаблибугунги кунда кенг ривожлана бошлади. Бундай операцияларнинг ривожланиши ҳамда унинг мамлакат ЯИМдаги улуши ортиши учун лизингга олувчини тўғри танлаш талаб этилади.

Лизинг хизмати иштирокчилари учун операциянинг самарали бўли-

шини таъминлаш ва юзага келиши мумкин бўлган молиявий рискларнинг таъсирини камайтириш учун ҳам лизингга олувчининг бизнес лойиҳасини молиявий баҳолаш талаб этилади.

Лизингга олувчининг бизнес лойиҳасини молиявий баҳолашда бир қатор молиявий кўрсаткичлар – ликвидлик, рентабеллик, тўловга қобилиятлилик, фойдалилик, активлар ва акционерлик капиталидан фойдаланишни акс эттирувчи бир гуруҳ кўрсаткичлардан фойдаланилади.

Лизингга олувчининг тўловга қобилиятлилик кўрсаткичлари энг аввало умумий ликвидлилик ва қоплаш кўрсаткичлари асосида ифодаланади.

$$\text{Ликвидлилик кўрсаткичи} = \frac{\textit{пул маблағлари} + \textit{осон амалга ошириладиган талаблар}}{\textit{қисқа муддатли мажбуриятлар}} =$$

$$= \frac{460250{,}22 + 1051966}{23376722{,}45} = 0{,}064$$

Ушбу коэффициент белгиланган меъёрдан анча кичик (бу кўрсаткич 1,5 дан қанча катта бўлса, шунча яхши ҳисобланади).

$$\text{Қоплаш кўрсаткичи} = \frac{\textit{қисқа муддатли ликвид маблағлар}}{\textit{қисқа муддатли мажбуриятлар}} = \frac{38786135{,}71}{23376722{,}45} = 1{,}66$$

Аммо қоплаш коэффициенти ўртача даражада (ушбу кўрсаткич 1 ва 2 оралиғида бўлса яхши, 2 дан катта бўлса юқори даражада бўлади).

Лизингга олувчи корхона ликвидлилигини баҳолаш мақсадида унинг балансидаги актив ва пассив кўрсаткичларини қуйидаги икки хусусиятига кўра, яъни ликвидликнинг пасайиш даражаси бўйича (актив) ҳамда қоплаш муддатининг даражаси бўйича (пассив) гуруҳлаш мумкин.

Шу ўринда, лизингга олувчи корхоналар активларини пул маблағларига айланиш тезлиги бўйича ҳам гуруҳга ажратиш лозим:

- Доимий ҳаракатдаги активлар - $А_1$ (балансдаги барча пул маблағлари ва қисқа муддатли молиявий қуйилмалар);
- Тез сотилувчи активлар – $А_2$ (дебиторлик қарзлар ва бошқалар);
- Секин сотилувчи активлар – $А_3$ (захира ва харажатлар);
- Қийин сотилувчи активлар – $А_4$ (узоқ муддатли активлар).

Пассивларни эса уларни қайтариш муддатидан келиб чиқиб қуйидаги гуруҳларга ажратиш мақсадга мувофиқ:

- муддати келган тўлов мажбуриятлари – $П_1$ (кредиторлар билан ҳисоб-китоблар ва ўз вақтида қайтарилмаган ссудалар);
- Қисқа муддатли пассивлар – $П_2$ (банкнинг қисқа муддатли кредитлари, қисқа муддатли қарзлар, келгуси давр харажатлари);
- Узоқ муддатли пауссивлар – $П_3$ (узоқ муддатли банк кредитлари ва қарзлар);
- Доимий пассивлар – $П_4$ (ўз маблағлари манбалари)[1].

Ушбулардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, лизингга олувчининг баланс ликвидлилигини аниқлашда баланс актив ва пассив гуруҳлари ўзаро таққосланади. Баланс мутлоқ ликвидлилиги шартлари қуйидаги

[1] Воҳобов А.А., Ибрагимов А.Т. Молиявий таҳлил. Дарслик. Т.: “Ўзбекистон”, 2002 й., 230 б.

ҳолатда таъминланади:



Агар юқоридаги чизмада келтирилган биринчи учта ҳолатлардаги тенгсизликлар бажарилса, демак баланс мутлоқ ликвид ҳисобланади. Тўртинчи тенгсизлик эса баланслаштириш маъносини бериб, ушбу тенгсизликнинг бажарилиши корхонада ўз айланма маблағларининг борлигини англатади, яъни:

$$М_{ам} = М_{мм} – А_{вқ},$$

Бу ерда:

$М_{ам}$ – ўз айланма маблағларининг мавжудлиги;

$М_{мм}$ – ўз маблағлари манбаи (баланс пассиви I-бўлими жами);

$А_{вқ}$ – асосий воситалар ва қуйилмалар (баланс активи I-бўлими жами).

Буни қуйидагича ҳисоблаймиз:

$М_{ам}$ = 32889932,76 – 137337914,63 = -104447981,87 минг сўм.

Кўриниб турибдики, корхонада ўз айланма маблағлари манбалари етарли эмас. Корхона жорий мажбуриятларини бажаришда молиявий муаммоларга дуч келиши мумкин. Агарда юқорида келтирилган тенгсизликлардан бирортаси қайд этилган оптимал вариантдан четлашса, унда баланс ликвидлиги унинг абсолют ликвидлигидан фарқланади.

Назарий жиҳатдан активларнинг бирор гуруҳида етишмовчилик кузатилса, у бошқа гуруҳ активлари билан қопланиши мумкин. Аммо амалиётда паст ликвидли активлар тез ликвидли активларнинг ўрнини боса олмайди.

- $А_1$-$П_1$ ва $А_2$-$П_2$ актив ҳамда пассивлар гуруҳининг таққосланиши корхонанинг жорий ликвидлигини акс эттириб, яқин орада унинг тўловга қобилиятлилиги (тўловга қобилиятсизлиги)дан далолат беради;
- $А_3$-$П_3$ тенгсизлиги эса истиқболли ликвидликни акс эттиради ва унга таяниб корхонанинг узоқ муддатли тўловга қобилиятлилиги башорат қилинади.

Лизингга олувчи балансининг ликвидлиги ликвидлиликни аниқлашнинг анъанавий кўрсаткичлари асосида таҳлил қилинади ва олинган натижалардан келиб чиқиб балансснинг абсолют ликвидликнинг барча мезонларига қай даражада жавоб беришини аниқлаш имконияти яратилади. Натижада лизингга олувчи давр боши ва давр охирида нафақат пассивларнинг балансда қайд этилган мажбуриятларнинг исталган тури бўйича мажбуриятларини ҳам қоплай олади.

Лизингга берувчи томонидан потенциал лизингга олувчини танлашда нафақат юқоридаги жадвалда келтирилган кўрсаткичлар, балки

уларга қўшимча сифатида молиявий барқарорлик, ишчанлик, рентабеллик, молиявий левериж каби кўрсаткичларнинг таҳлилини ҳам амалга ошириш талаб этилади

Демак, лизингга олувчиларнинг молиявий барқарорлигини аниқлаш молиявий коэффициентлар орқали амалга оширилади. Молиявий коэффициентларни аниқлаш ва таҳлил қилиш лизингга олувчининг абсолют молиявий барқарорлик кўрсаткичларини баҳолашни янада кенгайтиради.

Хулоса қиладиган бўлсак, мамлакатимиз молия бозорида хўжалик юритувчи субъектлар, айниқса лизингга олувчилар молиявий ҳолатини комплекс ўрганиш амалиётига жуда кам ҳоллардагина мурожаат қилинади. Бирорта илмий манбада лизингга олувчи хўжалик юритувчи субъектлар маълумотлари асосидаги реал таҳлил қилиш масаласини деярли учратмаймиз. Бу ҳолат молиявий кўрсаткичларнинг йиллар кесимидаги динамик ўзгаришлари бўйича ҳам кузатилади.

Ушбу фикрларни эътиборга олиб, лизингга олувчини таҳлил қилишда қуйидаги таклифларни бериб ўтамиз:

- чоп этиладиган илмий, амалий манбаларда кўрсаткичларнинг ҳисобкитоблари бўйича маълумотлар молиявий ҳисоботларнинг айнан қайси шакли ва сатрларидан олинганлигини аниқ кўрсатиш лозим. Шу орқали уларнинг аниқлигини ва бир хиллигини таъминлаш мумкин;

лизинг уюшмаси томонидан миллий лизинг бозорида лизингга олувчини танлаш, яъни унинг молиявий ҳолатини баҳолаш орқали тегишли қарорни қабул қилиш учун махсус йўриқнома ишлаб чиқиш лозим. Ушбу йўриқномада лизинг муносабатларида лизингга олувчилар фаолиятининг ўзига хослиги, фаолият соҳаси, лизинг муддати каби омиллардан келиб чиқиб, лизингга олувчининг молиявий ҳолатини аниқлаш имконини берадиган зарурий кўрсаткичларни аниқ белгилаб ўтиш лозим.

G.M.Shadieva – SamISI, “Real iqtisodiyot” kafedrasi professori v.b., i.f.d.
Sh.Mirzaxodjayeva – SamISI, “Iqtisodiyot” mutaxassisligi magistranti

INVESTITSIYA SALOHIYATINI SAMARQAND VILOYATIDA OSHIRISH MEXANIZMLARI

Annotasiya: Maqolada Samarqand viloyatida investisiya faoliyatini amalga oshirishning hududiy xususiyatlariga oid masalalar yoritilgan. Viloyatda amalga oshiriladigan investisiya faoliyatini samarali olib borishda investisiyalarni jalb etish mexanizmlarini shakllantirish, takomillashtirib borish, investitsiya kiritish istagida bo’lgan tadbirkorlik subyektlari uchun istiqbolli loyiha takliflarini taqdim etish, sifatli loyihalarni ishlab chiqish va ijrosini tizimli ta’minlash, xorijiy sheriklar bilan o’zaro manfaatli hamkorlik qilish, investorlar faoliyati uchun qulay shart-sharoit yaratib berish, investitsiyalarni jalb qilish bo’yicha ilmiy asoslangan taklif va tavsiyalar ishlab chiqilgan.

Аннотация: В статье освещены вопросы, связанные с региональной спецификой инвестиционной деятельности в Самаркандской области. Формирование и совершенствование механизмов привлечения инвестиций для

эффективного ведения инвестиционной деятельности в регионе, представление перспективных проектных предложений для бизнеса, желающего инвестироват, разработка и планомерная реализация качественных проектов, взаимовыгодное сотрудничество с зарубежными партнерами, научно обоснованные предложения и рекомендации. По созданию благоприятных условий для деятелности инвесторов, привлечению инвестиций

Abstract: The article highlights the issues related to the regional specifics of investment activities in the Samarkand region. Formation and improvement of investment attraction mechanisms for the effective conduct of investment activities in the region, presentation of promising project proposals for a business wishing to invest, development and systematic implementation of high-quality projects, mutually beneficial cooperation with foreign partners, scientifically based proposals and recommendations. to create favorable conditions for the activities of investors, to attract investments.

Kalit so'zlar: investisiya faoliyati, investisiya fondi, loyiha, subyekt, mexanizm, mahalliy va xorijiy investisiya, erkin iqtisodiy zonalar, investisiyaviy faollik, qimmatli qog'ozlar.

Ключевые слова: инвестиционная деятелность, инвестиционный фонд, проект, предмет, механизм, внутренние и инностранные инвестиции, свободные экономические зоны, инвестиционная деятелность, ценные бумаги.

Keywords: investment activity, investment fund, project, subject, mechanism, local and foreign investment, free economic zones, investment activity, securities.

Mamlakatimiz va uning alohida hududlari iqtisodiyoti barqarorligi ijtimoiy, iqtisodiy, va siyosiy rivojlanishi investisiya siyosati bilan uzviy bog'langan. Respublikamiz hududlari o'rtasidagi o'zaro iqtisodiy farqlanishlar va nomuvofiqlarni kamaytirishda investisiyalarni jalb qilish o'ziga xos o'ringa ega. Ushbu imkoniyatlardan samarali foydalanish hududlarda mavjud barcha resurslardan foydalanishni oqilona amalga oshirish hamda mintaqaviy iqtisodiyotning tarkibiy jihatdan takomillashtirishga zamin yaratadi

Xorijiy mamlakatlar tajribasiga e'tiborimizni qaratsak, xorijiy investisiyalar mamlakat iqtisodiyotining barqaror rivojlanishini ta'minlashning asosiy mexanizmlaridan biridir.

Shuning uchun mamlakatimiz iqtisodiyotiga investisiyalarni, xorijiy investisiyalarni jalb etish masalasini iqtisodiy o'sishning muhim omili sifatida ko'rib chiqish lozim. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M.Mirziyoyev ta'kidlaganidek, "...chet el investorlari uchun o'z kapitalini tezroq olib chiqib ketmasdan, uni qayta investisiya qilishga undaydigan rag'batlantirish tizimini yaratish"[1] lozim. Shuningdek, Prezidentimiz Oliy Majlisga qilgan Murojaatnomasida: "Jahon tajribasi shuni ko'rsatadiki, qaysi davlat faol investisiya siyosatini yuritgan bo'lsa, o'z iqtisodiyotining barqaror o'sishiga erishgan. Shu sababli ham investisiya – bu iqtisodiyot drayveri, o'zbekcha aytganda, iqtisodiyotning yuragi, desak, mubolag'a bo'lmaydi. Biz faqat investisiyalarni faol jalb qilish, yangi ishlab chiqarish quvvatlarini ishga tushirish hisobidan iqtisodiyotimizni jadal rivojlantirishga erishamiz.

[1] Ш.М.Мирзиёев. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси.

Respublikada xom ashyo bazasini kengaytirish va uni qayta ishlashni chuqurlashtirish, yuqori qo'shilgan qiymatli raqobatbardosh tayyor mahsulotlar ishlab chiqarish hajmlarini oshirish, iqtisodiyot tarmoqlariga to'g'ridan-to'g'ri xorijiy investitsiyalar va yuqori texnologiyalarni keng jalb qilish, investitsiya loyihalarining ijtimoiy-iqtisodiy samaradorligini ta'minlash, shu asosda yuqori daromadli ish o'rinlarini yaratish hamda hududlarni jadal ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirish kabi vazifalarni amalga oshirishda tanlangan mavzuni dolzarbligini belgilaydi

Investisiyalar, ularni faol jalb qilish, qulay investitsiya muhitini yaratish, milliy iqtisodiyotni rivojlantirishda investitsiya faoliyatiga ta'sir etuvchi omillarni o'rganish shu jumladan, to'g'ridan to'g'ri, xorijiy investisiyalar va ular ishtirokidagi korxonalarni tashkil etish, investisiyalarni hududlardagi iqtisodiy faoliyatni rivojlantirishdagi roli va ahamiyati kabi masalalari xorijlik iqtisodchi olimlardan K.Eklund[3], E.D.Dolan va D.S. Lindseylar[4], U.Sharp[5], L.Gitman, M.Djonk[6], K.Makkonell, S.Bryu[7], R.Samuelson, V.Nordxaus[8] investitsiya faoliyati turlari va ularni moliyalashtirish manbalari, investitsiyalarning tasnifi va rivojlanishining ilmiy-amaliy asoslari, investitsiya faoliyati va investitsiya yo'nalishlarda ilmiy izlanishlar olib borganlar.

Shuningdek, respublikamizning yetakchi olimlari D.G'ozibekov[9], B.A.Abdukarimov, A.N. Jabriyev, M.K. Pardayevl[10], D. Tojiboyeva[11], va boshqalar ilmiy tadqiqot ishlari olib borganlar.

Xorijiy va mamlakatimiz olimlarining nazariy izlanish natijalaridan kelib chiqqan holda investisiya mohiyatini yoritib berish bo'yicha quyidagi xulosaga keldik: investisiya mohiyatining ilmiy asosi resursli va xarajatli yondashuvlar ularning dastlabki tashkil etilishi mablag'lardan foydalanishni talab etadi, foyda olish maqsadida ijtimoiy soha, tadbirkorlik, ilmiy va boshqa faoliyat turlari ob'yektlariga tavakkalchiliklar asosida kiritiladigan moddiy va nomoddiy boyliklar hamda ularga bo'lgan huquqlar, shu jumladan intellektual mulk ob'yektlariga bo'lgan huquqlardir.

Bizning fikrimizcha, Investitsiyalar – bu hali buyumlashmagan, lekin ishlab chiqarish vositalariga qo`yilgan kapital. O`zining moliyaviy shakliga ko`ra, ular foyda olish maqsadida xo`jalik faoliyatiga qo`yilgan aktivlar hisoblanadi.

Hozirgi kunda mamlakatimiz iqtisodiyotiga chet el investitsiyalarini jalb etish uchun qulay shart-sharoitlar yaratish, ularni huquqiy himoya qilishning amaliy mexanizmiarini joriy etish va investitsion muhitni yanada yaxshilash iqtisodiy rivojlanish sohasidagi eng muhim vazifalardan biri hisoblanadi. Shu bois, 2021-2023 yillar uchun qiymati 109 trillion so'mdan ziyod 1 ming 277 ta investitsiya loyihasi shakllantirilgan. Shundan qariyb 4,9 milliard dollari xorijiy investitsiya va kreditlarga to'g'ri keladi.[1]

2020-yil 25-fevralda Samarqand viloyatida 2020-2022 yillarda mo'ljallangan hududiy investitsion dasturini amalga oshirish bo'yicha viloyat

[1] https://stat.uz/uz/rasmiy-statistika/investments
[5] https://stat.uz/uz/rasmiy-statistika/investments

hokimining 101-qarori qabul qilingan. Ushbu qarorga asosan viloyatda viloyati Investisiyalar va tashqi savdo boshqarmasi matbuot xizmatining ma'lumotlariga ko'ra Samarqand viloyatda o'tgan 2020 yil davomida umumiy qiymati 5,5 trln. so'm bo'lgan jami 1248 ta investisiya loyihalari amalga oshirildi hamda 12 058 ta yangi ish o'rinlari yaratildi. Jumladan: - sanoat sohasida 325 ta loyihaga 3,0 trln. so'm miqdorida investisiya mablag'lari kiritilib, 5 417 ta yangi ish o'rni; - xizmatlar ko'rsatish sohasida 423 ta loyihaga 1,2 trln. So'm miqdorida investisiya mablag'lari kiritilib, 3 665 ta yangi ish o'rni; - qishloq xo'jaligi sohasida 500 ta loyihaga 1,3 mlrd. so'm miqdorida investisiya mablag'lari kiritilib, 2 976 ta yangi ish o'rinlari yaratilishiga erishildi[1]

2020 yilning 2 oktyabr sanasida Harakatlar strategiyasida davlat va jamiyat qurilishi tizimini takomillashtirishga oid vazifalarni amalga oshirish hamda viloyatning investision va iqtisodiy salohiyatini xorijiy hamkorlarga keng targ'ib etishni tizimli va samarali tashkil etishga qaratilgan Samarqand viloyati hokimining farmoyishi qabul qilindi. Farmoyishga asosan (www.invest.gov.uz) «Investisiya portali» tashkil etildi. Buning uchun investisiyalar va tashqi savdo boshqarmasi ishonchli ma'lumotlar bilan ta'minlash uchun mas'ul xodimlar biriktirildi.

Hududlarni innovasion salohiyatini baholashda esa hududni innovasion salohiyati bilan birga uning iqtisodiy o'sishi, davlatning hududni rivojlantirishda olib borayotgan siyosatini va hududda investisiyani jalb etishning muhim yo'llarini belgilab beruvchi ko'rsatkichlaridan foydalaniladi.

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M.Mirziyoyevning 2021-yil 15-16-aprel kunlari Samarqand viloyatigagi tashrif davomida viloyatda 2021-2022-yillarda yangidan amalga oshiriladigan sanoat, xizmat ko'rsatish va qishloq xo'jaligi sohalarini rivojlantirish maqsadida qiymati 30trln 450mlrd.so'mlik loyiha amalga oshirilishi natijasida 25772 ta ish o'rni yaratilishi belgilab olindi[2].

Samarqand viloyatida asosiy kapitalga kiritilgan investitsiyalar 2021-yil yanvar-sentyabr holatiga ko'ra jami 12 170,8 mlrd. so'mni tashkil qildi.(Jadval 1)[3] Ularni tumanlar bo'yicha ulushini quyidagi jadvalda ko'rishimiz mumkin.

Samarqand viloyatida asosiy kapitalga kiritilgan investitsiyalar 2021-yil yanvar-sentyabr

№	Hududlar:	Hududlar bo'yicha ulushi (foizda):
1.	Samarqand shahri	37.1
2.	Kattaqo'rg'on shahri	4.0
3.	Oqdaryo tuman	2.7
4.	Bulung'ur tuman	2.4
5.	Jomboy tuman	2.1
6.	Ishtixon tuman	2.7

[1] http://saminvest.uz/uz/node/764
[2] https://xs.uz/uz/post/prezident-shavkat-mirziyoevning-samarqand-viloyatiga-tashrifi-nihoyasiga-etdi
[3] https://stat.uz/uz/rasmiy-statistika/investments

7.	Kattaqo’rg’on tuman	2.0
8.	Qo’shrabot tuman	5.0
9.	Narpay tuman	1.8
10.	Payariq tuman	2.7
11.	Pastdarg’om tuman	5.9
12.	Paxtachi tuman	3.1
13.	Samarqand tuman	15.5
14.	Nurobod tuman	4.0
15.	Urgut tuman	5.2
16.	Tayloq tuman	3.7

Yuqoridagi jadvalda ko’rinib turibdiki, Samarqand viloyati (37,1) hamda Samarqand tumanida (15,5) asosiy kapitalga kiritilgan investitsiyaning miqdori boshqa tumanlarga nisbatan yuqoriroq ko’rsatkichni ko’rsatmoqda. Ammo qolgan hududlarda bu ko’rsatkichlar deyarli o’rtacha past ko’rsatkichda turibdi. Bu aynan shu hududlarda ham asosiy kapitalga o’zlashtirilgan investitsiyalar miqdorini oshirish kerakligidan dalolat beradi.

Bizning fikrimizcha, bugungi kunda viloyatga investisiyalarni jalb qilish bo’yicha quyidagi ishlarni amalga oshirishni lozim deb hisoblaymiz:

Birinchidan, bank-kredit tizimining takomillashtirish.

Ikkinchidan, investisiya kiritayotgan investorlarning huquqlarining himoyasini yanada kuchaytirish.

Uchinchidan, byurokratik to’siqlarni olib tashlash

Xulosa qilib aytadigan bo’lsak, Samarqand viloyatida investitsiya salohiyatini oshirish uchun viloyatimiz hududlarining har biriga investisiyalarni jalb qilish, investitsiya kiritish istagida bo’lgan tadbirkorlik subyektlari uchun istiqbolli loyiha takliflarini taqdim etish, sifatli Loyihalarni ishlab chiqish va ijrosini tizimli ta’minlash, xorijiy sheriklar bilan o’zaro manfaatli hamkorlik qilish, investorlar faoliyati uchun qulay shart-sharoit yaratib berish, investitsiyalarni jalb qilishga doir chora-tadbirlarni ishlab chiqish kerak bo’ladi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1.O’zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Oliy Majlisga Murojaatnomasi. «Xalq so’zi» gazetasi, 2018 yil 29 dekabr № 271-272 (7229-7230) soni.

2. https://uz.wikipedia.org/wiki/Investitsiya

3. Клас Еклунд. Эффективная экономика: Шведская модел. М. “Экономика” 1991, 96б.

4. Долан Е.Дж., Линдсей Д.Е. Микроэкономика. –Спб.,1994.-448 с.

5. http://el.tfi.uz/images/Karimqulov_BMI_uz_cd153.pdf

6. arxiv.uz

7. arxiv.uz

8. arxiv.uz

9. arxiv.uz

10. Abdukarimov B.A. va boshqalar.Korxona iqtisodièti (darslik).-T.: Fan, 2005. 241b.

11. Tojiboyev D. Iqtisodiy nazariya (ikkinchi kitob). – T.: Sharq, 2003-79b.

12. https://lex.uz/ru/docs/-29905

13. https://lex.uz/docs/-4664142

G.T.Samiyeva– QarMII, “Innovatsion iqtisodiyot” kafedrasi dotsenti, i.f.f.d.
G.O.Otabekova – QarMII, “Iqtisodiyot” mutaxassisligi magistranti

FAOL INVESTITSIYA SIYOSATINI AMALGA OSHIRISH VA SAMARADORLIGINING ILMIY-USLUBIY ASOSLARI

Annotatsiya. Ushbu maqolada investitsiya faoliyatini amalga oshirish va samaradorligini oshirishning nazariy, ilmiy va uslubiy asoslari yoritilgan. Shuningdek, investitsiya samaradorligining asosiy yo‘nalishlari haqida fikrlar keltirilgan.

Kalit so‘zlar: investitsiya, pul mablag‘lari, mulkiy va intellektual boyliklar, kapital, investitsiya jozibadorligi

Аннотация. В данной статье описаны теоретические, научные и методологические основы осуществления и эффективности инвестиционной деятельности. В нем также обсуждаются ключевые области эффективности инвестиций.

Ключевые слова: инвестиции, денежные средства, собственность и интеллектуальная собственность, капитал, инвестиционная привлекательность.

Abstract: This article describes the theoretical, scientific and methodological foundations for the implementation and effectiveness of investment activities. It also discusses key areas of investment performance.

Keywords: investments, funds, property and intellectual property, capital, investment attractiveness.

Mulkchilikni turli shakllarining rivojlanishi, tadbirkorlik va ishbilarmonlikni yo‘lga qo‘yilishi, jahon iqtisodiy aloqalari taraqqiy etishi, qo‘shma korxonalarni iqtisodiyotni barqarorlashtirishda roli ortishi, investitsiya faoliyatini to‘la tashkil etish uchun zarur bo‘lgan imkoniyatlarni yaratadi. Mulkchilikning shakllarining turli bo‘lishi o‘z navbatida tadbirkorlikning rivojlanishi, chet el kapitalining kirib kelishi hamda investitsiya faoliyatini tashkil etish yo‘nalishlarini ham aniqlab beradi.

Investitsiya faoliyati to‘rt asosiy yo‘nalishlarda bir-biriga bog‘liq bo‘lmagan holda, turli xil mulkdorlar tomonidan olib boriladi. Investitsiya faoliyatini tashkil etishning bu yo‘nalishlari o‘z navbatida bir nechta tip va shakllarda amaliyotga tatbiq etiladi. Samara yoki daromad keltiradigan mulkiy va intellektual boyliklar, ya’ni investitsiyalar quyidagi shakllarda bo‘lishi mumkin:

1. Pul mablag‘lari, banklardagi maqsadli jamg‘armalar, paylar, aksiyalar va boshqa qimmatbaho qog‘ozlar;
2. Harakatdagi va harakatda bo‘lmagan mulklar (binolar, inshootlar, asbob-uskunalar hamda boshqa moddiy boyliklar);
3. Mualliflik huquqi, nou-xaulardan tashkil topgan mulkdorlik huquqlari va boshqa intellektual boyliklar;
4. Yer va boshqa tabiiy resurslardan foydalanish huquqlari hamda mulkchilik huquqlari;
5. Boshqa boyliklar.

Investitsiyalarning qayd etilgan turlari va shakllari asosida tadbirkorlik,

ishbilarmonlik va boshqa davlat tomonidan taqiqlanmagan faoliyatlarni barcha investorlar tomonidan amaliy ravishda yo‘lga qo‘yish, mablag‘lar sarflash va ularni amaliyotga tatbiq etish chora tadbirlarining yig‘indisi investitsiya faoliyatini anglatadi. Bozor iqtisodiyotida investitsiya faoliyatini fuqarolar, huquqiy shaxslar (korxonalar, firmalar, aksioner jamiyatlari va boshqa tipdagi mulk egalari) va davlat yuritadi. Investitsiya faoliyatini yo‘lga qo‘yishda har bir mulk egasi, birinchi navbatda o‘z manfaatini ko‘zlab yagona maqsadga, ya’ni foyda olish va samaraga erishishni rejalashtiradi.

Bozor sharoitida investitsiya faoliyatini kengaytirish va rivojlantirish jismoniy, huquqiy shaxslarni va davlatni, foyda olish maqsadida tadbirkorlik, ishbilarmonlik va boshqa faoliyatlarini qaytadan tiklashga qaratilgan. Bu boradagi asosiy maqsad investitsiya faoliyatini tashkil etib iqtisodiyotni inqiroz-dan olib chiqish, uni barqarorlashtirish, dunyo bozoriga kirib borish, jahon xo‘jalik aloqalarini mustahkamlash va aholi turmush darajasini yaxshilashdir.

Bozor iqtisodiyotida investitsiya faoliyatini moliyalashtirish inves-torlar tomonidan moliyaviy resurslarni jalb etish yo‘li bilan kreditlar evaziga, muoma-laga, qonunchilikda belgilangan holda qimmatli qog‘ozlar va zayomlar chiqarish hisobiga olib boriladi. Davlat mulkini xususiylash-tirish tufayli mamlakat miqyosidagi manbalar tarkibida mablag‘lar kama-yib borishi kuzatilmoqda. Aksincha, turli mulk egalarining mablag‘lari, yangidan tashkil etilayotgan fondlarni ulushi, chet el investitsiyalarining miqdori ortib boradi. Albatta, bu borada har bir mamlakatning investitsiya siyosati hal qiluvchi rol o‘ynaydi.

Investitsiya manbalarini tashkil etishda mamlakat iqtisodiyotining barqarorligi, milliy valyuta birligini konvertrlanishi, tashqi iqtisodiy munosabatlarning rivojlanishi, aholi ehtiyojini ishlab chiqarish hisobiga qondirilishi va boshqalar muhim rol o‘ynaydi. Investitsiya faoliyatini muvofiqlashtirishning muhim yo‘nalishida qulay sharoitlar yaratishga qaratilgan. Avvalambor, ijtimoiy rivojlantirish, ishlab chiqarishni texnik jihatdan takomillashtirish, yangilik va ixtirolarni tatbiq etish asosida ijtimoiy talablarni qondirishga qaratilgan. Bu borada muvofiq-lashtirishni tashkil etish investitsiya faoliyatini sharoitlarini aniqlash yo‘li bilan davlat investitsiyalarini boshqarish bilan birga olib boriladi. Davlat tomonidan investitsiya faoliyati sharoitlarini muvofiqlashtirish bir qator chora va tadbirlarni qo‘llash va hayotga tatbiq etish negizida amalga oshirilishi ko‘zda tutiladi.

Investitsiyalar yo‘nalishlarini aniqlashda mavjud bo‘lgan vaziyatni hisobga olish, O‘zbekiston iqtisodiyotini qayta qurish, chet mamlakatlar bilan aloqalar mustahkamlanishi, jahon bozoriga o‘z mahsuloti bilan chiqishni asosiy masala qilib olish lozimdir. Iqtisodiyotni barqarorlashtirish masalasi investitsiya faoliyatini tashkil qilishni mavjud moddiy va moliyaviy resurslar bilan bog‘langan holda olib borishni talab qiladi va ishlab chiqarish investitsiyalarini eng zarur bo‘lgan tarmoqlarni rivojlantirishga qaratilishini taqozo etadi. Bu borada ayniqsa, paxtachilik bilan bog‘liq bo‘lgan va tayyor mahsulot ishlab chiqaradigan korxonalarni rivojlantirishga e’tiborni kuchaytirish zarurdir. O‘zbekiston sharoitida investitsiyalar yangi texnologiyalarni

o‘zlashtirishga hamda namunaviy mashina, asbob-uskunalarni kirib kelishiga qaratilishi juda ham samaralidir.

Iqtisodiyotni inqirozdan chiqarishda uni barqarorlashtirishda hamda yuksak darajada rivojlantirish hayotiy masala investitsiya faoliyatini muvofiqlashtirishda quyidagi savollarga javob berishdir:

Kapital qo‘yilmalar siyosati qanday olib borilishi lozim; davlat korxonalari va tashkilotlari tomonidan investitsiyalar qanday hajm va nisbatlarda o‘zlashtirilishi kerak; boshqa mulkchilik shakllaridagi korxonalar investitsiyalarini nimalarga qaratishi kerak; chet el investitsiyalari birinchi navbatda qaysi tarmoqlarga qanday kirib kelishi zarur va boshqalar.

Investitsiya faoliyatini amalga oshirishni muhim shartlaridan biri muomalada bo‘lgan pul birligining qadrsizlanishini oldini olishdir. Investitsiya faoliyatidan olinadigan samarani ko‘paytirish maqsadida investitsiyalar hajmini, yo‘nalishlarini va manbalarini aniqlash maqsadga muvofiq bo‘ladi. Shu bilan birgalikda yangi moliyalashtirish, kredit bilan ta’minlash, bahoni tahlil qilish, soliqqa tortish tizimlarini takomil-lashtirishdir. Tarkibiy o‘zgarishlarni o‘tkazish maqsadida chet el investor-lari uchun siyosiy, iqtisodiy va ijtimoiy sharoitlarni yaratish, ularni qo‘yilmalarini davlat tomonidan sug‘urtalash, turli imtiyozlar berish muhim hisoblanadi.



1-rasm.Investitsiyalash jarayoni[1]

Investitsiya jarayoni – pul taklif qiluvchilar (vaqtincha bo‘sh mablag‘-larga ega bo‘lganlar)ni pul talab qilayotganlar (ularga ehtiyoj sezayotganlar) bilan uchrashtirish mexanizmidir. Ayrim vaqtda, xususan mulkiy qiymatlar (masalan, ko‘chmas mulk) bilan bitim imzolanganda sotuvchi va xaridorlar bevosita muomalaga kirishadilar. Moliyaviy institutlar, masalan, banklar va ssuda omonat assotsiatsiya-lari – odatda omonatlarni qabul qiladilar va keyin

[1]Кожухар В.М. Практикум оценка инвестиций: Учебное пособие. -М.:, Дашка и К. 2005

pulni kreditga beradilar yoki boshqa pul bilan mablag‘larni investitsiyalaydilar. Moliyaviy bozorlar – moliyaviy resurslarni taklif qiluvchilarni va ularga ehtiyoj sezayotganlar odatda fond birjalariga o‘xshash vositachilar yordamida bitim tuzish uchun birlashtirish mexanizmi hisoblanadi. Aksiyalar bozori, obligatsiyalar bozori, auksionlar bozori kabi moliyaviy bozorlarning qator turlari bor. Ularning umumiy xususiyati moliyaviy vositani bahosi turli holatlarda talab va taklifni muvozanat nuqtasini topishlikdadir. Daromadlilik, tavakkalchilik, inflyatsiyalar, dunyodagi turli vaziyatlar haqida yangi axborotlarni e’lon qilinishi tufayli talab va taklif nisbatining o‘zgarishi yangi muvozanatni yoki yangi bozor bahosini o‘rnatilishiga olib keladi.

Pul resurslarini taklif qilayotgan shaxslar unga ehtiyoj sezayotgan-larga moliyaviy institutlar, moliyaviy bozorlar orqali yoki to‘g‘ridan-to‘g‘ri berishi mumkin. Moliyaviy institutlar moliyaviy bozorda talab va taklif tomonida turib ishtirok etishi mumkin. Moliyaviy bozorni qisqa muddatli sektori pul bozori deb ataladi, uzoq muddatlisi esa kapital bozori deb atalib, unda fond birjasi o‘rni salmoqlidir.

С.Исмоилова –ФарДУ и.ф.д.

“БЮДЖЕТДАН АЖРАТИЛАДИГАН МАБЛАҒЛАР” ЁКИ “БЮДЖЕТДАН МОЛИЯЛАШТИРИШ”МИ?

Аннотация: Тезисда бюджет шу жумладан маҳаллий бюджет маблағларидан самарали фойдаланишни таъминлашнинг ҳуқуқий асоси ҳисобланган бюджет кодекси ва унда қўлланилган айрим тушунчаларга муаллиф қарашлари баён этилган.

Калит сўзлар: маҳаллий бюджет, бюджетдан ажратиладиган маблағлар, бюджетдан молиялаштириш, бюджет тизими принциплари, молиялаштириш принциплари.

Аннотация: в тезисе излагается Бюджетный кодекс, который является правовой основой для обеспечения эффективного использования средств бюджета и в том числе местного бюджета и взгляды автора на некоторые используемые в нем понятия.

Ключевые слова: местный бюджет, бюджетные ассигнования, бюджетное финансирование, принципы бюджетной системы, принципы финансирования.

Abstract: the thesis outlines the budget Code, which is the legal basis for ensuring effective use of local budget funds, including the budget, and author's views on some of the concepts used in it.

Keywords: local budget, budget allocations, budget financing, principles of the budget system, principles of financing.

Ўзбекистонда бюджет, шу жумладан маҳаллий бюджетлар маблағларидан самарали фойдаланиш масаласига, айниқса, кейинги

йилларда жиддий эътибор қаратилмоқда. Молия вазирлиги ва унинг қуйи органлари ҳамда бунга дахлдор бўлган бошқа ваколатли органларнинг (хусусан, Ҳисоб палатаси) фаолиятлари ҳам, жумладан, маҳаллий бюджетлар маблағларидан самарали фойдаланишни таъминлашга қаратилгандир. Шундай бўлишига қарамасдан, фикримизча, Ўзбекистон шароитида маҳаллий бюджетлар маблағларидан самарали фойдаланишни таъминлашнинг ҳозирги аҳволини замонавий бозор иқтисодининг талаблари даражасида деб бўлмайди. Муттасил равишда ушбу мақсадлар учун назорат тадбирларининг ўтказилаётганлиги, бунинг натижасида назорат объектларида кўплаб молиявий хатоликларнинг аниқланаётганлиги, аниқланган молиявий хатоликлар суммасининг катталиги, пул маблағлари ва моддий бойликларнинг камомадига йўл қўйилаётганлиги ва уларнинг ўзлаштирилаётганлиги, ноқонуний харажатларнинг амалга оширилаётганлиги ва ҳ.к.золар худди ана шундай тарзда хулоса чиқаришга имкон беради. Бунинг устига, ана шундай ҳолат учун доимийлик хос бўлмоқда, яъни бирор бир йилда уларга тўлиқ барҳам беришнинг иложи бўлмаяпти. Бундай шароитда ушбу муаммони ҳал қилишнинг туб негизи қаерда, деган муҳим саволнинг кун тартибига қўйилиши табиийдир. Бу саволнинг ҳақиқий жавобини топиш ниҳоятда принципиал аҳамиятга эга. Аввало шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ҳар қандай бюджетнинг ва шу жумладан, маҳаллий бюджетларнинг харажатларидан фойдаланиш ҳам ўз-ўзидан эмас, балки бюджетдан молиялаштириш орқали амалга оширилади. Афсуски, ҳозирги Ўзбекистон амалиётида қўлланилиб келинаётган меъёрий ҳужжатларда, жумладан, “Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси”да ҳам “бюджетдан молиялаштириш” ибораси қўлланилмади. Бунга ҳеч қандай изоҳ ҳам берилмади. Бунинг ўрнига амалиётда “**бюджетдан ажратиладиган маблағлар” тушунчаси киритилди ва унга “**Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетидан ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларидан бюджет ташкилотлари ҳамда бюджет маблағлари олувчилар учун назарда тутиладиган пул маблағлари” [1] деб таъриф берилди. Бизнинг фикримизча, бундай таърифнинг бюджет маблағларидан самарали фойдаланишни таъминлаш масаласига бевосита дахлдор деб қабул қилиш жуда мураккаб ва у ўта мавҳум ҳисобланади.

Шу муносабат билан, энг умумий кўринишда, бюджетдан молиялаштириш дейилганда режада кўзда тутилган тадбирларни амалга ошириш учун субъектларга бюджетдан маблағларни тақдим этиш тизими тушунилишини [2] қайд этиб ўтишимиз керак. Энди ана шу юқоридаги **“бюджетдан ажратиладиган маблағлар”** ва **“бюджетдан молиялаштириш”** иборалари ўзаро таққосланадиган бўлса, бюджет ва шу жумладан, маҳаллий бюджетлар маблағларидан самарали фойдаланишни

[1] Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси. 3-модда.
[2] Масалан, қаранг: Маликов Т. Олимжонов О. Молия. Дарслик. – Т.: “Iqtisod-moliya”, 2019. 423-бет.

таъминлаш нуқтаи-назаридан қайси таърифнинг муҳимлиги яққол маълум бўлади, яъни муаммо “бюджетдан молиялаштириш” фойдасига ҳал бўлади.

Бир пайтнинг ўзида, бюджетдан молиялаштиришнинг ядросини ташкил этувчи “субъектларга бюджетдан маблағларни тақдим этиш тизими” пул маблағларини тақдим этишнинг ўзига хос шакл ва методлари билан характерланади ҳамда маълум бир принципларга таянади. Ўз навбатида, бюджетдан молиялаштиришнинг принциплари, шакллари ва методлари бу тизимнинг таркибий элементлари бўлиб ҳисобланади ва унинг амал қилиш натижаларига (хусусан, унинг самарадорлиги ва уни таъминлашга ҳам) ўз таъсирини кўрсатади. Шунга мос равишда ўз стратегик тараққиётининг янги босқичига кирган Ўзбекистонда муҳим ижтимоий-иқтисодий вазифалар ҳал этилаётган ҳозирги пайтда самарадорликни таъминлаш нуқтаи-назаридан оқилона ва самарали бюджетдан молиялаштириш тизимининг аҳамияти янада ортади.

Бироқ, бу ўринда ушбу масалада ҳам ушбу муносабатларни тартибга солиб турувчи асосий ҳужжат бўлган “Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси”да, бизнинг фикримизча, муваффақиятсиз ёндашилган. Унда, юқорида таъкидланганидек, “молиялаштириш принциплари” деган тушунчадан фойдаланилмаганлиги билан бир қаторда бу принциплар “Бюджет тизими принциплари” билан аралаштириб юборилган. Зеро, бу ерда акс эттирилган 10 та принципдан фақат иккитаси, яъни “бюджет тизими бюджетлари маблағларидан фойдаланишнинг аниқ йўналтирилганлиги ва мақсадлилик хусусияти” ва “бюджет тизими бюджетлари маблағларидан фойдаланишнинг натижадорлиги” [1] деб номланганлари бюджет маблағларининг самарали сарфланишини таъминлаш нуқтаи-назаридан бюджетдан молиялаштириш принципларига дахлдор эканлигини аниқлашимиз мумкин.

Бунинг устига, юқоридаги “Кодекс”да “Бюджет тизими бюджетларининг маблағлари муайян бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларга ушбу маблағлардан белгиланган мақсадларни молиялаштиришда фойдаланиш учун ажратилади” [2] деб ифодаланишини ҳам илмий ва амалий нуқтаи-назардан, фикримизча, қулай деб бўлмайди. Шунингдек, “Бюджет жараёни иштирокчилари бюджет тизими бюджетларини тузиш ва ижро этишда ўзларига берилган ваколатлар доирасида бюджет тизими бюджетларининг белгиланган ҳажмдаги маблағларидан фойдаланган ҳолда натижага эришиш заруриятидан келиб чиқади” [3], дея акс эттирилишини ҳам, бизнингча, муваффақиятли деб ҳисоблаш мақсадга мувофиқ эмас.

[1] Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси. 7-модда.
[2] Ўша ерда, 12-модда.
[3] Ўша ерда, 14-модда.

Ж.П.Бўриев– Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Қашқадарё вилояти Бош бошқармаси Кредит ташкилотларида молиявий мониторингни мувофиқлаштириш ва валюта назорати бўлими бошлиғи

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ АКЦИЯЛАР БОЗОРИДАГИ ИШТИРОКИНИ САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Аннотация:Ушбу мақолада тижорат банкларининг қўшимча капитал жалб қилишда акциялар бозорининг роли, шу билан бир қаторда банкларининг акциялар бозоридаги фаоллигини ошириш бўйича хулосалар, илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Таянч сўз ва иборалар: тижорат банки, қимматли қоғозлар, устав капитали, акция, эмитент, инвестор, даромад, дивиденд, фоиз.

Аннотация: В данной статье разработаны выводы, научные предложения и практические рекомендации о роли фондового рынка в привлечении дополнительного капитала коммерческих банков, а также в повышении активности банков на фондовом рынке.

Ключевые слова и фразы: коммерческий банк, ценные бумаги, уставный капитал, акция, эмитент, инвестор, доход, дивиденд, проценты.

Abstract This article develops conclusions, scientific proposals and practical recommendations on the role of the stock market in attracting additional capital of commercial banks, as well as to increase the activity of banks in the stock market.

Keywords and phrases: commercial bank, securities, charter capital, share, issuer, investor, income, dividend, interest.

Молия бозорининг муҳим иштирокчиси сифатида тижорат банклари иқтисодиётни молиявий ресурслар билан таъминлашда алоҳида аҳамиятга эга ҳисобланади. Лекин мазкур аҳамиятли жиҳат бошқа томондан тижорат банкларининг молиявий ресурсларни ўз вақтида жалб қилиш билан бевосита боғлиқ. Тижорат банкларининг молиявий ресурслари ўз ва қарз маблағлари ҳисобига шакллансада, капитал етарлилиги бўйича белгиланган миллий ва халқаро даражадаги талаблар асосида хусусий капитал миқдорини ошириб боришга ҳам алоҳида эътибор қаратиш зарур ҳисобланади. Бунда қўшимча акциялар эмиссияси ҳисобига молиявий ресурслар жалб қилиш ва хусусий капитал миқдорини ошириб бориш алоҳида долзарблик касб этади.

2019 йил 25 октябрда Президентимиз Шавкат Мирзиёев ҳузурида ўтказилган йиғилишда «Охирги йилларда давлат бюджетидан тижорат банкларига дастурларни молиялаштириш учун 8,4 триллион сўм, айланма маблағлар учун 400 миллион доллар, устав капиталини ошириш учун 1,7 миллиард доллар маблағ ажратилди. Умуман олганда, сўнгги икки йил ичида банклар капитализациясини ошириш учун 3,3 миллиард доллар давлат маблағлари берилди» дея қайд этилган эди[1]. Бу жиҳат бевосита давлат иштирокидаги тижорат банкларига тегишлидир. Айни шундай

[1] Банкларнинг инвестициявий фаоллигини ошириш бўйича вазифалар белгиланди. https://president.uz/uz/lists/view/2961

шароитда хусусий тижорат банклари томонидан хусусий капиталини ошириб бориш, жалб қилинган омонат ва депозитлар ҳажмини мунтазам ошириб бориш кабиларга жиддий эътибор қаратилмоқда ҳамда шу асосда рентабеллик даражаси ҳам давлат иштирокидаги тижорат банкларига нисбатан нисбатан кескин юқорилиги намоён бўлмоқда.

Келтирилган жиҳатлар асосида мамлакатимиздаги тижорат банклари томонидан акциялар эмиссияси орқали фонд бозоридаги фаолликнинг таъминланиши биринчидан, банклар капитал етарлигигини таъминлаш, иккинчидан, инвестицион фаолиятнинг жадаллашувига эришиш, учинчидан, акциялар бозори ривожланиши орқали аҳоли даромадлари ўсиши кабиларга хизмат қилади.

Республикамизда банк тизими иқтисодиётнинг муҳим бўғини сифатида аҳоли ва реал сектор корхоналари фаолиятини молиялаштиришда муҳим аҳамият касб этиб келмоқда. Бунда тижорат банклари томонидан молиявий ресурслар жалб қилиш мақсадида акциялар эмиссиясидан ҳам фаол фойдаланилиб келинмоқда. Халқаро амалиётда эса тижорат банклари ҳам эмитент сифатида, ҳам инвестор сифатида акциялар бозорида фаол иштирок этишини қайд этиб ўтишимиз мумкин. Миллий амалиётда эса банкларнинг акциялар бозоридаги иштироки асосан эмитент сифатида кўзга ташланади.

Сўнгги вақтларда тижорат банклари устав капиталидаги давлат улушини хусусийлаштириш масаласи тез-тез кўтарилмоқда. Бу амалиётнинг қанча тез амалга оширилиши банк тизимида соғлом рақобатга хизмат қилади, деб ҳисоблаймиз. Ресурс жалб қилиш борасида тижорат банкларининг бир хил шароитда ишлашини таъминлаш ўз навбатида акциялар бозорига ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Тижорат банклари устав капиталидаги давлат улушини хусусийлаштиришда SPO амалиётлари қўлланилиши аҳоли даромадлари ошиб боришида икки томонлама аҳамиятга эгадир.

Тижорат банкларининг акциялари бўйича дивидендлар даражаси уларнинг фонд бозоридаги фаоллигининг асосий мезонларидан биридир. Айрим тижорат банклари томонидан имтиёзли акциялари бўйича 20 фоиз ва ундан юқори дивидендлар тўлаб келинаётган бўлсада, оддий акциялар бўйича дивиденд даражаси айниқса давлат иштирокидаги тижорат банкларида анча паст. Умумий ҳолда банклар бўйича дивиденд даражасининг депозит фоизидан паст бўлиши тижорат банклари акциялари жозибадорлиги, ликвидлилиги кабиларга салбий таъсир кўрсатмоқда. Бошқа томондан тижорат банкларининг имтиёзли акциялар эмиссияси орқали капитал жалб қилишга интилиши паст даражада эканлигини ҳам шу ўринда алоҳида қайд этиб ўтиш лозим. Қонунчиликда имтиёзли акциялар муомалага чиқариш бўйича бқори чегара белгилаб қўйилган бўлсада, бу имкониятдан барча тижорат банклари ҳам амалда фойдаланаётгани йўқ. Инвесторлар учун имтиёзли акциялар ҳам ўзига хос

жозибали актив ҳисобланганлиги учун бу масалага эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ.

Таҳлиллар ва тадқиқотлар асосида тижорат банкларининг акциялар бозоридаги фаоллигини оширишда қуйидагиларга эътибор қаратиш лозим, деб ҳисоблаймиз:

Биринчидан, тижорат банклари фонд бозорида фаол иштирок этиши бир томондан қўшимча капитал жалб қилишга имкон берса, иккинчи томондан иккинчи томондан инвесторлар, хусусан аҳоли даромадлари диверсификациялашувига хизмат қилади.

Иккинчидан, тижорат банклари халқаро илғор тажрибага кўра акциялар бозорида ҳам эмитент сифатида, ҳам потенциал инвестор сифатида иштирок этади. Бу жиҳат ўз навбатида банклар ресурс базаси ва активларининг белгиланган талаблар доирасида рисклар тақсимланишига хизмат қилади.

Учинчидан, республикамизда тижорат банкларининг акциялар бозоридаги фаоллигини ошириш нуқтаи назаридан, биринчи навбатда банк тизимида соғлом рақобатни юзага келтириш талаб этилади. Бунинг учун эса тижорат банкларидаги давлат улушини хусусийлаштириш, хусусий ва давлат иштирокидаги банкларнинг бир хил шароитда ишлашини таъминлаш лозим бўлади.

Тўртинчидан, қонун асосида тижорат банкларининг акциялар бозорида инвестор сифатида иштирок этишига рухсат бериш лозим. Бунда акциялар портфели ва унинг умумий активлардаги улуши бўйича юқори чегаралар ўрнатилиши мақсадга мувофиқ.

Бешинчидан, тижорат банкларининг устав капиталидаги давлат улушини хусусийлаштириш нуқтаи назаридан SPO амалиётларидан кенг фойдаланиш ва акцидорлар фаоллигини таъминлаш учун энг юқори улуш чегарасини белгилаб қўйиш лозим.

Олтинчидан, тижорат банкларининг акциялар бозоридаги фаоллигини оширишда имтиёзли акциялар муомаласи ҳам муҳим аҳамиятга эга. Чунки имтиёзли акциялар бўйича даромад қатъий белгилаб қўйилади. Шунинг учун банклар томонидан имтиёзли акциялар эмиссиясига белгиланган юқори чегаралар доирасида эътибор қаратиш лозим.

Еттинчидан, акцияларнинг юқори рискли қимматли қоғозлар эканлигидан келиб чиққан ҳолда тижорат банкларининг фоиз сиёсати ва дивиденд сиёсатини ўзаро узвий ҳолда амалга ошириш лозим. Чунки депозитлар бўйича фоиз 20 фоиздан юқори бир вақтда, дивидендларнинг ундан паст бўлиши акциялар жозибадорлиги ва ликвидлилиги бўйича ҳеч қандай қизиқишни юзага келтирмайди.

Ж.Фарманов – ҚарМИИ мустақил тадқиқотчиси

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ КОРХОНАЛАРИ УЧУН БЕЛГИЛАНГАН СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИ ВА ПРЕФЕРЕНЦИЯЛАР БЕРИШ ИМКОНИЯТЛАРИ

Калит сўзлар: солиқ, умумбелгиланган солиқ, мол-мулк солиғи, ер солиғи ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, имтиёз, преференция.

Ключевые слова: налог, налог общего назначения, налог на имущество, земельный налог и налог за пользование водными ресурсами, концессия, преференция.

Keywords: tax, general-purpose tax, property tax, land tax and tax for the use of Water Resources, concession, preference.

Аннотация: Ушбу мақолада Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи корхоналарга берилган солиқ имтиёзлари ва преференциялар, улардан кўзланган мақсад ҳақида мулоҳазалар билдирилган, ўз навбатида, солиқлар орқали рағбатлантириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Аннотация:В данной статье рассматриваются предприятия сельскохозяйственного производства, а также применяемые в их деятельности льготы и преференции, вопросы предоставления целей льгот и преференций предприятиям сельскохозяйственного производства, разработаны предложения и рекомендации по стимулированию деятельности данных предприятий.

AbstractThis article discusses agricultural production enterprises as well as the benefits and preferences used in their activities, the issues of providing benefits and preferences to agricultural production enterprises, developed proposals and recommendations for stimulating the activities of these enterprises.

Мамлакатимизнинг барқарор тараққиётини таъминлаш мақсадида ҳамда “Халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади” тамойилидан келиб чиқиб, юртимизда ишбилармонлик ва тадбиркорлик муҳитини тубдан яхшилаш учун кенг имкониятлар ва зарур қулайликлар яратилмоқда.

Республикамизнинг иқтисодий барқарорлигини таъминлашда қишлоқ хўжалиги катта ижтимоий ва иқтисодий аҳамиятга эга иқтисодиётнинг асосий тармоғи ҳисобланади. Статистик маълумотларга кўра, ҳамюртларимизнинг 49,4 фоизи қишлоқ жойларда истиқомат қилади ва ялпи ички маҳсулот таркибида қишлоқ хўжалигининг улуши 19,7 фоизни ташкил этади.

Шунингдек, қишлоқ хўжалигига ихтисослашган корхоналар сони 2019 йилнинг 1 январь ҳолатига 157 мингтадан зиёд бўлиб, фаолият юритаётган жами корхоналарнинг 40,6 фоизига тўғри келмоқда ва иқтисодий фаол аҳолининг 27,3 фоизи ушбу соҳада меҳнат қилмоқда[1].

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида эса қуйидаги жумлалар битилган: “Қишлоқ хўжалиги соҳасини бошқариш тизимини ислоҳ қилиш, ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш борасидаги илғор технологияларни жорий этиш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш энг муҳим вазифамиздир... Шу билан бирга, ғалла ва мева-сабзавот кластерлари фаолиятини ҳар

томонлама ривожлантириш керак. Бу соҳа биз учун нисбатан янги эканини инобатга олиб, уни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, жумладан, кредит тизимини соддалаштириш, харажатларни субсидиялаш, ер ажратиш билан боғлиқ тартибларни қайта кўриб чиқиш талаб этилади.

Қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотлардан мақсад – иқтисодий фойда кўриш билан бирга, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, халқ фаровонлигини оширишдан иборатдир. Буни ҳеч қачон эсимиздан чиқармаслигимиз зарур”[2].

Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш турли усуллар, жумладан, солиқ бўйича қатор имтиёз ва преференциялар бериш орқали амалга оширилмоқда. Масалан, Солиқ кодексининг 362-моддасига мувофиқ, қишлоқ хўжалиги товарлари ишлаб чиқарувчилар (яъни фермер хўжаликлари), қишлоқ хўжалиги йўналишидаги илмий-тадқиқот ташкилотларининг тажриба-экспериментал хўжаликлари, таълим муассасалари ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари, ўрмон ва овчилик хўжаликлари ҳамда юридик шахс ташкил этган ва ташкил этмаган ҳолда тузилган деҳқон хўжаликларидан ташқари – юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи, қўшилган қиймат солиғи, юридик шахсларнинг мол-мулк солиғи, ер солиғи ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқлар ўрнига ягона ер солиғини тўлайдилар.

Корхоналар қишлоқ хўжалиги товарлари ишлаб чиқарувчилар ҳисобланиб, ягона ер солиғини тўлаш ҳуқуқига эга бўлиш учун бир вақтнинг ўзида қуйидаги учта талабга жавоб беришлари керак:

биринчидан, уларнинг асосий фаолият тури ер участкаларидан фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштириш ва ўзи етиштирган мазкур маҳсулотни қайта ишлаш ёхуд ер участкаларидан фойдаланган ҳолда фақат қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштириш ҳисобланиши;

иккинчидан, улар қишлоқ хўжалигини юритиш учун маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ўзларига белгиланган тартибда берилган ер участкаларига эга бўлишлари;

учинчидан, қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштириш ва ўзи етиштирган ўша маҳсулотни қайта ишлаш улуши реализация қилиш ёки қайта ишлаш учун олинган қишлоқ хўжалиги маҳсулотини ўз ичига олувчи қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштириш ва қайта ишлаш умумий ҳажмида камида 50 фоизни ташкил этиши керак.

Бу шартларга жавоб берадиган корхона ўз фаолиятининг ягона ер солиғини тўлаш татбиқ этиладиган қисми бўйича солиқ солишнинг бошқача тартибини танлаш ҳуқуқига эга эмас.

Ягона ер солиғини тўлаш тартибини қўллаш учун корхона ҳар йилнинг 1 февралига қадар ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ инспекцияларига ўтган йилда қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштириш ва қайта ишлашнинг умумий ҳажмида қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг ўзи етиштирган ва қайта ишлаган улуши кўрсатилган маълумотномани тақдим

этиши лозим. Мазкур улушни аниқлашда Солиқ кодексининг 132-моддасида назарда тутилган бошқа даромадлар ҳисобга олинмайди.

Лекин ўтган йил якунлари бўйича ягона ер солиғи тўловчиси юқорида келтирилган шартларнинг камида биттасига жавоб бермаса, корхона жорий йил бошидан эътиборан ягона ер солиғини қўллаш ҳуқуқини йўқотади. У қайта ягона ер солиғини тўлашга эндиликда фақат кейинги йил бошидан, юқорида келтирилган шартга жавоб берган тақдирда ўтиши мумкин.

Бунда ягона ер солиғини қўллаш ҳуқуқини йўқотган корхона ўтган йил якунлари бўйича айланмаси бир миллиард сўмдан ошмаган тақдирда соддалаштирилган солиққа тортиш тартибини танлаши мумкин бўлади. Бунинг учун рўйхатдан ўтган давлат солиқ инспекциясига жорий йилнинг 10 январигача маълумотнома тақдим этиши керак. Акс ҳолда, умумбелгиланган солиқлар тўловчиси ҳисобланиб қолади.

Агар корхона қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштириш ва уни қайта ишлашга боғлиқ бўлмаган бошқа фаолият турларини амалга оширса, улар бўйича алоҳида-алоҳида ҳисоб юритиб, белгиланган солиқларни тўлаши шарт. Яъни, корхонанинг бошқа фаолияти бўйича:

– йиллик айланмаси (ялпи тушуми) ўтган йил якунлари бўйича ёки жорий йил давомида 1 миллиард сўмдан ошса, умумбелгиланган солиқларни тўлайди;

– йиллик айланмаси (ялпи тушуми) 1 миллиард сўмгача бўлса, ягона солиқ тўлови ҳамда бошқа фаолият турларига тегишли мол-мулки ва ерлари учун юридик шахсларнинг мол-мулк солиғи, ер солиғи ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқларни тўлайди.

Ягона ер солиғи қишлоқ хўжалиги фаолиятини юритиш учун эгалик қилишга, фойдаланишга ёки ижарага берилган ер участкаларининг норматив қийматига нисбатан 0,95 фоиз миқдорда ҳисобланади ва ҳисобот йилининг 1 сентябригача йиллик солиқ суммасининг 30 фоизи ҳамда 1 декабригача солиқнинг қолган суммаси миқдорида тўланади. Бунда, биринчидан, ер участкаларининг норматив қийматни аниқлаш Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 18 августдаги 235-сонли қарори билан тасдиқланган Қишлоқ хўжалиги экин майдонларининг норматив қийматини аниқлаш тартиби тўғрисидаги Низомга асосан “Давергеодезкадастр” қўмитасининг Ўзбек давлат ер тузиш илмий-лойиҳалаш институти “Ўздаверлойиҳа” томонидан амалга оширилиши, иккинчидан, 2019 йил 1 январдан бошлаб, тажриба тариқасида мева-сабзавотчилик маҳсулотлари, яъни сабзавотлар, полиз экинлари, мевалар, токзорлар билан банд қилинган суғориладиган ва суғорилмайдиган ерлар учун мева-сабзавотчилик қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларидан ундириладиган ягона ер солиғи норматив қийматга боғлиқ бўлмаган базавий ставкаларидан келиб чиқиб ҳисобланиши белгиланган.

Шунингдек, ягона ер солиғини тўловчи корхоналар ер участкаларида томчилатиб суғориш тизимини жорий қилган тақдирда, ернинг шу қисми бўйича беш йил муддатга ҳамда Солиқ кодексининг 282-моддаси иккинчи қисмида назарда тутилган ер участкалари бўйича ягона ер солиғидан озод қилиниши кўзда тутилган.

Ягона ер солиғини тўлайдиган корхоналар, шунингдек, ишчилари ойлик маошлари бўйича жисмоний шахсларнинг даромад солиғини (12 фоиз) ушлаб қолиб, бюджетга тўлайдилар ва бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ягона ижтимоий тўловни (12 фоиз) ўтказадилар.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи корхоналарнинг экспорт фаолияти бўйича белгиланган солиқ имтиёзлари ва преференциялари

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилувчи корхоналарни қўллаб-қувватлашга ва уларнинг сонини кўпайтиришга жиддий эътибор қаратилмоқда. Эзгу мақсадда шу йўналишда фаолият юритувчи корхоналар учун Солиқ кодексида, тегишли фармон ҳамда қарорларда солиқлар бўйича муайян енгилликлар ва преференциялар белгиланган.

2018 йил давомида қишлоқ хўжалиги соҳасида 32 мингдан ортиқ корхонага 298811 млн. сўмлик имтиёзлар қўлланилди. Президентимизнинг 2018 йил 17 октябрдаги “Мева-сабзавот маҳсулотларини ташқи бозорларга чиқариш самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорида мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилувчи юридик шахслар бу ишни дастлабки тўловсиз, аккредитив очмасдан, банк кафолатини расмийлаштирмасдан ҳамда экспорт шартномасини сиёсий ва тижорат хавфларидан суғурта полисисиз, тадбиркорлик субъектлари эса улгуржи савдо қилиш лицензиясига эга бўлмасдан амалга ошириш ҳуқуқига эгалиги таъкидланган[3].

Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 29 мартдаги “Ўзбекистон Республикасида мева-сабзавотчиликни жадал ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонига асосан:

кўчатхоналар ва иссиқхоналарда уруғ, кўчат, пайвандтаг етиштирувчи ҳамда уларни қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларга етказиб берувчи хўжалик юритувчи субъектлари барча турдаги солиқ ва йиғимлар тўлашдан (ягона ижтимоий тўлов бундан мустасно);

четдан келтирилаётган уруғлар, кўчатлар ва пайвандтаглар, минерал ўғитлар, ўсимликларни кимёвий ҳимоялаш воситалари, замонавий энергия тежовчи иссиқхоналар ва уларнинг бутловчи қисмлари божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви учун йиғим бундан мустасно);

импорт бўйича олиб кирилаётган мева-сабзавот маҳсулотларини ташишга ихтисослашган транспорт воситалари (ТИФ ТН кодлари – 870120, 870421, 870422, 871639) божхона тўловлари ва Республика йўл жамғармасига йиғимлар тўлашдан 2021 йил 1 январгача озод этилган. Бу

имтиёз туфайли 1,6 млрд сўмлик маблағ 11 та корхона ихтиёрида қолган[6].

Мамлакатимиз раҳбари 2018 йил 28 февралда қўл қўйган “Пахта хом ашёси ва бошоқли дон етиштиришни молиялаштириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарор бўйича тадбиркорлик субъектлари, чунончи, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилар томонидан олиб келинадиган фосфорли ўғитлар, шунингдек, фосфорли ўғитлар тайёрлаш учун келтириладиган фосфорит хомашёси 2021 йил 1 январгача божхона тўловларидан озод этилган. Шунга кўра, бултур 3 та корхонага жами 29 млн. сўмлик имтиёз қўлланилган[8].

Ҳукуматимизнинг 2018 йил 27 январдаги “Ўзбекистон Республикасида қизилмия ва бошқа доривор ўсимликларни етиштириш ҳамда саноат усулида қайта ишлашни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, бундай ўсимликлар плантацияларини ташкил этувчи, шунингдек, қизилмия илдизини қайта ишлайдиган ва тайёр маҳсулот ишлаб чиқарадиган хўжалик юритувчи субъектлар 2024 йил 1 январгача:

ер солиғи, даромад солиғи, юридик шахслар мулк солиғи, ягона солиқ тўлови, ягона ер солиғидан;

ўзларининг ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун хориждан келтириладиган технологик ускуналар, махсус қишлоқ хўжалиги техникалари, уларнинг таркибий ва эҳтиёт қисмлари, хомашёлар, материаллар, республикамизда ишлаб чиқарилмайдиган қурилиш материаллари ҳамда қизилмия ва бошқа доривор ўсимликлар уруғлари ва кўчатлари учун божхона тўловларидан (божхона йиғимларидан ташқари) озод қилинган. Натижада 32 та корхона 5,4 млрд. сўмлик имтиёздан фойдаланган.

Ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш, солиқ юкини тенг тақсимлаш ва рақобат муҳитини ривожлантириш учун пахтачилик ва ғаллачиликка ихтисослашган фермер хўжаликларидан ташқари, бошқа фаолият турлари билан шуғулланадиган хўжаликларга ягона ер солиғи ўрнига ер солиғи тўлашга ўтиш ва бошқа тармоқларга нисбатан солиқ юки пастлигини инобатга олиб, имтиёзли 6 фоизли ставкада даромад солиғини жорий этиш мақсадга мувофиқ бўларди.

Фойдаланилган манбалар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси. Тошкент, 2018 йил.
2. Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси. Тошкент, 2018 йил.
3. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари.
4. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

[1] https://stat.uz/ сайти маълумотлари.

[2]Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Тошкент, “Ўзбекистон”, 2018 йил.

[3] http://lex.uz/ қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси 07/18/3978/2067

[5] http://lex.uz/ қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси

[6] http://lex.uz/ қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси 06/18/5388/0970

[8]http://lex.uz/ қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси 06/18/5388/0970

VI ШЎЪБА. “УЧИНЧИ РЕНЕССАНСНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ШАРОИТИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ, ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ, АУДИТ ВА СТАТИСТИКА ФАНЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ”

D.Kudbiev – Farg‘ona Politexnika Instituti, “Buxgalteriya hisobi va audit” kafedrasi, iqtisod fanlari doktori, professor,
D.D.Tursunova – Farg‘ona Politexnika Instituti, “Buxgalteriya hisobi va audit” kafedrasi, assistenti,
N.T.Qudbiyev –Farg‘ona Politexnika Instituti, “Buxgalteriya hisobi va audit” kafedrasi, assistenti,

BUXGALTERIYA HISOBINI AVTOMATLASHTIRISH VA RAQAMLI TEXNOLOGIYALARDAN FOYDALANISH MASALALARI

Annotatsiya: Maqolada xo‘jalik yurituvchi subyektlar buxgalteriya hisobini avtomatlashtirish va raqamli texnologiyalar foydalanish samaradorligini oshirish masalalari muhokama qilingan. Zamonaviy raqamli texnologiyalarni mamlakatimizdagi xo‘jalik yurituvchi subyektlar buxgalteriya hisobini tashkil etishdagi duch keladigan eng muhim muammolarni belgilandi. Zamonaviy buxgalteriya hisobini avtomatlashtirishning asosiy istiqbollari bayon etilgan.

Аннотация: В статье рассмотрены вопросы автоматизации учета хозяйствующих субъектов и повышения эффективности использования цифровых технологий. Определены важнейшие проблемы, с которыми сталкиваются хозяйствующие субъекты нашей страны при организации бухгалтерского учета с использованием современных цифровых технологий. Изложены основные перспективы автоматизации современного учета.

Abstract: The article discusses the issues of automation of accounting of business entities and improving the efficiency of using digital technologies. The most important problems faced by economic entities of our country in the organization of accounting using modern digital technologies are identified. The main prospects of automation of modern accounting are outlined.

Kalit so‘zlar: raqamli transformatsiya, raqamli texnologiyalar, innovatsion yondashuv, raqamli iqtisod, buxgalteriya hisobi, hisob siyosati.

Ключевые слова: цифровая трансформация, цифровые технологии, инновационный подход, цифровая экономика, бухгалтерский учет, учетная политика.

Keywords: digital transformation, digital technologies, innovative approach, digital economy, accounting, accounting policy.

Kirish. Ayni paytda O‘zbekiston raqamli iqtisodiyotga o‘tish bosqichida. Unga ko‘ra, O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “RAQAMLI O‘ZBEKISTON — 2030” strategiyasini tasdiqlash va uni samarali amalga

oshirish chora-tadbirlari to‘g‘risi” da 2020-yil 5-oktabrfagi, PF-6079-sonli farmoni yurtimizda raqamli iqtisodiyotga o‘tish siyosatida yangi sahifa ochdi.[1]

Shu ma’noda maqola mavzusining dolzarbligi, xo‘jalik yurituvchi subyektlar buxgalteriya hisobini avtomatlashtirish va raqamli texnologiyalar foydalanish hozirgi paytda juda muhim vazifalardan biri hisoblanadi. Ayniqsa, avtomatlashtirish pandemiya sharoitida juda muhimdir, chunki ko’plab korxonalar masofadan ishlashga o’tishgan, bu esa ilg’or axborot va raqamli texnologiyalarni qo’llashni talab qiladi.

Mavzuga oid adabiyotlarning tahlili. Raqamli texnologiyalar ostida turli xil muammolarni qisqa vaqt ichida hal qilish imkonini beradigan ma’lumotlarni kodlash va tarqatishning maxsus usullaridan foydalanadigan tizim tushuniladi.

Rus olimi T. P. Karpovning ta’kidlashicha,"raqamlashtirish buxgalteriya ma’lumotlarining xususiyatlari va uni qo’llash imkoniyatlarini sezilarli darajada yaxshilashga ta’sir qiladi "[2]. Va bunga qo’shilmaslik qiyin.

Shu sababli, respublikamiz xukumati tomonidan bu sohaga katta e’tibor qaratilayotgani va bir qancha muhim qarorlar qabul qilindi e’tirof etish zarur. Jumladan, O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti tomonidan 2020 yilga “Ilm, ma’rifat va raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish yili”[3], deb nom berilishi, 2018 yil 19 fevraldagi PF-5349 sonli “Axborot texnologiyalari va kommunikatsiyalari sohasini yanada rivojlantirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi farmoni, [4] 2018 yil 3 iyildagi PQ-3832 sonli “O‘zbekiston Respublikasida raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi qarori, [5] shuningdek, Vazirlar Mahkamasining 2018 yil 31 avgustdagi raqamli iqtisodiyotning maqsad va vazifalarini belgilab beradigan “O‘zbekiston Respublikasida raqamli iqtisodiyotni joriy qilish va yanada rivojlantirish bo‘yicha qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi Qarorlarining qabul qilinishi respublikamizda raqamli iqtisodiyotni davlat boshqaruv tizimiga tadbiq qilish, zamonaviy axborot texnologiyalarni jadal rivojlantirish uchun sharoitlar yaratish, axborot havfsizligini ta’minlash maqsadida mamlakatimizda raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish uchun qonuniy asos yaratdi.[11]

Tadqiqot metodologiyasi. Maqolani yozishda quyidagi metod va usullar qo‘llanildi: tizim tahlillari, detallar, raqamli texnologiyalardan foydalanish orqaliy buxgalteriya hisobini samaradorligi oshirish bo‘yicha faktor tahlil.

Tahlil va natijalar. Xozirgi kunda korxonaning buxgalteriya hisobini avtomatlashtirishda dasturiy mahsulotlar juda keng tarqalgan, kichik va o’rta korxonalarda ham, mashhur yirik iqtisodiy gigantlarda ham. Aynan shu sababli, iqtisodiy subekt boshqaruv tizimiga avtomatlashtirilgan axborot tizimlarini har joyda faol joriy etish kuzatilmoqda.[12] Bularning barchasi tushunarli, chunki buxgalteriya hisobi avtomatizatsiyasi korxonada mavjud bo’lgan barcha buxgalteriya ma’lumotlarini to’liq va har tomonlama qayta ishlashni ta’minlaydi, shuningdek, muayyan ko’rsatkichlar bo’yicha asosiy iqtisodiy tahlilni ta’minlaydi, shuningdek, korxonada yuzaga keladigan barcha soliq to’lovlarini samarali rejalashtirish, xo’jalik yurituvchi sub’ektning axborot imkoniyatlarini oshiradi.

Keling, buxgalteriya hisobi bo’yicha avtomatlashtirish tushunchasini ko’rib chiqaylik. Shunday qilib, avtomatlashtirish zamonaviy ilmiy va texnologik taraqqiyotning yo’nalishlaridan biri sifatida tushunilishi kerak, bu o’z – o’zini tartibga soluvchi texnik vositalar va matematik usullar majmuasidir, o’z navbatida firma xodimlarini bevosita ishlab chiqarish, shuningdek, energiya, turli materiallar, mahsulotlar yoki axborotdan foydalanish jarayonlarida ishtirok etishdan ozod qilish uchun faol foydalanadi.[6] Xodimning amalga oshirila-yotgan operatsiyalarda ishtirok etish darajasini sezilarli darajada kamaytiradi. Shunga qaramay, avtomatlashtirilgan tizimni tashkilotning buxgalteriya hisobiga joriy etishning soddaligiga qaramasdan, bu oson emas.[7] Buxgalteriya hisobi bo’yicha avtomatlashtirishni juda muvaffaqiyatli amalga oshirish uchun, birinchi navbatda, ushbu jarayonda xosil bo’lishi mumkin bo’lgan muammolar hamda samara va foydalar haqida juda aniq tasavvurga ega bo’lish kerak.

Bunga asoslanib, zamonaviy raqamli texnologiyalarni va umuman iqtisodiyotni rivojlantirish sharoitida xo‘jalik yurituvchi subyektlar buxgalteriya hisobini tashkil etish jarayonlarida avtomatlashtirish vositalaridan tobora ko‘proq foydalanmoqda, bu o’z navbatida quyidagi xatolar bartaraf etishga yordam beradi:

- davrlashtirish xatolar (moliyaviy hisobotni zarur vaqt davriga tegishliligini aniq aks etirish);
- yozishmalar xatolar (korxonaning iqtisodiy faoliyati faktlari noto’g’ri hisob-kitoblar bo’yicha ko’rsatila olmasligi);
- baholashda xatolar (masalan, daromad, xarajatlar, qarzlar, aktivlarning qiymati, majburiyatlar va boshqalar);
- kompaniyaning moliyaviy yillik hisobotlarida axborotni taqdim etishda xatolar (noto’g’ri joy yoki aksincha, hisobotlarda zarur ma’lumotlarning yo’qligi).

Shunga qaramay, mahalliy xo'jalik yurituvchi sub'ektlar buxgalteriya hisobini avtomatlashtirishda turli xil muammo va to'siqlarga duch kelmoqda. Shunday qilib, eng muhim muammo va to'siqlarni sanab o’tamiz:

- jarayonlarini samaradorligi hisoblash (qaysi bosqichda qancha foydaga erishdik)[8]
- avtomatlashtirish texnologiyalari foydalana olish malaka talablari (kadirlar salohiyati muamosi) [9]
- uzluksizlik printsipi (biznes-jarayonlar o‘z navbatida birinchi operatsiyadan oxirgisiga qadar avtomatlashtiriladi va shu bilan operatsion ketma-ketlikni buzmaydi)
- xarakatchanlik printsipi (biznes jarayonida axborotni yig'ish, qayta ishlash va uzatish masalalari)
- avtomatlashtirish texnik jixatlari (infrastruktura masalalari)

Yuqorida keltirilgan muammo va to'siqlar bilan bir qatorda avtomatlashtirish tizimining samaraliy va foydaliy xususiyatlari quyidagilar:

1. Qayta ishlangan ma’lumotlarning sifat darajasini oshirish. Axborot texnologiyalari sohasidagi zamonaviy yutuqlar buxgalteriya hisobi jarayonida

arifmetik xatolar sonini kamaytirishga va yagona axborot bazasini tashkil etish orqali amalga oshirilgan hisob-kitoblar sifatini oshirishga qodir.

2. Taqdim etilgan hisob ma’lumotlarining tezkorligi, o’z vaqtida va dolzarbligini oshirish.[10] Buxgalteriya hisobi jarayonida zamonaviy axborot texnologiyalaridan foydalanish uning tezkorligi darajasini sezilarli darajada oshiradi, xo’jalik yurituvchi sub’ektning joriy moliyaviy ahvolini baholashga qodir. Bundan tashqari, zamonaviy axborot tizimlari kompaniyaning mavjud analitik buxgalteriya imkoniyatlarini sezilarli darajada kengaytirmoqda, bir vaqtning o’zida bir nechta standartlarda parallel ravishda buxgalteriya hisobini yuritish imkoniyati mavjud.

3. Korxonada vaqt va mehnat xarajatlarini sezilarli darajada tejash imkonini beradi. Zamonaviy axborot texnologiyalaridan foydalanish asosiy axborotni qayta ishlash uchun zarur bo’lgan vaqtni sezilarli darajada kamaytirishi mumkin. Bundan tashqari, axborot texnologiyalari kerakli iqtisodiy hisobotni, turli xil ma’lumotnoma shakllarini, shuningdek, kerakli yakuniy natijani olish uchun foydalanuvchi harakatlarini minimallashtirishga qaratilgan.

4. Kompaniyaning moliyaviy-xo’jalik faoliyati ustidan nazorat funktsiyasini kuchaytirish. Zamonaviy kompyuter tizimlari kerakli ma’lumotlarga kirishni va funktsiyalarni ajratishni farqlay oladi. Kompaniyaning rahbariyati tomonidan tezkor baholash va nazorat qilishning haqiqiy imkoniyati mavjud.

Axborot tashkilotning muhim strategik resurs bo’lib, u konxona samaraliy faoliyatining asosi hisoblanadi, shundek ekan kun tartibiga yana bir muhim masala chiqadi bu ma’lumotlar saqlash ishonchliligini oshirishdir.

Xulosa va takliflar. Shunday qilib, buxgalteriya hisobini avtomatlashtirishning rivojlanishi, albatta, professional buxgalter ishining samaradorligi va sifatini oshirishga, shuningdek, xo‘jalik yurituvchi subyektning moliyaviy-xo‘jalik faoliyatini nazorat qilishni takomillashtirishga yordam beradi. Shuning uchun buxgalteriya hisobini avtomatlashtirish jadal rivojlanib, korxona buxgalteriya tizimini rivojlantirishning butunlay yangi imkoniyatlarini va istiqbollarini ochib beradi. Xulosa qilib aytganda, xozirgi dunyodagi murakab sharoitda va koronavirus pandemiyasi tufayli ko‘plab kompaniyalar buxgalteriya hisobini avtomatlashtirishning ahamiyatini o’sdi, chunki zamonaviy axborot texnologiyalarini qo‘llashni talab qiladigan masofaviy ishlashga o‘tildi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “RAQAMLI O‘ZBEKISTON — 2030” strategiyasini tasdiqlash va uni samarali amalga oshirish chora-tadbirlari to‘g‘risi” dagi 2020-yil 5-oktabr, PF-6079-sonli farmoni.
2. Карпова Т.П. Направления развития бухгалтерского учета в цифровой экономике // Известия Санкт-Петербургского государственного экономического университета. – 2018. – №3 (111). – С. 52-57.
3. O‘zbekiston Respublikasi prezidenti SH.M.Mirziyoevning 2020 yil 25 yanvardagi 2020 yil uchun eng muhim ustivor vazifalar haqidagi Oliy Majlisga Murojatnomasi.
4. O‘zbekiston Respublikasi prezidentining “Axborot texnologiyalari va kommunikatsiyalari sohasini yanada rivojlantirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi

Farmoni. Toshkent sh., 2018 yil 19 fevraldagi PF-5349 sonli.
5. O‘zbekiston Respublikasi prezidentining “O‘zbekiston Respublikasida raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi qarori. Toshkent sh., 2018 yil 3 iyuldagi PQ-3832 sonli.
6. Кудбиев, Д. (2021). методологические основы учета арендованных основных средств. In Современная наука. XXI век: научный, культурный, ИТ контекст (pp. 119-124).
7. Кудбиев, Д. (2021). вопросы учета арендованных основных средств. in Современная наука. XXI век: научный, культурный, ИТ контекст (pp. 109-119).
8. Кудбиев, Д. К. (2019). Учет арендованных основных средств и взаимоотношений арендодателей и арендаторов. In бухгалтерский учет: достижения и научные перспективы xxi века (pp. 144-150).
9. Кудбиев, Д. К., & Турсунова, Д. Д. (2018). основные принципы бухгалтерского учёта основных средств. In Бухгалтерский учет: достижения и научные перспективы XXI века (pp. 87-93).
10. Abduraximov, Boburjon Umarjon O‘g‘li, Qudbiyev, Nodir Tohirovich, & Mominov, Ikromjon Luxmonjon O‘g‘li (2021). aylanma mablag‘larni boshqarish tijorat korxonasi muvaffaqiyatining asosi. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 1 (10), 724-733.
11. Qudbiyev, N. T. (2021). Xalqaro moliyaviy hisob standartlariga o‘tish dolzarbligi-Relevance of the transition to international financial accounting standards. SJ international journal of theoretical and practical research, 1(2), 56-64.
12. Durdona Adashboy Qizi Razzaqova (2021). raqamli iqtisodiyot sharoitida buxgalteriya hisobini avtomatlashtirishning roli va ahamiyati. Scientific progress, 2 (8), 243-249.

А.Абруев – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти магистранти

МИНТАҚАЛАРДА ЯЛПИ ҲУДУДИЙ МАХСУЛОТЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҲОЛАТИ

Аннотация. Мақолада ялпи ҳудудий махсулотини ялпи ички махсулотдаги улушлари, асосий воситаларига киритилган инвестицияларнинг улуши, минтақаларда иқтисодиётда банд аҳоли меҳнатидан унумли фойдаланиш ёритилиб, таклифлар берилган.

Калит сўзлар: Ялпи ички махсулот, инвестиция, ялпи ҳудудий махсулот, бандлик даражаси.

Аннотация. В статье были сделаны предложения и была освещена доля валового регионального продукта в валовом внутреннем продукте, доля инвестиций в основной капитал, продуктивное использование труда занятого населения в экономике в регионах.

Ключевые слова: валовой внутренний продукт, инвестиции, валовой региональный продукт, уровень занятости.

Abstract: The article made proposals and highlighted the share of the gross regional product in the gross domestic product, the share of investments in fixed assets, the productive use of the labor of the employed population in the economy in the regions.

Keywords: gross domestic product, investments, gross regional product, employment level.

Кириш. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича қабул қилинган Ҳаракатлар стратегиясида иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари белгилаб берилган. Бунда макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг рақобат бардошлигини ошириш, мамлакат экспорт салоҳиятини кучайтириш бош вазифа қилиб белгиланган. Ушбу вазифаларни бажарилиши натижасида республикамизда иқтисодий ўсиш таъминланмоқда. 2021 йилда мамлакат ялпи ички махсулот хажми 2020 йилга нисбатан таққослаганда 7,0 фоизга ошгани фикримизнинг яққол исботидир. Бироқ, юқори иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш, ишлаб чиқарилаётган махсулотларнинг рақобат бардошлигини ошириш, экспорт салоҳиятини кучайтириш каби стратегик вазифалар белгиланган экан, ЯИМ ҳажмининг 7,0 фоизга ошишини ижобий баҳолаб бўлмайди. Иқтисодиёт тармоқларини модернизациялаш ва таркибий жиҳатдан диверсификациялаш ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш ҳажмини 1,4 мартага ҳатто, ундан ҳам зиёдга оширади. Шунингдек, асосий активларга киритилган инвестицияларнинг улуши ҳам 2021 йил январь-сентябрь холатига кўра 105,0 фоизни ташкил этган. Ваҳоланки, ушбу кўрсаткич 2020 йил худди шу даврда 91,3 фоизга тенг эди. 2021 йилда иқтисодиётга киритилган инвестицияларнинг ҳажми 2020 йилга нисбатан таққослаганда қарийб 1,1 мартага зиёд. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича қабул қилинган Ҳаракатлар стратегиясида иқтисодиётни жадал ривожлантириш, кишилар турмушида ижобий ўзгаришларни ҳис қилиши назарда тутилган. Бизнинг назаримизда Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифалар ижроси баъзи вилоятларда тўлиқ таъминланмаганлиги боис мамлакат иқтисодиётидаги ўзгариш сезиларли бўлмаган.

Таҳлил. Республикамиз минтақаларида яратилаётган ялпи ҳудудий махсулотларни ишлаб чиқариш ҳажми йилдан-йилга ошган[5]. Аммо Республикамиз ЯИМ таркибида уларнинг улушлари деярли ўзгармаган. Баъзи минтақаларда эса уларнинг улуши камайиб борган. Бу маълумотлар минтақаларда ялпи ҳудудий махсулотларни ишлаб чиқаришда катта ўзгаришлар бўлмаганлигидан далолат беради. 1-жадвал маълумотлари Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Навоий вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳрида ишлаб чиқарилган ялпи ҳудудий махсулотларнинг мамлакат ЯИМ таркибидаги улуши ошганини кўрсатяпти. Қолган вилоятларимизда эса камайган. Жумладан, 2020 йилда Бухоро вилояти ялпи ҳудудий махсулотининг мамлакат ЯИМ таркибидаги улуши 5,3 фоизни ташкил этган. Ваҳоланки ушбу кўрсаткич 2010 йилда 6,0 фоизга тенг бўлган. Қашқадарё вилоятида ҳам 2010 йилда ялпи ҳудудий махсулотининг ҳажми, мамлакат ЯИМ таркибида қарийб 9 фоизни ташкил

этган. 2020 йилда эса ялпи ҳудудий махсулотининг мамлакат ЯИМ таркибидаги улуши 6,0 фоизни ташкил этиб, 2010 йилга қараганда карийб 2,9 пунктга камайган. Худди шундай таҳлилни Самарқанд вилояти мисолида ҳам кўриш мумкин. Республикамизнинг қолган вилоятларида (Наманган, Сирдарё, Сурхандарё, Тошкент, Хоразм ва Фарғона) орадан 10 йил ўтган бўлсада, ялпи ҳудудий махсулотлари ҳажмининг мамлакат ЯИМ таркибидаги улуши деярли ўзгармаган.

1-жадвал

2010-2020 йилларда Ўзбекистон Республикаси минтақаларининг ялпи ҳудудий махсулотини ялпи ички махсулотдаги улушлари[6]

Минтақалар	Минтақа салмоғи, фоизда				2020 йилнинг 2010 йилга нисбатан ўзгариши, (+;-) %
	2010 йил	2017 йил	2018 йил	2020 йил	
Қорақалпоғистон республикаси	2,8	3,2	3,5	3,7	+0,8
Вилоятлар:					
Андижон	5,8	6,3	6,7	6,5	+0,7
Бухоро	6,0	5,5	5,2	5,3	-0,7
Жиззах	2,8	3,4	3,0	3,0	+0,2
Қашқадарё	8,9	7,5	7,0	6,0	-2,9
Навоий	5,6	4,8	5,3	8,4	+2.8
Наманган	4,2	4,8	4,5	4,6	+0,4
Самарқанд	8,4	8,5	7,7	7,3	-1,1
Сирдарё	2,3	2,1	2,1	2,1	+0,2
Сурхондарё	4,3	4,5	4,2	4,1	-0,2
Тошкент	9,7	9,4	9,4	10,8	+1,1
Фарғона	6,9	6,5	6,1	6,3	-0,6
Хоразм	3,5	3,8	3,7	3,6	+0,1
Тошкент шахри	12,1	13,4	13,1	15,3	+3,2

Бизнинг назаримизда минтақа иқтисодиётида бундай ҳолатларнинг содир бўлишига қуйидаги сабаблар бор:

Биринчидан, минтақаларда асосий воситаларга киритилган инвестициялардан унумли фойдалана олмаган.

Статистика маълумотларида кўрсатилишича, асосий воситаларига киритилган инвестицияларнинг улуши минтақаларда ишлаб чиқарилган ҳудудий махсулотларнинг ЯИМ таркибидаги улушига қарийб яқин, Баъзиларида эса кўп. Масалан, Тошкент шаҳрида 2018 йилда асосий воситаларга киритилган инвестицияларининг улуши 21,2 фоизни ташкил этган. Бухоро вилоятида асосий воситаларига киритилган инвестицияларнинг улуши 7,7 фоизни, Навоий вилояти 8,5 фоизни, Наманган вилояти 6,5 фоизни, Қашқадарё вилояти 13,2 фоизни, Сурхандарё вилоятида эса 5,8 фоизни ташкил этган бўлиб, уларнинг улуши ялпи ҳудудий махсулотни ишлаб чиқариш ҳажмининг мамлакат ЯИМ

таркибидаги улушидан ўртача ҳисоблаганда 8-10 пунктга кўп[7]. Ушбу маълумотлар вилоятларга киритилган инвестициялардан минтақани янада ривожлантириш йўлида унумли фойдаланмаганлигини билдиради. Қолган Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Самарқанд, Сирдарё, Тошкент вилоятлари ҳам асосий воситаларга киритилган инвестициялардан унумли фойдаланишмаган. Чунки асосий воситаларга киритилган инвестицияларнинг улушидан ялпи ҳудудий махсулотларнинг мамлакат ЯИМ таркибидаги улуши унчалик кўп эмас. Одатда асосий воситаларга киритилган инвестициялардан унумли фойдаланилганда ишлаб чиқарилган махсулот ҳажми сезиларли даражада ошиши керак. Ваҳоланки инвестиция иқтисодиёт тармоқларини медренизация қилиш учун ҳар йили киритиляпти. Шунингдек, муҳтарам президентимиз Ш.Мирзиёев вилоят шаҳар, туман рахбарларига иқтисодиёт тармоқларига инвестицияларни киритиш, минтақа имкониятларидан келиб чиқиб тадбиркорликни ривожлантириш, ривожланган мамлакатлардан инвесторларни таклиф этиш каби ваколатларини ҳам берган. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини янада ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларнинг ижроси бўйича ташкилий ишлар республикамиз Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати томонидан бажариляпти. Бироқ, Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифалар вилоят, туман ва шаҳарларда хўжалик юритувчи субъектларга томонидан ижро этилмасдан қоляпти. Токи, ҳар бир киши иқтисодиётни ривожланиши учун белгиланган вазифаларни бажаришда масъулиятни хис қилмас экан, юқорида белгиланган ишлар бажарилмасдан қолади.

Иккинчидан, Республика минтақаларида иқтисодиётда банд аҳоли меҳнатидан унумли фойдаланилмаяпти. Статистика маълумотларининг кўрсатишича вилоятлардаги бандлик даражаси республика бандлик даражасининг ўртача кўрсаткичидан кам эмас. Баъзи вилоятлар жумладан, Бухоро, Сирдарё, Тошкент, Андижон вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳри эса республика бандлик даражасининг ўртача кўрсаткичидан 3-4 пунктга юқори. Лекин, ялпи ҳудудий махсулотларни ишлаб чиқариш ҳажмининг ЯИМ таркибидаги улуши кам. Масалан 2018 йилда Сирдарё вилоятида бандлик даражаси 70,5 фоизни ташкил этиб турган бир вақтда, ялпи ҳудудий махсулотни ишлаб чиқариш ҳажмининг ЯИМ таркибидаги улуши 2,1 фоизга тенг бўлган. Қорақалпоғистон Республикасида ҳам бандлик даражаси қарийб 63,0 фоизга тенг. Ялпи ҳудудий махсулотни ишлаб чиқариш ҳажмининг ЯИМ таркибидаги улуши эса 3,5 фоизни ташкил этади. Худди шундай маълумотларни республикамизнинг қолган вилоятларида ҳам кўриш мумкин[8].

Миллий иқтисодиётни ривожланишида меҳнат ресурсларини иш билан таъминлаш масаласи муҳим аҳамият касб этади. Хорижий ва маҳаллий олимларнинг илмий тадқиқот ишларида бу борада эътиборга молик фикрлар билдирилган. Баъзи тадқиқот ишларида бандлик даражаси 70 фоизни ташкил этишини маъқуллашган. Агарда бандлик даражаси

кўрсаткичини 70 фоиз атрофида бўлишини ижобий ҳисоблаб ва республикамиз минтақаларида банд аҳоли меҳнатидан унумли фойдаланилмаса, яқин 2-3 йил ичида иқтисодиётни жадал ривожланишига эриша олмаймиз. Шундай экан ЯИМ ҳажмини оширишда минтақаларни фаоллигини оширишимиз зарур. Бунинг учун минтақаларни ЯХМ ишлаб чиқариши бўйича бахолашимиз лозим. Ҳозирда минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ҳолатини баҳолайдиган умумий кўрсаткичлар тизимидан фойдаланилаяпти. Улар асосан ялпи ҳудудий махсулот ва унинг аҳоли жон бошидаги ҳажми, ҳудудга киритилган инвестициялар ҳажми, ҳудуддаги бандлик даражаси, ҳудуддаги савдо айланмаси ва бошқа кўрсаткичлар киради. Ушбу кўрсаткичлар минтақаларни баҳолашда муҳим аҳамият касб этади. Тадқиқотларимиз ҳозирда фойдаланилаётган кўрсаткичлар тизими минтақалараро рақобатни таъминлаб беролмаётганлигини аниқлади. Улар асосан анъанавийлик характерга эга бўлиб, фақатгина умумий ижтимоий-иқтисодий ҳолатни кўрсатиб беради. Минтақалар ўртасида қўшимча махсулотлар ва хизматларни яратиш, фойдаланилмаган манбаларни ишга тушириш, инновацияларни ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишда жорий этиш бўйича рақобат йўқ.

Таклифлар. Мамлакатимизда иқтисодиётни янада ривожлантириш стратегияси амалга ошаётган вақтда минтақалардаги умумий ижтимоий-иқтисодий ҳолатни ифодалайдиган ёки махсулот ишлаб чиқариш хажмини кўрсатадиган кўрсаткичлар эмас, балки минтақалар мавжуд имкониятлардан қандай фойдаланилаётганлигини аниқлайдиган кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиши лозим. Ваҳоланки, табиий ресурслар танқис бўлган вақтда ҳар бир иқтисодий ресурслардан самарали фойдаланилаётганимизни ифодалайдиган кўрсаткичлар тизими зарур. Шу нуқтаи назардан мен қуйидагиларни таклиф этаман: биринчиси, иқтисодиётда самарали бандликни аниқлайдиган кўрсаткичлар тизимини. Иқтисодиётга оид адабиётларда самарали бандлик котегориясига таъриф берилган [9]. Унда банд аҳолини қанчалик ижтимоий фойдали махсулот яратганлиги билан изохланади. Бироқ уларни ҳисоблаш усули кўрсатиб берилмаган. Шу сабабли бўлса, керак бандлик даражаси юқори бўлишига қарамасдан махсулот ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш хажми кам. Иккинчиси, минтақаларда эътибордан четда қолган ресурслардан фойдаланаётганлигини ифодалайдиган кўрсаткичлар. Барча мамлакатларда самарали фойдаланилмаган ва эътибордан четда қолган ресурслар мавжуд. Масалан, ер, сув, ишчи кучи (иш билан таъминланмаганлар), капитал ва бошқалар. Минтақалар ушбу ресурслардан самарали фойдаланиш ҳисобида яратилган махсулот хажмини ифодалайдиган кўрсаткич бўйича ҳам баҳоланса, минтақаларда эътибордан четда қолган ресурслардан ҳам самарали фойдаланилади. Масалан, барча вилоят ва туманларда меҳнат қилиб даромад топиш истагини билдирувчилар жуда кўп. Бизларнинг тахминий ҳисобларимиз бўйича улар ҳар бир вилоятда камида 400-500 кишини ташкил этади. Улар кунлик меҳнат бозорида даромад топиш

мақсадида таклиф этилади. Демакки, улар минтақаларда самарали фойдаланилмаган ресурслар, яратилмаган махсулотлар ҳисобланади. Учинчиси, минтақалар туристик салоҳиятдан фойдаланганликни ифодалайдиган кўрсаткичлар. Минтақаларимиз жуда катта туризм ва рекреация салоҳиятига эга, уларда жами 7,4 минг маданий мерос объектлари мавжуд [10]. Бунда ҳар бир минтақа турзим тармоғини ЯҲМ таркибидаги улуши бўйича ҳам баҳоланса мақсадга мувофиқ бўларди. Умуман олганда таклиф этилаётган кўрсаткичлар тизими минтақаларни ЯҲМ ишлаб чиқаришда фаоллигини оширади. Минтақаларда узоқ йиллар давомида эътибордан четда фойдаланилмай келаётган иқтисодий ресурслардан самарали фойдаланишга эришилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1.Низомов А., Рашидов М. «Минтақа ривожланиш стратегияларини ишлаб чиқишда эркин иқтисодий зоналар салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш модели». Стратегическое планирование-важный фактор стабильности устойчивого социально-экономического развития страны и регинов: материалы Форума экономистов/под обшей редакцией. Т.Ахмедова./Ташкент: IFMR, 2019., 439-444. С.

2.Отабоев Ш. «Ҳудудлар рейтингини баҳолаш методикасини такомиллаштириш» Стратегическое планирование-важный фактор стабильности устойчивого социально-экономического развития страны и регинов: материалы Форума экономистов/под обшей редакцией. Т.Ахмедова./Ташкент: IFMR, 2019., 445-448. С.

3.Вдовин С.М.Стратегия и механизмы устойчивого развития региона: Монография-Москва.: Инфра,2015-154 с.; www.dx.doi.org/10.12737/5325

4.Куценко Е.И., Т.И. Герасименко. Стратегическое планирование устойчивого развития региона. Вестник Оренбургского государственного университета.-2011.-№13(132)-С.294-301.

5.Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотларида минтақаларда ялпи ҳудудий махсулот ҳажми йилдан-йилга ошгани кўрсатилган.

6. Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланди.

7. Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланди.

8. Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари (Банд аҳоли сонининг меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли сонига нисбати). www.stat.uz

9. Абдурахмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти (назария ва амалиёт). Олий ўқув юртлари учун дарслик. Т.: «Mehnat», 2004. 280 Б.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 январдаги «Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5611 сон Фармони.

Б.Н.Муйдинов – АДУ, “Иқтисодиёт” кафедраси доценти в.б., и.ф.н.

УЧИНЧИ РЕНЕССАНСНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ШАРОИТИДА МОЛИЯВИЙ МУСТАҚИЛЛИК БЕРИЛГАН ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ФАНИНИ ЎҚИТИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Аннотация: мақола учинчи ренессансни шакллантириш шароитида молиявий мустақиллик берилган олий таълим муассасаларида бухгалтерия ҳисоби фанини ўқитишни такомиллаштириш масаласига бағишланган. Мақолада, иқтисодиётни эркинлаштиришнинг учинчи ренессансни шакллантириш шароитида давлат олий таълим муассасаларини молиявий мустақиллигини таъминлашда бухгалтерия ҳисоби фанини ўқитишнинг такомиллаштириш орқали иш берувчилар билан ҳамкорликни кучайтириш, кадрлар тайёрлашда уларни талабларидан келиб чиққан ҳолда замонавий, эркин ва мустақил фикрлай оладиган, тадбиркор ва ташаббускор мутахасислар тайёлашда бухгалтерия ҳисоби фанини ўқитишнинг такомиллаштириш билан ўзаро боғлиқлиги ўрганиб чиқилган.

Калит сўзлар: Молиявий мустақиллик, хорижий олий таълим, давлат олий таълим, нодавлат олий таълим, таълим йўналиши, таълим шакли, мутахассислик, ўқиш қиймати, грант ажратиш, илмий раҳбар, илмий фаолият, таълим шакли, адабиёт яратиш, нашр этиш; ички назорат, рақобат, даромад, харажат, бухгалтерия ҳисоби.

Аннотация: Статья посвящена вопросу совершенствования преподавания бухгалтерского учета в высших учебных заведениях, где была предоставлена финансовая независимость в условиях становления третьего Возрождения. В статье рассматривается взаимодействие науки бухгалтерского учета с работодателями посредством совершенствования преподавания науки бухгалтерского учета в обеспечении финансовой независимости государственных высших учебных заведений в условиях формирования третьего ренессанса экономической либерализации, современного, свободного и независимого мышления, основанного на их требованиях в подготовке кадров, взаимодействии государственных высших учебных заведений.

Ключевые слова: Финансовая независимость, зарубежное высшее образование, Государственное высшее образование, негосударственное высшее образование, направление образования, форма обучения, специальность, стоимость чтения, выделение гранта, научный руководитель, научная деятельность, форма обучения, создание литературы, публикация; внутренний контроль, конкуренция, доходы, затраты, бухгалтерский учет.

Abstract: The article is devoted to the issue of improving the teaching of accounting in higher educational institutions, where financial independence was provided in the conditions of the formation of the third Renaissance. The article examines the interaction of accounting science with employers by improving the teaching of accounting science in ensuring the financial independence of state higher education institutions in the conditions of the formation of the third renaissance of economic liberalization, modern, free and independent thinking based on their requirements in training, interaction of state higher education institutions.

Keywords: Financial independence, foreign higher education, State higher education, non-state higher education, direction of education, form of study, specialty, cost of reading, grant allocation, supervisor, scientific activity, form of study, creation of literature, publication; internal control, competition, income, costs, accounting.

Кириш. Иқтисодиётни эркинлаштириш ва унинг доимий ривожлантириб бориш ҳар қандай давлатнинг барча соҳаларда ривожланиб боришининг асоси бўлиб ҳисобланади. Давлатни иқтисодий жиҳатдан эркинлаштириш ва уни иқтисодий жиҳатдан доимий ривожланиб боришини таъминлаш аввало ушбу давлатдаги таълим тизимини айниқса олий таълим муассасаларини ривожланишига боғлиқ бўлади. Бизнинг мамлакатимизда олий таълим муассасаларини ривожлантириш бўйича охирги беш йил давомида бир қанча ишлар амалга оширилди. Жумладан, рақобатни ривожлантириш ва таълим сифатини тубдан ислоҳ қилиш мақсадида бир қанча нуфузли хорижий олий таълим муассасалари филиаллари ташкил қилинди, нодавлат олий таълим муассасалари фаолиятига рухсат берилди, давлат олий таълим муассасаларининг академик ва ташкилий-бошқарув мустақиллигини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида ҳамда давлат олий таълим муассасаларига молиявий мустақиллик бериш чора-тадбирлари тўғрисида тегишли қарорлар қабул қилинди. Бу билан мамлакатимизда таълим сифатини кескин ошишига, замон талабига жавоб бера оладиган салоҳиятли, эркин фикрлай оладиган, ҳар қандай ривожланган давлатларнинг мутахасислари билан рақобатлаша оладиган рақобатбардош кадрлар тайёрлаш сифатини ошишига эришилди.

Жаҳондаги ривожланган давлатлар тажрибасига назар соладиган бўлсак, олий таълим тизими аксарият ривожланган давлатларда таълим тизими тўлиқ мустақил ҳисобланади. Мамлакатимизда таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш ва таълим сифатини ривожланган давлатлар даражасига олиб чиқиш учун таълим тизимига босқичма босқич молиявий мустақиллик бериб бориш талаб қилинади.

Мамлакат иқтисодиётини жадал ривожлантириш, қисқа муддат ичида уни ривожланган мамлакатлар даражасига олиб чиқиш учун таълим тизимининг туб моҳиятини очиб берган Президентимиз Ш.М.Мирзиёев Олий Мажлисга мурожаатномасида “... биз Ўзбекистонни ривожланган мамлакатга айлантиришни мақсад қилиб қўйган эканмиз, бунга фақат жадал ислоҳотлар, илм-маърифат ва инновация билан эриша оламиз”, деб таъкидладилар [1]. Ҳақиқатдан Ўзбекистон шароитида таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш ва уларга босқичма-босқич молиявий мустақиллик беришни давлат томонидан қўллаб-қувватловчи тегишли меъёрий-хуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши ва олий таълим тизимини рағбатлантирувчи аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилиши учинчи ренессансни шакллантириш шароитида олий таълим тизимини янада мукаммаллаштиришга асос бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикасида олий таълимни тизимли ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларини белгилаш, замонавий билим ва юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, олий таълимни модернизация қилиш, илғор таълим технология-ларига асосланган ҳолда ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Халқ сўзи. – Т.: “Шарқ” нашриёти, 2020 йил 25 январь, №19(7521), 2-4 бетлар

тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли фармони 2019 йил 8 октябрь қабул қилинган[1]. Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат олий таълим муассасаларига молиявий мустақиллик бериш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 24 декабрдаги ПФ-61-сон қарори[2] қабул қилинди. Лекин ҳозирги учинчи ренессансни шакллантириш шароитида олий таълим муассасалдарида таълим сифатини яхшилаб боришни доимийлиги таъминлаш ва тайёрланаётган мутахасисларни бугинги кун талаблари даражасида эмас эканлиги ҳамда амалиёт билан олий таълим муассасалари ўртасидаги боғлиқлик етарлича эмас эканлиги ҳамда айрим фанларни жумладан бухгалтерия ҳисоби фанининг ўқитишда айрим муаммолар сақланиб қолаётганлиги ушбу мақолани ёзишга асос бўлади деб ҳисоблаймиз.

Таҳлил ва натижалар. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси [3] да белгиланган вазифалар ижросини изчил таъминлаш, шунингдек, Олий таълим тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар самарадорлигини ошириш, давлат олий таълим муассасаларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш масалаларини мустақил ҳал этиш, илмий-тадқиқот фаолиятига маблағларни жалб этиш имкониятини кенгайтириш ҳамда олий таълим муассасалари ўртасида рақобат муҳитини ривожлантириш мақсадида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 24 декабрдаги ПҚ-61-сон қарори[4] қабул қилинди. Ушбу қарорга асосан 2022/2023 ўқув йилидан бошлаб молиявий мустақиллик берилган давлат олий таълим муассасаларига қўшимча ваколатлар берилди.

Унга асосан молиявий мустақиллик берилган олий таълим муассаларда қуйидагиларни мустақил белгилаш ҳуқуқи берилди:

- Таълим хизматлари бозоридаги талабни инобатга олган ҳолда тўлов-контракт асосида ўқитиш қийматини белгилаш; Бунда молиявий мустақиллик берилган олий таълим муассасаси тўлов-контракт асосида ўқитиш қийматини белгилашда бозор талабларини инобатга олган ҳолда иш берувчи талабларини инобатга олган ҳолда белгилаш талаб қилинади. Бу ерда давлат томонидан молиявий мустақиллик берилиши билан бирга улар ўртасидаги эркин рақобатни ривожланиши учун имконият яратилди. Яъни, қайси олий таълим муассаса-ларида тайёрланаётган мутахасислар бугунги кун талабларига тўла жавоб бера олса, рақобатбардошлилиги юқори бўлса, эркин фикрлай олса, ахборот коммуникация технологиялардан фойдалана олса, бир сўз билан айтганда юқори билимли бўлса, бозорда шу мутахасисларга талаб юқори бўлади ва тўлов-контракт асосида ўқитиш қийматини юқори белгилаш имконияти пайдо бўлади.

Бунда иқтисодий йўналишлар бўйича мутахасислар тайёрлашда бошқа фанлар билан бир қаторда Бухгалтерия ҳисоби фанини замон талабларига мос

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли фармони Тошкент ш., 2019 йил 8 октябрь.

[2] Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат олий таълим муассасаларига молиявий мустақиллик бериш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-61-сон қарори Тошкент ш., 2021 йил 24 декабрь.

[3] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон Фармонига 1-илова

[4] Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-61-сон қарори. Тошкент ш., 2021 йил 24 декабрь.

равишда ўқитишнинг алоҳида аҳамияти катта деб ҳисоблайман. Чунки, маҳсулот таннархини аниқлаш, харажатларни турли ҳил ҳусусиятларига қараб гуруҳларга ажратиш, зарар кўрмай ишлаш нуқтасини аниқлаш, ишлаб чиқарилапётган ёки сотиб олинаётган маҳсулотларни фойдалилик даражасини аниқлаш имкониятига эга бўлмаган иқтисодий соҳалар бўйича мутахасисни замонавий мутахасис деб айта олмаймиз. Буларни барчасини бухгалтерия ҳисоби фани ўргатади.

- таълим жараёнига замонавий педагогик технологияларни қўллай оладиган ва илмий изланиш олиб борадиган маҳаллий ҳамда хорижий профессор-ўқитувчи ва мутахассисларни шартнома асосида жалб қилиш; Ушбу имкониятни олий таълим муассасаларига берилиши олий таълим муассасалари томонидан замонавий педагогик технологияларни қўллай оладиган ва илмий изланиш олиб борадиган маҳаллий ҳамда хорижий профессор-ўқитувчи ва мутахассисларни дарс жараёнларига жалб қилиш ва улар билан ҳамкорликда тайёрланаётган мутахасисларни назарий билимлари билан бирга амалий кўникмаларга эга қилиб тайёрлаш имконияти яратилади.

Ушбу ҳолатдан келиб чиққан ҳолда бухгалтерия ҳисоби фанини ўқитилишига боғлайдиган бўлсак, амалиётда бухгалтерия ҳисоби маълумотлари аксарият корхоналарида 1S дастури ёки бюджет ташкилотларида UzASBO дастури орқали юритилади. Аксарият иқтисодий йўналишлар бўйича мутахасислар тайёрловчи олий таълим муассасаларида эса ушбу дастурлардан фойдаланиш имконияти мавжэуд эмас. Чунки, биринчидан 1S дастурини сотиб олиш қиймати юқори. Иккинчидан уни ўрнатиш учун қайсидир корхона маълумотларидан фойдаланиш талаб қилинади. UzASBO дастури эса биринчидан сотувда мавжуд эмас, иккинчидан фақатгина бюджет муассасаларида фойдаланишга рухсат берилган. Бир сўз билан айтганда. Бухгалтерия ҳисоби фанини ўқитишда амалиёт билан боғлиқлик етарлича таъминланмаган деб ҳисоблайман. Буда молиявий мустақиллик берилган олий таълим муассасаси ишлаб чиқариш билан ҳамкорликни кучайтириш орқали, бухгалтерия ҳисоби фанини ўқитишда амалиётчи мутахасисларни таълим жараёнига жалб қилиш, юқоридаги дастурларни сотиб олиш ва амалий машғулот ҳамда ўқув амалиёти дарсларини амалиётчи мутахасислар билан ҳамкорликда олиб бориб, таълим сифатини оширишга ва тайёрланаётган мутахасисларни рақобатбардошлилигини оширишга эришади. Бу билан таълим муассасаси нуфузи ҳам ошиб боради.

Хулоса ва таклифлар. Учинчи ренессансни шакллантириш шароитида олий таълим муассасаларига молиявий мустақиллик берилиши орқали таълим хизматлари бозоридаги талабни инобатга олган ҳолда тўлов-контракт асосида ўқитиш қийматини белгилаш ҳуқуқи берилди. Бунда молиявий мустақиллик берилган олий таълим муассасаси тўлов-контракт асосида ўқитиш қийматини белгилашда бозор талабларини инобатга олган ҳолда яъни белгилаган тўлов-контракт миқдорини таълим олувчи ва иш берувчиларини молиявий имкониятларикўтара олиши ҳамда тайёрланаётган мутахасис сифати шу қийматга арзишини инобатга олган ҳолда белгилаш талаб қилинади. Бу ерда давлат томонидан молиявий мустақиллик берилиши билан бирга улар ўртасидаги эркин рақобатни ривожланиши учун имконият яратилди. Яъни, қайси олий таълим муассасаларида тайёрланаётган мутахасислар бугунги кун талабларига тўла жавоб бера олса, рақобатбардошлилиги юқори бўлса, эркин

фикрлай олса, ахборот коммуникация технологиялардан фойдалана олса, бир сўз билан айтганда юқори билимли бўлса, бозорда шу мутахасисларга талаб юқори бўлади ва тўлов-контракт асосида ўқитиш қийматини юқори белгилаш имконияти пайдо бўлади. Бунда иқтисодий йўналишлар бўйича мутахас-сислар тайёрлашда бошқа фанлар билан бир қаторда Бухгалтерия ҳисоби фанини замон талабларига мос равишда ўқитишнинг алоҳида аҳамияти катта деб ҳисоблайман. Чунки, маҳсулот таннарҳини аниқлаш, харажатларни турли ҳил ҳусусиятларига қараб гуруҳларга ажратиш, зарар кўрмай ишлаш нуқтасини аниқлаш, ишлаб чиқарилаётган ёки сотиб олинаётган маҳсулотларни фойдалилик даражасини аниқлаш имкониятига эга бўлмаган иқтисодий соҳалар бўйича мутахасисни замонавий мутахасис деб айта олмаймиз. Буларни барчасини бухгалтерия ҳисоби фани ўргатади. Бундан ташқари бизнес фаолиятини олиб бораётган ҳар бир тадбиркор дараомад ва харажат тўғрисида тўлиқ маълумотга эга бўлган етук мутахасисга эҳтиёж сезади. Бундай билим ҳам албатта бухгалтерия ҳисоби фанида берилади.

Таълим жараёнига замонавий педагогик технологияларни қўллай оладиган ва илмий изланиш олиб борадиган маҳаллий ҳамда хорижий профессор-ўқитувчи ва мутахассисларни шартнома асосида жалб қилиш имкониятини ҳам молиявий мустақиллик берилган олий таълим муассасаларига берилиши ҳам таълим муассасаларида ўқитилаётган фанларни иш берувчилар билан ҳамкор-ликда амалиёт билан боғлиқ ҳолда олиб бориш имкониятини яратилиши деб ҳисоблайман. Олий таълим муассасалари томонидан замонавий педагогик технологияларни қўллай оладиган ва илмий изланиш олиб борадиган маҳаллий ҳамда хорижий профессор-ўқитувчи ва мутахассисларни дарс жараёнларига жалб қилиш ва улар билан ҳамкорликда тайёрланаётган мутахасисларни назарий билимлари билан бирга амалий кўникмаларга эга қилиб тайёрлаш имконияти яратилади.

Ушбу ҳолатдан келиб чиққан ҳолда бухгалтерия ҳисоби фанини ўқитилишига боғлайдиган бўлсак, амалиётда бухгалтерия ҳисоби маълумотлари аксарият корхоналарида 1S дастури ёки бюджет ташкилотларида UzASBO дастури орқали юритилади. Аксарият иқтисодий йўналишлар бўйича мутахасислар тайёрловчи олий таълим муассасаларида эса ушбу дастурлардан фойдаланиш имконияти мавжуд эмас. Чунки, биринчидан 1S дастурини сотиб олиш қиймати юқори. Иккинчидан уни ўрнатиш учун қайсидир корхона маълумотларидан фойдаланиш талаб қилинади. UzASBO дастури эса биринчидан сотувда мавжуд эмас, иккинчидан фақатгина бюджет муассасаларида фойдаланишга рухсат берилган. Бир сўз билан айтганда. Бухгалтерия ҳисоби фанини ўқитишда амалиёт билан боғлиқлик етарлича таъминланмаган деб ҳисоблайман. Бунда молиявий мустақиллик берилган олий таълим муассасаси ишлаб чиқариш билан ҳамкорликни кучайтириш орқали, бухгалтерия ҳисоби фанини ўқитишда амалиётчи мутахасисларни таълим жараёнига жалб қилиш, юқоридаги дастурларни сотиб олиш ва амалий машғулот ҳамда ўқув амалиёти дарсларини амалиётчи мутахасислар билан ҳамкорликда олиб бориб, таълим сифатини оширишга ва тайёрланаётган мутахасисларни рақобатбардошлилигини оширишга эришади. Бу билан таълим муассасаси нуфузи ҳам ошиб боради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Халқ сўзи. – Т.: “Шарқ” нашриёти, 2020 йил 25 январь, №19 (7521), 2-4 бетлар
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли фармони Тошкент ш., 2019 йил 8 октябрь.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат олий таълим муассасаларининг академик ва ташкилий-бошқарув мустақиллигини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-60-сон қарори Тошкент ш., 2021 йил 24 декабрь.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат олий таълим муассасаларига молиявий мустақиллик бериш чора-тадбирлари тўғрисида”ги пқ-61-сон қарори Тошкент ш., 2021 йил 24 декабрь.

Д.Чилматова – ФарДУ, Минтақа иқтисодиёти ва бухгалтерия ҳисоби кафедраси катта ўқитувчиси

ХАРАЖАТ ТУРЛАРИНИ ГУРУҲЛАШ ВА ТАННАРХГА ОЛИБ БОРИШ УСУЛЛАРИ

Аннотация: ушбу мақолада хизмат кўрсатиш корхоналарида моддий харажатлар ҳисобини юритишда бошқарув ҳисобининг ўрни, маҳсулот таннархини калькуляция қилиш усуллари, соҳавий хусусиятлари, харажатлар ҳисобини бошқаришда бухгалтерия ҳисоби ва солиққа тортиш соҳасида ўзаро боғлиқлик жиҳатлари ёритилган.

Калит сўзлар: харажатлар ҳисоби, моддий харажатлар, маҳсулот таннархи, калькуляция қилиш усуллари.

Аннотация: в статье рассмотрены место управленческого учета при организации учета материальных затрат на предприятиях, методы калькуляции себестоимости продукции, исходя из особенности данной сферы, а также взаимосвязь бухгалтерского учета и налогообложения при управлении расходами.

Ключевые слова: управленческий учет, расходы от основной деятельности, материальные расходы, себестоимость продукции, методы калькуляции.

Abstract: the article considers the place of management accounting in the organization of accounting of material costs at enterprises, methods of calculating the cost of production, based on the specifics of this area, as well as the relationship of accounting and taxation in the management of expenses.

Keywords: management accounting, expenses from core activities, material costs, cost of production, calculation methods.

Бозор иқтисодиёти шароитида истеъмолчининг эҳтиёжларини қондиришга қаратилган асосий соҳа хизматлар соҳаси бўлиб қолмоқда ва ушбу соҳа эҳтиёжлардан келиб чиқиб йилдан йилга шаклланиб бормоқда. Жаҳон иқтисодиётининг етакчи тармоқларидан бўлган транспорт, савдо, молиявий хизматлар, туризм, меҳмонхона хизматлари каби соҳалар хизмат кўрсатиш соҳасининг энг ривожланган соҳаларидан бири бўлиб қолмоқда. Ушбу соҳаларда олинаётган даромадлар миқдори тобора ўсиб, янги иш

ўринларини яратилишига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Америкалик олим Д. Белл таъкидлаганидек, иқтисодий соҳада, асосан, ишлаб чиқариш саноатининг ривожланишидан тортиб, дунёнинг кўпгина мамлакатларида иқтисодиётни таркибий қайта қуришга олиб келувчи хизматлар ишлаб чиқаришга ўтишдан иборат[1].

Ҳар бир хизмат кўрсатиш соҳасидаги хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолияти албатта харажатлар билан бевосита боғлиқдир. Хўжалик субъектларида хизмат кўрсатиш жараёнини юритишда асосий фаолият харажатларини қилишига мажбур бўлади.Умуман олганда ҳар бир хўжалик субъектларнинг муносабатлар жараёнини асосий фаолият ташкил этади, шу сабабли харажатларини тўғри ташкил этилиш муҳим масалалардан бири бўлиб ҳисобланади. Бу борада мамлакатимиз раҳбари Ш.Мирзиёев “Ислоҳотларнинг қай даражада самара бераётганини кўрсатадиган мақсадли дастурларни амалга ошириш натижадорлиги. Булар қаторида хизмат кўрсатиш, саноат ва бошқа тармоқларни ривожлантириш-нинг қуйидаги иқтисодий ва молиявий кўрсаткичларини мисол келтириш мумкин: ишлаб чиқариш қувватларининг аҳволи, харажатларни ва таннархни пасайтириш, маҳаллийлаштириш ва рентабеллик даражасини, маҳсулот рақобатдошлигини сўзсиз ошириш” деб таъкидлайди [2] . Республикамизда барча соҳаларга кенг кўламли имкониятлар берилмоқда шу жумладан хизмат кўрсатиш корхоналари фаолиятини модернизация-лаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилашни давом эттирилиши, хизмат кўрсатиш корхоналарининг иқтисодиётда ўрнини барқарор ривожланиши учун қулай шарт-шароит ва имкониятлар яратилмоқда.

Шу билан бирга, корхоналарда ишлаб чиқаориш хизмат кўрсатиш самарадорлигини ошириш ва уларнинг бир маромда фаолиятини муваффақиятли давом эттиришларида харажатлари ҳисобини тўғри ташкил этиш ва маҳсулот таннархини пасайтириш йўлларини илмий ҳамда амалий жиҳатдан асосланганлигини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Харажатларни шакллантириш ва таннарх - бошқарув ҳисобининг марказий негизида хизмат кўрсатиш корхоналарининг ҳисобини юритиш хозирги куннинг энг долзарб муаммоларидандир. Хўжалик субъектларида таннархни ҳар бир фаолият ва маҳсулот турлари, сотиш бозорлари, минтақалар ҳамда харидорлар дидлари бўйича калькуляция қилиниши бугунги куннинг давр талабларидан бўлиб ҳисобланади.

Ҳозирги вақтда республикамизнинг ҳамма корхоналари фаолиятини ҳисобга олувчи асосий ҳужжат – “Маҳсулот (иш, хизмат) таннархига қўшиладиган, уни ишлаб чиқариш ва сотиш билан боғлиқ бўлган харажатларнинг таркиби ва молиявий натижаларни шакллантириш

[1] **Белл Д.** Грядущее постиндустриальное общество: опыт социального прогнозирования / Пер. с англ; Под ред. В.Л. Иноземцева. М.: Academia, 1993.

[2] Ш.М.Мирзиёев “2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган вазирлар махкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси” Халқ сўзи газетаси. 2017й. 16 январ.

тартиби хақидаги” Низом ҳисобланади. Бу Низомга асосан, таннархга қўшиладиган харажатлар таркиби қуйидаги мақсадлар учун аниқланади:

– бухгалтерия ҳисоби счётларида бевосита маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш жараёнида юзага келадиган харажатлар ҳақида тўлиқ ва аниқ маълумотлар тўплаш;

– корхоналар фаолияти рентабеллигини ҳисоблаш;

– рақобатбардошлигини аниқлаш;

– солиққа тортиш асосини тўғри белгилаш.

Ушбу вазифаларни ечиш учун харажатлар қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

– маҳсулотни ишлаб чиқариш таннархига қўшиладиган харажатлар;

– давр харажатлари таркибида ҳисобга олинадиган ва асосий фаолият фойдасини аниқлашда эътиборга олинадиган харажатлар;

– корхонанинг умумий фаолиятидан келадиган фойда ёки зарарни аниқлашда ҳисобга олинадиган молиявий фаолият харажатлари;

– солиққа тортишдан олдинги фойда ёки зарарни аниқлашда ҳисобга олинадиган фавқулодда кўзда тутилмаган зарарлар ёки фойда.

Корхоналарда харажатларини гуруҳларга тўғри ва аниқ бўлиш бухгалтерия ҳисоби маълумотларининг сифатини оширади.

Корхоналарда харажатлар ишлаб чиқариш харажатлари, давр харажатлари, молиявий фаолият харажатлари, фавкулодда (кўзда кутилмаган) ва солиқ харажатларига бўлинади.

Ишлаб чиқариш харажатлари ўз вазифасига қараб элементлари ва калькуляция моддаларига бўлинади. Элементлари бўйича гуруҳлаш ишлаб чиқариш харажатларини уларнинг иқтисодий мазмунига кўра аниқлаш ва тегишли сметалар тузиш учун хизмат қилади. Калькуляция моддалари бўйича гуруҳлаш эса маҳсулот таннархини ҳисоблаш учун керак бўлади.

Бошқача сўз билан айтадиган бўлсак, маҳсулот (иш, хизмат) ишлаб чиқариш таннархи қуйидагилардан иборат бўлади.

Уларга:

– тўғри ва эгри материал харажатлари;

– тўғри ва эгри меҳнат харажатлари;

– ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган устама харажатлари киради.

Харажатларни калькуляция моддалари бўйича ҳисобга олиш, у ёки бу харажат тури қандай мақсадларга сарфланаётганлигини билиш, хизматларнинг айрим турлари таннархини калькуляция қилиш имконини беради.

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, корхоналарнинг бошқарувчилари бозор иқтисодиёти шароитида харажатлар ва уларни мақсади ҳақида аниқ маълумотларга эга бўлиши керак. Фақат шу маълумотлар асосидагина маҳсулот (иш, хизмат) сотишдан келадиган фойда тўғри ҳисобланиши, рентабеллик тўғри аниқланиши, сотилаётган маҳсулот ёки хизмат баҳосининг асосли эканлиги таҳлил қилиниши ва умуман танланган хўжалик сиёсатининг тўғри эканлиги баҳоланиши мумкин.

Sh.S.Oltayev – SamISI katta o’qituvchisi, iqtisod fanlari nomzodi
A.A.Raximov – SamISI magistranti

DAVLAT ISHTIROKIDAGI XO’JALIK YURITUVCHI SUB’YEKTLAR HOLATINING TAHLILI

Annotatsiya: So’nggi yillarda mamlakatimizda davlat ishtirokidagi korxonalar hissasini kamaytirish ishlari yuqori tezlikda amalga oshirilmoqda. Ushbu maqolada bugungi kunda mamlaktimizda mavjud bo’lgan davlat ishirokidagi xo’jalik yurituvchi sub’yektlar holati qay darajada ekanligi, ularni tarmoqlar ulushida statistik ma’lumotlar asosida tahlil qilingan.

Kalit so’zlar: davlat aktivlari, xo’jalik yurituvchi sub’yektlar, davlat ishirokidagi xo’jalik yurituvchi sub’yektlar, mulk, bozor infratuzilmasi, makroiqtisodiy barqarorlik.

Аннотация: В последние годы в стране ведется работа по сокращению доли государственных предприятий. В данной статье анализируется современное состояние государственных предприятий в нашей стране на основе статистических данных о доле отраслей.

Ключевые слова: государственные активы, хозяйствующие субъекты, государственные предприятия, собственность, рыночная инфраструктура, макроэкономическая стабильность.

Abstract: In recent years, the country has been working to reduce the share of state-owned enterprises. This article analyzes the current state of state-owned enterprises in our country on the basis of statistical data on the share of industries.

Keywords: state assets, business entities, state-owned enterprises, property, market infrastructure, macroeconomic stability.

Harakatlar strategiyasi asosida olib borilayotgan keng ko‘lamli islohotlarning dastlabki natijalari yurtimiz aholisi hayotida o‘zining yaqqol ifodasini topmoqda. Bu esa ularning ijtimoiy faolligi, ertangi kunga ishonchi mustahkamlanishida muhim omil bo‘layapti[1].

Mazkur dasturilamal hujjatning uchinchi — Iqtisodiyotni rivojlantirish va liberallashtirishning ustuvor yo‘nalishlarini amalga oshirish bo‘yicha aniq vazifalar belgilangan. Shundan kelib chiqib, bugungi kunda iqtisodiyotni yanada erkinlashtirish, ayniqsa, tadbirkorlik harakatiga keng yo‘l ochib berishga jiddiy e’tibor qaratilmoqda. Binobarin, iqtisodiyotning liberallashtirilishi bu davlatni nomarkazlashtirish bo‘lib, uning iqtisodiy boshqaruvdagi funksiyalarini o‘zini o‘zi boshqarish tashkilotlariga, xususiy sektorlarga o‘tib borishini anglatadi. Ushbu jarayonda ikkita muhim strategik vazifani hal qilish zarur. Avvalo, xususiylashtirilayotgan mulk haqiqiy mulkdorlar qo‘liga berilishi kerak. Chunki iqtisodiy munosabatlarni tubdan o‘zgartirish uchun real shart-sharoitlar yaratishga imkon tug‘dirilishi milliy ongning o‘sishi va tafakkur taraqqiyotiga olib keladi. Navbatdagisi, iqtisodiyotda ko‘p ukladlilikni hamda raqobat muhitini yaratish orqali davlatning mulkka bo‘lgan monopol huquqini tugatish, xususiy mulkchilikning turli shaklidagi korxonalarni barpo qilishdir. Bu, o‘z

[1] https://xs.uz/uz/post/iqtisodiyotni-rivozhlantirishda-zamonavij-yondashuvlar-muhim

navbatida, jamiyat turmush sharoitiga bevosita ta’sir ko‘rsatib, odamlarning xususiy mulkka nisbatan qarashi o‘zgarishi, ijtimoiy ongning shakllanishiga xizmat qiladi. Eng muhimi, davlat mulki xususiylashtirilib, kichik biznesning rag‘batlantirilishi tufayli jamiyatda mulkdorlarning yangi qatlami vujudga keladi. Shu ma’noda, Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyev tashabbusi bilan islohotlarning yangi bosqichida iqtisodiyotda davlat ishtiroki bosqichma-bosqich kamaytirilayotgani quvonarlidir. Shu bilan birga, hududlarda aholining turmush darajasi va sifatini yaxshilash, xususan kambag‘allikni qisqartirish vazifalari ko‘p jihatdan iqtisodiyotning barcha tarmoq va sohalarining raqobatbardoshligini oshirish hamda tadbirkorlikni rivojlantirish uchun fundamental sharoitlarni yaratib berish hisobiga yangi va barqaror ish o‘rinlarini tashkil etish bilan bevosita bog‘liqdir.

1-jadval. Investitsiya majburiyatlari bilan sotilgan va nazoratda bo‘lgan davlat aktivlari to‘g‘risida yig‘ma ma’lumot[1]

№	Hudud	Shartnomalar soni	Investitsiya majburiyatlari (ming AQSH dollari)	Investitsiya majburiyatlari (mln. so`m)	Yaratilgan ish o'rinlari
1	Qoraqalp.	94	694	36,834	0
2	Andijon	130	31,099	265,243	1,925
3	Buxoro	87	85,148	101,603	237
4	Jizzax	101	0	234,848	975
5	Qashqadaryo	133	3,911	102,264	259
6	Navoiy	44	250	592,488	185
7	Namangan	56	21,976	69,838	1,019
8	Samarqand	84	58,282	63,339	380
9	Surxondaryo	54	5,312	32,718	90
10	Sirdaryo	46	561	26,917	39
11	Toshkent v.	220	64,282	231,919	0
12	Farg‘ona	190	48,374	55,098	169
13	Xorazm	40	12,767	92,587	280
14	Toshkent sh.	23	12,447	281,478	91

[1] https://www.davaktiv.uz/oz/menu/reestr-gosudarstvennyh-predprijatij

Jadval ma’lumotlariga qaraydigan bo’lsak, hududlar kesimida shartnomalar soni eng ko’p Toshkent viloyati – 220 ta ni tashkil etgan, eng kam esa Toshkent shahriga to’g’ri kelgan. Investitsiya majburiyatlari hajmi bo’yicha esa eng ko’p Buxoro viloyati – 85 148 (ming AQSh $) ni tashkil etgan, eng kam esa Jizzax viloyatiga to’g’ri kelgan. Yaratilgan ish o’rinlari soni eng ko’p Andijon viloyati – 1925 ta ni tashkil etgan, eng kam esa Toshkent viloyati va Qoraqalpog’iston Respublikasiga (0 ta) to’g’ri kelgan.

O’zbekiston Respublikasi hududida bo’lgan davlat ishtirokidagi korxonalar va ular ta’sischilari to’g’risida ma’lumotga ko’ra jami 2769 ta korxonalar mavjud bo’lib[1], ulardan 1018 tasi MChJ, 250 tasi AJ, 1501 tasi esa DK lardir[2]. Sohalar kesimida esa, transport, savdo va xizmat ko’rsatish bo’yicha 800 ta korxona, qurilish-sanoatda 470 ta korxona, qishloq xo’jaligi-oziq ovqat bo’yicha 295 ta, AKT bo’yicha 241 ta, ijtimoiy sohada 341 ta, bozor va savdo kompaniyalari 545 ta, boshqalar 77 ta korxonani tashkil etayotganligini va boradagi ko’rsatkichlar ijobiy tomonga o’zgarayotganligini ko’rishimiz mumkin..

T.I.Yahyoyev – SamISI o‘qituvchisi

QURILISH KORXONALARIDA MOLIYAVIY HOLAT TAHLILINING OB’YEKTIV ZARURLIGI VA YO’NALISHLARI.

Annotatsiya: Maqolada raqamli iqtisodiyot sharoitida qurilish korxonalari moliyaviy holati tahlilining ahamiyati, qurilish korxonalarida moliyaviy holat tahlilining maqsadi va vazifalari, qurilish korxonalarida moliyaviy holat tahlilini amalga oshirishning alohida xususiyatlari yoritilgan.

Kalit so‘zlar: Tanqidiy tyahlil, axborotlarni yig’ish, davriylik, mehnat samaradorligi, moliyaviy holat, moliyaviy resurs, investitsiya samaradorligi, daromadlilik, rentabellik.

Аннотация: В статье описывается важность анализа финансового состояния строительных организаций в условиях цифровой экономики, цели и задачи анализа финансового состояния строительных организаций, специфика анализа финансового состояния строительных организаций.

Ключевые слова: критический анализ, сбор данных, периодичность, производительность труда, финансовое состояние, финансовый ресурс, эффективность инвестиций, рентабельность, рентабельность.

Abstract: The article describes the importance of analyzing the financial condition of construction organizations in the digital economy, the goals and objectives of analyzing the financial condition of construction organizations, and the specifics of analyzing the financial condition of construction organizations.

Keywords: Critical analysis, data collection, frequency, labor productivity, financial condition, financial resources, investment efficiency, profitability, profitability.

[1] [1] Davlat statistika qo’mitasi ma’lumotlari

[2] https://www.davaktiv.uz/oz/menu/reestr-gosudarstvennyh-predprijatij

Kirish. Raqamli iqtisodiyot sharoitida faqatgina axborotlarni yig'ish emas balki uni o'qish hamda tahlil qilish muhim masaladir. O'zbekiston Respublikasi Prizidenti mamlakatimizni 2016 yilda ijtimoiy- iqtisodiy rivojlantirishning asosiy yakunlari va 2017 yilga mo'ljallangan eng muhim ustuvor yo'nalishlariga bag'ishlangan Vazirlar Mahkamasining kengaytirilgan majlisidagi ma'ruzasini aynan "Tanqidiy tahlil, qat'iy tartib –intizom va shaxsiy javobgarlik - har bir rahbar faoliyatining kundalik qoidasi bo'lishi kerak" deb bejizga nomlamagan. Bunda har bir soha hamda ushbu sohaga javobgar rahbarlar o'z faoliyati natijalarini hamda o'zgarish tendesiyalarini muntazam o'rganib borishi kerak.Buning uchun esa tahlilga zarurat tug'uladi.

Mavzuga oid adabiyotlarning tahlili. Ushbu mavzu bo'yicha mahalliy va xorijiy adabiyot manbalari tahlili, qurilish sohasida fundamental tadqiqotlar qatorida I.S.Stepanova [1], M.A. Vaxrushinoy [2], DJ.K. Lobbek [3], Serov V.M. [4] , K. R. Subramanyam [5] singari xorijiy olimlarning, M.K.Pardayev[6], N.T.Tuxliyev [7], E.V.Golsheva [8], M. Miraxmedov [9], A.A.Eshtayev [10], K.B.Urazov [11], singari mahalliy iqtisodchi olimlarning qurilish sohasidagi turli masalalari bo'yicha ilmiy tadqiqot ishlarini olib bormoqdalar.

Tadqiqot metodologiyasi. Ilmiy-tadqiqot ishida statistik va iqtisodiy tahlil usullari, tahlil, sintez, mavhumiy-mantiqiy tahlil, shuningdek, tanlovli kuzatuv, sotsiologik so'rov, SWOT-tahlil, qiyoslov usullaridan foydalanilgan.

Tahlil va natijalar. Qurilish korxonalarida moliyaviy holat tahlili esa qurilish faoliyatini boshqa tur faoliyatidan farqli jihatlari mavjudligi hamda mamlakat iqtisodiyotini rivojlantirishda ahamiyatliligi sababli o'ta muhimdir. Qurilish faoliyatini tahlil nuqtai nazaridan boshqa faoliyat turlaridan farqli jihatlari quyidagilardan iborat.

1. Qurilish faoliyati uzoq davriylikka ega ekanligi;
2. Bajarilgan ish bo'yicha har bir hisobot davrida moliyaviy natijani aniqlashda muammolar vujudga kelishi;
3. Mehnat samaradorligini aniqlashni aniq tizimi mavjud emasligida (subpudratchi tashkilot xodimlari mehnat unumdorligi);
4. Qurilish korxonalarida xarajatlarni xususiyatiga ko'ra davriy tan olish tizimi mavjud emasligida;
5. Qurilish korxonalarini moliyaviy holatini ifodalovchi ko'rsatkichlarini xalqaro talablarga moslashtirilmaganligi;
6. Korxona tomonidan tendir asosida bajarish uchun olingan qurilish ishining daromadi aniqligi ammo unga sarflanadigan xarajatlar aniqlashtirilmaganligi.

Moliyaviy holat tahliliga ko'plab xorijiy hamda mamlakatimiz olimlari o'z ta'riflarini ishlab chiqgan. Masalan, M.I. Bakanov moliyaviy holat tahliliga quyidagicha ta'rif bergan "Moliyaviy holat tahlili deganda moliyaviy resurslarning turlari bo'yicha mavjudligini, raqobatbardoshligini, davlat va boshqa xo'jalik sub'ektlari oldidagi majburiyatlarini bajarish qobiliyatini ifodalovchi ko'rsatkichlar kabi muhim jihatlar majmuasi tushuniladi".

Yuqoridagi ta’rifdagidek moliyaviy holat tahlilini faqatgina ko’rsatkichlar yoki ko’rsatkichlar tizimi deb qarasak “Moliyaviy holat tahlili” terminini to’liq qamrab ololmagan hisoblanamiz. Buni quyida mamlakatimiz hamda xorijiy olimlar tomonidan korxonaning moliyaviy holatiga berilgan ta’riflarda ham ko’rishimiz mumkin. Shunday ta’riflardan biri Pardayev M.Q. tomonidan berilgan ta’rifdir. Unga ko’ra moliyaviy holatga quyidagicha ta’rif berilgan “Moliyaviy holat- korxonani moliyalashtirishga qodirlik darajasi[1]”. Bundan tashqari L.I. Donsova, N.A.Nikifolovalar moliyaviy holatga “Moliyaviy holat – korxona aktivlari va kapitalining tarkibiy elementlarini balansligi shunungdek ulardan samarali foydalanish darajasini xarakterlovchi ifoda hisoblanadi[2]” deb ta’rif bergan.

Xulosa va takliflar. Yuqorida berib o’tilgan ta’riflar albatta korxonaning moliyaviy holatini hamda korxonalarda moliyaviy holat tahlilini ma’lum darajada yoritib bergan. Ushbu ta’riflardan kelib chiqgan holda qurilish korxonalarida moliyaviy holat tahliliga o’z ta’rifimizni ishlab chiqdik. Qurilish korxonalarida moliyaviy holat tahlili korxonaning ayni paytdagi moliyaviy holatini ma’lum belgilangan tahliliy ko’rsatkichlar asosida o’rganish , moliyaviy holatni ifodalovchi ko’rsatkichlarni dinamik hamda tarkibiy o’zgarishni baholash, faoliyat davomida erishilgan natijalarga omillar ta’sirini aniqlash va korxonada mavjud foydalanilmayotgan imkoniyatlarni topish bilan shug’ullanuvchi soha hisoblanadi. Yuqorida ishlab chiqilgan ta’rifning berib o’tilgan ta’riflardan farqli tomonlari shundan iboratki ushbu tarifda tahlil jarayonini barcha bosqichlari qamrovi mavjuddir.

Barcha korxonalar o’z faoliyati uning natijalari bo’yicha ma’lum axborotlarga ega bo’lishni, investorlar esa investitsiya kiritiladigan ob’yekt to’g’risida aniq va ishonchli axborot olishga shu bilan birga ushbu axborotlarni o’qish, ob’yektni hozirgi holatini baholash, risk darajasini to’g’ri aniqlashga intiladi. Korxonalarda o’z faoliyati qay darajada olib borilayotganligi, keyingi davrlarda korxonani yanada rivojlantirish, o’zida mavjud qo’shimcha imkoniyatlarni aniqlash hamda samarali boshqaruv qarorlarni qabul qilish uchun umumiy faoliyat davomida davomiy zarurat mavjud bo’ladi. Ammo boshqaruv apparati oldida yig’ilgan axborotlarni o’qiy olish , “raqamlarni gapirtirish” kabi dolzarb muammolar vujudga keladi. Korxona faoliyat natijalarini o’zida mujas-samlashtirgan raqamlarni tahlilsiz “gapirtirish”, ularni yetarli darajada “o’qish” mumkin emas. Shundan kelib chiqib aytishimiz mumkinki qurilish korxona-larida moliyaviy holat tahlili korxonaning ayni paytdagi moliyaviy holatini dinamik hamda tarkibiy o’zgarishlarni, faoliyat davomidagi omillar ta’sirini hamda mavjud foydalanilmayotgan imkoniyatlarni aniqlash dastagi hisoblanadi.

Yuqorida keltirilgan fikrlardan kelib chiqib qurilish korxonalarida moliyaviy holat tahlilini amalga oshirishdan maqsad belgilab olinadi. Qurilish korxonalarida moliyaviy holat tahlilini amalga oshirishdan maqsad qurilish korxonalarining ayni vaqtdagi moliyaviy holatini hamda moliyaviy holatni

[1]Pardaev M.Q. Iqtisodiy tahlil nazariyasi.Samarqand.: Zarafshon, 2005 yil, 183-bet.
[2]L.I.Donsova, N.I. NIkiforova., “Анализ финонсовой отчётност”, M: Дело и сервис, стр-6.

ifodalovchi ko’rsatkichlarni dinamik o’rganish, ushbu tahlil natijasida korxonaning moliyaviy holatini kelgusi darajasini pragnozlash va korxonalarda moliyaviy holatni yaxshilavchi mavjud lekin foydalanilmayotgan imkoniyatlarni aniqlash bo’lib hisoblanadi.

Keltirilgan maqsadga muvofiq qurilish korxonalarining moliyaviy holati tahlili oldiga quyidagi vazifalar qo’yiladi:

- qurilish korxonalarining moliyaviy holatini baholovchi ko’rsatkichlarni xalqaro standartlarga moslashtirish,
- qurilish korxonalarining moliyaviy hamda iqtisodiy salohiyatini baholash,
- korxonaning aktivlari hamda uning tashkil topish manbalarining holatini baholash,
- korxonaning aktivlari hamda uning tashkil topish manbalarining harakatini tahlil qilish,
- korxonaning aktivlari hamda uning tashkil topish manbalarining samaradorligini aniqlash,
- korxonaning rentabilligi, daromadliligi hamda natijaviyligini o’rganish,
- qurilish korxonalarining aktivlar bilan ta’minlanganligini baholash,
- qurilish korxonalarining to’lovga qodirligini hamda moliyaviy barqarorligini aniqlash,
- samarasiz aktivlar harakatini aniqlash hamda ularni rentabellikga chiqarish,
- korxonaning investitsiya samaradorligini baholash,
- korxonada mavjud ammo foydalanilmayotgan imkoniyatlarni aniqlash hamda ularni amaliyotga joriy qilish bo’yicha tavsiyalar ishlab chiqish.

Demak qurilish korxonalarida moliyaviy holat tahlili korxonaning to’liq moliyaviy holatiga “tashxis qo’yuvchi” hamda aniqlangan kamchiliklarni “davolash yo’llarini” ishlab chiquvchi soha hisoblanadi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti SHavkat Mirziyoyevning Oliy Majlisga Murojaatnomasi. -“Xalq so‘zi”, 2020 yil 25 yanvar.
2. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “Moliyaviy hisobotning xalqaro standartlariga o‘tish bo‘yicha qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi qarori, 2020 yil 24 fevral, PQ-4611-son.
3. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “Qurilish – montaj ishlari sifatini tubdan yaxshilash va qurilishni nazorat qilish tizimini takomillashtirish chora tadbirlari” to‘g‘risidagi PQ-4586 sonli qarori-06.02.2020.
4. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “O‘zbekiston Respublikasini qurilish tarmog‘ini modernizatsiya qilish, jadal va innovatsion rivojlantirishning 2021-2025 yillarga mo‘ljallangan strategiyasini tasdiqlash to‘g‘risidagi” PF-6119 sonli farmoni – 28.11.2020.
5. Аренс Э.А., ДЖ.К. Лоббек. Аудит. Учебник. М.: Финансы и статистика, 2001.
6. Shodmonov SH.SH, G‘afurov U.U. Iqtisodiyot nazariyasi. Darslik. T.: Fan va texnoligiya, 2005.
7. Гурков И.Б. Стратегический менеджмент организации. Учебное пособие. – М.: ТЕИС, 2004.

8. Гусева М.И., Коготкова И.З. Маркетинг в строительстве. Учебное пособие.(Серия «Высшая школа»). – М.: Книжный мир, 2011.
9. Miraxmedov M., , Shomirzayev E. Qurilish majmuasini tashkil etish va menejment. –Toshkent: TAQI, 2012.
10. Nurimbetov R.I. Loyihalar tahlili va ularni boshqarish. O'quv qo'llanma. - T.: TAQI, 2012.
11. Nurimbetov R.I. Korporativ boshqaruv.- (o'quv qo'llanma) – T.: TAQI, 2012.-156 b.
12. Rahimov Q.E. Qurilishda marketing va yagona buyurtmachi xizmatini tashkil etish. Darslik. – T.: TAQI, 2018.

F.O.O'roqov – SamISI, Iqtisodiy tahlil va statistika kafedrasi o'qituvchisi

O'ZBEKISTON AHOLISINING STATISTIKASI

Annotatsiya: Ushbu maqolada mamlaktimizning, xususan, Samarqand viloyatining so'nggi 5 yillik aholisi tarkibi tahlil qilingan, aholining o'zgarish dinamikasi ham tahlil qilingan.

Kalit so'zlar: aholi, demografiya, ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanish, iqtisodiy faol aholi, qishloq va shahar aholisi, xalq xo'jalik tarmoqlari, tabiiy o'sish, migratsiya.

Аннотация: В данной статье проанализирован состав населения нашей страны, в частности Самаркандской области, за последние 5 лет, а также проанализирована динамика изменения численности населения

Ключевые слова: население, демография, социально-экономическое развитие, экономически активное население, сельское и городское население, отрасли экономики, естественный прирост, миграция.

Abstract: This article analyzes the composition of the population of our country, in particular the Samarkand region, over the past 5 years, and also analyzes the dynamics of population change

Keywords: population, demography, socio-economic development, economically active population, rural and urban population, sectors of the economy, natural increase, migration.

7 sentabr soat 15:30 holatiga ko‘ra, O‘zbekiston aholisining soni 35 mln 140 nafarni tashkil etmoqda. Davlat statistika qo‘mitasi ma’lumotiga ko‘ra, shundan 17 mln 570 ming 70 nafari erkaklar, 17 mln 430 ming 70 nafari esa ayollardan iborat.

Республикамизда бугунги кунда инновацион иқтисодиётимиз олдида турган муҳим вазифа сифатида харажатларни камайтириш бош мақсад эканлигидан келиб чиқиб, технологик (боғланган) кластерларни иқтисодиётнинг барча тармоқларида қўллаш мумкин.

Саноат (янги саноат) кластерлари– юқори билим, илмий тадқиқот ва илмий ишланмалар натижаларига асосланган ҳолда мутлақо янги инновацион маҳсулотларни яратишга, юқори саноат технологик жиҳатларга таянадиган, территориал географик жиҳатдан яқин бўлган корхоналарнинг (компания, ташкилотлар) кооперация асосида ҳамкорлигига асосланади.

Саноат (янги саноат) кластерлари кўпроқ билимга, илмий тадқиқот натижаларига асосланганлиги учун иқтисодиётни саноат-лаштиришга йўналтирилганлиги билан бошқа кластерлардан фарқ қилади. Бунга жаҳон амалиётида тез суръатлар билан ривожлана-ётган ахборот технологиялари ва микро электроника каби соҳалар-даги кластерларни мисол қилиш мумкин. Саноат (янги саноат) кластерларида корхоналар илмий ишланмаларга йирик инвес-тициялар киритиб, янги саноат маҳсулотларини яратади. Улар одат-да кластерларни ташкил этиш географик хусусиятидан келиб чиқиб, кўпроқ шаҳар четларидаги саноатлашган зоналарда жойла-шади. Масалан, дастлабки, янги саноат (саноат) кластерлари АҚШ амалиётида қўлланилган бўлиб, Калифорниядаги Силикон водийсида ташкил этилган саноат кластерлари бунга ёрқин мисол бўлади. Бундай саноат (янги саноат) кластерларининг муҳим жиҳатлари корхоналарда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар бозорбоп, харидоргир бўлишлиги ҳамда чуқур илмий билим натижаларига асос-ланиши, шунингдек, улардаги муҳим харажатлар масалан, транспорт харажатларининг жами харажатлардаги улуши анча камлиги ва бошқа шу каби хусусиятларни ҳисобга олиш билан характерланади. Бундай кластерларнинг яна бир муҳим хусусияти жараёнда иштирок этаётган ҳар бир ходимга илмий ва технологик жиҳатдан чуқур билимга эга бўлиш талаби қўйилганлиги ҳамда янги инновацияларни яратиш ва уни амалиётга жорий этиш тезлиги юқорилигидан иборат. Ушбу кластерда иштирокчилар бўйича корхоналар ҳажми турлича бўлиб, трансмиллий корпорациялардан тортиб то кичик саноат корхоналари ҳам кластер аъзоси бўлиши мумкин.

Республикамизда бугунги иқтисодиётимизнинг жадал ривожлантириш учун саноат (янги саноат) кластерларининг сонини ошириш тақозо этилмоқда.

Интеллектуал (ақлий муҳит) кластерлари корхоналар ҳамкорлиги эмас, балки инсонлар интеллектуал (ақлий муҳит) ҳамкорлигига асосланади. Бунда юқори интеллектга эга, таж-риба-вий тадқиқот, қизиқарли инновацион лойиҳалар яратишга қодир бўлган салоҳиятли ходимлар ўзларининг билим, тажриба ва янги ғояларини алмашиши орқали субъектлар (корхоналар, ташки-лотлар, фирмалар) ҳамкорлиги – кластерлашни йўлга қўяди.

Жаҳон тажрибасидан келиб чиқиб, интеллектуал (ақлий муҳит) кластери дастлаб 1990 йилларда француз олимлари (Айдалот, Камагни ва Мелат) томонидан олиб борилган тад-қи-қотлар натижасида қўлланилганлиги аниқланган. Юқорида таъкидлан-ганидек, бундай интеллектуал кластерда инсонлар муҳим субъект сифатида ўзаро ҳамкорликка асосланиб шаклланади ҳамда бу иқтидорли ходимлар бир корхонада эмас, балки бир неча ҳар хил корхоналарда ишлашлари кластерларнинг муҳим жиҳатларидан ҳисобланади. Интеллектуал (ақлий муҳит) кластерида инсонлар ўзининг ҳамкасблари, сафдошлари, танишлари ва дўстлари билан билим, амалий тажриба алмашиш орқали ўзлари ишлаётган корхоналар фаолиятини тубдан ўзгартиришлари мумкин. Жаҳон тажрибасида бундай кластерларга мисоллар жуда кўп. Жумладан, Миланда жойлашган Емиля ва Романя фирмалари ҳамкорлиги шу типдаги кластерлашга асосланганлиги айтилган. Бунда мазкур фирмалар ходимлари вақти - вақти билан қизиқарли инновацион лойиҳаларда ўзаро ҳамкорликни фикрлар алмашинуви ҳамда муҳокамалар асосида амалга оширган. Интеллектуал кластерининг яна бир ўзига хос жиҳати бошқа кластерлар каби юқори даромад, фойда куришни ўз олдига мақсад қилиб қўймайди, балки кўпроқ тажрибавий тадқиқотлари, илмий тадқиқот натижаларини амалиётга татбиқ этишга, инновацияни ишлаб чиқаришга қўллашга асосланади. Шу сабабли, бу турдаги кластерлар барқарор эмас. Кўпинча бундай кластерлар ўз мақсадларига эришгандан сўнг тез тугатилиб кетишлари ҳам мумкин.

Бугунги кунда дунё амалиётида иқтисодиётни тезкор суръатлар билан ривожлантириш ҳамда соҳани чуқур биладиган билимли инсонларни интеллектуал қобилиятидан самарали фойдаланиш мақсадида бундай типдаги кластерларни кўплаб ташкил этиш долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Юқоридаги уч турдаги кластерларда корхоналар географик жиҳатдан бир-бирига яқин бўлган маҳаллий ишлаб чиқариш тармоғи сифатида бирлашади. Шу билан бирга, бундай кластерлар кўпинча амалиётда умумий қизиқишлар бўйича деярли кесиш-маслиги ҳам мумкин. Аммо, баъзан бир- бирига жуда яқин жойлашган корхоналарда уларнинг ўзаро таъсирининг мавжудлиги эътироф этилган.

Бугунги жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви шароитида инновацион кластерларни энг юқори даражадаги келажак турларидан бири **“ақлли” инновацион кластерлар** ҳисобланади. Бундай кластерлар –

келажак кластерлари сифатида эътироф этилади.

“**Ақлли**” **инновацион кластерлар** дейилганда ўзаро ҳамкорликнинг шундай кооперацион бирлашмаси ҳисобланадики, бунда ҳамкорликда иштирок этувчилар (интеллектуал иқтидорли инсонлар) ўзларининг ақлий интеллектуал қобилиятларидан фойдаланган ҳолда маълум бир географик ҳудудда рақамли иқтисодиётдаги “ақлли машина”, “ақлли технология” тамойилига асосланиб бир томондан рақобатчи, иккинчи томондан ҳамкор корхоналар (ташкилотлар, фирмалар)нинг маълум бир мақсад сари максимал фойда ва даромад олиш учун бирлашишига асосланади.

Рақамли иқтисодиётга мос инновацион кластерларни ташкил этишнинг иқтисодий ва ижтимоий асослари ҳамда афзалликлари қуйидагилар ҳисобланади:

- инновацион кластерларни ташкил этиш мақсадидан тортиб то уни юқори даромад олишигача бўлган барча жараёнларни инновацион янгиликлар, янги илмий тадқиқот натижаларига асос-ланиши;
- инновацион кластерларнинг барча жараёнларида рақамли иқтисодиёт элементларининг мавжудлиги, рақамли технологиядан фойдаланганлик ҳамда оқибатда ахборот технологияларнинг эришган ютуқларини кластерлаш жараёнида қўлланилиши;
- инновацион кластерларда **“фан-таълим-ишлаб чиқариш”** интеграцияси талабларига мос “фан-таълим-инновация-ишлаб чиқариш - истеъмолчи” занжири асосида кластерлашни истеъмолчи буюртмаси асосида йўлга қўйиш;
- инновацион кластерларда барча ҳамкорлар максимал фойда олиш ва харажатларни камайтиришга интилиши, рақобатбардош-ликни таъминлаши билан бирга юқори ижтимоий манфаатдорликни қондиришга қаратилиши билан ҳам характерланади.

Э.Н.Ходжаев – Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган иқтисодчи, СамИСИ «Молия» кафедраси профессори

МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЛАР ХАМДЎСТЛИГИ - 30 ЁШДА.

Аннотация. Мақолада 20 асрнинг охирига келиб СССР да юз бераётган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий вазиятлар инқирозга учраётганлиги ва бу вазиятдан чиқиш ўрнига СССР нинг тугатилиши унинг ўрнига МДҲ тузилиши унга кирган давлатларнинг яқин қўшничилик ва стратегик шерикчилик асосидаги ҳамкорлик масалаларига бағишланган.

Калит сўзлар. Сувиренитет, мустақиллик, ҳамдўстлик, МДҲ, Деклорация, стратегик шерикчилик.

Анотация. В статье приведен вывод о том, политическая, экономическая и социальная ситуация в СССР в конце XX века была кризисной, и вместо выхода из этой ситуации СССР был упразднён и заменен на СНГ, обратив всё внимание

на вопросы сотрудничества, основанных на тесном соседстве и стратегическом партнерстве государств.
Ключевые слова. Суверенитет, Независимость, Содружество, СНГ, Декларация, Стратегическое партнерство.
Abstract. The article states that by the end of the twentieth century the political, economic, social situation in the USSR was in crisis and a way out of this situation instead, the dissolution of the USSR was replaced by the CIS structure, which focused on issues of cooperation based on close neighborliness and strategic partnership of the member states.
Keywords. Sovereignty, Independence, Commonwealth, WHO, Declaration, Strategic Partnership.

1991-йилнинг 21-декабр куни тарих саҳифаларига “Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги” тузилган кун сифатида ёзилди. Ўзининг туғилганига 70 йил тўлишига 1 йил 9 кун қолганида СССР тугатилди.

ХХ асрнинг охирига келиб СССРда аҳвол кундан кунга оғирлашиб, аҳолининг турмуш даражаси пасайиб, сиёсий иқтисодий, ижтимоий вазиятар мураккаблашиб, республиклалараро, миллатлараро муносабатлар кескинлашиши кучайиб бормоқда эди. Юз берган оғир мавжуд аҳвол тобора чалкашиб бораётган мураккаб вазият бутун Совет Иттифоқи олдида турган бир пайтда бундай вазиятдан чиқиб кетиш мақсадида Иттифоқ билан унинг таркибидаги республикалар ўртасидаги сиёсий, иқтисодий муносабатларни шартнома тузиш йўли билан белгилаш кераклиги тўғрисида масала кўтарилган эди. Бундай шартнома дастлаб “Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги” деб аталаётган эди. Лекин шартнома лойиҳасини тузишда ва уни муҳокамасида қатнашган Ўзбекистоннинг биринчи

Президентининг Давлат маслаҳатчиси академик Хожи Акбар Раҳмонқулов шартнома комплексига ўзгартириш ва уни “Суверен давлатлар ҳамдўстлиги” деб номлашни таклиф этди. Бу таклиф кўпчилик томонидан мақулланди.

Ўзбекистон Республикаси мустақил давлат сифатида Совет Иттифоқи таркибида сақланиб қолиши ва “Суверен давлатлар ҳамдўстлиги” тўғрисидаги шартномага қўшилиши унинг 1990-йил 18-20-июнда бўлиб ўтган Олий Советнинг иккинчи сессиясида қабул қилинган “Мустақиллик Декларацияси”да маълум қилинди.

Республика раҳбарлари томонидан мақулланган ва 1991-йил 21-августда Кремлнинг Гиоргиевский залида улар томонидан имзоланиши керак бўлган “Суверен давлатлар ҳамдўстлиги” тўғрисидаги шартнома ўша йилнинг 19-августида рўй берган СССРда фавқулодда ҳолат давлат коммитетининг (ГКЧП) ҳаракати туфайли қўл қўйилмай қолиб кетди. Шундай вазиятдан чиқиш учун Ўзбекистон 1991 – йил 31-августида Олий Мажлис томонидан қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллик асослари тўғрисидаги” қонунга мувофиқ биринчи бўлиб Совет Иттифоқидан мутлақ ажралиб чиқди ва тўлиқ суверенитет эълон қилинди.

Шундан сўнг бирин кетин бошқа республикалар ҳам ўз суверенитетини эълон қилишди. СССР нинг умри тугаб бормоқда эди.

Шундай вазиятда 1991-йилниг 8-декабрида Беларуссиянинг Беловежск Пушшасидаги жойда Россия Федерациясининг Президенти Борис Елъцин, Украина Президенти Леонид Кравчук, Беларуссия ССР Олий Советинг раиси Владислав Шушкевичлар тўпланишиб(бу учрашувга Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев ҳам чақирилган эди, лекин у кишини самалёти Москвага қўниб техник сабаблар билан уча олмайди деган сабабни баҳона қилиб учрашувга бормай М.Горбачов ҳузурига боради.) Советларнинг I -съездида 1922-йил 30-декабрда СССРнинг тузилганлиги ҳақидаги қарорни бекор қиладилар ва СССР ўрнига "Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги" тузилишини эълон қиладилар.

Турли даражадаги учрашувлардан сўнг музокоралар натижасида Қозоғистоннинг пойтахти Олмаота шаҳрида 1991 йил 21 декабр куни мустақил давлат раҳбарларининг йиғилиши бўлиши кераклиги ва унда СССР ҳамда Президент М. Горбачевнинг тақдири ҳал этилиши керак эди.

Шу мақсадда Ўзбекистон Президенти ва Олий Кенгаш томонидан Олмаота шаҳрида ўтказиладиган йиғилишда қатнашадиган республика ҳукумат делегацияси таркиби белгиланди: Делегация таркибида ишчи гуруҳи тузилди ва улар Олмаота шаҳрига тезроқ бориб, Президентлар учрашувига керакли ҳужжатларни тайёрлаши керак эди. Шу мақсадда Э. Хўжаев, Э. Халилов, Ш. Уразаев ва Х. Одилқораев 19 декабр куни самолёт билан Олмаотага шахрига етиб келди ва даставвал Қозоғистон Республикаси Президентининг ёрдамчиси К.В.Жигаловга учрашди. Сўнгра Қозоғистон Республикаси вице-призеденти Е.Асанбаев билан суҳбатлашиб Олмаота учрашуви материалларини ўрганди. Асосий ҳужжатлар ҳамда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Декларацияси уч шаклда бизга берилди. Биринчиси Белорус ва Қозоғистон Республикалари биргаликда, иккинчиси Россия ва Қозоғистон Республикалари биргаликда ва учинчиси Украина томонидан тайёрланган вариантлар ва таклифлар эди.

Бундан ташқари 1991 йил 8декабр куни Белоруссиянинг Беловежская Пушша деган жойида имзоланган Россия,Украина, Белоруссия томонидан МДҲ ни ташкил этиш ҳақида тузилган протокол,у ҳам икки шаклдан иборат эди. Кун тартибига муҳокима учун киритиладиган учинчи масала - ташқи сиёсат соҳасидаги ҳамкорлик ҳақидаги келишув; тўртинчи масала- СССР Призеденти М.С.Гарбачевнинг тақдири;бешинчи масала - МДҲга бошқа мамлакатларнинг қўшилишлари ҳақида протокол; олтинчи - масала СССР маданият вазири Н.Губенконинг Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги бошлиқларига йўллаган мурожаатномаси эди.

19 декабр куни кеч соат 2:00 гача бизнинг ишчи гуруҳимиз аъзолари бошқа республикаларнинг вакиллари билан бирга барча ҳужжатларни муҳокамадан ўтказиб, ўз фикрларимизни билдирдик. Россия вакили Сергей Шахрай эса Белоруссияда уч давлат бошлиқлари имзолаган ҳужжатни тўлалигича қабул қилинишига ўринди. Бизлар ўз фикрларимизни очиқ

айтиб, асосий матнга кўп ўзгартиришлар киритдик. Баъзи бир масалалар бўйича аниқ бир тўхтамга келолмаганлигимиз туфайли йиғилишга раислик қилувчи Козоғистон Республикасининг вице-президенти Е. Асанбаев келиша олмаган барча масалаларни давлат бошлиқлари кенгашига ҳавола қилиш таклифини ўртага ташлади. Бу ҳаммага маъқул тушди.

20 декабр куни барча мустақил давлатлар бошлиқлари Олмаота шаҳрига кела бошладилар. Ислом Каримов тушган самолёти кеч соат 18:15 да Олмаота аэропортига қўниши мўлжалланганди. Э. Хўжаев, Ш. З. Уразаев, Х. Одилқориев, Э.Халилов Ислом Каримовга пешвоз чиқиш мақсадида вақтлироқ аэропортга келдик ва мехмонларни кутиб олиш залида Қозоғистон Республикаси Президенти Н.А.Назарбоев ҳамда республиканинг бошқа раҳбарлари ҳозир бўлган эканлар, улар билан саломлашгач, икки бор қисқа муддатда суҳбатлашдик. Шу ўринда Қозоғистон Президенти Н. Назарбоев бизда яхши таассурот қолдирди, ўзининг билимдонлиги, камтарлиги, самимиятига қойил қолдик. Мен Н. Назарбоевга кун тартибига СССР нинг чет эллардаги элчихоналари ҳақидаги масалани киритиш, ҳар бир мустақил давлат уларда ўз улушига эга бўлиши кераклигини айтдим.

Олмаота аэропортига дастлаб Арманистон раҳбарининг самолёти қўнди. Тер Петросян бошлиқ бу делегация ўта туриб, биз билан саломлашди. Сўнгра Украина Президенти Л. Кравчук ҳам сўрашди. Мўлжалланган пайтда Ислом Каримов тушган ҳаво кемаси ҳам келиб қўнди. Унинг трапи ёнида биз Ислом Каримовни ва делегациянинг бошқа аъзоларини кутиб олдик ҳамда автомашиналарда Президентимизга ажратилган Медео томон олиб борадиган йўлдаги биринчи қароргоҳга етиб келдик. Ислом Каримов бизлар билан қисқача суҳбатлашгач, Н. Назарбоевнинг ҳузурига жўнаб кетди. Бизлар эса яна Қозоғистон Республикаси вице-президенти хонасига бориб, бошқа давлатларнинг ишчи гуруҳлари билан ҳужжатлар устида ишлашни ярим тунгача давом эттирдик.

21 декабрда эрталаб нонуштани меҳмонхонада қилгач, Ислом Каримов турган қароргоҳга йўл олдик. Бу ерда СССР маданият вазири Н. Губенко билан учрашув бўлди. Сўнгра барчамиз картеж ҳамроҳлигида Қозоғистон Республикаси Президенти Н. А. Назарбоев йиғилиш ўтказадиган мажлислар залига етиб келдик. Соат 11:30 да стол атрофига ўн бир давлатнинг бошлиқлари тўпланишди ҳамда Қозоғистон раҳбари йиғилишга раислик қила бошлади.

Дастлаб МДҲ давлатларига аъзо бўлиш масаласи ва унинг декларацияси муҳокама этилди. Б. Ельцин ўз стули билан гоҳ орқага, гоҳ олдинга ҳаракат киларкан, сўзга чиққанларнинг гапларини бўлиб, ўз муносабатини баён қиларди. Бироз вақт ўтгач, Ислом Каримов
Б. Ельцинга мурожаат этиб, йиғилиш раиси Н. Назарбоев эканини ҳамда иштирокчиларнинг барчаси фақат унинг рухсати билан сўзлаши мумкинлигини эслатдилар. Б. Ельцин бунга рози бўлиб, кейин ўрнида жим ўтирди. Йиғилишга навбати билан В. Шушкеевич, Б. Ельцин, Л. Кравчук

ва Н. Назарбоевлар раислик қилдилар.

Йиғилишдаги барча масалалар муҳокамасида Ислом Каримов фаол иштирок этди. Шу тариқа ўз фикрлари билан декларация пухта ишланишига ҳисса қўшди. Айрим масалалар юзасидан қарор қабул қилинмади. Бу борада Минск шаҳрида 30 декабр куни бўлиб ўтадиган навбатдаги йиғилишда бир тўхтамга келиниши айтилди. Президентлардан бири 30 декабр бу СССР ташкил топган кун эканлигини эслатганда Б. Ельцин «Энди бу кун СССРнинг тугатилиш куни бўлади» деб луқма ташлади. Икки танаффусдан сўнг залда фақат Президентларнинг ёпиқ эшик ортидаги учрашувлари бўлиб ўтди. Кейинчалик бизга маълум килинишича, унда СССР Президенти М. Горбачевнинг тақдири ҳақидаги масала муҳокама қилинган, ҳамда 1992 йилда МДҲ мамлакатлари иқтисодиётини барқарорлаштириш йўллари хусусида фикр алмашилган экан.

Шу куни соат 17:15 да Олмаота шаҳрининг «Дўстлик уйи» саройида муҳим тарихий воқеа содир бўлди. Ўн бир мамлакатнинг раҳбарлари МДҲ тузилганлиги тўғрисидаги Декларацияга имзо қўйдилар.

Олмаота Деклорацияси қабул қилинди, унда республика раҳбарлари Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги барпо этилиши билан Совет Социалистик Республикалар иттифоқи фаолияти тўхтатилиши, Ҳамдўстликда қатнашувчи давлатлар ўз конститутцияларидаги тартиб-қоидаларга биноан собиқ СССР иттифоқининг шартномалари ва битимларидан келиб чиқадиган халқаро мажбуриятларнинг бажарилишига кафолат берадилар. Ҳамдўстликда қатнашувчи давлатлар ушбу декларация қоидаларига оғишмай риоя етиш мажбуриятини олдилар. Президентлар Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлат бошлиқларининг кенгашини Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг мувофиқлаштирувчи муассасалари тўғрисидаги битимга, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигини тузиш тўғрисида 1991-йил 8-декабр куни Минск шаҳрида Беллорусия Республикаси, Россия Федерацияси (РСФСР), Украина томонидан имзоланган битимга доир протоколни имзоладилар. Протоколда Озорбайжон Республикаси, Арманистон Республикаси, Беллоруссия Республикаси, Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Молдова Республикаси, Россия Федерацияси (РСФСР), Тожикистон Республикаси, Туркманистон Республикаси, Ўзбекистон Республикаси ва Украина тенг ҳуқуқлар асосда ҳамда аҳдлашувчи олий томонлар сифатида Мустақил давлатлар ҳам дўстлигини тузадилар.

Нима бўлса ҳам ХХ асрнинг охирида халқаро муносабатларда янги давр бошланганди. Делегациямиз аъзолари 21 декабр куни тунда Тошкентга қайтди. Энди 30 декабр куни Минск шаҳрида ўтказилиши режалаштирилган МДҲ давлатлари бошлиқларининг йиғилишига тайёргарлик кўриш керак эди. Шу максадда республикамизда ҳам ишчи гуруҳи тузилди. Унинг таркибида Т. Я. Шарипов (Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари), Э. Хўжаев, Э. Д. Бокибоев (молия вазири), Ф. М. Муллажонов (Марказий банк бошқарув раиси) бўлиб, 25-26 декабр

кунлари Москвага бориб, Россия Федерацияси вазирликлари ва Давлат банки раҳбарлари билан музокаралар ўтказдик. Шу тариқа Минск ҳужжатларини тайёрлашда иштирок этдик. 26 декабр куни Москвага, бизнинг ҳузуримизга Тошкентдан Олий Кенгаш раисининг ўринбосари Б. Бугров ва қўмита раиси А. Аъзамхўжаевлар келишди. Улар бизлар томонимиздан тайёрланган ҳужжатларни олиб, Минск шаҳрига учиб кетдилар.

Москвадаги учрашувлар пайтида собиқ СССР Давлат банки бошлиғи В. Герашченко билан қилган суҳбатимиз айниқса чуқур таассурот қолдирди. Ўша мулоқотимиз ниҳоясида бу одам менга ва Ф. Муллажоновга яқиндагина СССР Герби билан чиқарилган 10 сўмлик тангани ҳадя этди.

МДҲ тузилиши энди унинг аъзолари ўртасида янгича сиёсий-иқтисодий алоқаларни ўрнатишни тақозо этарди. Бу МДҲ структуралари тузилишига қадар Ўзбекистон икки томонлама алоқаларга қаратди. МДҲ аъзо давлатларнинг ҳар бири билан тузилган тўғри иқтисодий алоқалар ўрнатила бошланди. Бу борада Ўзбекистон-Россия иқтисодий алоқалари алоҳида ўрин эгаллайди. Мен бу мақолада фақат охирги йиллардаги икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий алоқаларга қаратмоқчиман.

Иккинчи бор мамлакат Президенти этиб сайланган Шавкат Миромонович Мирзиёев Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги нутқида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари билан кўп томонлама муносабатларни янги амалий маъно-мазмун билан бойитишимиз, энг аввало, Марказий Осиё минтақасидаги барча мамлакатлар билан яхши қўшничилик ва стратегик шерикчилик муносабатларини тобора кучайтириш бундан буён ҳам асосий мақсадимиз бўлади деб таъкидлади.

Сўнги беш йилликдаги ислоҳотлар мамлакат тараққиётида янги босқични бошлаб берди ва “Янги Ўзбекистон” концепсиясини ҳақиқатга айлантирмоқда.

Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги сиёсий, иқтисодий, маданий алоқалар йилдан йилга юқори поғоналарга кўтарилмоқда. 2018-йил 19-октябр куни Тошкентда биринчи Ўзбекистон-Россия ҳудудлараро форуми бўлиб ўтди. Унинг якунларига кўра ҳудудий корхоналар ўртасида 136 та инвестиция лойиҳасини амалга ошириш бўйича келишувларга эришилди.

Жорий йилнинг 17 ноябр куни Москвада II-ҳудулараро ҳамкорлик форуми 800 дан ортиқ шерикчилик ўртасида ўтказилган музокаралар натижасида умумий қиймати 9 миллиард долларлик 600 га яқин ҳужжатлар имзоланди. Иккала давлат Президентларининг таъкидлашича бу кўрсаткич яқин йилларда 14 миллиард долларга етказилади.

Ҳозирги кунда Ўзбекистоннинг ташқи савдо оборотида Россия биринчи ўринга кўтарилди ва бу кўрсаткич 18 % ни ташкил этади.Яқин ўрта истиқболда мамлакатлар ўзаро савдо кўрсаткичларини 10 миллиард долларга етказишни режалаштирмоқда.

Ўзбекистон учун яна бир муҳим соҳа бу таълим тизимидир.

Агар 2016 йилгача Ўзбекистонда Россиянинг 3 та олий ўқув юрти филиаллари фаолият юритаётган бўлса, бугун уларнинг сони 15 тага этди. Республикамизнинг 34 та олий ўқув юртида 48 та Россия олий ўқув юрти билан ҳамкорликдаги ўқув дастурлари асосида мутахассислар тайёрланмоқда. Россиянинг атоқли университетларининг филиалларини очиш орқали олий таълимнинг энг юқори стандартларини таъминлашга интилиш амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон билан Россиянинг ўзаро муносабатларининг жадал юксалиши, бойиб бориши сўнги беш йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёев давлат раҳбарлигига сайлангандан сўнг юзага келди.

Ш.М.Мирзиёев учун Россия билан муносабатларни ривожлантириш ташқи сиёсатдаги устувор йўналишлардан биридир.

Россия Президенти В.В.Путин хам такидлаганидек Россия Федерацияси учун Ўзбекистон - Марказий Осиёдаги истиқболли ва мухим шерик хисоблнади. Бу гапларни тасдиғи сифатида охирги йилларда Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги иқтисодий алоқаларга назар ташласак бўлади.

МДХ Декларациясига амал қилган холда Ўзбекистоон тамони нафақат Россия билан балким МДХ бошқа мамлакатлари билан хам мустақил иқтисодий алоқаларни ривожлантирмоқда. Агар 2016-йилда Ўбекистоннинг ташқи савдо айланма МДХ мамлакатлари билан 8388.1млн доллорни ташкил этган бўлса бу кўрсаткич 2020-йилда 1189,4 млн доллорни ташкил этди. Шу жумладан Самарқанд вилояти бўйича бу кўрсаткич 308.6 млн доллордан 539.2 млн доллорга етди. Айниқса қўшни мамлакатлар билан олиб борилаётган иқтисодий хамкорлик мақтовга сазавордир. 2020-йил якунларига кўра пандемия тасирига қарамасдан Қозоғистон билан ташқи савдо айланмаси 3018.5 млд доллорни ташкил этди, қўшма корхоналар сони 809 донага етди, Қирғизистон билан 903.1 млн доллор ва 156 та қўшма корхона, Тожикистон билан 501.9 млн доллор 161 та қўшма корхона ташкил етмоқда. Беларус, Озорбайжон, Арманистон, Молдова билан хам хамкорлигимиз йилдан йилга ошиб бормоқда.

Хозирги кунда.МДХ мамлакатлари сармояси билан Республикада 4457 та корхона фаолият юритаётган бўлса шундан 130 таси Самарқанд вилоятига тўғри келмоқда.

30 йил тарих учун унга катта давр эмас, шу вақтда фақат иқтисодий сохадаги хамкорлигимиз эмас бошқа сохалардаги хамдўстлигимиз хам янги поғонага чиқмоқда.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг олиб бораётган сиёсати барча МДХ давлатлари рахбарлари ўртасидаги муносабатлар халқ манфаатларига хизмат қилмоқда ва МДХ жахонда ўз мавқейини кундан-кунга мустаҳкамлаб бормоқда.

А.Бектемиров –СамИСИ и.ф.д., проф.в.б.
А.А. Бектемиров – СамИСИ таянч докторанти

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СУБЪЕКТЛАРИ ФАОЛИЯТИДА РИСКЛАР ВА УЛАРНИНГ МОҲИЯТИ

Аннотация: мақолада хизмат кўрсатиш субъектлари фаолиятида рисклар ва уларнинг моҳиятини очиб беришда хизмат қиладиган рисклар ва таваккалчилик тушунчаларининг тарифи баён қилинган.

Калит сўзлар: бизнес, инновацион, техник, технологик, риск, таваккалчилик, статистик, рискли, эҳтимолли, иқтисодий ҳодиса, рискли ҳаракат.

Аннотация: В тезисах доклада дано определение рисков в деятельности субъектов обслуживания и понятий рисков, служащих для раскрытия их сущности.

Ключевые слова: бизнес, инновация, технический, технологический, риск, статистический, рискованный, вероятный, экономическое событие, рискованное действие.

Abstract: The thesis of the report describes the definition of risks in the activities of service entities and the concepts of risks and risks that serve to reveal their essence.

Keywords: business, innovation, technical, technological, risk, statistical, risky, probable, economic event, risky action.

Ҳар қандай бизнеснинг ривожланиши инновацион техник ва технологик янгиликларни амалиётга тадбиқ этишни тақозо этади. Шу билан тадбиркор рискдан қочишга ҳаракат қилади ва таваккалчилик оқибатларини юмшатиш учун уни баҳолаш ва бошқариш усулларига таянади. Ўз навбатида ноаниқлик шароитида рискларни бошқариш жуда мураккаб. Чунки рискларнинг вужудга келиш хусусиятлари олдиндан маълум эмас. Шунинг учун ҳам тадбиркорлик қарорлари аксарият ҳолларда бир неча мумкин бўлган муқобил вариантлардан воқеалар ривожи сценарийсини танлаш билан боғлиқ ва уларнинг натижаларини башорат қилиш жуда қийин, баъзида рискларга тегишли статистик маълумотлар йўқлиги сабабли башоратлаш мумкин бўлмайди. Бундай шароитда албатта тадбиркор ўз фаолиятида таваккал қилади.

Риск тушунчаси тўғрисида бир қатор иқтисодчи олимлар[1] ўз фикр-мулоҳазаларини баён қилган бўлсада, ахборотлар оқимининг шиддатли

[1] Акимов В.А., Воронов С.П., Радаев Н.Н. Концепции риска и концепции анализа риска // Стратегия гражданской зашиты : проблемы и исследования. 2013. Вып. № 2. Т. 3. С. 562-567.; С.М.Васин, В.С.Шутов Управление рисками на предприятии учебник. М. : КНОРУС, 2007.; Вишняков Я.Д., Радаев Н.Н. Обшая теория рисков : учебное пособие. М. : Академия, 2008.; Мулен Г. Теория игр с примерами из математической экономики. М. : Мир, 1985.; Гурнович Т.Г. и другие. Учебник. Оценка и анализ риска. М.: Кнорус, 2019,252с.; Фирсова О.А. Управление рисками организаций. Учебное пособие Орел: МАБИВ, 2014.-100с.; Соколова И.А. Управление предпринимательскими рисками на предприятиях сферы услуг. Автореферат диссертации на соискание ученой стпени к.э.н., Тольятти-2005.; Хитрова Е.М.Основқ управления рисками. Учебное пособие.Иркутск. Издательство БГУ. – 2016.; Кузнецова Н.В. Управление рисками. Учебное пособие. Издательства Дальневосточного университета, 2004.

ўсиши ва кескин тезлашуви оқибатида уларга янгича, замонга мос ёндошувлар зарур бўлади. Аввало риск тушунчасининг мазмун моҳиятини аниқ билиш ва шунга яраша ҳаракат тадбирини рузиш ва амалга ошириш зарур. Иқтисодий адабиётларда риск тўғрисида таърифлар келтирилган бўлсада, уларда баъзан риск тушунчасини таваккалчилик билан бир хил маънодаги тушунча деб қаралади. Рискларни бошқаришда аввало унинг мазмун моҳиятини тўлиқ тушуниш зарур. Шу нуқтаи назардан бизнинг назаримизда таваккалчилик тушунчасининг мазмун моҳиятига ҳам аниқлик киритиш зарур. Шу мақсадда рискнинг алоҳида хусусиятларига эътибор берайлик. Риск ноаниқликлик сифатида мумкин бўлган натижаларни (ижобий ва салбий) эҳтимолли тақсимлаш концепциясига таянади. Ушбу концепция доирасидаги риск - бу қарорларнинг турли хил натижалари ўртасидаги номувофиқлик ўлчовидир, улар фойдалилиги, зарарли эканлиги, шунингдек танланган мезонларга мувофиқлиги мезонларига мувофиқ самарадорлиги билан баҳоланади. Ушбу концепция қарорлар қабул қилиш назариясида ноаниқлик шароитида, ўйин назариясида қўлланилади. Шу нуқтаи назардан, рискларни бошқариш ўз предмети сифатида кутилган натижалар ва ҳақиқий натижалар ўртасидаги фарқни камайтиради.

Рискнинг пайдо бўлиш мавҳумлиги, у тўғрисидаги маълумотларнинг мавжуд эмаслиги уни аниқ башоратлаш имконини бермайди. Шундай бўлсада риск, бизнесни ривожлантиришни рағбатлантирган ҳолда, тадбиркор янгиликларни амалиётга жорий этиш бўйича дадил, баъзида одатий бўлмаган қарор қабул қилади. Юқорида келтирилган фикр мулоҳазаларга кўра тадбиркорлик рискларига қуйидагича тариф беришни лозим деб топдик: риск бу – рақобат шароитида бизнес жараёнлари иштирокчиларининг фаолият натижаларини аниқ башорат қилиш имконини бермайдиган, айни пайтда бизнеснинг ривожланишини рағбатлантирадиган техник ва технологик янгиликларни амалиётга дадил ва одатий бўлмаган қарорлар қабул қилиш орқали жорий қилинадиган ***ҳодисадир.***

Демак рискни биз иқтисодий ҳодиса сифатида тушунишимиз зарур. Кўпчилик ҳолатларда риск билан таваккалчилик тушунчаларини мазмунан бир хил тушунчалар деб тарифланиши тўғридек туюлсада, лекин, бизнинг назаримизда унинг асл моҳиятига эътибор берадиган бўлсак, таваккалчилик бу маълум бир ҳаракатни билдиради. Бундай ҳаракат албатта риск билан боғлиқ бўлади. Бундан хулоса чиқариб, таваккалчилик тушунчасига тариф берадиган бўлсак таваккалчилик бу фаолият натижаси аниқ бўлмаган рискли ҳаракатдир. Шундай экан, бундай ҳаракатнинг муваффақияти рискларни таҳлил қилиш ва мумкин қадар объектив баҳолаш муҳим аҳамиятга эга.

Юқорида келтирилган фикр мулоҳазлар иқтисодий адабиётларда келтирилган риск тушунчаси ҳамда таваккалчилик тушунчаларининг асл мазмун моҳиятини очиб беришга хизмат қилади. Шу билан бирга рискларни таҳлил қилишда унга иқтисодий ҳодиса сифатида, таваккалчиликни эса ҳаракат сифатида тушуниш имкониятини яратади.

З.Ю.Аминов– СамИСИ доценти в.б., и.ф.н.,
А.А.Раджабов – СамИСИ магистранти

РАҚОБАТГА ЗИД ҲАРАКАТЛАР ВА КЕЛИШУВЛАРГА БАРҲАМ БЕРИШДА МОНОПОЛ ЮҚОРИ ВА МОНОПОЛ ПАСТ НАРХНИ ҚЎЛЛАШ АНИҚЛАНГАНДА ЧОРА-ТАДБИРЛАР КЎРИШ ТАРТИБИ

Аннотация: Мақолада Монопол юқори ва монопол паст нархни қўллаш аниқланганда чора-тадбирлар кўриш тартиби ҳамда Давлат томонидан нархни тартибга солиш усулларини қўллаш яъни декларация қилиш, тасдиқлаш, қатъий белгиланган ёки чекланган нарх (тариф)ларни ўрнатиш, тартибга солувчи коеффициент, устама ва рентабелликни чегараланган даражаси усулларининг моҳияти тўлиқ очиб берилган.

Калит сўзлар: Монополия, рақобат, табиий монополиялар, истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари, нарх.

Аннотация: В статье описан порядок принятия мер по определению применения монопольных и монопольно низких цен, а также применение методов регулирования цен государством, т.е. декларирование, утверждение, установление фиксированных или предельных цен (тарифов), регулирующих коэффициентов, маржа и ограниченная доходность полностью раскрыты.

Ключевые слова: Монополия, конкуренция, естественные монополии, права потребителей, цена.

Abstract: The article describes the procedure for taking measures to determine the use of monopoly and monopoly low prices, as well as the use of methods of price regulation by the state, i.e. declaration, approval, setting of fixed or marginal prices (tariffs), regulatory coefficients, margins and limited returns are fully disclosed.

Keywords: Monopoly, competition, natural monopolies, consumer rights, price.

Амалга оширилган таҳлил якунлари бўйича монопол юқори ёки монопол паст нарх қўлланилиши белгилари аниқланганда монополияга қарши орган ўрганиш якунлангандан кейин уч кун мобайнида Вазирлар Маҳкамасининг 2005-йил 12-октабрдаги 225-сон қарори билан тасдиқланган Рақобат, табиий монополиялар, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун иш қўзғатиш ва уларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги ҳужжатга мувофиқ чора-тадбирлар кўради[1].

Юқорида кўрсатиб ўтилган ҳужжатларга мувофиқ рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузган субектга нисбатан қўзғатиладиган иш монополияга қарши органнинг махсус комиссияси томонидан кўриб чиқилади. Кўриб чиқиш якунлари бўйича кўрсатма

[1] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг қарори. “Рақобат, табиий монополиялар, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун иш қўзғатиш ва уларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”. Тошкент ш., 2005 йил 12 октябрь. 225-сон. https://lex.uz/ru/docs/878462

бериш ёки ҳуқуқни бузиш мавжуд емаслиги тўғрисида қарор қабул қилинади.

Монопол юқори ёки монопол паст нарх аниқланганда бундай нарх қўлланилиши билан етказилган зиён (бой берилган фойда) хўжалик юритувчи субектлар — рақобатчилар ёки истеъмолчилар (контрагентлар) томонидан суд тартибида ундирилиши мумкин.

Монополияга қарши органга маълумотлар тақдим етилмаслиги ёки ўз вақтида тақдим етилмаслиги, ишончсиз ёки ёлғон маълумотлар тақдим етилиши учун хўжалик юритувчи субектлар, уларнинг мансабдор шахслари қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

Нархларни тартибга солиш органи ва ўз ваколатлари доирасида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан нархлари давлат томонидан тартибга солинадиган ижтимоий аҳамиятли ва стратегик товарларга қатъий белгиланган ёки чекланган нархларни (тарифларни) белгилаш:

-ижтимоий аҳамиятли ва стратегик ҳисобланган, уларга нархлар (тарифлар) давлат томонидан тартибга солинадиган, монополист корхоналар томонидан ишлаб чиқариладиган ва сотиладиган товарларга нархларни (тарифларни) ёки уларнинг чекланган даражаларини, тартибга солувчи коеффициентни, устама ёки чекланган рентабелликни декларация қилиш (кейинги ўринларда товарларга нархларни (тарифларни) декларация қилиш деб аталади);

-табиий монополиялар субектлари томонидан ишлаб чиқариладиган ва сотиладиган товарларга нархларни тартибга солиш органи томонидан нархларни (тарифларни) ёки уларнинг чекланган даражаларини тартибга солувчи коеффициентни, устама ёки чекланган рентабелликни тасдиқлаш (кейинги ўринларда нархларни (тарифларни) тасдиқлаш деб аталади);

-нархларни тартибга солиш органи билан келишиш ёки Оʻзбекистон Республикаси Президентининг қарорларига мувофиқ алоҳида товарларга қатъий белгиланган ёки чекланган нархларни (тарифларни) ва устамаларни белгилаш ёʻли билан амалга оширилади.

Хўжалик юритувчи субект (шу жумладан, монополист корхона, табиий монополия субекти) декларация қилинган (тасдиқланган, белгиланган) нархларни (тарифларни) мустақил пасайтириш ҳуқуқига егадир. Бунда:

-монопол паст нархлар белгилаш мақсадида нархларни (тарифларни) пасайитиришга ёʻл қўйилмайди;

-нархларни (тарифларни) пасайтириш бир вақтнинг ўзида барча истеъмолчилар учун амалга оширилади, кейничалик нархларни тартибга солиш органи хабардор қилинади";

Нархларни (тарифларни) декларация қилиш (тасдиқлаш) нархларни тартибга солиш органида:

-ишлаб чиқариш табиий монополия шароитларида амалга ошириладиган товарга табиий монополия субекти томонидан, шунингдек,

нархи давлат томонидан тартибга солинадиган товарга монополист корхона томонидан унинг тегишли Давлат реестрига киритилганлиги тўғрисида билдиришнома олинган кундан бошлаб бир ой муддатда;

-нархи давлат томонидан тартибга солинадиган товарга хўжалик юритувчи субект томонидан у сотилгунга қадар;

-юқорида кўрсатиб ўтилган товарларга нархлар (тарифлар), устамалар, чекланган рентабеллик ошганда ва тегишли коэффициент ўзгарганда таъминланади";

-товарларни експорт қилувчи хўжалик юритувчи субектлар (шу жумладан, монополист корхоналар ва табиий монополия субектлари) улар бўйича ҳисоб-китобларни шартномавий (еркин) нархлар бўйича амалга оширадилар, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно";

Нархларни тартибга солиш органи ва ўз ваколатлари доирасида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан нархлари давлат томонидан тартибга солинадиган ижтимоий аҳамиятли ва стратегик товарларга, шунингдек, О'збекистон Республикаси Президентининг қарорларида нархларини тартибга солиш назарда тутилган айрим товарларга қатъий белгиланган ёки чекланган нархларни (тарифларни) ва устамаларни шакллантириш ва белгилаш тартибиюқоридакўрсатилганҳужжатларгамувофиқ амалга оширилади.

Нархлари (тарифлари) Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорларига мувофиқ тартибга солинадиган товарларни ишлаб чиқарувчи ва сотувчи хўжалик юритувчи субектлар нархлар (тарифлар)ни:

-норматив ҳужжат чиққан кундан бошлаб бир ой муддатда (агар унда бошқа муддат назарда тутилмаган бўлса);

-нархлар (тарифлар), устама нарх, чекланган рентабеллик ошганда ва тартибга солувчи коэффициент ўзгарганда нархларни тартибга солувчи органда тасдиқлаши (келишиб олиши) шарт";

Табиий монополия субекти, монополист корхона томонидан декларация қилинмасдан (тасдиқланмасдан) нархлар (тарифлар) қўлланилиши ҳолатлари аниқланганда асоссиз олинган маблағлар (даромадлар) корхона тегишли Давлат реестрига киритилган санада амал қилган нарх (тариф) билан корхона тегишли Давлат реестрига киритилган санадан бошлаб давр учун товарни сотиш ҳажмига кўпайтирилган унинг кейинчалик оширилиши натижасида шаклланган нарх ўртасидаги тафовут сифатида аниқланади.

Хўжалик юритувчи субект томонидан давлат томонидан тартибга солинадиган нархлар (таърифлар) нархларни тартибга солиш органида тасдиқланмасдан қўлланилиши ҳолатлари аниқланганда асоссиз олинган маблағлар (даромадлар) нархларни тартибга солиш органида тасдиқланган санада амал қилган нарх (тариф) билан кўрсатиб ўтилган санадан бошлаб бутун даврда товарни сотиш ҳажмига кўпайтирилган унинг кейинчалик оширилиши натижасида шаклланган нарх ўртасидаги тафовут сифатида

аниқланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг қарори. “Рақобат, табиий монополиялар, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун иш қўзғатиш ва уларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”. Тошкент ш., 2005 йил 12 октябрь. 225-сон. https://lex.uz/ru/docs/878462
2. Пардаев М.Қ., Аминов З.Ю. Хизмат кўрсатувчи корхоналар иқтисодий хавфсизлиги: муаммолар ва уларнинг ечимлари. Монография. Самарқанд.: “Зарафшон” нашриёти ДК, 2020. -220-бет.
3. Холиқулов А.Н., Усманова Д.Қ., Рахимов Х.А. Корхоналарни рақобатбардошлигини баҳолаш. Ўқув қўлланма. Самарқанд.: “Турон нашр” нашриёти, 2021. – 212-бет

А.Н.Холиқулов – СамИСИ доценти, и.ф.н.
Ф.А.Бадиров – СамИСИ магистранти

ИСТЕМОЛ БОЗОРИДА МОНОПОЛИЯГА КАРШИ БОШҚАРУВ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА РАҚОБАТБАРДОШЛИК ДАРАЖАЛАРИ ВА ТОВАР РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ

Аннотация: Мақолада истемол бозорида монополияга карши бошқарув тизимини такомиллаштиришда рақобатбардошлик даражалари ва товар рақобатбардошлигини баҳолаш мезонлари ва босқичлари, уларнинг амалиётда қўлланиш тўлиқ очиб берилган.

Калит сўзлар: Монополия, истемол бозори, рақобатбардошлик, монополияга карши бошқарув тизими, рақобатбардошлик даражалари, товар рақобатбардошлигини баҳолаш мезонлари.

Аннотация: В статье полно описаны уровни конкурентоспособности и критерии и этапы оценки конкурентоспособности товаров при совершенствовании системы антимонопольного управления на потребительском рынке, их применение на практике.

Ключевые слова: Монополия, потребительский рынок, конкурентоспособность, система антимонопольного управления, уровни конкурентоспособности, критерии оценки конкурентоспособности товаров.

Abstract: The article describes in detail the levels of competitiveness and criteria and stages of assessing the competitiveness of goods in improving the system of antitrust management in the consumer market, their application in practice.

Key words: Monopoly, consumer market, competitiveness, antitrust management system, levels of competitiveness, criteria for assessing the competitiveness of goods.

Иқтисодиёт рақобатбардошлиги барча бўғинлари (макродаражада) бир-бири билан боғлиқ. Улардан бирининг ривожланмаганлиги

бошқаларига салбий таъсир кўрсатади. Масалан, инновацион салоҳиятни юқори технологияларни фойдаланишга мослаштирувчи яхши ривожланмаган олий таълим тизимисиз ҳамда ишланма ва тадқиқотларни молиялаштирувчи самарали амал қилувчи молия тизимисиз амалга ошириб бўлмайди. Адолатли рақобат шарт-шароитларининг мавжуд эмаслиги ва ривожланмаган товарлар бозори инновацион маҳсулотга бўлган барқарор талабни ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини оширишга рағбатларни таъминламайди ҳамда миллий инновацион тизимлар ва инфратузилмалар, илмий-техник ишланмаларнинг тижоратлашмаганлиги уларни пировард истеъмолчига етиб боришига имкон бермайди. Ўзбекистон саноатининг ривожланиш хусусияти саноат тармоқларининг қайта ишлаш соҳаларида фонд қайтими ва меҳнат унумдорлигининг жадал ўсиш тенденциясига эришганлиги ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев томонидан қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармоннинг «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» деб номланган иловасида 3.2-банди «Таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига унинг рақобатбардошлигини ошириш» деб номланиб, унда «иқтисодиёт тармоқлари учун самарали рақобатбардош муҳитни шакллантириш ҳамда маҳсулотлар ва хизматлар кўрсатиш бозорларида монополияни босқичма босқич камайтириш; принципиал жиҳатдан янги маҳсулот ва технологиялар турларини чиқаришни ўзлаштириш, бунга асосан ички ва ташқи бозорларда миллий товарларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш» вазифалари белгилаб берилган. Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг асосида албатта таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига унинг рақобатбардошлигини ошириш масаласи туради. Иқтисодиётни модернизациялаш, ислоҳотларни чуқурлаштириш, янги ишлаб чиқариш қувватлари ва асосий фондларни яратиш, амалда фаолият юритаётган техника ва технологияларни янгилаш, уларни қўллаб-қувватлаш инвестицион жараёнларни нечоғли тўғри ва самарали амалга оширишга боғлиқдир. Шу боисдан ҳам, Ўзбекистон Республикаси давлат раҳбари томонидан ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, ишлаб чиқариш, транспорт-коммуникация ва ижтимоий инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишга қаратилган фаол инвестиция сиёсатини олиб боришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ҳар қандай мамлакатда ички бозорда рақобатнинг мавжудлиги бозор хўжалиги муваффақиятли фаолият кўрсатишининг асосий кўрсаткичи ҳисобланади, жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида, шу жумладан, ўтиш иқтисодиётга эга бўлган мамлакатларда рақобат тўғрисида қонунларнинг

қабул қилинганлиги ва мазкур масалалар билан шуғулланувчи миллий ташкилотларнинг ташкил этилганлиги ушбу ҳолатни тасдиқлаб турибди. Хусусан Ўзбекистонда Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси (Монополияга қарши қўмита) ташкил этилган бўлиб, унинг фаолияти республика иқтисодиётида рақобат муҳитини яратиш, мулкчиликнинг турли шаклларидаги корхоналар ва фирмалар, шу жумладан, мулкчиликнинг турли шаклларидаги корхоналар ва фирмалар хўжалик фаолиятини юритиш учун тенг рақобат имкониятларини барпо этишга йўналтирилган.

Миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлиги – бу иқтисодиётнинг муҳим кўрсаткичлари ҳолатини ташқи параметрларга нисбатан ялпи баҳолашни ўзида мужассам этган қиёсий тавсиф ҳисобланади, шу сабабли миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлиги халқаро рақобатда намоён бўлади.

Иқтисодиётнинг рақобатбардошлиги намоён бўлишнинг кўп даражали шаклларига эга:

- товарнинг рақобатбардошлиги;
- ходимнинг рақобатбардошлиги;
- товар ишлаб чиқарувчисининг рақобатбардошлиги;
- тармоқнинг рақобатбардошлиги;
- мамлакатнинг рақобатбардошлиги (ёки миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлиги).

Бунда рақобатбардошликнинг барча даражалари ўртасида жипс ички ва ташқи ўзаро боғлиқлик мавжуд. Мамлакат ва тармоқнинг рақобатбардошлиги пировардида муайян товар ишлаб чиқарувчининг рақобатбардош товар ишлаб чиқариш қобилиятига боғлиқ. Миллий иқтисодиётнинг “Барқарор стратегия, тузилма ва рақобатчилик” сифатида белгиланган рақобат жиҳатдан устунлигини шакллантиришнинг энг муҳим омилини кўриб чиқамиз. Демак, мамлакатда компанияни ташкил етиш ва бошқариш тенденцияларига таъсир кўрсатувчи маълум шароитларнинг мавжудлиги ҳам ички рақобатнинг хусусиятини белгилаб беради.

Товар рақобатбардошлигини баҳолаш асосан уч босқичдан иборат, булар қуйидагилардан иборат:

Биринчи босқич – бозорни таҳлил этиш ва қиёсий тарзда фойдаланиш учун энг рақобатбардош намуна-товарни танлаш. Намунани танлаш рақобатбардошликни таҳлил қилишнинг энг масъулиятли вазифаларидан бири ҳисобланади. Бу босқичда хатоларга йўл қўйиш жами иш натижаларини йўққа чиқариши мумкин. Намуна таҳлил қилинадиган товар мансуб бўлган товарлар гуруҳидан, шу бозорга хос, кенг доирада харидорлар ҳурматини қозонган бўлиши лозим.

Иккинчи босқич – иккала товарда қиёсланадиган томонлар мажмуини белгилаш. Шуни таъкидлаш лозимки, бозорга чиқариш мўлжалланаётган (лойиҳаланаётган) товар билан бозорда бўлган товарнинг параметрлари шунчаки оддий қиёсланадиган бўлса, рақобатчи

товарлар харидорлар эҳтиёжларини қай даражада қондира олиши ҳамда харидорларнинг келажакдаги талабларига қай даражада жавоб бера олиши масаласи эътибордан четда қолади. Шу сабабли ҳар қандай лойиҳа энг мукаммал маънода истеъмолчиларнинг эҳтиёжларини аниқ-равшан ифодалашдан бошланмоғи лозим.

Учинчи босқич – ташкилий параметрлар етказиб бериш шартлари, етказиб беришнинг бутлиги, кафолат муддатлари, шартлари ва бошқалар.

Товарнинг истеъмол параметрлари мажмуини аниқлаш – унинг рақобатбардошлигини таҳлил қилишдаги энг муҳим иш ҳисобланади. Шундан кейин бу параметрларнинг иерархияси белгиланади, бунда истемолчи учун энг муҳим бўлган томонлар биринчи ўринга кўйилади.

Таъкидлаш жоизки, рақобат жиҳатдан устунликларни шакллантириш учун меҳнатга ва ходимларнинг касбий кўникмаларини оширишга шахсий қизиқтириш ҳам муҳим рол ўйнайди. Сўнгги ўн йилликлар иқтисодий амалиёти шуни исботламоқдаки, буюк иқтидор ва қобилият соҳиблари миллат учун энг катта ва аҳамиятли ресурс ҳисобланади, чунки мамлакат эришаётган ютуқлар кўп жиҳатдан ушбу иқтидор соҳиблари танлайдиган таълимнинг даражаси ва хилига, қаерда ишлашни афзал кўришига, уларнинг ишлашига ва ҳаракат қилишига боғлиқ. Шунинг учун мамлакатлар инсонлар нуқтаи назаридан нуфузли ёки ундан миллий қаҳрамонлар етишиб чиқадиган иқтисодий фаолиятни рақобатбардош қилишга интилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Шавкат Мирзиёев Янги Ўзбекистон Стратегияси. – Т.: “O’zbekiston” нашриёти, 2021. – 464 бет.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги “2017-2021-йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида”ги ПФ–5308-сонли Фармони. – Тошкент, 2018 й.
3. Пардаев М, Хасанов Б., Исроилов Ж., Пулатов М., Эшбоев Ў, Холиқулов А.Н. Молиявий ва бошқарув таҳлили. Ўқув-қўлланма, Т.: Чўлпон, 2012, 400 бет
4. Пардаев М.Қ., Холиқулов А.Н., Жумаева Г.Ж. Инвестицион лойиҳалар таҳлили. Ўқув қўлланма. Т.: “Инновацион ривож -ланиш нашриёт-матбаа уйи”, 2021. – 252 бет.
5. Пардаев М.Қ., Холиқулов А.Н. Иқтисодиёт субъектларида омилли таҳлилни такомиллаштириш. Монография. Наврўз. –Тошкент. 2014, 236-бет
6. Холиқулов А.Н., Усманова Д.Қ., Рахимов Х.А. Корхоналарни рақобатбардошлигини баҳолаш. Ўқув қўлланма. Самарқанд.: “Турон нашр” нашриёти, 2021. – 212-бет
7. Холиқулов А.Н., Бердиқулов., Ибодов К.М. Таққослама менежмент. Ўқув-қўлланма, Т.: Иқтисод-молия нашриёти, 2021 йил – 162 бет.
8. Холиқулов А.Н., Махмудова Д.Р. Иқтисодиётни стратегик ривожлантириш шароитида кичик бизнесни бошқаришни такомиллаштириш. Монография. Самарқанд, СамДЧТИ нашр-матбаа маркази, 2020 йил – 126 бет

Н.З.Юлдашова – СамИСИ мустақил изланувчиси

АГРОСЕРВИСДА ЛОГИСТИКАНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

Аннотация: мақолада мамлакатимиз аграр тармоғида агрологистика хизматларининг ўрни ва аҳамияти ёритилиб, уларнинг ривожланишига таъсир этувчи омиллар келтириб ўтилган

Калит сўзлар: фермер хўжалиги, агросервис, агрологистика, инфратузилма, хизмат кўрсатувчи корхона, агросаноат, логистика, хизмат

Аннотация: в статье рассматриваются роль и значение агрологистических услуг в аграрном секторе страны и факторы, влияющие на их развитие

Ключевые слова: фермерское хозяйство, агросервис, агрологистика, инфраструктура, сервисное предприятие, агропромышленный комплекс, логистика, сервис

Abstract: the article discusses the role and importance of agrologistic services in the agricultural sector of the country and the factors influencing their development

Keywords: farming, agroservice, agrologistics, infrastructure, service enterprise, agroindustrial complex, logistics, servise

Қишлоқ хўжалиги тармоғи Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг муҳим таянчи саналади.

Аҳоли турмуш даражасини ошириш йўлида қишлоқ хўжалиги тармоғини барқарор ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга, чунки ушбу аграр тармоқ мамлакатимизда ЯИМнинг учдан бир қисмини ташкил қилади. Мамлакатда мавжуд ишчи кучининг чорак қисмидан кўпроғи бугун ушбу секторда фаолият юритади.

Рақамли иқтисодиёт шароитида аграр тармоқлардаги субъектларнинг етарли даражада алоқага киришмаганлиги, ўзаро ҳамкорликдаги бирлаштирувчи кучга эга бўлмаганлиги ва моддий оқимларнинг тўлақонли механизмининг ривожланмаганлиги ҳозирги даврнинг долзарб масаласидир.

Мамлакатимиз 2021 йилда ялпи ички маҳсулоти ҳажми жорий нархларда 620 817,2 млрд. сўмни ташкил этди. 2020 йилда эса - 580 203,2 млрд. сўмни ташкил этган, яъни 7% га ўсди. 2021 йил якуни бўйича ЯИМ таркибида хизматлар соҳаси - 9,5% ва қишлоқ хўжалиги - 4% ўсиши билан кўрсатилган

Мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг 38 % ва умумий корхоналарнинг

60 % хизматлар соҳасига тўғри келади[1].

“Логистика” сўзи юнонча сўздан олинган бўлиб, “ҳисоблаш ва фикр юритиш санъати, оқилона бошқариш тизими” деган маънони англатади. Логистика тизими савдо-сотиқ, тақсимот-таъминот, молия, хизмат кўрсатиш, транспорт, аҳборот каби йўналишларига бўлинади. Уларнинг

[1] 2021 йил 30 декабрда ўтказилган видеоселекторда Ўзбекистон Республикаси президентининг сўзлаган нутқи

орасида биринчи ўринни транспорт логистикаси эгаллайди[1]

Агрологистика эса аграр секторнинг комплекс ривожлантирувчи самарали йўналиш ҳисобланади. Агрологистика- хизмат кўрсатувчи мажмуа бўлиб, қишлоқ хўжаликда ишлаб чиқариш, маҳсулотларни қайта ишлаш ва савдо-сотиқ бўлинмаларни ўзида бирлаштиради, яъни қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг келиб чиқиш манбаларидан охирги истеъмолчиларигача бўлган моддий оқимларнинг самарали тизимидир. Асосий вазифалардан бири- аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини максимал даражада қондиришдир. Республикамизда агросервисда замонавий агрологистика марказларини қуришда кўрсатадиган ёрдами аграр секторда янги имкониятлар, йўналишлар ва янги касбларни яратишга ёрдам беради.

Хизмат тушунчаси – бу бирор-бир кимсага фойда келтирувчи ёки ёрдам берувчи ҳатти-харакатни англатади. Бировларнинг эҳтиёжини қондириш, яъни уларга хизмат кўрсатиш эса сервис деб атаймиз. Энди логистик фаолиятни кўриб ўтадиган бўлсак, моддий оқим истеъмолчисига турли хилдаги логистик хизматлар кўрсатишни билдиради. Логистик сервис етказиб берувчининг ўзи томонидан, ёки логистик сервисга ихтисослашган фирма томонидан амалга оширилади.

Истеъмолчи етказиб берувчи танлаганда унинг логистик сервис соҳасидаги имкониятларини албатта эътиборига олади, яъни етказиб берувчининг рақобатбардошлигига у таклиф этаётган хизматларнинг ассортименти ва сифати ҳам таъсир кўрсатади; яна бир жиҳати- хизматлар сафини кенгайтириш қўшимча харажатларга олиб келади.

2020 йилда умумий қиймати 1 459, 6 млрд. сўмлик 374,7 минг тонна йиллик қувватга эга 57 та лойиҳа (13 та замонавий агрологистика, 39 та қайта ишлаш ва 5 та импорт ўринни босувчи) ишга тушурилиб 1 979 та янги иш ўринлари яратилган.

2021 йилда умумий қиймати 3 859,2 млрд. сўмга ва йиллик қуввати 3 202 минг тоннага тенг 90 та (3 та йирик агрологистика, 17 та замонавий агрологистика, 61 қайта ишлаш ва 9 та импорт ўрнини босувчи) лойиҳалар ишга тушурилди.

2019-2021 йилларда мамлакатимиз ҳудудларининг Андижон, Бухоро, Жиззах, Самарқанд, Хоразм, Фарғона, Тошкент, Сурхондарё вилоятларида 145 гектар майдонда 3 млн.тонна қувватга эга 8 та йирик агрологистика марказларини ташкил этиш учун Жаҳон банкининг 65,0 млн.доллари ва Осиё тараққиёт банкининг 197,0 млн.доллар маблағлари жалб этилди.

Масалан: Самарқанд вилоятида йирик агрологистика марказларини қуйидагиларни белгилаймиз : Самарқанд туманида жойлашган “Multi Fruite Korea” МЧЖ (қуввати - 10 000 тн), “Самарқанд Гарден Пласт” МЧЖ (қуввати – 10 000 тн), “Оҳалик Олтин Боғи Меваси” МЧЖ (қуввати –

[1] Ғ.А.Саматов, И.Б.Рустамова, Ф.Р.Галимова. Логистика. Услубий қўлланма. Тошкент, ТошДАУ, 2012.-5б.

26 000 тн), ҳамда Жомбой туманида жойлашган “Мароканд Мева-Сабзавот” МЧЖ (қуввати – 20 000 тн) ва бошқалар.

Ҳар бир агрологистика марказида бир нечта агросервис хизматлари кўрсатилади: саралаш, қуритиш, қайта ишлаш, сақлаш, ташиш, етказиб бериш, божхона расмийлаштируви, озиқ-овқат хавфсизлигини сертификатлаш, мутахассислар маслаҳатлари ва ҳоказолар.

Мамлакатимизда аграр секторда оҳирги 2018-2019 йилларда 20 миллион тоннадан ортиқ мева-сабзавот етиштирилган. Ушбу маҳсулотларни саноат усулида қайта ишлаш даражаси бор-йўғи 15% ташкил қилиб, шундан 8% экспорт қилинди. Аграр соҳада инфратузилма етарли эмаслиги туфайли, мева-сабзавотларни йиғиштириб олиш ва сақлаш жараёнида 30% маҳсулотлар йўқотилмоқда. Шундай ҳолатларни бартараф эътиш мақсадида, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини йиғиб олиш, ташиш, сақлаш, қайта ишлаш, қадоқлаш ва экспорт қилишда агрологистика хизмат кўрсатувчи марказларини кўпайтириш ҳозирги замон талаби. Хозирги вақтда мамлакатимизда бор йўғи 30 та агрологистика марказлари мавжуд. Юртбошимиз томонидан шу борадаги муаммоларни бартараф этиш мақсадида, республикамизда агрологистика марказларини 140 тага етказиш вазифаси қўйилди; яъни Осиё тараққиёт банкининг имтиёзли кредити иштирокида Самарқанд, Тошкент ва Андижон вилоятларида агрологистика марказларини ташкил эътишни таъкидлади.[1]

Логистика хизматини йўлга қўйилиши аграр секторда агротехник қоидаларини ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш учун кенг имкониятларни яратади. Бу турдаги хизмат кўрсатиш фаолиятини жорий этиш Ўзбекистон Республикасининг бугунги кундаги сиёсатига тула мос келади ва ривожланиш, тараққий этиш учун кенг имкониятлар яратиб бериб, худуднинг иқтисодий – ижтимоий ўсиши ва барқарорлигига ўз хиссасини қўшади.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ташиш жараёни агрологистикасини ички ва ташқи бозорлар кесимида ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Ички бозорда агрологистика тизими асосан темир йул ва автомобиль транспортларидан ташкил топади. Агрологистика, АСМ тармоқларида маҳсулот ишлаб чиқариш, сақлаш, ташиш ва уларни сотиш жараёнларида талаб қилинадиган моддий, молиявий, аҳборот ва техник ресурслари оқимини тизимли равишда бошқариш имконини кенгайтиради. Шунинг учун, аграр сектор тармоқларида, хусусан корхоналарда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришни моддий-техник таъминлаш ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш, ташиш ва сотиш жараёнларида агрологистика тизимини ривожлантириш зарурати ҳозирги кунда долзарб масалалардан бири деб ҳисоблаймиз.

Агрологистика хизматларини ривожлантириш борасида, қуйидаги ишларни амалга ошириш лозим деб ўйлаймиз:

[1] www.gazeta.uz/uz - Ўзбекистон янгиликлари. 4 июл 2019й.

-етиштирилаётган маҳсулотларни реклама қилиш даражасининг юқори эмаслиги сабаб, реклама воситаларини кенгайтириш;
-маҳсулотларни сақлаш ва уларни ташиш учун техника ва технологияларни кўпайтириш;
-агрологистика хизмат турларини кўпайтириш;
-агрологистика хизматларини сифатини ошириш;
-агрологистика хизматлари самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичларини ишлаб чиқиш;
-агрологистика хизматаларини диверсификациялаш.

Хулоса сифатида шуни айтишимиз мумкинки, агрологистика тизими мураккаб тизим бўлиб, аграр секторда барча агросервис жараёнларини ўз ичига олади. Шундан қуйидаги келиб чиқади, ҳар бир логистика тизими ўзининг хусусиятига эга эканлигини, улар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик мавжудлигини инобатга олиш мақсадга мувофиқ бўлади. Аграр сектор тармоғидаги ҳар бир логистик тизимнинг фаолияти тармоқ маҳсулотлари хусусиятларидан келиб чиқади, ва уларнинг иқтисодий самарадорлиги ҳар бир логистик самарадорлигининг йиғиндисидан эмас, балки уларнинг ўзаро боғлиқлик даражасини ҳам инобатга олиш лозим деб ҳисоблаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг Президентининг қарори “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш ва озиқ-овқат саноатини янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2019 йил 29 июл, ПК-4406-сон, www.lex.uz
2. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари: www.stat.uz.

Ж. Қосимов –Қарши давлат университети мустақил тадқиқотчиси

МЕВА-САБЗАВОТЧИЛИКДА КЛАСТЕР-КООПЕРАЦИЯ ТИЗИМИ - ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШИ

Аннотация. Ушбу мақолада мева-сабзавотчилик соҳасида кластер-кооперация тизимини ташкил этиш ва ривожлантириш масалалари ёритилган.

Калит сўзлар. Мева-сабзавот, кластер-кооперация, экспорт, рақобат, сифат.

Аннотация. В данной статье рассматривается организация и развитие кластерное-кооперативной системы в сфере плодоовощной отрасли.

Ключевые слова. Фрукты и овощи, кластерная кооперация, экспорт, конкуренция, качество.

Abstract. This article discusses the organization and development of a cluster-cooperative system in the field of fruit and vegetables.

Keywords. Fruits and vegetables, cluster cooperation, export, competition, quality.

Республикамизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш, сақлаш, тайёрлаш, қайта ишлаш, сотиш, хизмат кўрсатиш, иш бажариш ва таъминот тизимида фаолият юритаётган турли мулкчилик шаклидаги корхоналар тубдан модернизация қилинмоқда. Ушбу стратегик жиҳатдан истиқболли ва йирик салоҳиятли тадбирларни самарали амалга ошириш агросаноат мажмуасида замонавий кооперация муносабатларига асосланган ташкилий, иқтисодий ва ҳуқуқий ҳамкорлик алоқалари шаклланишини талаб қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ- 4947-сон “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 майдаги ПҚ-4239-сонли “Мева-сабзавотчилик соҳасида қишлоқ хўжалиги кооперациясини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ва 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сон “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020–2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонида белгиланган вазифалар бўйича қишлоқ хўжалиги соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш, бозор муносабатларини кенг жорий қилиш, аҳолининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, соҳага инвестицияларни кенг жалб этиш, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат тармоғининг рақобатбардошлигини оширишга оид устувор йўналишлар белгилаб олинган. Уларнинг амалга оширилиши асносида янги хўжалик юритувчи субъектлар иш бошлашига замин яратилди.

Хусусан, хўжалик юритишнинг замонавий услублари ва илғор шакллари, жумладан турли ихтисослашувдаги кластерлар, қишлоқ хўжалиги бирлашмаларини (кооперация) ташкил этиш ва ривожлантириш бўйича тегишли чора-тадбирлар кўрилганлиги натижасида 77 та пахта-тўқимачилик кластери фаолияти йўлга қўйилди. Мева-сабзавотчилик кластерлари сони эса 66 тага етказилиб, уларга 19 минг гектар ер майдони ажратилди.

Республиканинг 8 та ихтисослашган туманида 41 та мева-сабзавотчилик йўналишидаги қишлоқ хўжалиги кооперацияси ташкил этилди ва улар маҳсулот ишлаб чиқара бошлади. Биргина мева-сабзавотчиликни ривожлантириш учун 7 та лойиҳа доирасида қиймати 381,7 млн. долларга тенг хорижий инвестициялар ўзлаштирилди

Дунё мамлакатларида мева-сабзавот маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сотишда кооперативларнинг улуши: Данияда 47-90 %ни, Нидерландияда 65-82 %ни, Германияда 30-65 %ни,Францияда 35-75 %ни ва Буюк Британияда 19-55 %ни ташкил этади.

Мамлакатимизда мева-сабзавот маҳсулотлар кооперацияси – бу ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишни ташкил этиш шакли бўлиб, унда алоҳида жисмоний шахслар ва субъектлар фаолияти ихтиёрийлик асосида бирлаштирилади. Вертикал (тармоқлараро) мева-сабзавот маҳсулотлар кооперацияси қиймат занжири бўйича ягона пировард мақсадга

йўналтирилган тармоқ корхоналари ўртасидаги ҳамкорликдир.

Мамлакатимиз экспорт салоҳиятини кенгайтириш, янги бозорларни ўзлаштириш натижасида мева-сабзавот маҳсулотлари экспорт ишлари амалга оширилмоқда.Қишлоқ хўжалиги соҳасида бутун дунё тажрибасида ўзини оқлаган янги тизим — кластер-кооперация тизимига ўтиш, улар фаолиятини ривожлантиришга жиддий эътибор қаратиб келинмоқда. Ҳозирда бу борада амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида республика бўйича мева-сабзавотчиликка ихтисослашган жами 47 та кластер ташкил этилиб, уларга 13,5 минг гектар ер майдони ажратиб берилган. Кластерлар ихтиёрида 15,9 минг тонна сиғимидаги музлаткич омборхоналар, 7810 тонна саралаш, 800 тонна калибрлаш, 4 та замонавий лаборатория, 119,8 минг тонна мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш, 23201 тонна мева-сабзавотни саралаб-қадоқлаш цехлари мавжуд бўлиб, 1046 доимий, 1085 та мавсумий иш ўринлари ташкил этилган. Қашқадарё вилоятида “Шахрисабз мева-сабзавот агрофирма” МЧЖда 70 гектар ва 9 киши , Яккабоғ туманида “Дармон фарма” мева-сабзавот хусусий корхонасида 1048 гектар ва 40 киши ва Қамаши тумани “Қамаши таморқа хизмати ” мева-сабзавот МЧЖ да 70 гектар ер майдони ва 9 доимий иш ўринлари ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикасида экспортбоп қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, экспорт қилувчи тадбиркорларни қўллаб қувватлаш ва рағбатлантириш бўйича кўпгина амалий ишлар қилиниши билан бир қаторда олиб борилаётган ислоҳотлар ўз натижасини бериши ва етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сифатини ошириш, экспортбоплигини таъминлаш аввало ушбу маҳсулотларнинг навини ривожлантириш, ўзимизнинг миллий сабзовот ва полиз экинлари уруғларини турларини яратиш муҳим омил касб этади. Бироқ ҳозирги кунда мамлакатимизда етиштирилаётган полиз ва сабзовот экинларининг уруғини асосан чет элдан олиб келинаётган уруғлар ташкил этади.

Олиб келинаётган чет эл полиз ва сабзовот экинларининг уруғларининг салбий томонлари нимада:

- Олиб келинаётган чет эл полиз ва сабзовот экинларининг уруғлари асосан бир марта экишга мўлжалланган бўлиб, ушбу уруғдан олинган ҳосилдан қайта янги ҳосил олиш имконияти йўқлиги;
- Олиб келинаётган чет эл полиз ва сабзовот экинларининг уруғлари ўзи билан йўлдош касалланиш ҳолатлари борлиги ва албатта ушбу касалликларни бартараф этиш учун чет элдан келтириладиган дори маҳсулотлари билан ишлов берилиши;
- Олиб келинаётган чет эл полиз ва сабзовот экинларининг уруғлари асосан гибрид уруғлар*(маълумот учун: дурагай уруғликлар — ирсияти ҳар хил навлар, турлар ва туркумдошларни чатиштиришдан олинган уруғликлар;)* бўлиб, табиий иқлим шароитига мослашиши мураккаб ва алоҳида қўшимча парвариш талаб этади.

Юқорида кўрсатилган ҳолатларни бартараф этиш учун қилинадиган

ҳаракатлар деҳқонлар томонидан қилинаётган ҳаражатларнинг кўпайишига олиб келади. Бу дегани маҳсулот етиштиришимиз учун уни уруғини олиб келиш, ўсимлик касалликларига қарши препаратларни сотиб олиш, озиқлантириш учун четдан келтириладиган минерал ўғитларни олиш ҳаракатлари хам чет эл валютасини Республикамиздан чиқиб кетишига олиб келиб, импорт эвазига қондирилади.

Олиб борилган илмий тадқиқотларда Ўзбекистон Республикаси мева-сабзавот етиштиришда ва кластер- кооперациясини ташкил қилишда улкан имкониятларга эга эканлиги аниқланди. Шу сабабли мамлакатимизда мева-сабзавотчиликни ривожлантиришда қўйидаги амалий таклифлар ишлаб чиқилди :

- қишлоқ хўжалигида институционал таркибий ислоҳотлар жараёнида кооперация муносабатларини шакллантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;
- қишлоқ хўжалиги ва инфратузилма соҳаси субъектлари ўртасида ўзаро шартномавий ва иқтисодий механизмларни такомиллаштириш асосида кооперация муносабатларини ривожлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;
- боғ ва токзорлар яроқсиз ҳолатга келиб қолгани сабабли уларни янги интенсив боғларга алмаштириш орқали иқтисодий самарадорлигини аниқлаш;
- миндақаларда ерлардан самарали фойдаланиш ва ҳосил бермаётган боғ ва токзорларни янгилаш;
- мева-сабзавотчиликда такрор ишлаб чиқариш жараёнларини ташкил қилиш, илғор технологиялар ва нав селекциялаш борасида янги инновацияларни жорий қилиш;
- қишлоқ хўжалигида ихтисослашган кластерлар фаолиятига мос иннова-цион кооперация муносабатларини шакллантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;
- қишлоқ хўжалигида кооперация муносабатларини ривожлантиришни дав-лат томонидан иқтисодий қўллаб-қувватлаш механизмларини такомиллаш-тириш бўйича таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони. 2.Ўзбекистон Республикаси Президенти 2019 йил 14 мартдаги «Мева сабзавотчилик соҳасида қишлоқ хўжалиги кооперациясини ривожлантириш чора-тадбирлари”ги 4239-сон қарори.

3Ўзбекистон Республикаси Президенти 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сон “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020–2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармони

4.Тошматов Р.Х. Ўзбекистон ҳудудларида мева-сабзавотчиликни ривожлантириш: методологияси, таҳлил ва прогноз. Монография “LESSON PRESS” 2017 й 124 б

О.Дж.Хусаинов – ҚарМИИ мустақил изланувчиси

ЧОРВАЧИЛИК ИНФРАТУЗИЛМАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАР

Аннотация.Мақолада чорвачилик тармоғига хизмат кўрсатувчи инфратузилма объектларини ривожлантириш ва уларнинг самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш бўйича илмий таклифлар берилган.

Калит сўзлар. Хизмат кўрсатиш, инфратузилма, чорвачилик, фермер хўжалиги.

Аннотация. В статье даны научные рекомендации по развитию объектов инфраструктуры, обслуживающих животноводческую отрасль и обеспечивающих их эффективную работу.

Ключевые слова. Услуги, инфраструктура, животноводство, сельское хозяйство и фермерство.

Abstract. The article provides scientific recommendations for the development of infrastructure facilities serving the livestock sector and ensuring their effective operation.

Keywords. Services, infrastructure, livestock, farming and farming.

Чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш, маҳсулотлар сифатини ошириш, бугунги кунда мамлакат аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз таъмин этишдаги энг муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Ўтган йиллар давомида республика бўйича чорва молларининг бош сони ортиб бораётганлигига қарамасдан, чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми ўсиши суръатлари нисбатан паст даражада сақланиб қолмоқда. Шунингдек, чорва моллари маҳсулдорлиги пасайиб бориши, аҳолини чорвачилик маҳсулотлари билан таъминлашнинг тиббий меъёрлар даражасига нисбатан камлиги, чорвачилик маҳсулотларини етиштирувчи хўжаликлар учун моддий-техник, ташкилий, иқтисодий ва ҳуқуқий соҳаларда кенг қамровли қўллаб-қувватловчи тадбирларни доимий равишда амалга ошириб боришни тақозо этди.

Чорва моллари бош сони ортиб бориши билан бир пайтда маҳсулот етиштириш ҳажми ўсиши суръати пастлиги бу биринчи навбатда чорва моллари маҳсулдорлигининг пастлиги билан изоҳланади. Чорва моллари маҳсулдорлигини ошириш эса хорижий тажрибалар кўрсатишича, тармоқда жуда мураккаб ва узоқ муддатли даврга мўлжалланган ислоҳот жараёнини амалга ошириш лозимлигини талаб этади.

Таҳлиллар кўрсатишича, ҳозирда чорвачилик маҳсулотлари асосий қисми (92-95%) деҳқон хўжаликларида етиштирилаётган бўлиб, моллар зотдорлиги ва ирсий хусусиятлари республикада сут ҳамда гўшт маҳсулотларини кескин кўпайтириш имкониятини бермайди. Бу эса деҳқон хўжаликлари ихтиёрида парваришланаётган чорва моллари зотдорлигини ошириш устида иш олиб бориш заруратини келтириб чиқаради. Бунинг учун чорва моллари зотини яхшилаш ва аҳолига зотдор

моллар етиштириб берадиган хўжаликлар тизимини яратиш шунингдек айниқса, қишлоқ жойларда зооветеринария хизматларини кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш аҳамиятли ҳисобланади.

Ҳудудий иқтисодий ривожланиш мақсадлари нуқтаи назаридан ёндашадиган бўлсак, чорвачилик тармоғи озуқа базасини мустаҳкамлаш, тармоққа хизмат кўрсатиш тизими, чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлаш соҳаларини ривожлантириш орқали қишлоқ оилаларининг даромадини ошириш, ҳудудда бандлик муаммосини бир қадар юмшатиш орқали иқтисодий ва ижтимоий масалаларни ҳам ҳал қилишга имкониятлар яратиш лозим.

Бугунги кунда юзага келган вазиятга кўра, сўнгги икки йил давомида мамлакатимиз раҳбарининг бевосита чорвачилик тармоғини ривожлантириш билан боғлиқ бўлган йирик иккита қарори айниқса муҳим аҳамиятли ҳисобланади. Жумладан, 2020 йил 29 январдаги ПҚ-4576-сон “Чорвачилик тармоғини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва 2021 йил 3 мартдаги ПҚ-5017-сон “Чорвачилик тармоқларини давлат томонидан янада қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари чорвачилик тармоғини ва унинг фаолияти билан боғлиқ инфратузилма бирликларининг жадал ривожлантиришдаги муаммоларни ҳал этишда айни муддао бўлди. Мазкур қарорлар бугунги кунда деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва мол бош сони кўпайтириш, хўжаликларни зотдор, сермаҳсул чорва мол билан, омухта ем ва ширали озуқа билан таъминлаш ва сотиш бўйича мавжуд ихтисослашган пунктлар тармоғини аҳоли пунклари бўйича қулай жойлаштириш, бунинг асосида қишлоқ аҳолисининг бандлик даражасини ошириш ва оилалар даромадини кўтариш, чорвачиликда банд бўлган аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, чорвачилик тармоғига хизмат кўрсатувчи объектларни ташкил қилиш, кредитлаш тизимини такомиллаштириш, шунингдек, деҳқон ва фермер хўжаликларига зооветеринария хизматлари кўрсатишда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш масалаларини кўзда тутмоқда.

Айни дамда чорвачилик тармоғи асосан ташкилий ва иқтисодий жиҳатдан мувофиқлаштириш жуда қийин бўлган хусусий тармоқ ҳисобланувчи деҳқон ва фермер хўжаликлари ҳисобига ривожланмоқда. Давлатнинг соҳани ривожлантириш билан боғлиқ қарорларининг ижросини бевосита ишлаб чиқарувчига етказувчи ва ишлаб чиқарувчи бўғиндаги хўжалик юритувчи субъектларнинг маҳсулот ишлаб чиқариш юзасидан пайдо бўладиган муаммоларини ҳал этиш билан шуғулланувчи давлат ва нодавлат мулкчилигидаги хизмат кўрсатувчи ташкилотлар тизимини шакллантириш зарурати ортмоқда. Яъни, деҳқон ва фермер хўжаликлари фаолиятини ривожлантиришга ҳудудий кесимда ва мамлакат миқёсида ижобий таъсир кўрсата оладиган сервис соҳасини ривожлантириш устида иш олиб бориш лозим. Шунинг учун ҳам, чорвачилик тармоғини ривожлантиришда соҳага хизмат кўрсатувчи

корхоналар тизимини эркин бозор шароитида ишлаши мумкин бўлган шакл ва усулларда ташкил этиш масаласи ўз ечимини кутмоқда.

Кўп сонли рақобатли муҳитда фаолият юритувчи деҳқон ва фермер хўжаликлари фаолиятини ривожлантиришда хусусий корхоналар фаолияти принципларидан фойдаланиш кўплаб устунликлар яратиб беради.

Хизмат кўрсатиш инфратузилма соҳалари ривожланиши чорвачилик тармоғида деҳқон ва фермер хўжаликлари, қайта ишлаш, савдо соҳаси корхоналари, маҳсулотларни тайёрловчи ташкилотлар ривожланиши учун ҳам шарт-шароитлар яратиб, уларнинг мақсадлари доирасига кириши орқали максимал фойда олиш, бутун бир тизимда ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулотлар нобудгарчилигини камайтириш, маҳсулот сифати ва рақобатбардошлигини ошириш имкониятлари юқорилиги билан аҳамиятлидир.

Инновацион иқтисодиёт шароитида чорвачилик тармоғига хизмат кўрсатувчи инфратузилма тизимини ривожлантириш жараёни бевосита ишлаб чиқаришни ривожлантириш жараёни билан биргаликда олиб борилишигина кутилган натижани бериши мумкин.

Чорвачилик тармоғига хизмат кўрсатувчи инфратузилма объектларини ривожлантириш ва уларнинг самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш нафақат тадбиркорлик субъектларининг муаммолари балки давлатнинг ҳимоясида амалга оширилиши лозим. Чунки қишлоқ хўжалиги тармоғи каби тармоққа хизмат кўрсатувчи тизим корхоналари ҳам доимий равишда давлатнинг кўмагига муҳтожлик сезади.

Айни пайтда таъкидлаш жоизки, аксарият ҳолларда хизмат кўрсатувчи субъектларнинг монопол вазияти ёки тармоқдаги рақобат муҳитининг етарли эмаслиги туфайли инфратузилма субъектларининг ривожланиши кўнгилдагидек юз бермайди.

Шунингдек, республикамизда кўпчилик ҳолларда қишлоқ ҳудудларида инфратузилма субъектларини ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини ривожлантиришда маъмурий усуллардан фойдаланилади. Масалан “ҳар бир туманда иккитадан хизмат кўрсатувчи шахобча ташкил этилсин” қабилидаги топшириқ асосида иш олиб борилади. Бу эса аксарият ҳолларда чорвачилик хўжаликларининг талабини ҳисобга олмайди натижада эса хизмат кўрсатувчи тузилмалар хизматининг зарур миқдордаги талаб билан қамраб олинмаслиги туфайли иқтисодий аҳволи ёмонлашиши ҳисобига моддий-техник базаси заифлашиб, хизмат сифати пасайиб боради. Бундан нафақат хизмат кўрсатувчи субъектлар балки энг аввало хизматлардан фойдаланувчи чорвачилик хўжаликлари зарар кўришади. Шунинг учун ҳам чорвачилик хўжаликлари учун кредит, солиқ, нарх-наво ҳамда инвестиция соҳаларида самарали иқтисодий йўналишларни белгилаб олиш асосида эркин бозор талабларига мос келадиган макроиқти-содий муҳитни шакллантириш орқали қишлоқ хўжалиги учун ишлаб чиқариш инфратузилма объектларини ривожлантириш йўлидан бориш лозим.

Ш.М.Каримова-- СамИСИ ассистент
Ф.А.Ахмеджанова – СамИСИ доцент, техника фанлари номзоди

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИДА РАҚАМЛАШТИРИШНИНГ МУАММОЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ

Аннотация. Мақолада хизмат кўрсатиш соҳасини рақамлаштириш муаммолари тасвирланган. Ушбу соҳанинг ривожланишидаги асосий тенденциялари таҳлил қилинади. Пандемия шароитида рақамлаштиришнинг саноатга таъсири кўрсатилган. Умумий овқатланиш корхоналари ишига рақамли технологияларни жорий этиш учун инвестицияларни жалб қилишнинг аҳамияти ҳақида хулосалар келтирилган.

Калит сўзлар: рақамлаштириш, рақамли иқтисодиёт, умумий овқатланиш, рақамли технологиялар.

Аннотация. В статье описаны проблемы цифровизации сферы услуг. Проанализированы основные тенденции развития данной отрасли. Указано влияние цифровизации на отрасль в условиях пандемии. Сделан вывод о важности привлечения инвестиций для внедрения цифровых технологий в работу предприятий общественного питания.

Ключевые слова: цифровизация, цифровая экономика, общественное питание, цифровые технологии.

Abstract. The article describes the problems of digitalization of the service sector. The main trends in the development of this industry are analyzed. The impact of digitalization on the industry in the context of a pandemic is indicated. The conclusion is made about the importance of attracting investments for the introduction of digital technologies in the work of public catering enterprises.

Keywords: digitalization, digital economy, public catering, digital technologies.

Замонавий дунё улкан тезликда ривожланмоқда. Глобал рақамлаштириш инсон ҳаётининг барча соҳаларини, шу жумладан умумий овқатланиш соҳасини ўзгартиради. Рақамлаштириш ва мижозларнинг талабларини ошириш корхоналарни тенденцияларга амал қилишга, янги технологияларни жорий этиш ва жараёнлар самарадорлигини ошириш орқали уларнинг рақобатбардошлигини оширишга ундайди. Ўзбекистон Республикасида умумий овқатланиш бозорини янада кенгайтириш учун катта салоҳиятга эга. Бироқ, умумий овқатланиш соҳасида рақамлаштиришни ривожлантириш йўлида турган муайян муаммолар мавжуд.

Умумий овқатланиш озиқ-овқат саноатининг энг истиқболли ва жадал ривожланаётган соҳаларидан биридир. Ушбу соҳанинг ўзига хос хусусияти - барча мақсадли аудиторияларни кўп томонлама қамраб олишдир. Умумий овқатланиш бозорининг ўсишининг асосий омиллари

қуйидагилардир: уй хўжаликлари даромадларининг ўсиши, озиқ-овқат маданиятининг ўзгариши, ассортиментни кенгайтириш ва янги технологик ечимларни жорий этишдир. Бугунги кунда овқатланиш соҳасини рақамлаштириш саноатни ривожлантиришнинг энг истиқболли йўналиши, рақобатбардошликнинг энг муҳим омили ва ўз-ўзини изоляция қилиш шароитида омон қолишнинг асосий ўлчовидир.

Рақамлаштириш-корхонанинг бизнес жараёнларига замонавий технологияларни жорий етишдир. Умумий овқатланиш корхоналари ишига рақамли ечимларнинг жорий этилиши уларнинг мижозлар билан ўзаро ҳамкорлик моделини ўзгартирмоқда. Масалан, ихчам ўз-ўзига хизмат кўрсатиш жойларини яратиш, онлайн-буюртма ва онлайн-бронларни фаол жорий этиш, рақамли технологияларга асосланган янги тўлов усуллари ва бошқа ечимлардир.Ўзбекистонда овқатланиш саноати барқарор ва жадал ривожланмоқда. Бу бозор таркибида энг катта улушини фастфуд эгаллайди. Саноатни ривожлантиришнинг ҳаракатлантирувчи кучи рақобатдир. Ҳар йили умумий овқатланиш бозорида рақобат кучайиб бормоқда, чунки умумий овқатланиш объектлари сони ортиб бормоқда. Жаҳон овқатланиш бозорининг товар айланмаси ҳажми ўсишда давом этмоқда.

Фастфуд корхоналари рақамли ечимларни бирлаштиришдан манфаатдордир, улар учун хизмат тезлиги асосий афзаллик ҳисобланади.

NPD Group тадқиқотларига кўра, фуқароларнинг кафе, ресторан ва ошхоналарга сарфлайдиган умумий таркибининг 51% фаст-фуд корхоналари томонидан эгалланган. Улар соҳани рақамлаштиришнинг ҳайдовчиларидир: улар озиқ-овқат ва қадоқлашни инновацион тушунчаларни,янги технологиялар туфайли мижозлар тажрибасини яхшилаш ва харажатларни камайтириш йўллари топишга қизиқишади.

Бугунги кунда умумий овқатланиш соҳасидаги рақамли технологиялар фаол қўлланилмоқда. Кафе ва ресторанлар ҳудудида бепул Wi-Fi зоналари пайдо бўлиб, у ерда шаҳар аҳолиси ва меҳмонларини жалб қилади.

Ундан ташкари умумий овқатланиш корхоналари кўпи овқат етказиб бериш хизматларидан фойдаланишимиз мумкин. Кафелардан каҳвани ташқарика олиб чиқишимиз мумкин. Кўпгина умумий овқатланиш корхоналарнинг ижтимоий тармоқларда ўз веб сайтлари ва саҳифалари мавжуд. Ундан ташқари корхоналарда электрон ва мобил тўлов имкониятларга эга. Рақамлаштириш янги мижозларни жалб қилади,шунинг учун корхоналар рақамли трансформацияга сармоя киритадилар. Технологиялар доимо ривожланмоқда, шунинг учун овқатланиш корхоналарининг мақсади нафақат технологияларни қўллаш, балки уларни доимо янгилашдир.

Замонавий технологик ва эксплуатацион ечимлар мижозга зарур хизмат кўрсатиш - буюртма берилган пайтдан бошлаб бир неча дақиқа

ичида кенг турдаги маҳсулот ва озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб бериш имконини беради.

Умумий овқатланиш соҳасини рақамлаштиришни ривожлантириш учун қуйидаги "чекловчи омиллар" номини олишимиз мумкин:

1. Сотилаётган маҳсулот сифатини баҳолашнинг мураккаблиги ва мижоз учун унинг параметрлаштирилиши.

2. Бизнеснинг қийинчиликлари янги форматга мослашиш.

3. Озиқ-овқат саноати вакилларининг нақд пул ишлаш афзаллиги.

4. Савдо муносабатларининг ҳуқуқий жиҳати ҳисобга олиниши керак бўлган жуда кўп қонунлардир.

5. IT платформасини шакллантиришда техник қийинчиликлар.

6. Катта сотувчилардан тайёр ечимлар етишмаслиги.

7. Рақамли технологияларни жорий етишнинг юқори қиймати ва мураккаблиги.

Ушбу муаммолар саноатни рақамлаштиришни мураккаблаштиради.

Бугунги кунда рақамлаштириш ва инновациялар овқатланиш корхоналарига иқтисодий инқироздан сақлашга ёрдам беради.

Ўз-ўзини изоляцияни салбий таъсирига қарамай, у бир афзаллиги ўрнига глобал иқтисодиётнинг рақамли компонент учун қобилиятлар бўлиши мумкин. Бугунги кунда рақамли хизматлар алоҳида аҳамият касб этди. Ўз-ўзини изоляция қилиш шароитида рақамли технологиялардан фойдаланадиган корхоналар рақобатбардош бўлиб бормоқда. Онлайн савдо ва озиқ-овқат маҳсулотлари ва озиқ-овқат маҳсулотларини уйга етказиб бериш айниқса долзарб бўлиб қолди. Чекланган ҳаракат онлайн-дўконлар қаторига талабнинг ошишига таъсир қилди. Янги ҳолатлар янги хизматларни келтириб чиқаради: бегоналар билан ўзаро таъсирларни камайтириш учун хизматлар контаксиз етказиб беришни бошлади. Курер буюртмани эшик олдида тақдим этади ва сиз банк картаси ёрдамида онлайн тарзда тўлашингиз мумкин.

Умумий овқатланиш соҳасида бизнесни рақамлаштириш ҳозирда тўлиқ амалга эмас, чунки у буюртмаларни қайта ишлашга, ташкилотнинг бошқарув тизимлари билан интеграциясига, интернет ва ижтимоий ахборот воситаларида маркетинг маълумотларини тарқатишга таъсир қилувчи кичик техник ечимларга асосланган.Келгусида рақамлаштиришнинг истиқболли йўналишлари янада мураккаб ечимлар, шу жумладан, маҳсулотлар технологияси интернетига, катта маълумотлар аналитикасига, робототехника, мобил тўловлар ва бошқа мобил технологияларга асосланган.

Рақамли технологиялар умумий овқатланиш корхоналарида ишлаб чиқариш жараёнини тезлаштириш, хизмат кўрсатиш сифати ва турларини сезиларли даражада кенгайтириш ва операцион самарадорликни ошириш имконини беради.

М У Н Д А Р И Ж А :

Пардаев М.Қ.	Инсон, олим, устоз, дўст...	4
Ибрагимов Н.А.	Устоз Исмат Тўхтаевич Абдукаримовни хотирлаб	5
Абдукаримов В.И.	О отце д.э.н., профессоре Абдукаримове Исмат Тухтаевиче, полученные от него уроки жизни	8
І ШЎЪБА. “УЧИНЧИ РЕНЕССАНСНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ШАРОИТИДА ИҚТИСОДИЁТНИНГ НАЗАРИЙ ВА МЕТОДОЛОГИК МУАММОЛАРИ ВА УЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШНИНГ СТРАТЕГИК ЙЎНАЛИШЛАРИ”		
Гулямов С.С. Пардаев М.Қ.	Ўзбекистонда учинчи рақамли ренессанс стратегиясининг асосий мақсади – ақлий капиталини ривожлантириш	10
Пўлатов М.Э. Пардаев М.Қ.	Маркетинг тадқиқотида танлаш ва статистик кузатиш усуллари, турлари ва уларнинг қисқача мазмуни	15
Пардаев М.Қ.	Мамлакат тараққиётининг стратегик йўналишлари ва уларнинг мазмуни	21
Исроилов Б.И., Наврузова Ф.А.	Солиқ маъмуриятчилигини тартибга солиш тизимини такомиллаштиришнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти	26
Наврўз-зода Л.Б.	Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг тадбиркорлик модели	31
Худайбердиев У.	Учинчи ренесансни шакллантириш шароитида тиббиёт хизматларининг аҳамияти	35
Мирзаев Қ.Ж., Жанзаков Б.К.	Иқтисодиётни давлат томонидан бошқаришда кластерлаш усулидан фойдаланишнинг муҳим хусусиятлари	38
Шадиева Г.М., Ширинбаева Д.	Рақамли иқтисодиёт хусусида айрим назарий қарашлар	41
Исмаилов Б.А.	Хизмат кўрсатиш корхоналари фаолиятини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари	45
Рустамова Ш.	Иқтисодиётнинг тармоқлар таркиби ва уни ривожлантиришнинг стратегик йўналишлари	50
Файзиев Ж.	Умумий овқатланишдаги инновацион фаолият йуналишлари	53
Ишонкулова Ф.А.	Особенности значения грузовых автомобильных перевозок для экономики Узбекистана в условиях становления Третьего ренессанса	57
Мирзаев К.Н.	Кичик бизнес субъектларини ривожлантиришда инновацион фаолиятнинг ўрни (Наманган вилояти мисолида)	60

Xamrayeva S.N. Mustafakulov Sh.	Dehqonchilik tarmog‘iga xizmat ko‘rsatuvchi infratuzilmani rivojlantirish yo‘llari	64
II ШЎЪБА. “ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИДА АҲОЛИ БАНДЛИГИ, ФАРОВОНЛИГИ, ЯШАШ СИФАТИ ВА ДАРАЖАСИНИ УЧИНЧИ РЕНЕССАНСНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ШАРОИТИДА ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ”		
Нормахматов Р. Пардаев Ғ.Я.	Мувозанатлаштирилган овқатланиш – инсон фаровонлиги ва яшаш сифати даражасининг муҳим омилларидан биридир	67
Навруз-Зода Б.Н.	Учинчи ренессансни шакллантириш шароитида камбағалликни қисқартиришнинг моноиқтисодий йўли	69
Нормахматов Р. Ғафуров А.Ж.	Фаол моддаларга бой озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмоли – аҳоли турмуш даражасини белгиловчи муҳим кўрсаткичидир	74
Хамракулова О.Д.	Инновационная деятельность – как фактор дальнейшего развития предпринимательства	79
Umarov I.Yu, Akramov I.M.	Xizmat ko’rsatish sohasining aholi bandligi, farovonligi, yashash sifati va darajasini uchinchi renessansi shakllantirish sharoitida oshirish masalalari	83
Бектемиров А. Бектемиров А.А.	Хизматлар бозорининг ривожланиши ва уларни таснифлаш	88
Раҳимов А.М.	Аҳоли яшаш жойида умумий овқатланиш хизматлари кўрсатишни ривожлантиришда эконометрик моделлаштиришнинг аҳамияти	91
Фахриддинова С.Ф.	Эластичность (упругость) спроса для малых предприятий	95
III ШЎЪБА. “УЧИНЧИ РЕНЕССАНСНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ШАРОИТИДА ТУРИЗМ СОҲАСИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИ, РИВОЖЛАНТИРИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ”		
Морева С.Н.	Анализ тенденций развития туристической отрасли в России	99
Абдуллаева З.И.	Тенденции развития гостиничного бизнеса в Республике Узбекистан и в зарубежных странах	105
Tuchkovska I.I.	Use of quest elements in modern tourism	108
Абдуллаева З.И.	Гостиничная сфера, как составная и основополагающая часть отрасли туризма в условиях инновационной и цифровой экономики	111
Рожкова Ю.А., Зобова Е.В.	Гостиничное предприятие как один из объектов туристско-рекреационного проектирования	115
Абдуллаева З.И.	Эволюция системы менеджмента качества гостиничных услуг	119

Абдуллаева З.И.	Понятие и значение качества в гостиничном бизнесе	123
Олтаев Ш.С.	Туризм соҳасини ривожлантиришдаги айрим муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари	127
IV ШЎЪБА. “ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА МЕНЕЖМЕНТ ВА МАРКЕТИНГНИ УЧИНЧИ РЕНЕССАНСНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ШАРОИТИДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ”		
Evgeniya Kaz Jie Zhang	Marketing case analysis: how to increase traffic	130
Солиева Г.А., Азизова Р.Б.	Ҳунармандчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сотиш жараёнларида маркетинг хусусиятлари	135
Evgeniya Mikhailovna Kaz Olushola Babatunde Joshua	Issues of Improvement of Management and Digital Marketing: Case of an International Consulting Company	139
Холмаматов Д.Ҳ	Улгуржи савдода маркетинг логистикасини ривожлантириш масалалари	142
V ШЎЪБА. “ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА УЧИНЧИ РЕНЕССАНСНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ШАРОИТИДА ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИНГ ЎРНИ ВА МОЛИЯВИЙ МУНОСАБАТЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ”		
Латипова Ш. М. Ҳожимуродов М.	Лизингга олувчини танлашнинг ўзига хос хусусиятлари	146
Shadieva G.M., Mirzaxodjayeva Sh.	Investitsiya salohiyatini Samarqand viloyatida oshirish mexanizmlari	149
Samiyeva G.T Otabekova G.O.	Faol investitsiya siyosatini amalga oshirish va samaradorligining ilmiy-uslubiy asoslari	154
Исмоилова С.	“Бюджетдан ажратиладиган маблағлар” ёки “бюджетдан молиялаштириш”ми?	157
Бўриев Ж.П.	Тижорат банкларининг акциялар бозоридаги иштирокини самарали ташкил этиш	160
Фарманов Жонибек	Қишлоқ хўжалиги корхоналари учун белгиланган солиқ имтиёзлари ва преференциялар бериш имкониятлари	163

VI ШЎЪБА. “УЧИНЧИ РЕНЕССАНСНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ШАРОИТИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ, ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ, АУДИТ ВА СТАТИСТИКА ФАНЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ”		
Kudbiev D. Tursunova D.D. Qudbiyev N.T.	Buxgalteriya hisobini avtomatlashtirish va raqamli texnologiyalardan foydalanish masalalari	168
Абруев Абдумалик	Минтақаларда ялпи ҳудудий махсулотларни ишлаб чиқариш ҳолати	172
Муйдинов Б.Н.	Учинчи ренессансни шакллантириш шароитида молиявий мустақиллик берилган олий таълим муассасаларида бухгалтерия ҳисоби фанини ўқитишни такомиллаштириш масалалари	178
Чилматова Д.	Харажат турларини гуруҳлаш ва таннархга олиб бориш усуллари	183
Oltayev Sh.S. Raximov A.A.	Davlat ishtirokidagi xo’jalik yurituvchi sub’yektlar holatining tahlili	186
Yahyoyev T.I.	Qurilish korxonalarida moliyaviy holat tahlilining ob’yektiv zarurligi va yo’nalishlari.	188
O’roqov F.O.	O’zbekiston aholisining statistikasi	192
Yahyoyev T.I.	Qurilish korxonalarining samaradorligini ifodalovchi ko’rsatkichlar hamda ularni tahlil qilishning konseptual asoslari	194
VII ШЎЪБА. “ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИНГ УЧИНЧИ РЕНЕССАНСНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ШАРОИТИДА САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА РАҚОБАТБАРДОШ КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МУАММОЛАРИ”		
Нормахматов Р.	Товаршунос-эксперт мутахассисларини тайёрлашга бир назар	200
Бердиева С.С.	Позиционирование высших учебных заведений Республики Узбекистан в мировом пространстве	203
Хамракулова О.Д	Проблемы подготовки кадров в сфере туризма в посткоронавирусный период восстановления экономики Узбекистана	209
Мирзаев Қ.Ж.	Кредит-модуль тизими: ўқув жараёнида янги имкониятлар	213

VIII ШЎЪБА. “ИННОВАЦИОН ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА УМУМИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОИЙ МУАММОЛАР”		
Пардаев Обид	Мамлакатимизда «рақамли сув таъминоти» жорий этишнинг ташкилий-иқтисодий механизмлари	217
Fuzaylova Nigina	Innovative Service in tourism and Hotel Industry	221
Мирзаев Қ.Ж. Жанзаков Б.К.	Рақамли иқтисодиёт шароитида инновацион кластерларнинг муҳим йўналишлари	226
Ходжаев Э.Н.	Мустақил давлатлар хамдўстлиги - 30 ёшда	231
Бектемиров А. Бектемиров А.А.	Хизмат кўрсатиш субъектлари фаолиятида рисклар ва уларнинг моҳияти	238
Аминов З.Ю., Раджабов А.А.	Рақобатга зид ҳаракатлар ва келишувларга барҳам беришда монопол юқори ва монопол паст нархни қўллаш аниқланганда чора-тадбирлар кўриш тартиби	240
Холиқулов А.Н. Бадиров Ф.А.	Истемол бозорида монополияга карши бошқарув тизимини такомиллаштиришда рақобатбардошлик даражалари ва товар рақобатбардошлигини баҳолаш мезонлари	243
Юлдашова Н.З.	Агросервисда логистиканинг ўрни ва аҳамияти	247
Қосимов Ж.	Мева-сабзавотчиликда кластер-кооперация тизими - қишлоқ хўжалиги рақобатбардошлигининг устувор йўналиши	250
Хусаинов О.Дж.	Чорвачилик инфратузилмасини ривожлантириш йўллар	254
Каримова Ш.М Ахмеджанова Ф.	Хизмат кўрсатиш соҳасида рақамлаштиришнинг муаммолари ва истиқболлари	257